

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**«ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ»  
ЙЎНАЛИШИ**

**«ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ  
ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ»  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ўкув-услубий мажмуа**

**Тошкент-2021**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ (ЭКИН ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)**

**"ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ  
ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ"**

модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент-2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи:      **А.Р.Анорбаев**-Ўсимликларни      ҳимоя      қилиш  
кафедраси профессори, к/х.ф.д.  
**А.Т.Холлиев**-Ўсимликларни      ҳимоя      қилиш  
кафедраси доценти, қ.х.ф.ф.д.

Тақризчи:      **М.А.Зупаров** – Агробиотехнология      кафедраси  
доценти

**Ўқув -услубий мажмуа ТошДАУ Кенгашининг 2020 йил 7 декабрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	12
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	19
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	101
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	176
VI. ГЛОССАРИЙ .....	181
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	190
ТАҚРИЗЛАР.....	192

## I.ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур мақсади - Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрида”ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришdir.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Мазкур ишчи дастурда олий таълим муассасаларида ўсимликларни зарарли организмларига қарши кимёвий, биологик ва бошқа усулларни қўллашнинг янги технологиялари, энтомофагларни қишлоқ хўжалик экинларининг зааркундаларига қарши қўллашда, ўсимликлар зарарли организмларига қарши замонавий микробиопрепаратларни қўллашнинг янги технологияларидан фойдаланиш, янги замонавий пестицидларни препарат шакллари ҳамда уларни зарарли организмларга қарши қўллашда замонавий технологиялардан фойдаланиш, гўза, галла, сабзавот-полиз, картошка, мойли экинлар, мевали боғларга зарар етказувчи асосий ҳашаротлар, каналар, нематодалар ва касалликларга қарши кимёвий, биологик кураш усулларини ўйғунлашган кураш тизимида қўллаш борасидаги назарий-услубий

муаммолар, тамойиллар, амалий ечимлар, илгор давлатларнинг тажрибаси ҳамда мёрий-хуқуқий хужжатларнинг моҳияти баён этилган.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Ўсимликларни ҳимоя қилишда замонавий воситалардан фойдаланиш” модулининг мақсади:** олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг тингловчиларини ўсимликларни заарли организмларига қарши кимёвий, биологик ва бошқа усулларни қўллашнинг янги технологиялари, энтомофагларни қишлоқ хўжалик экинларининг зааркунандаларига қарши қўллашда, ўсимликлар заарли организмларига қарши замонавий микробиопрепаратларни қўллашнинг янги технологияларидан фойдаланиш, янги замонавий пестицидларни препарат шакллари ҳамда уларни заарли организмларга қарши қўллашда замонавий технологиялардан фойдаланиш, ғўза, ғалла, сабзавот-полиз, картошка, мойли экинлар, мевали боғларга заар етказувчи асосий ҳашаротлар, каналар, нематодалар ва касалликларга қарши кимёвий, биологик кураш усулларини уйғунлашган кураш тизимида қўллаш борасидаги инновацион ёндашувлар асосида соҳадаги илгор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришга қаратилган маҳорат ва компетенцияларини такомиллаштиришдан иборат.

**“Ўсимликларни ҳимоя қилишда замонавий воситалардан фойдаланиш” модулининг вазифалари:** педагог кадрларнинг ўсимликларни заарли организмларига қарши кимёвий, биологик ва бошқа усулларни қўллашнинг янги технологиялари йўналишида касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ўсимликлар заарли организмларига қарши замонавий микробиопрепаратларни қўллашнинг янги технологияларидан фойдаланиш борасидаги ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-янги замонавий пестицидларни препарат шакллари ҳамда уларни заарли организмларга қарши қўллашда замонавий технологиялардан фойдаланиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилишнинг усуллари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- ўсимликларнинг касалликларга қарши кимёвий, биологик кураш усулларини уйғунлашган кураш тизимини қўллаш соҳасида ишлаб чиқариш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникмаси, малакаси ва копetenцияларига қўйиладиган талаблар:**

**“Ўсимликларни ҳимоя қилишда замонавий воситалардан фойдаланиш”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- пестицидларни амалиётда қўллаш тартибларини;
- заҳар ва заҳарланиш тушунчалари, пестицидларни зарарли организмларга кириш йўллари, заҳарни организмда ўзгариши ва ундан чиқарилиши;
- ўсимликларни ҳимоя қилишда энергия ва маблағ тежовчи технологияларни жорий этиш;
- ўсимликларни ҳимоя қилишда замонавий кимёвий воситалардан фойдаланиш;
- ўсимликларни зараркунандаларига қарши биологик кураш чораларини такомиллаштириш;
- ўсимликларни ҳимоя қилишда инновацион технологияларни жорий этиш;
- экинларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишда уйғунлашган кураш тизимини жорий этиш **каби кўникмаларига эга бўлиши:**
  - қишлоқ хўжалиги соҳасида мониторинг олиб бориш;
  - қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлигини башорат қилиш;
  - дала экинлар ҳосилдорлигига кимёвий воситаларнинг таъсирини аниқлашни дастурлашда замонавий методлардан фойдаланиш;
  - дала экинларининг минерал озуқаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;
  - дала экинларини сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаш **малакаларига эга бўлиши.**

- қишлоқ хўжалиги экинларининг заарли организмлар билан заарланиши бўйича мониторинг олиб бориш;
- қишлоқ хўжалиги экинларини заарли организмларини кўпайиши ва тарқалишини башорат қилиш;
- ўсимликларни заарли организмлардан ҳимоя қилишнинг кураш усуллари, воситалари ҳамда уларни уйғунлашган кураш тизимида қўлланилиши;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг карантин зааркунанда касаллик ва бегона ўтларини тарқалиши бўйича ҳамда уларга қарши кураш чораларини олиб бориш бўйича **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг уйғунлашган усуллари” ҳамда “Қишлоқ хўжалик экинлари касалликларини олдини олиш ва бартараф этиш усуллари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагог кадрларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ўсимликларни заарли организмларига қарши агротехник, биологик ва кимёвий кураш усуллари ва бошқа усулларни қўллашнинг янги технологиялари, энтомофагларни қишлоқ хўжалик экинларининг зааркундаларига қарши қўллашда, ўсимликлар заарли организмларига қарши замонавий микробиологик препаратларни қўллашнинг янги технологияларидан фойдаланиш, янги замонавий пестицидларни препарат шакллари ҳамда уларни заарли организмларга қарши қўллашда замонавий технологиялардан фойдаланиш, ғўза, ғалла, сабзавот-полиз, картошка, мойли экинлар, мевали боғларга заар етказувчи асосий ҳашаротлар, каналар, нематодалар ва касалликларга қарши кимёвий, биологик кураш усулларини уйғунлашган кураш тизимида қўллаш борасидаги инновацион ёндашувлар асосида йўналишлари профилига мос зарурый билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар.

## **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Жами</b>	<b>Аудитория ўқув юкламаси</b>		<b>Кўчма машғулот</b>
			<b>Назарий</b>	<b>Амалий машғулот</b>	
1.	Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг замонавий биологик ва кимёвий воситалари.	2	2		
2.	Қишлоқ хўжалик экинларининг зарарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий техникардан фойдаланиш.	2	2		
3.	Қишлоқ хўжалик экинларинизарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий агротехник, физик-механик тадбирларни қўллаш.	2	2		
4.	Қишлоқ хўжалик экинларинизарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.	2	2		
5.	Ғўза ва ғалла экинларининг асосий зарарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.	4		4	
6.	Мевали боғ экинларининг асосий зарарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.	2		2	
7.	Полиз экинларининг асосий зарарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.	2		2	
8.	Мойли ва дуккакли дон экинларининг асосий зарарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.	2		2	
9.	Сабзавот ва картошка экинлари зааркундаларига қарши курашда замонавий воситалар.	2		2	
10.	Иссиқхона экинларинизарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.	6			6
	<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>8</b>	<b>12</b>	<b>6</b>

## **НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу: Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг замонавий биологик ва кимёвий воситалари.**

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг замонавий биологик воситалари. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг замонавий кимёвий воситалари. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш истиқболлари.

**2-Мавзу: Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий техникалардан фойдаланиш.**

Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий техникалардан фойдаланиш. Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий техникалардан фойдаланиш. Қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологиялари.

**3-Мавзу: Қишлоқ хўжалик экинлари заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий агротехник, физик-механик тадбирларни қўллаш.**

Қишлоқ хўжалик экинлари заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий агротехник тадбирларни қўллаш. Қишлоқ хўжалик экинлари заарли организмлардан ҳимоя қилишда физик-механик тадбирларни қўллаш. Қишлоқ хўжалик экинлари заарли организмлардан ҳимоя қилишнинг инновацион технологиялари.

**4-Мавзу: Қишлоқ хўжалик экинлари заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.**

Ўсимликларни ҳимоя қилишда биологик воситалар турлари. Қишлоқ хўжалик экинлари заарли организмлардан кимёвий воситаларни турлари. Заарли организмларга қарши қўлланиладиган воситаларнинг самарадорлиги.

## **АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу: Ғўза ва ғалла экинларининг асосий заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.**

Ғұза әқинларининг асосий заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш. Ғалла әқинларининг асосий заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.

**2-Мавзу: Мевали боғ әқинларининг асосий заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.**

Мевали боғ әқинларининг ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш. Мевали боғ әқинларининг асосий заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситалардан фойдаланиш.

**3-Мавзу: Полиз әқинларининг асосий заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.**

Полиз әқинлари заарли организмлардан ва уларга қарши кураш чоралари. Полиз әқинларининг заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.

**4-Мавзу: Мойли ва дуккакли дон әқинларини асосий заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.**

Дуккакли дон әқинларини асосий заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш. Мойли дон әқинларини асосий заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.

**5-Мавзу: Сабзавот ва картошка әқинлари зааркунандаларига қарши курашда замонавий воситалар.**

Сабзавот ва картошка әқинлари зааркунандаларига қарши кураш воситалари. Сабзавот әқинлари зааркунандаларига қарши курашда замонавий воситаларни қўллаш.

## **КЎЧМА МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Иссиқхона әқинларинизарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш. Иссиқхона әқинлари заарли организмлардан қарши кураш усуллари. Иссиқхона әқинларинизарли организмлардан замонавий воситалар орқали ҳимоя қилиш технологиялари. Ўсимликларни заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш ишларини ташкил этиш.

## **П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **Хулосалаш» (Резюме, Beep) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### **Намуна:**

Мобил операцион тизимлар					
Android		iOS		Windows Phone	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзалли ги	камчилиги

**Хулоса:**

#### **“Кейс-стади” методи**

**«Кейс-стади»** - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-

натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хulosса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

**Кейс.** Мобил қурилма учун Андроид опреацион тизимининг 5.0 (API Level: 21) версияси учун илова ишлаб чиқилди. Сизнинг телефонингиздаги Андроид опреацион тизимининг версияси 4.3 (API Level: 18). Мобил иловани телефонингизга ўрнатиб ишга туширмоқчи бўлганингизда хатолик келиб чиқди. Яъни илова ишламади.

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш қўнималарини шакллантиришга хизмат қиласи. Мазкур технологиядан

маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр:** “**Полимарфизим объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий тамойилларидан биридир**”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш қўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга топширикларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи

вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

**“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий

муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Activity	илованинг бирорта ойнасини (интерфейс) бошқарувчи Java кенгайтмали файл	
adb (Android Debug Bridge)	SDK орқали иловани ишга тушурувчи дастур	
SDK (Software Development Kit)	андроид учун кутубхона	
JDK (Java Development Kit)	Java дастурлаш тили учун кутубхона	
Layout Resource	илова ойналарининг кўринишини сақловчи XML файл	
Manifest File	илова учун керакли барча маълумотларни XML файл (мисол учун: илова номи, интент фильтрлар, интернетга боғланиш)	
Service	илова орти хизматлар яратиш учун синф	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### Венн Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик

гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшигилгач, улар биргалашиб, қўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### **Намуна: Мобил илова маълумотларини сақлаш турлари бўйича**

#### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

#### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрлига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшигилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қутиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича

ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### **«Дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

Харакатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гурух баҳоси	Гурух хатоси
Андроид виртуал машинасини созлаш (AVD)					
Eclipse IDE ни ўрнатиш					
Керакли SDK версиясини юклаб олиш					
Андроид SDK Manager дастурини ўрнатиш					
Java учун кутубхона ўрнатиш (JDK)					
Eclipse учун ADT (Android development tools) plugin ни ўрнатиш					

### **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиган қисқа пресс-конференция.

#### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

#### **“Портфолио”методи**

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари ийғиндиси сифатида акс этади.

### III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-Мавзу: Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг замонавий биологик ва кимёвий воситалари.**

- 1.1. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг замонавий биологик воситалари.
- 1.2. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг замонавий кимёвий воситалари.
- 1.3. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг замонавий воситалари турлари ва улардан фойдаланиш истиқболлари.

**Таянч иборалар:** *биолаборатория, энтомофаг, тунлам, хон қизи, бракон, трихограмма, текинхўр, паразит, эндопаразит, экзопаразит, пардақанотлилар, фосфор, органик, пестицид, захар, таъсир, пуркаш, кимёвий, биологик, бирикмалар.*

**1.1. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг замонавий биологик воситалари.**

#### **Трихограмма (*Trichogramma pintoi Voeg*).**

Трихограмма майдо ҳашарот бўлиб, танасининг узунлиги 1мм дан кичикроқ қўнғир қорамтири ёки қора рангда бўлади. Олдинги жуфт қанотлари кенг хошияли ва аниқ ифодаланган тукли йқллари бор, орқа жуфт қанотлари эса қисқа, ипсизмон мўйловлари қисқа. Эркак трихограммаларда мўйловлари 3 бўғимли, сийрак узун тукли, ургочиларида эса 5 бўғимли, охирги учлари тўғнағиҳсизмон йўғонлашган бўлади.

Ургочилари ўз тухумларини зааркунанда хўжайин тухумига қўяди. Бунда улар янги қўйилган тухумларга кўпроқ тухум қўядилар.

Трихограмма паразити заарланган тухумлар қўқимтири товланувчи қора рангда бўлади.

Трихограмма қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ҳамма худудларда илдиз кемирувчи тунламлар, карам тунлами, ғўза тунлами (кўсак қурти), кичик қуруқлик тунлами (карадрина) каби тунлам ҳашаротларига қарши кенг қўлланилади. Олма қуртига қарши алоҳида туридан фойдаланилади.

Энг юқори самара олиш учун қўйидаги нормаларда чиқарилади. Дон куяси(ситатрога)да кўпайтирилган трихограмма 100 ўсимликда 1-2 тухум бўлганда 40000 дона, 3-4 тухум бўлганда 80 минг дона, 10-15 тухум бўлганда 100 ва 16-15 тухум бўлганда 120000 длна чиқарилади.

Юқори самара олиш учун айтиб ўтилган норма 9 марта чиқарилади. Мум куяси тухумида кўпайтирилган трихограмма қўллаш нормаси анча паст бўлади, яъни 100 ўсимликда 5 тухум кузатилса 1000 трихограмма 10-2 мингта, 30-6000 ва 50 тухум кузатилса 100000 трихограмма чиқарилади.

Трихограммани қўлланиш самараси бироз пастроқ яъни 30-80% атрофида бўлиб, бу бир қанча сабабларга боғлиқдир.

Олимларни кузатишича трихограмма тўрт тарафга баробар биринчи куни 8-10м, иккинчи куни 16, учинчи куни 20 м, масофага учид борар экан. Маккажухоризорда эса биринчи кунни ўзидаёқ эгат бўйлаб 20 бошқа икки томонга қараб 14м гача учид боради.

Трихограммани самарадорлиги кўп жихатдан метеорология шароитга, трихограммани сифатига, юбориш муддати, нормаси ва далага тарқатиш ҳолатига боғлиқдир.

Паразит биринчи марта апрел – март ойларида бегона ўтларга, бедага, маккажухорига, памидор, ловлаги ва бошқа экинларда турли хил тунламлар ва бошқа капалаклар тухумига қарши қўлланилади.

Гўза тунламина қарши трихограмма май ойининг III декадасидан бошлаб қўйилади.

Трихограммани чиқаришдан олдин ҳар бир далада (10га) диагонал – шахмат усулида 20 намуна олиниб, 5 ўсимлик қуриб чиқилади (беда ва бегона ўтларда 10м<sup>2</sup>). 100 ўсимликда 1-2 тухум кузатилса паразитни чиқариш муддати етганлигини билдиради. Паразит чиқариш нормаси 1:5 яъни 1та паразитга 5 зараркунанда норма ҳисобидан чиқарилади.

Трихограмма эрталабки ва кечки салқинда кўлда ёки механизация ёрдамида тарқатилади.

Қўл билан тарқатилганда ҳар 10-35 метр юргандан кейин баллон очилиб трихограмма чиқарилади. Тракторда чиқарилганда тракторга балонлар жойлаштирилиб олиб, бунда ҳам ҳар 10-35 метрда балон очилиб трихограмма чиқарилиб борилади.

## 1-жадвал

### Трихограмма энтомофагини кўпайтириш ва сақлаш

Иш давомийлиги (кунлар)	Бажариладиган ишлар мазмуни	Иш жихозлари	Иш босқичлари
<b>1. Трихограмма озукаси дон куяси(ситатрога)ни кўпайтириш.</b>			
1-3	<p><b>a) арпани зарарсизлантириши:</b> арпа қайноқ сувда(90<sup>0</sup>C) 60 сек ботириб 1-2 кун димлангач патнис(кювет)ларга 3-4 см қалинликда ёйилади.(ҳар бир кюветга 10 кг). Ҳар бир патнисга камида 5 жойига қоғоз қийқимларида 2 граммдан (жами 10гр) инкубацияга қўйилган ситатрога тухуми қўйилади.(ҳарорати 21-23<sup>0</sup>C,</p>	<p>Мех.лини я, кюветлар, 1000 кг арпа, қозон, ўчоқ.</p>	<p>Арпани ситатрога билил зарарлашга тайёрлаш ва дон куяси билил зарарлаш</p>

	намлиги $80\pm5\%$ )		
4-30	<p><b><u>б)арпани мех.линияга олиш:</u></b> 4-6 кун арпага тегилмайды (куртлар донга кириб кегунча) сүнгра капалаклар уча бошлагунча арпа ҳар куни намланиб борилади (1та кюветга 0,3-0,4 л/сув). Капалаклар уча бошлагач арпа ҳар бир касетага 10 кг дан (10 та бокс; 1000 касета) солиб мех.линиядаги боксларга ўрнатилиади.</p>	Мех.лини я жихозлари	Ситатрого капалаги учиши
30-40	<p><b><u>в)капалаклардан тухум йигиши:</u></b> Капалаклардан ҳар куни тухум йифиб олинади. (жами 6 кг ситатрого тухуми олишга эришилади. Шундан 1кг қайта кўпайтиришга 5 кг ситатрого тухумидан трихограмма ишлаб чиқаришда фойдаланилади.</p>	Мех.лини я жихозлари, музлатгич.	Капалаклардан тухум олиш.
	<p><b><u>г) ситатрого тухуминиң сақлаши:</u></b> Ситатрого тухуми <math>1-3^{\circ}\text{C}</math> харорат ва 85-90% ҳаво намлигига қисқа муддатли сақланади, яъни арпани қайта заарлаш учун 3-4 кундан кўп бўлмаган, трихограммани кўпайтириш учун эса 10 кундан кўп бўлмаган тухумландан фойдаланилади. Қизариб қолган тухумлардан олтинкўз кўпайтиришда фойдаланилади.</p>	Мех.лини я, музлатгич.	Ситатрого тухумини сақлаш ва ундан фойдаланиш.
<b>2. Трихограммани кўпайтириш.</b>			
40-50	<p><b><u>а)трихограммани жонлантириши:</u></b> совутгичларда сақланаётган трихограмма олиниб жонлантириш учун шиша банкаларга жойланади. Бу банкалар харорати <math>25-26^{\circ}\text{C}</math> ҳаво намлиги 75-80% бўлган хоналарда сақланади. 3-6 кун ўтгач банка ичидаги трихограмма уча бошлайди. Яхшилаб ювилган, ички деворлари намланган 3 литрли шиша банкаларга 10 гр дан ситатрого тухуми солинади, банкалар ёнбошлини айлантирилиб тухумлар ёпиштирилади.</p>	3 литрли шиша банкалар. Ситатрого тухуми 20%ли шакарли қиём. Ёритгичлар.	Трихограммани жонлантириш. Ситатрого ва банкаларни тайёрлаш.
	<p><b><u>б)трихограммани кўпайтириши:</u></b> ҳар бир банкани ичига 2 граммдан трихограмма туширилади, унинг оғзи мато билан бекитилиб, трихограммага 20% ли шакар</p>	5 кг ситатрого 1,25 кг трихогра	Трихограмман и кўпайтириш.

	<p>қиёми берилади.</p> <p>Орадан 5-6 кун ўтгач ситатрого тухумлари қорамтири тусга киради. Шундан сўнг тухумлар чўтка ёки фоз пати билан шиша деворларидан сидириб олиниб, уларни миқдори ўлчаниб, қофоз пакетларга санаси ёзиб қўйиб жойланади.</p>	<p>мма 3 литрли шиша банкалар, максус шёткалар (ёки парранда пати).</p>	
	<p><b><u>в)трихограммани сақлаш:</u></b> Етиштирилган трихограммани тезда далага тарқалишини иложи бўлмаса уни майший совутгичда (3-10°C ҳарорат, 80-90% намлиқда) 7-10 кун сақлаш мумкин. Трихограммани куз, қиш, пайтларида диапаузага киритиб 6 ой давомида сақлаш мумкин.</p>	<p>Музлатки ч.</p>	<p>Трихограмман и сақлаш 5 кг ситатрогадан 4 кг трихограмма. Жумладан 2,75 кг товар, трихограмма 1,25 кг трихограмма қайта кўпайтиришга кетади.</p>

### **Бракон (*Bracon hebetor* Say).**

Бракон (*Bracon hebetor* Say), пардақанотлилар туркумига кирувчи яйдоқчи хашарот. Бу энтомофаг ғўза тунлами, беда тунлами, карадрина, кунгабоқар парвонаси, маккажўхори парвонаси ва бошқа қўплаб капалак қуртларининг ташқи паразити ҳисобланади. Энтомофагнинг личинкалари зааркунанда қуртлари ташқи томонидан туриб озиқланаб қуртларни ўлишига олиб келадилар.

Танаси жигарранг тусда айрим холларда кўк рангда, мўйлови оч жигарранг. Танаси узунлиги 2,3-2,6 мм.

Ўзбекистонда диапаузага ўтган имаголик холида ўсимлик қолдиқлари остида ғўза, сабзавот далалари ва боғларда қишлиб қолади. Эрта баҳорда март-апрель ойларида хаво ҳарорати 13-15°C бўлганда имаголари қишлиш жойидан чиқадилар.

Имаголар бегона ўтлар, бедазор ва дараҳтларнинг гулларини нектари билан озиқланадилар.

Браконни биринчи авлоди бегона ўтлар ва бедада ўтади, сўнгра улар памидор ғўза, маккажухори экинларига ўтадилар.

Хаво ҳарорати 27-32 °C, намлик 75-80% бўлганда бракон 8-12 кун яшайди. Ёз ойларида қўшимча озиқланмаган имаголари 3-4 кун яшайди, гемолимфа билан озиқлантирилганда 13-15 кун, углеводлар билан

озиқлантирилганда 12-14 кун, углевод ва гемолимфа билан озиқлантирилганда 20-25 кун яшайды.

Хаво ҳарорати 28-30°C, бўлганда қўшимча озиқланган 1та урғочи имаго қунига 10-30 гача 32-35°C, бўлганда 60 тагача жами 250-300 та тухум қўяди. Бир суткада битта яйдоқли 100-150 гача қуртни чақиб шол қилиб қўйиш мумкин.

Табиатда бир мавсумда 9-12 авлод беради. Яйдоқчи 1та кўсак қуртига 60 тагача қўяди, мум парвонасига 20 тадан 60 та тухум қўяди. Ток қуртнинг 1 донасида 250 тагача паразит личинкалари бўлиши мумкин. Оталанган бракон урғочилари тухумидан ҳам эркак ҳам урғочи, оталанмаган тухумлардан фақат эркак браконлар чиқади. Бракон паразити асосан ўрта ва катта ёшдаги қуртларни заарлашни хуш кўради. Бу энтомофагни далага чиқаришда унинг учиш қобилиятини ҳам хисобга олиш лозим. X.Р.Мирзалиеванинг (1980) маълумотлари бўйича бракон далада 30м x 30м схемада қўлланилса яхши натижа беради. Маълумотларга қараганда суткалик хаво ҳарорати ўртача 28,3°C, шамол тезлиги 5-7 м/сек бўлганда урғочи паразит ҳар томонга биринчи қун 100 м, иккинчи қуни 250 м, учинчи қуни 350м, тўртинчи қуни 400, бешинчи қуни 500 ва олтинчи қуни 650 метргача учиб бориши аниқланган. Шу сабабли кўсак қуртига қарши браконни 1000 x 1000м схемада чиқариш қулай деб топилган. (Б.П.Адашкевич ва бошк., 1988).

З.Х.Сайдованинг маълумотларига қараганда (1989) бракон Тошкент вилоятида табиат шароитида 9 авлод бериб ривожланади. Қишлоғдан чиқиши апрел бошларига, қишлоғга кетиш октябрнинг 3-декадасига тўғри келади.

Браконни башорат маълумотларига асосан 100 ўсимликда 1-2 гача қурт пайдо бўлганда чиқарила бошланади. Агар 100 ўсимликда 1-2 қурт топилса (1га майдонда 1000-2000та қурт) бракондан яхши самара олиш учун 10 қун оралаб 3 марта 1:20 (1:15), 1:10, 1:5 чиқарилади. Бунда 1та урғочига 20та, 10 ёки 5 та қурт тўғри келади ( -жадвал).

Агар биринчи авлод қуртига қарши бракон чиқарилмаса иккинчи авлод қурт сони 100 ўсимликда 18-20га етиш мумкин. Бунда браконни самараси 75-80%-га тушиши мумкин. 1га майдондаги қурт сони қўйидаги формула билан топилади.

$$X = \frac{AB}{100}$$

Бу ерда:  $X$  – 1 га майдондаги қурт(тухум)сони

A – ўсимлик сони, бир гектарига

B – қурт(тухум)сони, 100 ўсимликда

Масалан 100 ўсимликда 2 та қурт кузатилган бўлса, 90см экилган ғўзада 110 минг та ўсимлик бор. Формула бўйича қўйидагини оламиз.

$$X = \frac{110000 \cdot 2}{100} = 2200$$

Демак, 1 га майдонда 2200 қурт бўлар экан. 1-инчи марта яйдоқчи чиқаришда 2200 : 20 – 110 урғочи (бракон)да жинслар нисбати 1:1 (демак

110x2-220та), иккинчи марта чиқаришда 2200:10 – 220 (220x2-440та) учинчи марта 2200 : 5 – 440 урғочи ёки 880 та иккала жинс чиқарилади(Мирзалиева Х. Маълумоти бўйича).

Ғўза тунламини ҳар бир авлодига нисбатан 3 марта паразит чиқарилади.1 чи марта зааркунандани 1-2 курти топилганда иккинчи ва 3 марта 7-10 кун оралаб чиқарилади

## 2-жадвал

### Бракон энтомофагини мум куя қуртларида кўпайтириш ва саклаш

<b>Иш давоми йлиги (кунлар)</b>	<b>Бажариладиган ишлар мазмуни</b>	<b>Иш жихозлари</b>	<b>Иш босқичлари</b>
<b>1.Бракон озуқаси - мум куя қуртини кўпайтириш</b>			
1-2	<p><i>a) мум куяга №1 озуқа тайёрлаш:</i> озуқани барча компонентлари яхшилаб аралаштириб 1 кун димлаб қўйилади, эртасига 120° хароарт 45 минут пиширилади.</p>	<p>10 кг №1 озуқа учун 5 кг кепакли ун, 1,7 кг шакар, 0,9 кг маргарин, 0,9 л сут 0,7 кг мева/қоқи. Термостат ёки қозон ванна.</p>	<p>Ёш қуртлар учун 10 кг мервали озуқа (№1 озуқа) тайёрлаш.</p>
3-22	<p><i>б) ёш қуртларни боқиши:</i> тайёр бўлган №1(мервали) озуқадан 10 та 3 литрли тоза банкаларга 1 кг дан солинади. Устига бир граммдан (10 та банқага 10 гранд мумкуя тухуми солиниб) банкалар 30-35° С харорат, 85-90% намлиқда 3-4 ёш қуртлар пайдо бўлгунча (18-20 кун) сақланади.</p>	<p>10 та 3 литрли шиша банка 10 кг №1 озуқа, 10 гр мумкуя тухуми.</p>	<p>Мум куя қуртларини 3-4 ёшгача боқиб парваришлап аш.</p>
22-30	<p><i>в) қурт босқишини садокда давом этитириши:</i> тайёр бўлган 10 банкадан 9 тасига қуртлар озуқаси билан 3 та садокка солинади ва қуртлар бракон энтомофаги ва олтинкўзга озуқа сифатида бериш учун №2(мервасиз) ва №3 (буғдой қайнатмаси) билан боқилади.</p>	<p>3 та садок (тунука яшик) ёки ванна №2 ва №3 озуқасидан 5-7 кг. №2 озуқаси №1 озуқасидан мерваси йўқлиги билан фарқланади.</p>	<p>Қуртлари катта ёшгача бракон кўпайтиришга ва олтинкўз учун боқилади.</p>

		№3 озуқаси 10кг буғдой 5 кг шакар, 3кг маргарин, 3 кг олма қоқини 30 литр сувдаги қайнатасидан иборат.	
22-60	<i>2) <u>қуртлардан мүмкүя капалаги ва түхүм олиш:</u></i> 1та 3 литрли банкадаги куртлар, илгаридан 150 граммдан №2 озуқаси солиб қўйилган 10та 3 литрли банкага бўлинниб солинади капалаклар учиб чиққунча №2 ва №3 озуқа аралашмаси билан боқилади. Капалаклар уча бошлагач банкалар 1 боғлам (5дона) дан досечка солинади ва хар куни капалаклар тухуми йиғиб олиниб мум куяни қайта қўпайтиришга ва трихограмма қўпайтиришга ишлатилади.	10 та 3 литрли банка, 10та боғлам досечка, 5 кг №2 ва №3 озуқа аралашмаси.	Мумкуядан тухум олиш
<b>2. Бракон энтомофагини қўпайтириш.</b>			
70-82	<i>a)<u>мүмкүяқуртларинитайёрлаи:</u></i> садоклардан 4-5 ёшқуртларитери болиниб чигаолдинда нқоғоз гармошкалар исолиниб қўйилган. 3 литрли шиша банкаларга 300 тадан солинади. Банкалар қора мато билан ёпилиб, қоронги жойда 4-5 соат қолдирилади. Куртлар қоғоз эгатчаларга кириб пилла ўрай бошлаганда банкаларга олдиндан 2 кун қўшимча озиқлантирилган бракон (хар банкага 100 тадан) имагоси солинади. 10-12 кун давомида заарланган куртлардан янги бракон имаголари учиб чиқади. Браконни ривожланиш учун оптимал харорат 25-30°C нисбий хаво намлиги 65-80% бўлиши лозим.	3000 та 3 литрли шиша баллон 30 000 та бракон, 0,3 кг асал	Бракон энтомофагини олиш (90000 курт X 5 бракон=45 0000 дона бракон; шундан 200000 дона урғочи:200 0=100га етади.)
<b>3.Браконни сақлаш.</b>			
	<i>a)<u>браконни сақлаш:</u></i> бракон совутгичда +8°C да сақлаш мумкин. Бунинг учун харорат 27°Cдан 16°C га		

	туширилади, ичига пайраха солинган банкаларга олдиндан 2кун асал би-лан озиқлантирилган браконлар тусирилади. Банка қопқо-ғига асал суртилган дока илиниб қўйилади. Ҳар 15-30 кунда бракон музлатгичдан олиниб 25°C да 2кун озиқланти-риш сўнгра харорат 16°C га тусирилиб, банкалар яна музлатгичга қўйилади. Бракон ҳам гемолимфа ҳам асал билан озиқланса 25-30 кун яшайди. Озиқланмаса 7-15 кун яшайди.		
--	---	--	--

### 3-жадвал

#### Олтинкўз энтомофагини дон қуяси-ситатрогада кўпайтириш ва сақлаш

Иш давоми йилиги (кунлар)	Бажариладиган ишлар мазмуни	Иш жихозлари	Иш босқичлари
---------------------------	-----------------------------	--------------	---------------

#### 1.Дон қуяси(ситатрога)ни кўпайтириш.

1-3	<b>a) арпани зарарсизлантириши:</b> 100 кг арпа қайноқ сувда(90-95°C) 60 сек ботириб 1-2 кун димлангач патнис(кювет)ларга 3-4 см қалинликда ёйилади.(хар бир кюветга 10 кг). Арпанинг намлиги 15-16% га тушгунча кутилади.	100 кг арпа, 100гр. ситатрога уруғи, қозон, ўчоқ.	Арпани тайёrlаш
-----	--	---	-----------------

3-28	<b>б)арани дон қуя билан заарлаш:</b> Хар бир патнисга камида 5 жойига қоғоз қийқимларида 2 граммдан (жами 10гр) инкубацияга қўйилган ситатрога тухуми қўйилади.(харорати 21-23°C, намлиги 80±5%) 4-6 кун арпага тегилмайди (қуртлар донга кириб кегунча) сўнгра капалаклар учун бошлагунча арпа ҳар куни намланиб борилади (1та кюветга 0,3-0,4 л/сув).	10 та кювет(мех. линия)	Арпани заарлаш
------	--	-------------------------	----------------

#### 2.Олтинкўзни кўпайтириш.

30-50	<b>a)олтинкўз личинкасини парваришлаш:</b> яхши капалак учун бошлаган арпадан ҳар бир 3 литрли шиша банкаларга 300 граммдан солиниб, 1-2 кун қўйилади, кейин 300	330 дона 3 литрли шиша банка, 99000 дона	Олтинкўзни боқишиш парваришлаш
-------	--	---	--------------------------------

	донадан инкубацияга қўйилган олтинкўз тухумидан ҳар бир банкага (330 банка X 330 дона тухум) солинади. (25-30°C харорат, 60-70% намлик).	олтинкўз тухуми.	
50-60	<b><i>б) олтинкўздан тухум олиш:</i></b> олтинкўз имаголари банка ичида уча бошлагач улар ҳар куни учириб олиниб, стерилланиб, ичига асал мум куя озукаси ва тухум қўйиш учун матолар солинган 3 литрли банкалар 50-60 тадан солиниб, олтинкўздан ҳар куни тухуми йифиб олинади (харорат 25-30°C намлик 65-70%). Олинган тухумлар вақтинча музлатгичда +5°Cда сақланади(25-30 кунгacha) ёки инкубация даврини ўтагач (3-4 кун далага чиқарилади.	500 та 3 литрли шиша банка 300 гр асал, 10000 тумум куя курти, матолар бўлакчалири.	Олтинкўз тухум олиш.
40-50	<b><i>г) олтинкўзни сақлаш:</i></b> олтинкўзни имагоси+4°C хароратда сақлаш мумкин. Бироқ бунда олтинкўзни хаётчанлиги икки марта камаяди. Ёш имаголарни диапаузага ўтказишидан олдин 5-7 кун асал билан озиқлантирилиши лозим.	3 литрли банкалар, музлитгич, (1та) асал (0,5кг)	100 кг арпадан 8-9 млн.дона тухум олинади.

Ҳозирги вақтда саноат асосида 30 га яқин бактериал препаратлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, бунда бациллюс тюрингиензис гурухига мансуб кристалл ҳосил қилувчи, спорали бактерияларнинг турли хил вариациялари асос қилиб олинган. Уларнинг бошланғич соф қисми мазкур бактерияларнинг спора-кристалл комплексидан, баъзи ҳолларда эса иссиқликка чидамли, сувда эрувчан экзотоксин (масалан битоксибациллин) дан иборатдир.

Заарли ҳашаротлар, бегона ўтлар ва касалликларни сонини биологик бошқариб туришда паразитлар, йиртқичлар ва микроорганизмлар катта аҳамият касб этади<sup>1</sup>

Спорали ва энтомопатоген бактерияларнинг экзо- ва эндотоксинлардан иборат кристалли қўшилмалари бактериал препаратларнинг асосий таъсир этувчи моддаси ҳисобланади. Таркибида споралар ва бактерия кристалларидан ташқари токсин ҳам бўладиган препаратлар тангачақанотлиларнинг қуртларигагина эмас, балки баъзи турлардаги қўнғиз личинкалари, ўсимлик битлари ва ўргимчакканаларга ҳам таъсир қиласди.

<sup>1</sup>Education Division Indian Council of Agricultural Research, New Delhi, April 2009, PLANT PROTECTION. Entomology, Nematology, Plant Pathology, BSMA Committee on Plant Protection, p.17

Препаратлар қуруқ ёки ҳўлланадиган кукун ҳолида чиқарилади. Улар 1 г препаратдаги миқдори (ҳар 1 граммда миллиард спора билан ифодаланадиган титр) жиҳатидан ҳамда биологик инсектицид активлиги (ҳар 1 граммда актив бирлик - ЕА г билан ифодаланиши) билан ҳам фарқланади.

Препарат таъсири у билан ишланган озуқани ҳашарот егандан кейин кузатилади, бунда барг шапалоғининг ҳар икки юзасига препарат суспензияси яхшилаб пуркалиши керак. Препаратлар асосан зааркунанданинг кичик ўшдаги қуртларига қарши курашда тавсия этилади. Ҳашаротлар ўла бошлиши учинчи-бешинчи суткада кузатилса, саккизинчи-ўнинчи суткада энг юқори самарага эришиш мумкин. Биопрепаратлар зааркунанданинг кейинги авлодига ҳам салбий таъсир кўрсатади – ҳашаротларнинг пуштдорлиги пасаяди. Препарат билан заарланиб, ўлмай қолган зотлар морфологик жиҳатдан нуқсонли бўлади ёки қўйилган тухумлардан қуртлар чиқмайди.

Юқоридагиларга асосланиб, бациллюс тюрингиензис (*Bt*) асосида тайёрланадиган препаратлар таркибига қараб уч гурухга ажратилади. Биринчи гурухга энг кўп бактериал препаратлар киритилиб, уларнинг дастлабки таъсир қилувчи моддалари спора ва эндотоксин кристалларидан иборат; иккинчи гуруҳ препаратларининг спора ва кристаллардан ташқари термостабил  $\beta$ -экзотоксини бор; учинчи гуруҳ препаратлар таркибига *Bt* бактериялари ишлаб чиқарадиган ва тозаланган токсинлар киритилади.

**Энтобактерин** қуруқ кукун бўлиб, 1 г да 30 млрд. ҳаётчан бациллюс тюрингиензис, V серотипининг споралари бўлади. Бу бактерия – *Bacillus thuringiensis* subsp. *galleriae* – XX асрнинг 50-йилларида катта асалари парвонаси эпизоотияси даврида касалланган ҳашаротдан ажратилган ва собиқ СССРда шу бактерия асосида илк бор бактериал препарат яратилган. Барг кемиравчи зааркунандалардан карам оқ капалаги, карам куяси ва парвоналар қуртларига қарши, бутгулдош сабзавот экинларида; ўтлоқ капалаги қуртларига қарши лавлаги ва бедада; мевали дараҳтларда барг кемиравчи қуртларга; узум баргўровчиси қуртларига ва бошқа капалаклар қуртларига қарши гектарига 1-7 кг гача қўллаш тавсия этилган. Ҳозирги даврда энтобактерин суюқ ва пастасимон шаклларда ишлаб чиқарилади.

**Дендробациллин.** Пахтачиликда дендробациллин, 30млрд. спора/г препарати кенг қўлланилган. Кейинчалик препаратнинг таркибида 60 ва 100 млрд. спора/г бўлган формалари ҳам ишлаб чиқарилган. Бу препарат спорали кристалл ҳосил қилувчи бактерия – *Bacillus thuringiensis* subsp. *dendrolimus* (*sotto*)нинг IV серотипи асосида ишлаб чиқарилади. У кулранг кукун бўлиб, асосан споралар ва инерт тўлдиргичлардан ташкил топган. Дендробациллиннинг препарат формалари, зааркунанда турлари ва экинларга қараб, гектарига 0,8 дан 4 кгга қадар қўлланилиб, ер механизмлари ёки авиация ёрдамида, гектарига 100-200 лсуспензия ҳолида пуркалади. Дендробациллин қишлоқ хўжалик экинлари зааркунандалари ҳисобланган тангачақанотлилардан карам куяси, карам оқкапалаги ва бошқа зааркунандаларга қарши ҳам қўлланилади.

**Лепидоцид П** (БА-3000 ЕА/мг). Препарат *Btsubsp. kurstakic* спора ва кристаллари асосида яратилган. XX асрнинг 80-йиллари лаборатория шароитида ун парвонаси эпизоотияси даврида Э.Р.Зурабова касалланган куртлардан *Bacillus thuringiensis* subsp. *kurstaki* нинг Z-52 штаммини ажратган. Препарат дастлабки шаклининг концентрацияси 100 млрд. спора/г титридан иборат бўлган. Бу бактериянинг бошқа кенжа турларидан фарқи – subsp. *kurstaki* 1 спора ҳисобидан 2-5 кристалл эндотоксин ҳосил қилишдир. Бу препарат ғўза ва бошқа экинлар ҳамда мевали ва манзарали дараҳтлар барг кемирувчи капалаклар куртларига қарши қўллаш учун тавсия этилган. Лепидоцид ғўзада кўсак қуртига қарши гектарига 1 кг нормада, 200 л суюқлик сарфланган ҳолда, 1980-1985 йиллари синаб кўрилган. Бунда унинг биологик самарадорлиги 85-90% га етган. Унинг стабилланган, титри 70 млрд спор/г бўлган янги кукун формаси 1990 йили М.В. Штерншис ва Э.Р.Зурабова ҳамкорлигига яратилган. Янги препарат формасининг фарқи – таркибидаги каолин сувда эрувчи ингредиент билан тўлиқ алмаштирилганидир. У концентрланган лепидоциддан узоқ муддат сақланиши билан ҳам фарқланади.

**Лепидоцид, СК** (БА-300ЕА/мг). Лепидоциднинг Берд биопрепаратлар заводида ишлаб чиқилган янги, суюқ препаратив шакли – суспензион концентрат – 1999 йили РФ давлат каталогига киритилган. Бу препарат шаклининг афзаллиги – замонавий техник воситалар УҚҲП (УМО, аэрозол генератор) ёрдамида суспензия ҳолида қўлланилишидир. Препарат карам, олма, ток ва бошқа ўсимликлар тангачақанотли зааркунанда ҳашаротларига қарши кураш учун мўлжалланган.

**Лепидобактоцид, Ж.** Препарат асосини 200 ЕА/мг титрли, биологик фаол *Btsubsp. kurstaki* спора кристаллари комплекси ташкил қилган. Препарат баргли ва игнабаргли дараҳтларнинг тангачақанотли зааркундаларига қарши курашда тавсия этилган.

**Дипел, ҲК (БА-16000 ЕА/мг).** Препарат *Btsubsp. kurstaki* спора кристалли комплекси асосида “Аббот” (АҚШ) фирмаси томонидан ишлаб чиқилган. Карамни тунламлар ва оқишлардан ҳимоя қилишга мўлжалланган.

**Дипел, СК (БА-16000 ЕА/мг).** Олдинги препаратдан суюқ шакли билан фарқланади. Препарат игнабаргли ўсимликларнинг тангачақанотли зааркунанда ҳашаротларига қарши кураш учун мўлжалланган.

**Бактокулицид (бактицид)** препаратининг асосини *Btsubsp. israelensis* нинг спорали кристалл комплекси ташкил қилади. Илк бор бу бактерия 1976 йили Исроил олимлари Л. Гольдберг ва И. Маргалит томонидан қон сўрувчи чивин личинкаларидан ажратилган. Россияда дастлабки бу кенжа тур асосида қишлоқ хўжалик микробиологияси БИТИ ва Киев университети ходимлари томонидан бактокулицид препарати яратилган бўлиб, у олдин қон сўрувчи ва майда пашшаларга қарши курашда тавсия этилган. Берд биопрепаратлар заводи бу препаратни “бактоцид” савдо маркаси остида ишлаб чиқара бошлади. Препарат кукун ҳолида ишлаб чиқарилиб, таркибида 100 млрд спор/г сақлайди. Исроилда ишлаб чиқарилган Vectobac WDG (намланувчи

гранула), *Vectobac G* (гранула), *Vectobac 12 AS* (эмульсия) шаклидаги биопрепаратлар Ўзбекистонда қон сўрувчи чивинлар личинкаларига қарши қўлланилиб, юқори самарага эришилган. Охирги йиллари бактоцид препаратини шоли ва шампиньон чивинларига ҳамда итузумдошлар говакловчиларига (Ушеков, 1994), малина новда галлищасига (Shternshis et al., 2002) қарши курашда фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

**Децимиd.** *Bt* subsp. *tenebrionis* спора кристаллари асосидаги Россиянинг дастлабки препарат аналоги “Биохиммашпроект” БИТИ томонидан колорадо қўнфизига қарши ишлаб чиқилди.

**Колорадо, СК.** Титри камида 20 млрд спор/г. *Bt* subsp. *tenebrionis* №16-8116 штаммининг спора ва кристаллари асосида яратилган. Штамм ҳосил қилувчи генетика ДавИТИ томонидан унда ҳаёт кечиравчи майда ва қора ун миталаридан ажратилган. Эндотоксин кристалларининг шакли ясси, тўғри бурчакли,  $\beta$ -экзотоксин ҳосил қilmайди. Колорадо препарати бир хил қоракулранг тусли бўлиб, картошка ва бақлажонда колорадо қўнфизига қарши кураш учун тавсия этилган. Кафолатланган сақлаш муддати  $-20^{\circ}\text{C}$  дан  $+20^{\circ}\text{C}$  гача ҳароратда 1 йил.

**Биотоксибациллин, П (БТБ) (БА-1500 ЕА/мг).** Препаратнинг асосини *Bt* subsp. *thuringiensis* ташкил қилади. Иккинчи гурух биопрепаратларига тааллуқли бўлиб, таркибида спора ва эндотоксиндан ташқари сувда эрувчи  $\beta$ -экзотоксин ҳам мавжуд. Қишлоқ хўжалик микробиология БИТИ томонидан ишлаб чиқилган. Таркибида  $\beta$ -экзотоксин бўлган биринчи Россия препарати. Кўп қишлоқ хўжалик экинларининг тангачақанотли зааркунанда ҳашаротларига, колорадо қўнфизи ва ўргимчакканаларга қарши қўллаш учун тавсия этилган.

Ўзбекистонда БТБ-202 препаратини ғўза пайкалларида гектарига 2-3 кг нормада қўллаб, кўсак курти ва карадринага қарши 80-86% гача самарага эришилган.

Зааркундалар оммавий тусда кўпайган йиллари экинларга бир йўла ғўза тунлами ва ўргимчаккана тушган тақдирда, препарат гектарига 4-6 кг ҳисобидан қўлланилган.

**Бикол, СП (БА-2000 ЕА/мг, титри 1 граммда камида 45 млрд. спора).** Препаратнинг асоси *Bt* subsp. *thuringiensis*, спора-кристалл комплекси ва  $\beta$ -экзотоксиндан иборат. Экоток (Москва) ИИБ томонидан ишлаб чиқилган, БТБ дан препарат шакли афзаллиги билан фарқланади. Карам ва олма тангачақанотли зааркунанда ҳашаротларига, картошка ва помидорда колорадо қўнфизи ва ҳимояланган грунтда ўргимчакканага қарши курашда тавсия этилган.

Таркибидаги  $\beta$ -экзотоксин препарат қўллаш доирасини, экзотоксин таъсир механизми ҳисобига, эндотоксинга нисбатан кенгайтиради. Экзотоксин нафақат ичақдан, балки ҳашарот танаси орқали ҳам таъсир қилади, спора-кристалл комплекси эса синергизм намоён қилади. Шунинг учун экзотоксин сақловчи препаратлар нафақат капалак қуртлари ва колорадо қўнфизи, балки ўргимчакканага қарши ҳам тавсия этилади.

**Турингин ва астур.** Учинчи гурух биопрепаратлари вакиллари бўлиб уларнинг асоси спорасиз токсинидир. Турингин – суюқ препарат, таркибида *Bt. subsp. thuringiensis* ажратадиган β-экзотоксин сақлади. Дастрлаб ҳайвонларни паразитлардан даволашда, кейинчалик, БТБ сингари, ўсимликлар ҳимоясида қўлланилган. Астур ҲК ва СК эндотоксин кристаллари *Bt. subsp. kurstaki* аспороген штамми асосида яратилган. 1997 йили карам, мевали резавор ва доривор экинлар тангачақанотли зараркунанда ҳашаротларига қарши курашда тавсия этилган.

**Псевдобактерин-2, суюқ.\*.** Препарат *Pseudomonas aureofaciens* нинг BS1393-штамми асосида РФА микроорганизмлар биокимёси ва физиологияси институтида тайёрланган. Титри  $2\text{-}3 \cdot 10^{9\text{-}10}$  ҳужайра/мл. Кузги ва баҳори буғдой ва баҳори арпа уруғларини илдиз чиришларга қарши дорилаш (1 л/т) ва ушбу экинларга ўсув даврида пуркаш (1 л/га), иссиқхоналарда эса бодринг ва помидор уруғларини дорилаш (0,1 мл/кг) ва ушбу экинларнинг қўнғир доғланишига қарши ўсув даврида пуркаш (10 л/га) учун тавсия қилинган.

Псевдомонадалар асосида РФА СБ цитология ва генетика институтида, Сибирь шароитларида бир қатор фитопатогенлар ўсиши ва ривожланишини юқори самара билан камайтирувчи ёки тўхтатувчи Бизар Плюс препарати ишлаб чиқарилган.

БЎБҲҚИТИ билан Краснодар комплекс биологик тажриба маркази тирик бактериялар, замбуруғлар ва уларнинг метаболитлари асосида ишлаб чиқарган **Дизофунгин** препарати маҳсулотларни сақлаш даврида касалликлардан ҳимоя қилишда келажакли ҳисобланади (Монастырский, 2003). Препарат токсиноген замбуруғлар (*Fusarium*, *Alternaria*, *Aspergillus*, *Micor* туркумларига мансуб турлар) ўсиши ва ривожланишини камайтиради ёки тўхтатади. Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган синов тажрибаларида Дизофунгин нафақат омборда сақланаётган донни, балки далада ўсаётган ўсимликларни ҳам касалликлардан ҳимоя қилган.

АҚШ да бактериялар асосида кўп препаратлар яратилган. Жумладан, Галлтрол (*Agrobacterium radiobacter*, 84-штамм асосида), Ноуталл (*A. radiobacter*, K-1026-штамм асосида), Компаньон (*Bacillus subtilis* GB103 ва бошқа штаммлар асосида), ҲайСтик N/T (*B. subtilis* MBI600 штамми асосида), Кодиак (*B. subtilis* GB103 штамми асосида), Дини (*Burkholderia cepacia* Wisc. асосида), Интерсепт (*B. cepacia* асосида), БайоЖект Спот-Лис (*Pseudomonas aureofaciens* асосида), Байо-Сейв 10LP, 110 (*Pseudomonas syringae* асосида), БлайтБен A506 (*Pseudomonas fluorescens* A506 штамми асосида), Даггер G (*P. fluorescens* асосида), Сидомон (*Pseudomonas chlororaphis* асосида) препаратлари ҳар хил иссиқхоналарда ва очик далада ўстириладиган экинлар, мевали ва манзарали дарахтлар, ток, цитрус экинлари ва бошқа экинларнинг ҳар хил касалликларига қарши сотувда мавжуд (Agrios, 2008).

### Замбуруғли микробиопрепаратлар

Ўсимлик касалликлари кўзғатувчиларига қарши ишлатишга мўлжалланган, замбуруғлар асосида тайёрланадиган бир қатор

биопрепаратлар мавжуд. Одатда бундай биопрепаратларни, қишлоқ хұжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг талабномаларига биноан, ихтисослашган фирмалар ёки минтақавий биолабораториялар ишлаб чиқаради.

Үсимликларни касалликлардан ҳимоя қилишда қўлланиладиган замбуруғ препаратларини икки гурӯхга бўлиш мумкин:

- антагонистик микроорганизмлар ва гиперпаразитлар тирик культуралари асосидаги препаратлар;
- замбуруғлар синтез қиласиган антибиотиклар асосидаги препаратлар.

Антибиотикларни фақат биологик ишлаб чиқаришнинг ихтисослашган, мураккаб технологик асбоб-ускуналари бўлган корхоналарида тайёрлаш мумкин (бу препаратлар ҳақидаги маълумотлар 13-бобда келтирилган). Тирик культуралар асосли биопрепаратларни биолабораториялар ёки фирмаларда ишлаб чиқариш мумкин.

Үсимликларни фитопатогенлардан ҳимоя қилишда *Trichoderma* туркумига мансуб бўлган замбуруғлар (*T. harzianum*, *T. viride* ва б.) энг катта аҳамиятга эга (13-бобга қаранг). Бу замбуруғлар асосида тайёрланадиган барча биопрепаратлар **триходерминлар** деб аталади ва уларнинг препаратив шакллари ишлатилган штамм, озуқа муҳит таркиби, ўстириш методи ва тайёр препарат титри билан боғлиқ ҳолда, ҳар хил бўлади. Россияда биринчи замбуруғ препарати ВИЗР да *T. viride* асосида ишлаб чиқарилган.

Триходерминларнинг ишлаб-чиқаришда қўлланиладиган асосий препаратив шакллари – қуруқ ва суюқ (нам) шакллардир. Одатда суюқ шаклда споралар юқорироқ ҳаётчанликка эга, препарат чанг ҳосил қilmайди, ишлаб-чиқаришда уни қуритиш учун сарф-харажат қилинмайди. Аммо бундай препаратни 12°C дан юқори бўлмаган ҳароратда фақат 2 ҳафтагача сақлаш мумкин.

**Триходермин Ж.** *T. viride* нинг ТВД-93 штамми асосида тайёрланган. Титр – 1 г препаратда камида 1 млрд конидия. Бодрингни илдиз чиришларга қарши суғориш (15-25 л/га) ва чиннигул қаламчаларига фузариоз сўлишга қарши пуркаш (6-8 л/га) учун қўлланилади.

**Триходермин, Г.** *T. viride* нинг ТВД-93 штамми асосида тайёрланган. Титри – 1 г препаратда камида 2 млрд конидия. Иссиқхоналарда бодринг уруғларини дорилаш (50 г/кг) ва кўчат экиладиган чуқурчаларга солиш (ҳар бир кўчат тагига 2 г) усуслари воситасида қўлланилади.

Новосибирск вилоятида *T. viride* нинг маҳаллий штамми асосида тайёрланган препарат буғдой илдиз чиришига қарши уруғ дорилаш ва тупроққа солиш (1 г тупроққа  $1,6 \cdot 10^4$  конидия) учун ишлатилган. Препарат ўғит (суперфосфат ва аммиак селитраси) билан бирга солинганда самараси ортган.

**Триходермин-С.** Препарат Красноярск давлат университетида тайёрланган. У фактат конидиялардан иборат ва таркибиде мицелий йўқ. Титри –  $6 \cdot 10^{10}$  конидия/г. Красноярск вилоятида буғдой ва арпа уруғларини дорилаш (2 кг/т) учун қўлланилган. Бунда арпа *Bipolaris sorokiniana* билан заарланиши 42-64% га ва *Fusarium* sp. билан заарланиши 62-77% га

камайган. Буғдойда ҳам бу касалликлар, мутаносиб равишда, 45-64% ва 41-70% га камайган.

Триходермин күпроқ иссиқхоналарда ишлатилади. Тупроқ патогенларига қарши уруғларни дорилаш айниқса юқори самара беради. Уларни экишдан 1-3 кун олдин конидиал-мицелиал қуқун билан чанглатилади. Титри 20 млрд конидия/г бўлган препаратнинг ўртача сарф-меъёри 1 кг уруққа 10 г. Уруғни триходермин билан КМЦ ва микроэлементлар аралашмаси ёрдамида микрокапсулалаш усули ишлаб чиқилган. Бундай ишлов олган уруғлар ҳам илдиз чиришлари билан кам заарланади, ҳам бодринг экинининг ўсиши ва ривожланиши жадаллашади. Уруғ дорилашдан ташқари препарат иссиқхона тупроғига солиш учун ҳам ишлатилади. Баъзан препарат ишлатишнинг икки усули ҳам қўлланилади. Уруғ экишдан олдин препаратни тупроққа ва торф блокларига солиш учун сарф-меъёр 12-15 г/м<sup>2</sup>, кўчат илдизларини ботириб олиш учун тайёрланадиган бўтқада – ҳар кўчат учун 0,5-1 г, кўчат экиладиган чуқурчаларга солишда эса – ҳар ўсимлик учун 1,5-3 г.

Триходерминни бир марта солиш ҳар доим етарли самара бермайди, шу сабабдан уни бир неча марта қўллаш талаб қилинади.

Новосибирск вилоятида триходерминни ўсув даврида 2-5 марта қўллаганда ҳар бир кв. м майдондан 3,5 кг қўшимча бодринг ҳосили олинган ва тупроқнинг фитосанитар ҳолати яхшиланган. Бодринг фузариоз сўлишига қарши эса препарат бир неча усулда қўлланилган: уруққа нам ишлов бериш; тувакларда торф-тупроқ аралашмасига солиш; кўчат ўтқазилгандан 2 ҳафта кейин тупроққа солиш. Натижада касаллик камайган, экин барглари юзасиниг ҳажми ва ҳосилдорлик ошган.

Красноярск ўлкаси иссиқхоналарида бодринг чиришларига қарши уч марта: кўчат икки чин барг чиқарганида препарат суспензияси билан сугориш, кўчат экиладиган чуқурчаларга солиш ва илдиз олган кўчатларни сугориш усули қўлланилади.

Триходерминни ўсимликларнинг ер усти касалликларидан химоялаш мумкинлигини аниқлаш учун биринчи тажрибаларни XX-асрнинг 80-йилларида МГУ да Г. Д. Успенская ва Сабзавотлар ИТИ да Н. Н. Гринько ўтказган. Эпифит микрофлора ва патогенлар ораларидағи муносабатларни ўрганиш орқали ер усти органларини касалликлар комплексидан ҳимоя қилиш усули яратилган. Унинг моҳияти – бодринг филлопланасидан ажратилган *Trichoderma harzianum* замбуруғи штаммидан тайёрланган мицелиал-конидиал суспензияни ўсимликларга профилактик пуркашdir. Антагонист замбуруғни олдиндан барглар юзаларига киритиш у ердаги патогенлар тўқимага киришига, демак, инфекцион жараён ривожланишига йўл қўймайди. Бунда ўсимликларга концентрацияси  $5 \cdot 10^5 - 5 \cdot 10^7$  конидия/мл бўлган препарат суспензияси пуркалади, ишчи эритма сарф-меъёри - 700-2000 л/га. Триходермин баргларга яхши ёпишиши учун суспензияга КМЦ қўшилади. Кўчатларни кўчириб эккак уларга уч марта – олдин 7-8 чин барг фазасида, кейин ҳар 10-12 кунда яна 2 марта – ишлов берилади. Натижада


бодринг аскохитоз, кулранг ва оқ чиришлар ҳамда құнғир дөгланиш билан заарланиши кескин камаяди.

Помидорга триходермин пуркаш оқ ва кулранг чириш, вертициллөз вилт, альтернариоз ва кладоспориоз каби касалликлар ривожланиши сусайиши ёки тұхташини таъминлайды. Үндан ташқары, *Trichoderma harzianum* замбуруғидан тайёрланган триходермин пастаси билан бодринг ва помидор поя чиришига қарши кураш усули ҳам яратилған. Бу препаратта бактофит ёки планриз құшиб қўллаганда бодрингнинг чин ва сохта уншудринг касалликлари ривожланиши камайиши ёки тұхташига эришилған. *T. koningii* асосида тайёрланған препаратни иссиқхонада ўстирилған бодрингда жанубий галл нематодасига қарши самара билан ишлатилгани ҳақида маълумотлар мавжуд.


Ўзбекистонда *Trichoderma lignorum* замбуруғи (1-расм) асосида яратилған биологик препарат иссиқхоналар ва очиқ далаларда сабзавот экинларининг илдиз чириши, ғүзанинг вилт, картошканинг ризоктониоз ва бошқа касалликларга қарши қўлланилиши мумкин. Препарат тупроққа солиниши ёки уруғ ва кўчат экилишидан олдин тупроққа киритилиши мумкин.



**1-расм.** Триходерминнинг бирламчи маҳсулотини пробиркаларда кўпайтириш



**2- расм.** Триходерма замбуруғининг паразитлик хусусияти(Keith Davies, Yitzhak Spiegel, 2011)



Ушбу препарат қуруқ ҳўлланувчан кукун (ҚҲК) бўлиб, 1 г да 6-10 млрд. спора бўлади, суюқ триходерминда эса споралар сони 1 г да камида 1 млрд.

Қишлоқ хўжалигининг бир қатор тармоқларида – пахтачиликда, ғаллачиликда, картошкачиликда, сабзавотчиликда (помидор, карам, қалампир, бақлажон, сабзи, пиёз), полизчиликда (бодринг, тарвуз, қовун), гулчиликда (чиннигул, хризантема, атиргул ва б.), гул, сабзавот ва мева кўчатларини етиштиришда учрайдиган илдиз чириш, сўлиш ва бошқа касалликларга қарши ҳамда тупроқдаги инфекцияни йўқотишида биологик кураш чораси сифатида триходерма замбуруғини препарат шаклида ва қаттиқ субстратларда ўстирилған тирик культурасини ишлатиш тавсия этилади.

Триходерма юқоридаги касалликларни йўқотишдан ташқари тупроқ орқали сўрилиб, ўсимликнинг бутун танасига тарқалиб, экинларнинг касалликларга нисбатан чидамлилигини оширади ва ҳосилни сақлаб қолади.

Қишлоқ хўжалик экинларининг чиқиндилари асосида ишлаб чиқилган триходерма 600-700 граммдан целлофан пакетларга, суюқ шакли эса 500 мл сифимли пластмасса идишларга қадоқланган ҳолда чиқарилади<sup>2</sup>.

*Триходермани қўллаш.* Ёзга ва буғдой экиладиган майдонларга чигит ёки уруғлик донни экишдан олдин 120-150 кг/га микдорда тупроққа солинади ёки экинларга биринчи ишлов бериш даврида уни тупроққа киритиш тавсия этилади.

Битта полиэтилен пакетдаги триходерма бир йиллик экинларнинг 15-20 та, мевали ва манзарали дараҳтларнинг 5 та қўчати тагига, экиш билан бирга ва вегетация давомида солишга мўлжалланган.

Пластмасса идишларга солинган триходерма суюқлиги 150-200 грамм уруғни 10-12 соат давомида ивitiшга ва 5-10 майда қўчатларнинг илдизини 30-40 дақиқа ботириб қўйишга мўлжалланган.

Триходерма солинмаган ва уруғ ҳамда қўчатларга ишлов берилмай экилган далаларда ўсув даврида юқорида қайд этилган касалликлар кузатилса, қаттиқ субстратдаги ва суюқ ҳолдаги триходерма айтилган микдоридан 2-3 баравар қўпайтириб, ўсимлик тагига тупроққа солиниши керак.

Кўчат етиштириладиган майдоннинг ҳар 1 м<sup>2</sup> ига 1,5-2 целлофан пакет триходерма экинларнинг уруғи экилмасдан олдин солинади .

БМЭИТИ да кунгабоқар оқ чиришига қарши пеницилл замбуруғи асосида маҳсус препарат – вермикулен – яратилган.

**Вермикулен, ПС\*.** Препарат тирик *Penicillium vermiculatum* антагонист замбуруғидан тайёрланади. Титри – 1 г препаратда камид 5 млрд конидия. Оқ чиришига қарши кунгабоқар уруғларига, намловчи ва ёпиштирувчи моддалар қўшиб, ишлов бериш учун қўлланилади (0,2 кг/т). БМЭИТИ маълумотларига кўра, кунгабоқар оқ чиришига қарши Краснодар ва Ставрополь ўлкаларида, Ростов, Воронеж, Волгоград ва Белгород вилоятларида ўтказилган синовларда препарат самарадорлиги 63-98% ни ташкил қилган, ундан ташқари, патогенлар ривожланиши кам ёки ўртача бўлган инфекцион фон шароитида, фомопсисга қарши ҳам анча самара берган.

АҚШ да замбуруғлар асосида 20 тадан кўп препаратлар яратилган. Улар қаторига олдин эсга олинган Байофунгицид AQ10, Аспир ҳамда Байотокс С (апатоген *Fusarium oxysporum* асосида), Фузаклин (апатоген *F. oxysporum* асосида), Контанс WG ва Интерсепт WG (*Coniothyrium minitans* асосида), ДайТера Байоконтрол (*Myrothecium verrucaria*. асосида), Полигандрон (*Pythium oligandrum* асосида), Примастоп (*Gliocladium catenulatum* асосида), РутШилд, ПлантШилд, Т-22 Плантер бокс (*Trichoderma harzianum* Rifai,

<sup>2</sup>Keith Davies, Yitzhak Spiegel, Editors Biological Control of Plant-Parasitic Nematodes: Building Coherence between Microbial, Ecology and Molecular Mechanisms, © Springer Science+Business Media B.V. 2011, p.201)

KRL\_AG2 ва T-22штаммлари асосида), Ф-стоп A506 (*T. harzianum* асосида), СоилГард (ГлиоГард) (*Gliocladium virens* GL-21штамми асосида), БИНАБ Т (*T. harzianum* ва *T. polysporum* асосида), Промоут (*T. harzianum* ва *T. viride* асосида), Ротстоп (*Phlebia gigantea* асосида), Триходекс (*T. harzianum* асосида), Трихопел ва Трихожект (*T. harzianum* ва *T. viride* асосида) препаратлари киради. Улар ҳар хил экинларнинг турли қасалликларига қарши сотувда мавжуд (Agrios, 2008).

### **Вирусли микробиопрепаратлар**

Булар қаторига таъсир механизми ҳар хил бўлган иккита вирус биопрепаратлари киради: заифлашган томат мозаикаси вируси асосида тайёрланадиган вакцина ва пентафаг препарати. Помидор ўсимлигининг вакцинация жараёни 15-бобда келтирилган.

**Пентафаг, Ж.** Биопрепаратни *Pseudomonas syringae* фитопатоген бактериясининг гиперпаразитлари ва бактериофаги комплекси асосида белорус олими А. Ф. Былинский ишлаб чиққан. Пентафаг мевали дaraohtlar ва сабзавот экинларининг ҳар хил бактериозлариға қарши профилактик ва даволовчи таъсирга эга. Тўғри қўллагандаги биопрепарат мевали дaraohtlarни бактериал рак, данакли дaraohtlarни тешкли доғланиш ва бодрингни серқирра доғланиш қасалликларидан деярли тўла ҳимоя қилади. Ундан ташқари, тажрибаларда пентафаг помидорнинг бактериал доғланиши, тамакининг чўтири (доғланиш – рябуха), ловия, соя ва ўриснўхатнинг бактериоз қасалликларига қарши самараси ўрганилмоқда; ўсимликлар уншудринг ва калмараз билан заарланишини камайтириши ҳам аниқланган.

Биопрепарат таъсир механизми вирус кириши натижасида фитопатоген бактерияларнинг ҳужайралари емирилиши билан ифодаланади. Ҳар бир заарланган ҳужайра нобуд бўлгандан кейин, ундан 100-200 та янги вирус чиқади ва улар янги бактерия ҳужайраларини заарлайди. Айни пайтда табиий антагонист микроорганизмлар кўпайиши жадаллаштирилади.

Медико-биологик тажрибалар пентафагнинг инсон ва ҳайвонлар учун хавфсиз эканлигини кўрсатган. Уни метафос, Би-58 ва уларга ўхшаш бошқа кимёвий препаратлар билан бак аралашмасида қўллаш мумкин. Пентафагни 20°C дан юқори бўлмаган ҳароратда 1 йил сақлаш мумкин.

## **1.2. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг замонавий кимёвий воситалари. Аралаштирилган инсектицид-акарицидлар**

**ДЕЛЬТАФОС,36% эм.к.** Таркибида 2 та инсектициддан ташкил топган: биринчиси пиретроид бўлса (дельтаметрин), иккинчиси ФОБ – триазофос. Ҳар иккаласининг миқдорий нисбати турличадир. Ҳар 1 л. бундай тайёр аралашма таркибида 10 мл дельтафос ҳамда 350 мл триазофос мавжуд. Дель-тафос – ўртача заҳарли бирикмадир (ЎД<sub>50</sub> каламушлар учун ичдан таъсир этганда 272,8 мг/кг га teng). Бундай аралашма тайёрлашдан бирнечта мақсад кўзланган. 1. Дельтафос ишлатилганда зааркундаларга

қарши янада баландроқ биологик ва бошқа самараларга эга бўлиш. 2. Децисга (дельтаметрин) ҳос камчиликни бартараф қилган ҳолда, дельтафос ишлатиб ҳашаротлардан ташқари ўргимчакканага ҳам қарши курашиш.

Юқорида қайд этилган натижаларга сабаби шундаки, пиретроидга ФОБ аралаштириб ишлатганда жамғарилган (аддитив) самарадан ташқари синергизм, яъни бирини қучини бири ошириш ҳодисаси рўй беради. Ҳақиқатда ҳам, дельтафоснинг самарадорлиги юқори бўлганлиги учун, у ғўзанинг барча зааркунандаларига қарши қуйидаги сарф-меерларда тавсия этилиб ишлатилиб келиняпти: шира ва трипсга қарши - 1,0 л/га, ўргимчакканага - 1,25 л/га, окқа-нотга - 1,25-1,5 л/га, кўсак қурти ва карадринага қарши эса - 1,5 л/га. Бундан ташқари у тут парвонасига қарши тавсия қилинган - 0,6-0,8 л/га (Рўйхат, 2007).

**Люметрин,12% эм.к.** Соф моддалари 2 бирикмадан иборат: бетациперметрин (кинмикс) ва хлорпирифос (дурс-бан); ўртача заҳарли. Бу аралашма дори ҳам инсектицид-акарицид бўлиб, бир-бирини ижобий ҳусусиятларини яхшилади: юқорироқ самара, ҳамда бир йўла ўргимчакканаларни ҳам самарали қириб ташлайди. Тайёр дори сиртдан, ҳамда ичдан таъсир этиб, қисман ўсимлик ичига чуқурлашиш қобилиятига эга.

Ўзбекистонда люметрин ғўзани кўсак қуртидан -1-1,5 л/га; олмани олма қурти ва қалқондорлардан - 0,25-0,4 л/га; карамни карам қуясидан - 0,45-0,6 л/га ҳимоя қилиш учун тавсияланган (Рўйхат, 2007). Ғўзани, этилишдан 30 кун, олма ва карамни эса 40 кун илгари ишловни тўхтатиш лозим.

**Нурелл-Д,55% эм.к. (сайрен-С, тагрелл-Д, урелл-Д, ЦИПИ плюс, циперфос).** Соф моддалари 2 қисмдан иборат: циперметрин (5%) ва хлорпирифос (дурсбан) - 50%. Шундай қилиб, 1 л дори таркибида 50 мл циперметрин билан 500 мл хлорпирифос мавжуд. Бу аралаштириб тайёрланган дорилар ичida энг биринчиси ва энг омадлиси. Шунинг учун ҳам, у бирнеча йирик фирмалар томонидан ишлаб чиқилиб дунё бўйича кенг жорий этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам 1987-нчи йиллардан бери ишлатилиб келинади. Аралашмани ҳоссиятларидан синергизм барқарор топиб, айниқса кўсак қурти ва ўргимчакканана каби қийин заҳарланадиган обьектларга қарши юқори самара олишда қўл келган инсектоакарициддир. Нурелл-Д ўртача заҳарли пестицид ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун ичдан таъсир кўрсатганда 245 мг/кг га тенг). Нурелл-Д ва бошқа аралашма дорилар қуйидаги экинларни ҳимоя қилиш учун рухсат этилган: ғўзани шира ва трипсдан - 1,0 л/га, оққанот, ўргимчакканана ва кўсак қуртидан - 1,5 л/га. Бундан ташқари: олмани - 1,0 л/га, буғдойни - 0,5 л/га ва тутни (1,0-1,5 л/га). Айрим ҳолларда (иссик ва юқори намлик, ҳамда юқори эритма қуюқлигига) бу дорилар ўсимликнинг нозик баргларини куйдириши ҳам мумкин.

**Политрин-К,31,5% эм.к.** Таркибида 30% профенофос (политрин) ва 1,5% лямбдацигалотрин (каратэ) мавжуд. Бу пестицид ҳам пиретроид КФОБ аралашмаларида содир бўладиган ижобий ҳусусиятларга эришиб, рухсат

этилган экинларни юқори самара билан зааркундалардан ҳимоя қиласи. У ўртача заҳарли биринчий бўлиб, ҳар бир аралаштирилган модда ҳавфида ошиқча эмас. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдик, политрин-К кўсак куртининг катта ёшлари ҳамда ўргимчакканага қарши аралашмадаги ҳар бир компонентга нисбатан анча юқори самара беради (кўсак куртига – 85-92%, ўргимчакканага эса 22 кун мобайнида 91-98% биологик самара). «Рўйхатда» политрин-К гўзада шира ва трипсга қарши 0,5 л/га қолган барча зааркундаларга қарши – 1,0 л/га сарфлаш хуқуки билан тавсия қилинган. Бундан ташқари, тут парвонасига қарши – 0,75 л/га ва чигирткаларга қарши – 0,5 л/га тавсия этилган.

**Энджео-К, 24,7% сус.к.** Таркибида иккита модда: тиаметоксам (энджео), ҳамда лямбдацигалотрин (каратэ) мавжуд бу инсектицид-акарицид энг яқин даврда Швейцариянинг Сингента фирмаси томонидан тайёрланиб ўз олдига катта вазифаларни қўйган. Ўртача заҳарли бу аралашма дорининг зааркундаларга қарши самараси жуда юқорилиги аниқланганидан кейин у қуидаги экинларда тавсия қилинди (Рўйхат, 2007). Гўзадабарча зааркундаларга қарши ҳар гектарга 0,2 л дори сарф қилиб; тутларни эса тут парвонаси ва сўрувчи зааркундалардан 0,2 л/га дори сарфлаш йўли билан.

### Гормональ инсектицидлар

**Димилин, 48% сус.к.** Соғ моддаси – дифлубензурон. Димилин илкбор кашф этилган биологик фаол моддалар (БФМ) қаторига кирувчи инсектициднинг номидир. У 1970-нчи йиллар мобайнида кимёгарлар томонидан кашф этилиб, курт шаклида зиёни тегувчи ҳашаротларга қарши ишлатиш учун дунё бозорига тақдим этилган. Димилиннинг ўзга инсектицидлардан фарқи шундаки, у ҳашаротларнинг нерв тўқималарига эмас, балки қуртларининг ёшдан-ёшга ўтишдаги пўст ташлаш (туллаш) жараёнига кескин салбий таъсир қиласи, хусусан хитин тўпланишини тўхтатади, сабаби хитин ҳосил қилувчи моддалар эпидермис хужайраларининг мембронасидан ўта олмайди. Оқибатда курт ёшдан-ёшга ўтаолмай, ёрилиб ўлади. Димилин асосан ичдан таъсир ўтказади, яъни у озиқа орқали ичга тушганидан кейин таъсир этади. Ҳашаротларнинг етук зотларида пуштсизлик келтириб чиқармайди, балки тухумларининг ичидаги ифилиб, эмбрион-нинг эпидермисида хитин ҳосил бўлиш жараёнини тўхтатади. Натижада қуртлар тухумдан чиқаолмай, ҳалок бўлади. Бундан ташқари, димилин билан ишлов берилган баргларга қўйилган тухумлардан ҳам қуртлар чиқа олмаслиги мумкин (Буров, 1983). Димилиннинг овицидлик (тухумларни ҳалок қилиш) хусусияти тухум ичидаги ривожланаётган қуртнинг қобигида хитин ҳосил бўлиш жараёнини тўхтатиб қўйиши билан боғлиқдир.

Димилин иссиққонли ҳайвонлар учун мутлақо заарсизdir. Бундан ташқари, жуда кўп тадқиқотлардан шу нарса аён бўлганки, димилин деярли барча табиий кушандаларга нисбатан ҳам заарсизdir (Keeveretal., 1977; Pieters, Mitchell, 1981; Hassanetal., 1987; Ходжаев ва б., 2001, 2002). Олтинкўз, кокцинеллидлар, йиртқич қандала ва каналарга, чумоли,

трихограмма, бракон ва бошқа күшандаларга нисбатан у хавфсиздир. Бу эса, уни ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш тизимларида ишлатиш учун энг самарали ва мақбул эканлигини кўрсатади. Умуман олганда, димилин экология нуқтаи назаридан ҳам заарсиздир, чунки у, таъкидлаб ўтганимиздек, иссиққонли ҳайвонлар, шу жумладан сув ҳайвонлари ва күшларга ҳам хавфсиздир. Димилин ёмғир таъсирида тезда ювилиб кетмайди. У ўз таъсирини узоқ муддатгача (25-30 кун) сақлайди, лекин тупрокқа тушганда 1-7 кун мобайнида парчаланиб кетади.

Димилин, 48% сус. к. шаклида ва махсус, сувда эримай-диган, аммо ёғда эрийдиган ОФ-6 (6%) ёғли суспензия шаклида ишлаб чиқарилади. Ҳар иккала шакли ҳам Ўзбекистонда чигирткаларга қарши ишлатиш учун тавсия этилган. Тут парвонасига қарши димилиннинг 48% сус.к. 2000-2002 йиллари синовдан ўтказилди, юқори натижалар олинди ва Ўзбекистонда ана шу зааркунандаларга қарши ишлатиш учун рухсатланган. Димилин препаратининг ўзига хос хусусиятларидан бири қўллангандан кейинги дастлабки кунлардаёқ, ҳашаротларни озиқланишдан тўхтатишидир. Бу даврда ҳашаротлар фаол ҳаракатининг сусайиши кузатилади. Димилин сепилгандан сўнг 4-5 кун ўтгачгина улар ҳалок бўла бошлайди. Димилин билан ишлов берилган жойларда, чи-гирткалар озиқланишининг тезлиги жуда қисқа вақт ичида пасаяди. Натижада уларнинг ўсимликларга етказадиган зара-ри ҳам кескин камаяди.

Димилиннинг юқори самарали ва узоқ муддатли таъсирини сақлаган ҳолда, дастлабки 1-2 кунларда ҳам юқори таъсирини таъминлаш мақсадида бир қатор изланишлар олиб борилди ва ижобий натижаларга эришилди. Димилиннинг дастлабки самарасини таъминлаш учун бирорта тез таъсир этадиган инсектицидни аралаштириб ишлов ўтказиш истиқ-болли эканлиги исботланди. Бунда синергизм ёки аддитив таъсир қилиш ҳисобига иккита дорининг ҳам сарф-меъёрини озайтириш имкони яратилади. Бу ўринда аралашмада, қўшилган пиретроид ҳисобига, димилинга хос бўлган атроф-мухитга хавфсизлик йўқотилишини таъкидлаб ўтиш даркор. Тадқиқотлар натижаларини мужассамлантириб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин.

1. Чигирткаларга қарши курашда Димилин инсектицидини юқори самара билан ишлатиш мумкин (гектарига 30 грамм). Дори сепилгандан кейинги дастлабки кунлардаёқ юқори самарани таъминлаш учун эса, димилин (гектарига 15 грамм) + суми-альфа (гектарига 100 грамм) бак аралашмасини қўллаш тавсия қилинади. Бундан ташқари рўйхатда тавсия этилган бирор-бир инсектицидни (децис, фьюри, цимбуш, карбофос, регент ва б.) қўшиб ва уларнинг сарф-меъёрини қабул қилинганидан 50-75 фоизгача қисқартириб ишлатса ҳам бўлаверади.

2. Ҳар қандай шароитда ҳам, энг юқори самарага эришиш учун, инсектицидларни илмий-асосланган муддатларда ишлатиш (чигиртка личинкаларининг тухумдан оммавий чиқаётган даври) асосий шарт эканлигини унутмаслик лозим.

Тут парвонасига қарши 2000-нчи йилдан кейин ўтказган тадқиқотларимиздан қуидаги ҳолосалар қылса бўлади.

1.Маҳсус таъсири этиш хусусияти мавжуд бўлган димилин, 48% сус.к. инсектициди, тут парвонасига қарши юқори самарарага эга. Биологик самара дори сепилгандан 4-5 кун кейин намоён бўла бошлайди.

2.Димилин самарадорлигининг давомийлиги, уни зааркунанданинг қайси авлодига қарши ишлатилганлигига ҳамда парвона зичлигига (яни кўпайиши тезлигига) боғлиқ бўлиб, 30-60 кунни ташкил қилиши мумкин. Бу демакки, ишлов зааркунанданинг қанчалик олдинги авлодларига (2-4) қарши ўтказилган бўлса, шунчалик самара давомий бўлиши мумкин. Бундай аҳвол тухум ва қурт сони оз бўлиб, қуртларнинг ёши кичик бўлганда ҳам содир бўлади. Ҳар қандай шароитда ҳам, тут парвонасига нисбатан димилиннинг самарадорлиги «Рўйхатда» (2002) мавжуд ўзга инсектицидларнидан юқоридир.

3. Тут парвонасига қарши амалий ишлатиш учун димилиннинг қуидаги сарф-меъёри тавсия этилади: ҳар гектарга 0,3 л/га, ёки 0,15 литрдан 2 марта (7-10 кун оралаб); димилинга (0,2 л/га) 20%-лик суми-альфадан 0,1 л аралаштириб ишлов бериш.

4. Умуман, димилинни тут парвонасининг 2-4-нчи авлодларига қарши, зааркунанда қийғос тухум қўйиб, ёш қуртлари пайдо бўлганида ишлатиш, энг юқори самара беради. Лекин, узоқ муддатли (келгуси йилга) самарарага эга бўлиш учун, зааркунанданинг қишлоғга кетишга мўлжал-ланган авлодларига (6-7) қарши димилин ишлатилса, парвонанинг қуртлари қиши мобайнинда қирилиб кетади.

Шундай қилиб, жорий этилган тавсияга биноан (Рўйхат, 2007), димилиннинг 48%-лик сус.к. чигирткаларга қарши (30 гр/га), тут парвонасига қарши эса – 0,3 л/га (бир марта), ёки – 0,15 л/га (2 марта ишлов бериш шарти билан) тавсияланган. Димилиннинг маҳсус сувда эримайди-ган шакли – ОФ-6, 6% лик м.с., фақат чигирткага қарши (0,25 л/га). УМО усули билан сепишга мўлжаллаб тавсияланган.

**Номолт,15% сус.к. Соф** моддаси тефлубензурон бўлиб, уни Германиянинг БАСФ фирмаси таклиф этган. Бу ҳам гормональ таъсири этиш хусусиятларига эга бўлган инсектицид бўлиб, у димилинга ҳос хусусиятларга эга. Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар натижаларига асосан номолт чигирткаларга қарши ишлатиш учун тавсия этилган (50 гр/га). Бунга ҳам асосий шартлардан бири-илмий-асосланган муддатларда (қийғос личинка очиб чиқиб I-III ёшда бўлиши) назарда тутилади. Ишлов ўтказилганидан кейинги дастлабки кунларда ҳам самарарага эга бўлиш учун номолт эритмасига бирорта имагоид инсектицидлардан (суми-альфа, циракс, карбофос) қўшиб ишлатиш тавсия қилинади.

**Апплауд,25% н.кук.** Соф моддаси бупрофезин, камзаҳарли модда. Япониянинг «Нихон Нохиаку» фирмаси томонидан яратилган. Апплауд биологик фаол модда (БФМ) бўлиб, асосан хашаротларни ўсиб ривожланиш жараёнини бузишга қаратилган (гормональ) доридир. Апплауд асосан

тенгқанотлилар (Hemiptera) туркумига оид сўрувчи ҳашарот-ларга (оққанотлар, цикадкалар ва цитрус қалқондори) нисба-тан фаол таъсир қилади. Унинг таъсирида оққанотларнинг личинкалари пўст ташлайолмай, ёшдан-ёшга ўтиш пайтида ёрилиб ўлади; етук зотлари эса, апплауд таъсирида пуштсиз (насилсиз) тухумлар қўяди.

Апплауднинг самараси дастлабки 3-4 кун ичидаги сезилмай туради, аммо у 25 кундан кўп давом этади. Сиртдан ва ичдан таъсир кўрсатишидан ташқари, апплауд буғланиш оқибатида газ орқали ҳам таъсир этади.

Апплауд Ўзбекистонда фақат оққанотга қарши курашиш учун тавсияланган (Рўйхат, 2007). Бунда, иссиқхоналарда помидор ва бодрингларни ҳимоя қилиш учун бир мавсумда 1 марта (0,5 л/га), ғўзани эса 2 марта гача (0,5-1,0 л/га) пуркашга руҳсатланган. Апплауд оққанотнинг ички кушандаси – энкарзияга нисбатан заарсизdir. Бундан ташқари, одамзод, ҳамда асалари, балиқ ва бошқа фойдали ҳашаротлар учун ҳам заарсиз.

Шунинг учун уни биологик ҳимоя қилиш тизимларида ишлатиш яхши натижаларни беради. Ҳар қандай вазиятда ҳам апплаудни оққанот кўпая бошлаганда ишлатиш кутилган самарани беради. Агарда оққанотнинг зичлиги ошиб, етук зотлари ҳаддан ташқари кўпайиб кетган бўлса, апплаудни бирорта ўткир алейроцид (конфидор, моспилан, энджео, талстар) билан аралаштириб ишлатиш юқори самара беради.

**Адмирал,10% эм.к.** Соф моддаси – пирипроксилен, кам заҳарли моддадир. Япониянинг «Сумитомо» фирмаси томонидан таклиф қилинган. Бу ҳам БФМ бўлиб, ўз хусусиятлари бўйича жуда ҳам апплаудга яқин. Асосан: оққанотларга, ҳамда қалқондорларга қарши самара берадиган инсектицид. Бунинг таъсири ҳам биринчи 3-4 кунлардан кейин намоён бўлиб, узоқ давом этади. Одамзод, атроф-муҳит ва энкарзия кушандаси учун ҳавф туғдирмайди.

Ўзбекистонда адмирал оққанотга қарши ғўза, помидор ва бодрингни ҳимоя қилиш учун, ҳамда боғларда бинафша ранг қалқондорларга қарши ишлатиш учун руҳсатланган (0,5 л/га).

### **Оксадиазинлар,минерал мойлар ва бошқа инсектицидлар**

**Аваунт,15% сус.к.** Соф моддаси индоксакарб, янги кимёвий бирикмалар синфига оид инсектициддир. Аваунт 1997-1998-нчи йиллари АҚШнинг Дюпонт фирмаси томонидан тақдим қилинган эди. Аваунт ихтисослашган юқори самарали инсектициддир. Бунга ушбу дорига ҳос янги таъсир қилиш механизми сабабчиидир. Аваунт ҳашаротлар нерв тизимларининг натрий каналлари ўтказувчанглигини блокада (ишғол) этади. Оқибатда, заҳарланган ҳашарот озиқланишдан тўхтаб (1-2 кун), сўнг ўлади. Аваунт асосан капалаклар қуртларига қарши юқори самара кўрсатади. Шунинг учун ҳам бошқа ҳашаротлар шу жумладан фойдали ҳашаротларга нисбатан у тўлиқ даражада безараардир. Бизларнинг ўтказган тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, аваунт ишлатилган далада олтинкўз, кокцинеллидлар (хонқизлар), сирфидлар, канахўр трипс, пардоқанотли

кушандалар – браконидлар, ихнеумонид ва бошқа кушанда-ларнинг сони назорат вариантига (даласига) нисбатан фарқ қилмаган. Бу, аваунтни ўзга органик асосли бирикмалардан тубдан фарқлайди ва уни биологик кураш тизимларида ишлатиш учун энг мақбул эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда аваунт ғўза ва помидорни кўсак қуртидан (0,4-0,45 л/га), тутни тут парвонасидан (0,3 л/га), токни шингил баргўридан (0,25 л/га) олмани-меваҳўрдан (0,35 л/га) ҳимоя қилиш учун тавсияланган (Рўйхат, 2007). Дорини ишлатишни ҳосил етилишидан 30 кун олдин тўхта-тиш лозим. Бир мавсумда 2 марта ишлатиш мумкин. Алоҳида таъкидлаб ўтамизки, аваунт ғўза тунламиининг (кўсак қуртининг) катта ёш (IV-VI) куртларига қарши тенги йўқ (бошқа инсектицидларга нисбатан) самараага эга.

**N30 Препарати, 76% н.м.э.** Соф моддаси-нефт мойлари. Россия фирмалари таклиф қилишган.

Маълумки, XX-нчи асрнинг 50-нчи йилларидан кейин тавсияларда ўсимликларни, жумладан боғлардаги дaraohтларни, ҳамда тутларни қишлиб қолган зааркундалар, ҳамда касалликлардан ҳоли қилиш учун турли ҳил инсектицид, инсектицид-фунгицид дорилар тавсия қилинар эди. Булар қаторида: карболинеум, нитрафен, N 30, N 30С ва бошқа дорилар мавжуд эди. Мақсад, дaraohтлар қишки «куйкуга» кетганидан кейин, бу-баргларни куйдириши мумкин бўлган дориларни ишлатиб, заарли организмларнинг қишлоvdаги шаклларини қириб ташлаш бўлган эди. Ишлов кеч кузда, ёки эрта баҳорда дaraohт куртактлари ёйилмасдан ўтказилар эди.

Ҳозирги кунда «Рўйхатда» шундай дорилардан фақат биттаси- «N 30 препарати» тавсия қилинган. Уни фақат эрта баҳорда боғдаги (олма, нок, шофтоли, олча, олхўри) дaraohтларни барча қишлиб қолган зааркундаларга қарши (шира, канда, қандала, қалқондорлар, меваҳўрлар ва б.) 3-4% лик қилиб, дaraohт катта-кичиклигига қараб (40-100 л/га) ишла-тиш мумкин; цитрус дaraohларида – 20-50 л/га, токларда – 12-37 л/га.

**Поло, 50% сус.к.** Соф моддаси – диафентиурон, ўртача заҳарли. Швейцариянинг «Сингента» фирмаси таклиф қилган. Бу дори – инсектоакарицид, унинг сўрувчи зааркундаларга нисбатан самарадорлиги жуда юқоридир. Фойдали ҳашаротларга нисбатан таъсири личинка, ҳамда етук зотларига кўпроқ намоён бўлади, шунинг учун поло сепилган ерга лозим бўлганида трихограммани – 7-12, браконни – 5-7 кун ўтказиб тарқатиш керак. Ўсимликни куйдирмайди; дорининг шакли ишлатиш учун қулай. Поло фақат ғўзани ҳимоя қилиш учун рухсатланган: шира, трипс, ўргимчакканага қарши – 0,8-1,0 л/га, оққанотга қарши эса – 1-1,2 л/га.

### **Микробиологик инсектицидлар**

Бу хил препаратларнинг таркибида фаол модда сифатида замбуруғлар, бактериялар ёки вируслар бўлади. Кимёвий бирикмаларга таққослаганда микробиологик препаратларнинг ўзига хос афзалликлари бор. Жумладан иссиқконли ҳайвонларга буларнинг заҳарлилиги суст ёки кўпчилиги бутунлай заҳарламайдиган даражада бўлади, аммо зааркундаларда касаллик чақиради. Бу дорилар кейинчалик зааркундалар-нинг келгуси

авлодларига ҳам таъсир кўрсатади, лекин шу билан бирга камчиликлари ҳам йўқ эмас, чунончи, препаратлар унча узоқ сақланмайди; тез самара бермайди; нархи нисбатан қимматроқ туради. Қишлоқ хўжалигига ишлатиш учун бир неча хил микробиологик дори рухсат этилган эди. Тупроқдаги микроорганизмларнинг турли-туманлиги ва уларнинг таъсири тупроқдаги паразит нематодаларнинг ривожланишига ҳам салбий таъсир қиласди<sup>3</sup>.

### **1.3. Ўсимликларни ҳимоя қилишининг замонавий воситалари турлари ва улардан фойдаланиш истиқболлари.**

#### **Браконни *In vitro* усулида ўстириш технологияси**

Паразит энтомофагларни биолабораторияларда *in vitro* мухитида узлуксиз кўпайтириш мақсадида мамлактмиз шароитида тунламлар ва уларнинг паразит энтомофагларини ўндан ортиқ тури тадқиқ этилди (З-жадвал).

#### **Браконни *in vitro* усулида кўпайтириш технологияси.**



Кўсак қуртини ғўза экинини заарлаши



*Bracon hebetor* Say паразити кўсак қуртини заарлаши



*In vitro* усулида *Bracon hebetor* Say паразитини кўпайтириш



*In vitro* усулида *Bracon hebetor* Say паразити учун суний озуқа

Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики Тошкент вилояти агроценозида *Noctuidae* оила вакиллари бўйича 14 тур рўйхатга олиниб, ушбу турларни сонини бошқаришда *Braconidae* оиласининг 12 тури учраши аниқланди.

<sup>3</sup>Keith Davies, Yitzhak Spiegel, Editors Biological Control of Plant-Parasitic Nematodes: Building Coherence between Microbial, Ecology and Molecular Mechanisms, © Springer Science+Business Media B.V. 2011, p.17, 301



Суний озиқа мухитида *Braccon hebetor* Say авлодларининг ривожланиши



*In vitro* усулида қўпайтирилган *Braccon hebetor* Say авлоди

Демак тунламлар сонинининг катта қисмини бракон оиласининг вакиллари самарали бошқариши мумкин. Бунда оддий бракон *Braccon hebetor* Say тури энг кўп учраб зааркунандаларга нисбатан ўртача 1:8 нисбатда кузатилди.

*Braconidae* оила вакилларини *in vitro* усулида қўпайтиришда сунъий озиқа мухитлари: *Braccon hebetor* Say тури учун сунъий озиқа мухутларини тайёрлаш;

- Мум ёки тегирмон уни парвонаси ғумбаки гемолимфаси.
  - 10 % ли қуруқ мол сути, 1 гр 10 мл дистилланган сувда эритилганҳисобида.
  - Товук тухуми сарифи.
1. Биринчи озиқа мухити (А) бўйича мум парвонаси гемолимфаси (А1) 45%, тухум сарифи (А3) 35 %, табий сут(А4) 20 %.
  2. Иккинчи озиқа мухити (В) бўйича мум парвонаси гемолимфаси (В1) 52%, тухум сарифи (В3) 30 %, табий сут (В4) 18 %.
  3. Учинчи озиқа мухити (С) ғўза тунлами ғумбаги гемолимфаси (С1) 55 %, тухум сарифи (С3) 25 %, табий сут (С4) 20 %. тунлам қуртларига қараганда 5-6 баробар юқори самарадорликка эга эканлиги билан ажралиб туради.

*Braconidae* оиласининг яна бир самарали вакили *Braccon juglandis* Ashm.

Ушбу турни *in vitro* усулида самарали қўпайтириш учун ун парвонаси гемолимфасидан фойдаланилди. Бу тур учун кўп йиллик тадқиқотлар натижасида асосий 2 хил сунъий озиқа мухитлари ажратиб олинди. Унга кўра биринчи озиқа мухити (А) бўйича ун парвонаси гемолимфаси (А1) 55 %, тухум сарифи (А3) 22.5 %, табий сут (А4) 22.5 %. Иккинчи озиқа мухити (В) бўйича ун парвонаси гемолимфаси (В1) 60%, тухум сарифи (В3) 20 %, табий сут (В4) 20.

### Трихограммани *In vitro* усулида ўстириш технологияси

Трихограмма паразитини лаборатория шароитида ялпи қўпайтириш жараёнида дон куяси тухумини етиштириш жуда кўплаб дон маҳсулотлари (арпа, маккажўхори, буғдой) ҳамда ишчи кучи сарфланади. Бунинг натижасида уни қўпайтириш таннархи ошиб кетади. Эндиликда фан таълим ривожланаётган бир асрда энтомофаг турларини қўпайтириш ва уларни кўллаш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларни янада такомиллаштириш,

кўпайтиришни автоматлашириш, сунъий озиқа муҳитларини яратиш каби кўплаб муоммолар турибди.

Республикамизда бир йилда мавжуд биолабораторияларга 150 минг тоннадан ортиқ арпа ажратилади. Ушбу арпаларни ажратиш бошқа озиқ овқат етиштириш корхоналар ишлаб чиқаришини камайтириш хисобига бўлади. Бу эса озиқ овқат саноатига катта зарар кўрсатаётганлигидан далолат беради.

Трихограммани кўпайтиришда сунъий озиқа муҳитларидан кенг фойдаланиш ва уларни автоматлашириш юқоридаги муоммоларни хал қилишга имконият яратади.

1975-1978 йиллар Хитойда уч йиллик изланишлар давомида трихограммани сунъий муҳитдаги озиқа муҳитида кўпайтириш тадқиқотлари ўзининг натижасини берди. Унга кўра икки турдаги озиқа муҳити бўйича олиб борилган тадқиқотларда *Philosamia cynthia* Ricini турининг ғумбаги кўпроқ қўшилган озиқа муҳитида трихограмма авлоди яхши ривожланганлиги аниқланди. Ушбу озиқа муҳитига кўра биринчи умумий озиқа таркиби *Antheraea pernyi* ғумбаги суюқлиги 43.1 %, тухум сарифи 34.8%, неорганик туз 13.7 %, чўчқа сывороткаси 8.4 % иккинчи озиқа таркиби *Philosamia cynthia* ricini ғумбак суюқлиги 31.75%, сигир сути 31.75%, тухум сарифи 23.81 % ва неорганик туз 12.70% каби таркиблардан ташкил топган. Кейин эса ушбу тадқиқотлар ўз ниҳоясига етмай қолди.

Энтомофагларни *In vitro* усулида кўпайтириш усули бўйича кўплаб олимлар тадқиқотларни олиб бориб, ижобий натижаларга эришган.

Gao ва бошқалар(1982)нинг тадқиқотларига кўра *in vitro* усулида кўпайтирилган трихограмма авлодини ғўза даласидаги ғўза тунламига қарши қўлланилганда 93 % гача биологик самарадорликка эришилган. Liu ва бошқа олимлар (1988) *Anastatus* sp. турини сунъий озиқа муҳитида кўпайтириш бўйича олиб борган тадқиқотлари самарали якунланган.

### Трихограммани *in vitro* усулида кўпайтириш технологияси.



Кузги тунламнинг ғўза экинини заралаши



Trichogramma pintoi паразити тунламлар тухимини заралаши



In vitro усулида *Trichogramma pintoi* паразитини кўпайтириш



In vitro усулида *Trichogramma pintoi* учун суний озуқа мухити




Суний озуқа мухитида *Trichogramma pintoi* авлодларининг ривожланиши



In vitro усулида купайтирилган *Trichogramma pintoi* авлоди

Трихограмма авлодларини илк бор “сумка” шаклидак *Trichogramma minutum* Riley турини In vitro усулида 10 та авлодгача кўпайтирилиб, уларнинг бир нечта биологик кўрсатгичлари аниқланган. Бунда ургочи зотларининг камайиши ва эркак зотларининг кўпайиши кузатилган.

*Трихограммани In vitro усулида кўпайтириш учун керакли жисхозлар*



1 - сунний тухум ясаш учун қолип ручкаси; 2 - сунний тухум ясаш учун уйачалар қолипи  
3- пипетка; 4- сунний тухумча уйаларини ушлаб турадиган халиқалар

Энтомофагларни кўпайтиришда сунъий озиқа мухитларига ўтказиш энг мақбул йўл ҳисобланиб, уларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва самарали турларни ажратиб олиш каби йўналишларнинг вазифаларини белгилаб

беради.

Биргина трихограммани сунъий озиқа муҳитида қўпайтиришнинг ўзи кўплаб муоммоларни ҳал қиласди. Бунда ҳар йили республикамизда ажратиладиган арпа, маккажўхори, буғдой каби дон маҳсулотларини катта миқдорда сақлаб қолиш имкониятини беради. Масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, трихограммани қўпайтиришни сунъий муҳитларининг бир нечта компонентларини ҳосил қилиб, шу бўйича тадқиқотлар олиб боришини мақсад қилиб олдик. Бунинг учун трихограмманинг хўжайин турлари яъний тангачақанотлиларнинг тухумлари шаклига ўхшатиш, таркибий қисмларини ҳамда шуларнинг асосига яқин қилиб тайёрлаш мақсадида, сунъий тухумчалар тайёрлаш учун асобоб ускуналар ва материалларни тайёрлаб олдик. Унга кўра қўйдаги лаборатория анжомлари ва ускуналар тайёрланди: маҳсус термостат, пробирка 50-ПХ, политилен материал 0,2-0,4, мм, спирт 96 %, уяларни ясаш мосламаси, ультрафаолетивий чироқ, петри ликопчаси, тозаланган пахта, тозаланган пипетка, центрифуга-2500, медицина шприц 2,5 мл, 5 мл кабилар керак бўлади.

### **Назорат саволлари:**

- 1.Биомаҳсулотларни қўпайтиришда *In vitro* усулининг моҳияти нималардан иборат?
2. Браконни *In vitro* усулида ўстириш технологиясини тушунтиринг?
- 3.Трихограммани *In vitro* усулида ўстириш технологиясини тушунтиринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Хўжаев Ш.Т. Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари (дарслик). Тошкент, 2013
- 2.Education Division Indian Council of Agricultural Research,New Delhi, April 2009, PLANT PROTECTION. Entomology, Nematology, Plant Pathology, BSMA Committee on Plant Protection, p.93.
- 3.Keith Davies, Yitzhak Spiegel, Editors Biological Control of Plant-Parasitic Nematodes: Building Coherence between Microbial, Ecology and Molecular Mechanisms, © Springer Science+Business Media B.V. 2011, p.17, 301.
4. Хамраев А.Ш., Насриддинов К. – Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш (ўқув қўлланма). “Халқ мероси” нашриёти, Тошкент,2003.-72 б

### **Интернет сайтлар:**

- 1.[www.toucansolutions.com/pat/insects.html](http://www.toucansolutions.com/pat/insects.html).
- 2.[www.rcmp-learning.org/docs/ecdd\\_0030.htm](http://www.rcmp-learning.org/docs/ecdd_0030.htm).
- 3.<http://ravnovesie.biz/economy/economy3.html>

## **2-Мавзу: Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий техникалардан фойдаланиш.**

2.1. Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий техникалардан фойдаланиш.

2.2. Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий техникалардан фойдаланиш.

2.3. Қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилишининг замонавий технологиялари.

**Таянч иборалар: GAS технологияси, NDVI индекси, агроэкологик омиллар, детектор, термит, агроэкологик омиллар, тупроқ механик маркиби**


### **2.1. Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий техникалардан фойдаланиш**

Бугунги кунда дунё бўйича қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмлардан бегона ўтларнинг 30 минг, ҳашаротларни 10 минг, нематодаларни 3 минг, замбуруғларнинг 12 минг, бактерияларни 100, вирусларни 600 тури маълум. Улар томонидан экинлар ҳосили ўртacha 33,7% камаяди. Шундан 12% касалликлар, 12% ҳашаротлар, 10% бегона ўтлар томонидан заарarlаниши туфайли ҳосил камайишига олиб келади. Заарли организмлар АҚШда йилига 9,1 миллиард доллар заар келтириши, ҳашаротлар 7,7 миллиард доллар заар келтирилиши тўғрисида маълумотлар мавжуд. Гўзанинг 16% ҳашаротлар, 14% касалликлар таъсирида нобуд бўлиши ўрганилган Хитойда ҳам шунга мос равишда ҳосил нобуд бўлгани аниқланган.

Республикамизда кузги тунлам, ғўза тунлами, ёввойи тунлам кабилар ғўза сабзавот ва бошқа экинлар ҳосилини 30-40% нобуд бўлишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, зааркунанлар ва касалликларнинг ҳудудлар бўйича тарқалиш даражасини GIS технологиялари асосида башорат қилиш, қарши қураш ва назорат қилиш борасидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо қиласи. Бунинг учун аввалом бор мониторинг асосида GIS маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик экинларининг зааркунанда организмларини кам сарф харажатлар эвазига ривожланишини олдини олиш имкониятлари туғилади. Ғўза далаларида кўсак қуртининг тарқалиши атроф муҳит омилларига боғлиқ равишда тарқала бошлиши GIS технологиялари асосида башорат қилинди.


Бунинг учун Хоразм вилоятининг 84 та ғўза далалардан кўсак қурти тухумлари сони аниқланниб уларнинг рақамли хариталари ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилган хариталар УрДУ даги лабораториясида мавжуд GIS базаси билан қиёсий таҳлил қилинди. Кўсак қуртининг даладаги тухумлар сони билан солиштириб ўрганилди. Кўсак қуртлар сони ва агроэкологик омиллар (тупроқ механикавий таркиби, ер ости сувларининг сатҳи ва шўрланиш даражаси, тупроқларни бонитет бали, NDVI индекси) қиёсий ўрганилди. Хоразм вилояти тупроқларининг механик таркиби бўйича хариталар келтирилган. Бунда механик таркиби енгил бўлган тупроқлар тўқ тусда бўлиб оғирлашган оч тусга кира борган (3- расм).




**3-расм.** Хоразм вилоятининг тупроқ механик таркиби

Кўсак қурти билан кам заарланган майдон яшил нуқталар билан ва кучли заарланган далалар қизил нуқталар шаклида кўрсатилган ва механик таркиб билан қиёсланган (4-5-расм).




**4-расм.** Урган тумани далаларида кўсак қуртининг тарқалишини тупроқ механик таркиби кўрсаткичлари билан таққослаш харитаси



**5-расм.** Боғот тумани далаларида кўсак қуртининг тарқалишини тупроқ механик таркиби кўрсаткичлари билан таққослаш харитаси

Тупроқ механик таркиби ва кўсак қурти кам яшил ва кучли заарланган далалар қизил нуқталар шаклида кўрсатилган ва механик таркиб билан қиёсланган. Шу тартибда бошқа агроэкологик омиллар билан қиёсий таҳлил қилинган. Ўзга далаларида NDVI индекси ва кўсак қурти тухумлари сони ўртаси ўзаро боғлиқлик таҳлил қилинган. NDVI индекси билан кўсак қуртининг даладаги сони ўртасидаги корреляция 30.5% ташкил қилди.

Агроэкологик омилларни кўсак қуртининг даладаги сони таҳлил қилинганда 64,5 % корреляция борлиги аниқланди. Ўзга далаларида ўсимликларни биомасса кўрсаткичи билан агроэкологик омиллар қиёсий таҳлил қилинди (6-расм).



**6-расм.** NDVI индекси ва агроэкологик омиллар ва даладаги кўсак қурти тухумлар сонининг боғлиқлиги

Ўзга ғовлаб кетган далаларида NDVI индекси, паст бўйли ўзга далаларга нисбатан паст бўлиши кузатилди. Бу эса ғовлаб ўсиб кетган ўзга далаларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Фақат бу кўрсаткичнинг фақат ўзи далада кўсак қурти қўпайишини қўсатувчи омил бўлиши учун етарли эмас. Шу сабаби бошқа экологик омилларнинг биргаликдаги таъсирини ўргнаиш учун кўп омилли диффузион таҳлил қилинди.

Агроэкологик омиллар сифтида тупроқ механикавий таркиби, каналларнинг зичлиги, дренажларнинг зичлиги, ер ости сувларининг сатҳи, ер ости сувлари минерализацияси, тупроқ бонитет бали, даладаги экин биомассасини ифодаловчи NDVI индекси қабул қилинди. Агроэкологик омиллар бўйича кўсак қурти билан заарланишга мойил майдонларни таснифлаш шкаласи ишлаб чиқилган (2-жадвал). Бунда омилларни даладаги ўззанинг ҳолатига ва даланинг атмосфера ҳавоси намлигига таъсир қилиш хусусиятлари, кўсак қуртининг биологик хусусиятлари эътиборга олинган.

#### 4-жадвал.

#### Далада агроэкологик омилларни кўсак қурти тухум қўйиши эҳтимолиги бўйича таснифланиши

№	Омиллар	Таснифи				
		Жуда қулай	Қулай	Ўртча	Паст	Нокулай
1.	Каналлар зичлиги, м/га <sup>-1</sup>	>8	8-6	6-4	4-2	<2
2.	Дренажлар зичлиги, м/га <sup>-1</sup>	>40	40-30	30-20	20-10	<10
3.	Ер ости сув сатҳи, м	<0.5	0.5-1	1.0-1.5	1.5-2	>2.0

4.	Ер ости сув минераллашуви, г/л	<1.0	1-3	3.0-5.0	5-10	>10.0
5.	Тупроқ механик таркиби, илл заррачалар миқдори, %	>60.0	45	30	20	10.0
6.	Тупроқ бонитети, балл	>70.0	70-60	60-50	50-40	<40
7.	NDVI, ўсимлик биомассаси	>0.7	0.7-0.5	0.5-0.4	0.4-0.3	<0.3

2). Хорижий давлатлар ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бунда кўтарилигандан мавзу ўрганилишининг ҳозирги аҳволи, термитларнинг тарихий ёдгорлик биноларида тарқалиш сабаблари, уларга қарши кураш учун ҳулқатворини атрофлигича ўрганиш ҳамда жаҳон тажрибасида бу борада ўтказилган тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар ва мавжуд муаммолар келтирилган.

Термитларнинг тур таркиби ва табақалар ривожланишини аниқлаш ва экологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида тизимли равишда материаллар йиғилган ва таҳлил қилинган. Кенг миқёсда кўп режали тадқиқотлар Хоразм воҳасининг Хива, Янгиарик, Тупроққалъя, Ҳазорасп, Богот туманлари тарихий ёдгорликлар ва ахоли яшаш пунктларида амалга оширилган. Ичон қалъадаги 54 та тарихий ёдгорликлар ҳолати техник паспортлари ёрдамида ўрганилган.

Материалларни йиғиш ва морфометрик ўлчаш ишлари Akhtar ва Ahmad (1991) услублари асосида бажарилган. Йиғилган термитларнинг ўлчамларини сақлаб туриш мақсадида улар 80% ли этил спиртида сақланди. Тарихий обидалардан йиғилган термитларни морфометрик таҳлил қилиш ва тур таркибини аниқлаш мақсадида ЎзРФА Зоология институти ва “Табиат тарихи” миллий Америка музейида сақланаётган коллекциялар билан солиширилди.

Заарланган объектларнинг координациялари GPS орқали аниқлаш ва бинолардаги термитларни йиғиш ишлари эса Экстерра аппарати ёрдамида амалга оширилган. Бино деворлари, ёғоч устунларида термит аниқлагич (детектор) дан яъни T-5 сканерли замонавий микротўлқинли ускунадан фойдаланилган (7-расм).



7-расм. Терmit аниқлагич (детектор).

*Anacanthotermes* авлодига мансуб терmit табақаларининг ривожланишини ўрганиш ишлари Какалиев, Союнов (1977), Korb, Schmidinger (2004), Raina, Bland (2003) услублари асосида 27°C ҳароратда маҳсус терmit уясида амалга оширилган. *Anacanthotermes* авлодига мансуб терmit уяларидаги ишчи табақаларининг ўзаро муосабатларини ўрганиш ишлари Korb (2008) услублари асосида бир биридан 100 метр масофада жойлашган 8 та терmit уяларида ўрганилган. Ишчи терmitлар оиласидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш учун уларни  $C_{15}H_{17}N_4Cl$  - қизил ва  $C_{20}H_{20}N_3Cl$  - кўк рангдаги судан ва акранил бўёқларнинг 1% сувли эритмасига шимдирилган фильтр қоғозлар билан озиқлантириш йўли асосида амалга оширилди. Жума масжид тарихий ёдгорлигида терmitнинг мавсумий тарқалиши, миграцияси ва фенологиясини ўрганиш ишлари Lelis (1995) услублари асосида аниқланган.

Хоразм вилоятининг қадимий тарихий обидаларида, Хива шахри “Ичон ва Дишон” қалъалари, Хозарасп тумани “Ичон қалъа”, Тупроққалъа тумани “Қоратош (Хумбуз) тепа”, “Тупроқ қалъа”, Богот тумани “Қалажик”, Урганч тумани “Улли ҳовли”, Шовот тумани “Кат қалъа” каби жами 31 та тарихий мажмуалардаги обидаларда кенг кўламда назорат ва кузатиш ишлари амалга оширилиб, улардан 22 тасида *Anacanthotermes* авлодига мансуб терmitлар тарқалганлиги аниқланган ва тур таркиби ўрганилган.

22 та тарихий мажмуалардан йиғилган терmit табақаларини морфометрик ўлчаш асосида Кўшқўпир тумани (Зорлик эшон-бобо қалъаси, Хандаккўл қишлоқ, Кўхна қала, Ашурматтепа харобалари), Хазорасп тумани (Хазарасп қалъаси, Чингиз тепа мажмуаси, Тошсоқа ёдгорликлари), Хива шахри (Ичон ва Дишан қалъа), Шовот тумани (Кат қалъа), Янгиариқ туманларидан (Олма отишган мажмуаси, Остона тепа қалъаси) келтирилган терmit табақаларида *A. ahngerianus* турига мансуб белгилар учраши, Тупроққалъа туманидан (Сартарош карвон саройи, Мешекли қалъаси, Тошмозор қўрғони, Тошмозор қўрғонлар гурухи, Уч ўчоқ мозор қўрғонлари, Наус, Тупроққалъа харобаси, Тош-қала I харобаси, Тош-қала II харобаси, Эшон работ карвонсаройи, Сардоба қалъаси) келтирилган терmitларда эса *A. turkestanicus* турига мансуб белгилар қайд қилинган. Шунингдек, Хива

шахридаги Ичон ва Дишон қалъада жойлашган 90 та (Дишон қалъада 36 та, Ичон қалъада 54 та) тарихий музейларда кузатиш ишлари амалга оширилган.

Термитнинг тур таркибини аниқлашда қанотли термитлар қанот узунлиги, кенглиги, навкар табақалар олди елкасининг проностум тузилиши ва бошининг ўлчамлари асос қилиб олинган.

## **2.2. Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий техникалардан фойдаланиш.**

Жаҳонда ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимида GIS технологияларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Зааркунанда ҳашаротлар ва касалликлар тарқалган майдонларни аниқлаш, кўп йиллик маълумотларни географик таҳлил қилиш, экологик омиллар ўзгариши асосида зааркунанда организмларни пайдо бўлиш ўчоқларини аниқлаш, хариталарини тузиш усуллари ишлаб чиқилган. Ернинг сунъий йўлдошлари маълумотларини ҳамда даладан олинган кўп йиллик маълумотларни таҳлил қилиш ёрдамида кўсак қурти ва бошқа заарли организмлар тарқалишини башорат қилиш юзасидан тадқиқотлар кўлами кенгаймоқда.


Қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлардан ҳимоя қилишда Хоразм вилояти шароитида касалликлардан Ренет Семереко навли олмазорларда цитоспороз касаллигини тарқалиш ўчоқлари аниқлаш бўйича 50 та далада экологик мониторинг қилинган ва уларни элётрон хариталари ишлаб чиқилган.

Бу маълумотлар асосида зааркунанда организмларни ривожланишини башорат қилиш моделлари каби масалалар ёритиб берилган.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича ишларни режалаштириш ва ташкиллаштириш заарли организмлар популяциясининг тарқалиши, ривожланиши турнинг, экинларнинг физиологик ҳолатига ва экологик вазиятга таянади. Касаллик чақиравчи замбуруғлар олма дарахтидан ажратиб олиниб унинг морфологик хусусиятлари тадқиқ қилинган (8-расм).



1



2




3

**8-расм. Цитоспороз касаллигини тарқатувчи замбуруғнинг морфологик хусусиятлари (1-заараланган дарахт пўстлоғи, 2-конидиялари, 3- колониялари)**

Табиий шароитлар тўғрисдаги маълумотлар базаси фойдаланиб GIS дастури асосида зааркунанда организмларни тарқалиш ўчоқлари таҳлил

қилиш имкониятлари ёритиб берилган. Буларнинг барчаси заарли организмлар популяцияси тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва кузатиш тизимини осонлаштириш имконини беради.

Олма боғларда цитоспороз касаллиги мофологик, хусусиятлари тадқиқ қилинди. Ер ости сувлари сатҳи ўзгариши ва цитоспороз касаллиги тарқалган майдонларнинг координаталари олиниб уларнинг корреляцияси GIS дастури асосида ўрганилди ва EXEL дастури асосида корреляцияси аниқланди. Ер ости сувлари сатҳининг кескин катта диапозонларда ўзгариши максимал ва минимал кўсаткичлари ўртасидаги фарқларни ифодаловчи қийматлар олма боғларини цитоспороз касаллиги билан заарланиши ўртасидаги корреляция ўрганилган (9-расм).



Олма боғларидаги цитоспороз касаллиги қарши курашда тиним даврида мес купороси ва ўсув даврида фундазол, 1%ли мис купороси, импакт, топсин-М фунгицидлари қўлланилиб мос равища 56%, 40.5%, 46.9%, 52.1% самарадорликка эришилди ва олдиндан башорат қилиш орқали заарланиш олдини олиш имкониятлари қўрсатилган.

### **2.3. Қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологиялари.**

Соҳада маълум бир даражада ишлар бажарилган бўлиб бугунги кунда *Bracon hebetor* Say турини *in vitro* усулида қўпайтириш ва қишлоқ хўжалиги экинларида учрайдиган тунлам зааркунандаларига қарши қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади. Ўзга тунлами қуртларини таркиби ўрганилди хамда унга ўхшаш шаклда озиқа компонентлари йифилди. Браконни хўжайин турлари яъний Lepidoptera туркуми вакиллари қуртлари таркиблари ва қўринишини ўрганганди холда уларнинг шаклига ўхшатиб сунъий қурт капсулалари ишлаб чиқилди, табиий қуртларни таркибий қисмлари ўрганилиб, улар асосига яқин қилиб сунъий озиқа муҳутларини тайёрлаш мақсадида, асбоб ускуналар ва материалларни тайёрлаб олинди (10-расм).



**Расм-10.***Bracon hebetor* Say турини қўпайтиришда сунъий озиқа муҳитларини асосий таркиблари

Унга кўра, маҳсус термостат, пробирка 50-ПХ, политилен материал 0,4, мм, спирт 96 %, уяларни ясаш мосламаси, ультрафиолет чироқ, Петри ликопчаси, пипетка, центрифуга-2500, тиббиёт шприц 1, 2,5 мл, 5 мл кабилар керак бўлади ва барча жихозлар ва иш олиб бориладиган хона дистиранганди бўлиши шарт.



**Расм-11.** Браконларни сунъий озуқа муҳитларида кўпайтириш учун полителин салафандардан ишлаб чиқилаётган қопча шаклидаги сунъий қурт.(Лаборатория тажрибалари, 2016 й)

Биринчи босқичда, хашаротдан гемолимфани ажратиб олишдан бошланади. Капалаклар қуртларининг ёки ғумбакларининг гемолимфасини олишдан олдин уларни 60 ёки  $65^{\circ}\text{C}$  сувга 5-6 минут солиниб, сўнгра сувдан олинниб уларни филтир қофозида куритиб олинади ва учки тамонидан махсус кайчи ёрдамига кесилади, сўнгра озгина қўл билан қисиш ёрдамида гемолинфаси томизиб олинниб, махсус стерилизация қилинган идишга солинади. Иккинчи бисқичда, товук тухуми дастлаб 75% ли спирт билан тозалаб олинади ва 20 минут ультрафиолет нури остига қўйилади, сўнгра тухумни ёриб махсус идишга тухум сарифи ажратиб олинади. Учунчи босқичда, сигир сути ёки 10% қуруқ сут эритмаси (1 гр 10 мл дистилланган сувда эритилган) 10-11 минут қайнатиб олинади. Сўнгра Neisenheimer неорганик тузи ( $\text{NaCl}$  7.5 гр,  $\text{KCl}$  0.1 гр,  $\text{CaCl}_2$  0.2 гр,  $\text{Na HCO}_3$  0.2 гр,  $\text{H}_2\text{O}$  100 мл) формула асосида тайёрлаб олинади. Барча керакли сунъий озиқа компонентлари ва керакли жихозлар тайёрлаб олингач, уларни бирин кетин, илмий асосланган тартиби билан аралаштирилди.

*Bracon hebetor* Say туринисунъий озиқа муҳитларини яратища қуйидаги хашарот гемолимфалари билан тадқиқотлар ўтказилди. Унга кўракатта мум қуяси (*Galleria mellonella* N) ва тут ипак қурти (*Bombyx mori*) каби гемолимфаларидан фойдаланилди.

Ушбу зааркунандаларнинг гемолимфаларида бракон авлодларининг яхши ривожланиши учун самарали эканлиги бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Шу билан бирга *Bracon hebetor* Say туринисунъий озиқа кўпайтириш учун тунламларни сунъий қуртлари яратиш усуллари ишлаб чиқилди.



**Расм-12.***Bracon hebetor* Say турини кўпайтиришда сунъий озуқа варианларини яратиш. (Лаборатория тажрибалари, 2016 й)

Юқоридаги хар бир хашарот гемолимфалари билан *Bracon hebetor* Say тури учун сунъий озиқа муҳитлари тайёрланди ва самарадорлиги ўрганилди. Тадқиқотлардан кўзланган асосий мақсад *Bracon hebetor* Say туринисунъий озуқа муҳитида кўпайтиришнинг келажакда саноатлашган механизимини яратиш учун, қайси турдаги хашарот гемолимфаси самарали эканлигини аниқлаш ва сунъий озиқа муҳитларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотларнинг биринчи вариантида сунъий озиқа муҳитларини тайёрлашда биринчи бўлиб катта мум куяси (*Galleria mellonella* N) нинг гемолимфасидан олиб бордик. *Bracon hebetor* учун мум парвонаси гемолимфаси 45 %, тухум сарифи 22 %, табий сут 22 %, Neisenheimer 11 %.




**Расм-13.**Сунъий озуқада ривожланаётган *Bracon hebetor* Say тур авлодлари.(Лаборатория тажрибалари, 2016-2017 йй)

Иккинчи вариантиздаги сунъий озуқа муҳит таркибини хам бир хил қилиб белгилаб олдик. Фақат тут ипак қурти (*Bombyx mori*) гемолимфасидан фойдаланилди. Унга кўра *Bracon hebetor* учун мум парвонаси гемолимфаси 45 %, тухум сарифи 22 %, табий сут 22 %, Neisenheimer 11 % ташкил этди.

Сунъий қуртларни бракон билан зааррлантириш браконнинг ривожланиши учун қулай бўлган харорат ва намликни бир хилда ушлаб туриш имкони бўлган маҳсус термостат ёрдамида амалга оширилди. Унга кўра термостатда 30 °C иссиқлик ва 70 намлик хароратда ушлаб турилди.

Биринчи варианга кўра *Bracon hebetor* авлодлари билан сунъий қуртларни зааррланиши 82,5% бўлиб, тухумлардан 2,6 кунда личинкалар чиқиши кузатилди. Личинкалар ушбу озиқа муҳитида 5,2 кун ривожланиб, пупариялик даври 4.8 кунни ташкил этди. Озиқа муҳитдан учиб чиқсан зотларнинг яшовчанлиги 5,3 кун давом этиб, учиб чиқсан браконларнинг жинслари эркак:урғочилар нисбати ( $\text{♂}:\text{♀}$ ) 5:13 бўлди (14-расм).



**Расм-14.**Сунъий озуқада ривожланаётган *Braccon hebetor* авлодларини қулай ҳаво ҳарорати ва ҳаво нисбий намлигини белгилаш.

(Лаборатория тажрибалари, 2016-2017 йй)

Иккинчи варианда, сунъий куртларни заарланиш даражаси 84.2 % бўлди. Тухумлардан личинкалар чиқиши учун, 2,7 кун вақт кетиб, озиқа муҳитда личинкалар 5.4 кунгача яшаб пупарияга айланди. Пупариялик даври 4,6 кун давом этиб, озиқа муҳитдан учиб чиққан браконларнинг жинслари эркак:урғочилар нисбати ( $\text{♂}$ :  $\text{♀}$ ) 8:16 бўлди. Назоратда эса жинслар нисбати 1:6 ни ташкил этган

#### ***Braccon hebetor* say паразит-энтомофагини сунъий озиқа муҳитларини сақлаш технологияси.**

*Braccon hebetor* Say тури кўпайтириш учун тайёрланган сунъий озиқа муҳитларини музлаткичларда сақлаш учун 3 та вариантда  $-0^{\circ}\text{C}$ ,  $-5^{\circ}\text{C}$ ,  $-10^{\circ}\text{C}$  бўлган ҳаво ҳароратларида ва  $60\pm3\%$  ҳаво нисбий намлигида музлаткичларга сақлашга қўйилди. Сунъий озиқа муҳитларидан намуналари ҳар 1 ойда олиб уларни сунъий тунлам қуртларига жойлаштирилди ва *Braccon hebetor* Say тури билан заарлантирилди. Сунъий озиқаларни биологик фаоллигини назорат қилиб борилди. Олинган сунъий озиқа намуналаридан тайёрланган сунъий тунлам қуртлари ҳаво ҳарорти  $+30\pm2^{\circ}\text{C}$  ва ҳавонинг нисбий намлиги  $65\pm3\%$  қилиб белгилangan maxsus термостатда браконлар билан заарлантирилди.

Сунъий озиқа муҳитларини сақлаш вақтида кузатувлар хар 1 ой муддатларда олиб борилди, унга кўра ҳар 1 ой муддатда улардан олинган намуналарни қуидаги кўрсатгичлар бўйича кузатилди. Булар; тиним даврида сунъий озиқалардан тайёрланган сунъий тунлам қуртларини браконлар заарлаш даражаси ва бракон авлодларини ривожланиш даражаси; ҳаётининг давомийлиги, кабилар аниқланди.

Тадқиқотлардан олинган натижаларга кўра, биринчи вариантиизда ҳаво ҳарорати  $-0^{\circ}\text{C}$  қилиб белгиланган намуналарнинг 1 ой муддатаги сунъий озиқалардан тайёрланган сунъий тунлам қуртларини браконлар билан заарланиши 74,5% ни, 2 ой сақланган сунъий озиқа муҳитидан олинган намуналарда 62,2% ни, 3 ой сақланган сунъий озиқа муҳитидан олинган намуналарда эса 51,7 % ни кўрсатди.

#### Жадвал – 4

#### **Лаборатория шароитида *Bracon hebetor* Say турини кўпайтириш учун тайёрланган сунъий озиқаларни узок муддатларда сақлашда қулай ҳароратларни аниқлаш**

(Лаборатория тажрибалари, 2016-2017 йй)

Вариант-лар	Ҳарорат $^{\circ}\text{C}$	Нисбий намлик, %	Сунъий озиқаларни сақлаш вақтлари.		
			1 ой	2 ой	3 ой
1	$-0^{\circ}\text{C}$	60 %	74,5 $\pm$ 0,03	62,2 $\pm$ 0,04	51,7 $\pm$ 0,04
2	$-5^{\circ}\text{C}$	60 %	91,4 $\pm$ 0,02	82,0 $\pm$ 0,02	71,5 $\pm$ 0,03
3	$-10^{\circ}\text{C}$	60 %	80,9 $\pm$ 0,05	70,5 $\pm$ 0,03	62,8 $\pm$ 0,04

Иккинчи вариантиизда  $-5^{\circ}\text{C}$  ҳаво ҳароратда сақланган сунъий озиқалардан тайёрланган сунъий тунлам қуртларини бракон авлодлари билан заарланиш даражаларини аниқланди, бунда 1 ой мутдатда сўнг 91,4 % ни, 2 ой сақланган сунъий озиқа муҳитидан олинган намуналарда 82,0 % ни, 3 ой сақланган сунъий озиқа муҳитидан олинган намуналарда эса 71,5% ни кўрсатди (2-жадвал).

Охирги вариантиизда эса  $-10^{\circ}\text{C}$  ҳаво ҳароратида сақланган сунъий озиқалардан тайёрланган сунъий тунлам қуртларини бракон авлодлари билан заарланиш даражаларини 1 ой мутдатда сўнг 80,9% ни, 2 ой сақланган сунъий озиқа муҳитидан олинган намуналарда 70,5 % ни ва 3 ой сақланган сунъий озиқа муҳитидан олинган намуналарда эса 62,8 % ни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларига кўра иккинчи вариантда, яни  $-5^{\circ}\text{C}$  ҳаво ҳароратида 3 ойгача сақланган сунъий озиқа муҳитларида тайёрланган сунъий тунлам қуртларини *Bracon hebetor* Say авлодлари билан заарланиши 71,5 % ни ташкил этди ва бошқа вариантларга нисбатан сунъий озиқани биологик самарадорлиги юқори бўлди.

Лекин баржа вариантларда хам 3 ой сақланган сунъий озиқаларда этиштирилган бракон авлодларининг 9 % ғумбаклик даврида ва 11 % эса ғумбакдан чиқиб нобуд бўлди, қолган авлодлари эса тўлиқ рувожланди,

сунъий тунлам қуртларидан учууб чиқди, оталанди ва табиий тунлам қуртларини 90% гача заарлади, лекин ҳаёти 3,2 кунни ташкил этиб, ҳаётчанглиги узоқ бўлмаганлиги кузатилган.

### **Назорат саволлари:**

1. Биомаҳсулотларни сунъий озукада кўпайтиришнинг афзаллик ва камчиликларини айтиб беринг.
2. Бракон энтомофагининг дала шароитида самарадорлиги қандай ҳисобга олинади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Кимсанбоев X., Ўлмасбоева Р.Ш, Халилов Қ.Х.Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси Тошкент 2002- С.48-50 б
2. Хўжаев Ш.Т. Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари. – Тошкент: «Фан», 2010. – 352 б.
3. Bale, J. S., Masters, G. J., Hodgkinson, I. D., Awmack, C., Bezemer, T. M., Brown, V. K., Butterfield, J., Buse, A., Coulson, J. C., Farrar, J., Good, J. E. G., Harrington, R., Hartley, S., Jones, T. H., Lindroth, R. L., Press, M. C., Symrnioudis, I., Watt, A. D. & Whittaker, J. B. 2002. Herbivory in global climate change research: direct effects of rising temperature on insect herbivores. Global Change Biology, pp. 8, 1-16.

### **Интернет сайтлар:**

1. <http://www.cawater-info.net>
2. <http://agro.uz>
3. [http://agroobzor.ru/rast/a-176.html;](http://agroobzor.ru/rast/a-176.html)
4. [http://www.agroatlas.ru/ru/gis/;](http://www.agroatlas.ru/ru/gis/)
5. [http://www.dataplus.ru;](http://www.dataplus.ru)
6. [/news/arcreview/detail;](http://news/arcreview/detail)
7. [http://www.fao.org/ag/locusts-CCA/;](http://www.fao.org/ag/locusts-CCA/)
8. <http://www.fruit-inform.com/r>
9. <http://rosselhoscenter.com/>
10. [http://icosamp.ecoport.org.](http://icosamp.ecoport.org)

**3-Мавзу: Қишлоқ хўжалик экинларини заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий агротехник, физик-механик тадбирларни қўллаш.**

3.1. Қишлоқ хўжалик экинлари заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий агротехник тадбирларни қўллаш.

3.2. Қишлоқ хўжалик экинлари касалликларидан ҳимоя қилишда физик-механик тадбирларни қўллаш.

3.3. Қишлоқ хўжалик экинлари касалликларидан ҳимоя қилишининг инновацион технологиялари.

**Таянч иборалар: агротехник, уйғунлашган, пестицид, биологик, заарли, боғлар, ўтлоқлар, зааркунанда, экинзор, ишилов, ўғитлар, минерал ўғитлар, физик кураш, механик кураш.**

### **3.1. Қишлоқ хўжалик экинлари заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий агротехник тадбирларни қўллаш.**

Қишлоқ хўжалик экинлари зааркунандалари ва касалликларига қарши кураш усуллари асосан 2та йўналишга қартиш мумкин.

а) олдини олиш ёки огоҳлантирувчи йўналишнинг асосий мақсадизарақунандаларнинг далада боғларда ўтлоқларда ва бошқа экинзорларда ҳамда қишлоқ хўжалик махсулотлари саклайдиган омборхоналарда кўпайтиришга йўл қўймасликдан иборат.

б) қириб ташлаш чоралари йўналиш экинзорларга келтираётган ҳосилнинг нобуд бўлишига хавф solaётган зааркунандаларни ўлдиришдан иборат.

Зааркунандалар қишлоқ хўжалик экинларига бутун ўсув даври мобайнида, экилгандан бошлаб то уни йиғиб олгунча ва ҳатто омборхоналарда сақланаётган пайтда ҳам зарар келтириши мумкнин.

Қишлоқ хўжалик экинлари зааркунандаларга қарши кураш чоралари куйидаги усуллар асосида ўтказилади: агротехник, биологик, кимевий, физик, механик усул ва қарантин чоралариидир.

Курашнинг бу ҳамма усуллари бирлаштирилган тадбир ҳолида хўжаликларнинг ишлаб чиқариш режаларига киритилади. Юқорида кўрсатилган кураш усулларнинг ҳар бири ҳам ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга бўлиб, маълум шароит тарозиси билангина қўлланилиши мумкин.

Агротехник усул бу усул ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш системасида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Агротехник

усул ёрдамида зааркунандалар кўвайишининг олдини олиш баъзида эса бутунлай қириб ташлаш мумкин.

Агротехник усулни мувафақиятли қўллаш орқали зааркунандалари учун ноқулай шароитларни вужудга келтириш, маданий ўсимликларнинг яхши ўсиб ривожланиши ҳамда энтомофагларнинг кўвайиши учун эса қулай шароитларини вужудга келтириш мумкин бўлади. Зааркунандаларнинг ривожланишнга зарар келтириши кўпинча табий муҳит шароитларига, озуканинг миқдорига, ҳарорат ва намликни ўша зарарли тур учун қулайлигига ва бошқа муҳит шароитларига боғлиқ бўлади.

Агротехник тадбирларидан оқилона фойдаланиш кўплаб зарарли ҳашаротлардан оммавий ривожланишиниг олдини олишга, уларининг зарар келтириш даражасини камайтиришга сабаб бўлади. Бундай агротехник усуллар қаторига тупроққа ишлов бериш алмашлаб экиш, ўғитлаш муддатлари ва усуллари оқилона танлаб ўчказиш, уруғлик сифати экиш муддати ва усуллари кабиларни кўрсатиш мумкин. ишларни ўз вақтида ва муддатларида ўтказиш ўсимликларни зааркунанда ва касалликларни оқилона ҳимоя қилишга, дориворлардаи камроқ фойдаланишга имкон яратади.

XX аср дехқончилиги ўзига хос ихтисослашган хўжаликлар ташкил қилишга, катта майдонларда бир хил турдаги экинларнинг устирилишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида ўсимлик зааркунандалари учун қулай вазиятларини вужудга келтиради ундан ташқари, далаларнинг ҳажми шакли ўзчгартирилди, алмашлаб экиш ташкил этилди, катта-катта сув омборлари қурилиб, янги ерлар ўзлаштирилди ва сугориладиган ерлар майдони кенгайди. Бу тадбирлар айрим заарсиз бўлган зааркунанда турларининг асосий зааркунандаларига айланишига олиб келди.

Биз яшаётган Ўрта Осиё иқлими зааркунандаларнинг ривожланиши учун жуда қулай бўлиб кўпгина турлар бу ерда бир нечта авлод бериб ривожланди. Булар жумласига ширалар, трипслар, ўргимчаккана, олма курти ва бошқаларни киритиш мумкин.

Агротехник усулнинг яна бир афзаллиги шундаки маҳсулот пестицид қолдиқларсиз тоза бўлади, далаларда эса фойдали ҳашаротларнинг ривожланиш ва кўвайиши учун имкониятлар яратилади. Оқибатда эса биз экология тарозусининг бир томонига оғиб кетмасликни ҳам таъминланган буламиз. Фойдали ҳашаротлар энди бу далалардан бошқаларига (м: бедазорлардан боғларга) ўчиб ўтадилар бедапоялар фойдали турлар кўвайядиган ўчоғ вазифасини бажаради.

Агротехник усул асосан иккита йўналишда жуда фойдалидир:

1. Соғлом ўсимлик ўз - ўзидан зааркунанда ва касалликларга чидамли чидамли бўлади ва усулни қўллаш орқали ҳам бу турлар учун ноқулай шароит вужудга келади.

2. Касал ўсимликнинг ривожланиши ва ўз ҳолатини тиклаб олиш учун шароит яратилади.

Бундан ташқари агрогехник усул интегрирлашган усул чоралари билан доимо ҳамкорликда амалга оширилши учун афзаликкларидан биридир. Бу усул кўпинча қўшимча сарф-ҳаражатлар қилишни камайтиради.

Боғдорчиликда агротехник усулнинг мохияти қуидагича.

1.Зааркунандалар ва касалланиш оқибатида кўриб қолган заарланган шох шаббаларни қирқиб ташлаш.

2.Дараҳтларга доимо шакл бериб бутаб бориш, ёшартириш тадбирларини ўтказиш,касалланишва заарланиш оқибатидатукилган меваларни териболиши

3.Боғ қатор ораларига ишлов бериш.

4.Боғларни оқлаш.

Ташкилий хўжалик тадбирларии ўтказиш, монокультурадан қутилиш экинзорларда фойдали ҳашаротларнинг кўвайишига имкон беради. Бунинг учун фойдали турларнинг ривожланиши учун қулай бўлган ўсимликлар ўстириш, серасал ўтлар экиш каби шароитларни вужудга келтириш зарур. Масалан асалари мева ва вахта ҳосилини 1,5-2 ц га ошириши маълум.

Алмашлаб экиш. Бир далага экиладиган экин 2-4 йил давомида бошқа экин турига алмаштириб турилса у ерда зааркунанда ва касалликлар аввал кўвайиб кетмайди.

Шудгор қилиб ҳайдаш-тупроқдаги ҳашаротларнинг тухумлари, личинкалари ва имаголарини қирилишига сабаб бўлади.

Яхоб суви берилганда ҳам маълум натижаларга эришилади.

Экиш муддатининг кечикирилиши ёки эрта ўтказилиши ҳам баъзи бир зааркунанда ва касалликлар учун қулай вазиятларни вужудга келтириши мумкин.

Минерал ва органик ўғитларни ишлатиш. Тўғри танлаб, илмий асослда ўғитланган далаларда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши яхши кечиб зааркунанда ва касалликларга чидамли бўлади. минерал ўғитлар ўсимликдаги осматик босимни оширади бу эса сўрувчи ҳашаротларнинг озиқланиши учун ноқулай ҳисобланади.

Калийли ва фосфорли ўғитлар барг ва поялар механик тў- қималарини мустаҳкамлайди, кутикулани қалинлаштиради оқибатида эса сўрувчи ҳашаротлар учун ноқулай шароит вужудга келиб уларнинг ҳартумлари шарбатини олишда қисқалик қилиб қолади.

N:P:K ўғитлар ўсимлик битлари, цикадаларнинг озиқланишини вақтинчалик тўхташига сабаб бўлади. меъёрдан ортиқча ишлатилган ўғитлар шира ва каналарнинг кўвайиб кетишига сабаб бўлади.

Суғориш фойдали ва заарли ҳашаротлар микдорига катта таъсир кўрсатади. Намликни хуш кўрадиган ҳашаротлар - ўсимлик битлари ва баъзи бир бошқа турларнинг ривожланиши учун шароит яратилади. қуруқсевар ксеровил тур ҳашаротларга салбий таъсир кўрсатади (қора қўнғизлар, чигирткалар, заарли хасва). Агро усулининг - айниқса суғоришнинг ҳашаротларга таъсири яхши ўрганилмаган.

Ҳосилнн йифиб олиш вақти ва усули. Ҳар бир экинда учрайдиган зааркунанда ҳаёт кечиришини ҳисобга олиб йиғишга киришилса кулгусида шу турдаги зааркунанда тарқалишининг олдини олган бўламиз.

### **3.2. Қишлоқ хўжалик экинлари касалликларидан ҳимоя қилишда физик-механик тадбирларни қўллаш.**

Зааркунандаларга қарши курашда физиковий, механиковий кураш усуллари алоҳида ўрин тутади.

1.Физиковий усул деганда заарли организмларга қарши гурли хил физик омилларни қўллаш тушунилади. Физик омилларга электр токи, ёруғлик нури, ҳарорат ўзгаришлари (паст ёки баланд) радиактив нурлардан фойдаланиш ва бошқалар киради. Физиковий ҳарорат ўзгаришларидан омбор зааркунандаларига қарши курашда, уруғларда касаллик тохумини зарарсизлантиришда (буғдойни қора куядан, чигитни гоммоздан ва ҳ.к.) кенг қўлланилади. Бегона ўғларга қарши курашда оловли культиваторлардан ҳам фойдаланилади.

2.Заарли ҳашаротларни ўлдиришда электр токидан фойдаланиш тўғрисида жуда кўплаб тажрибалар олиб борилмоқда. Бу масалада маълум муваффақиятларга ҳам эришилди. Бироқ электр, токидан фойдаланиш технологияси ва унинг ўсимликка тасири бўйича тадқиқотлар хали охирига етказилмаган.

3.Заарли ҳашаротларга қарши курашда ёруғлиқда ҳашаротлар тутқичлардан фойдаланишда ҳам маълум муваффақиятларга эри. шилди. Чунки, ҳашаротларнинг кўпчилиги тунда ёруғликка учади. Ҳашаротларни бу хусусиятидан заарли турларга қарши курашишда фойдаланишга узок вақлардан бери қизиқиб келинар эди. Бироқ хозирги пайтда электр ёруғлигига ҳашарот тутқичлардан факат башорат мақсадидагина фойдаланилмоқда. Кураш воситаси сифатида фойдаланилмаслигига сабаб бу тутқичларда кўплаб фойдали ҳашаротлар ҳам нобуд бўлади.

4.Механик кураш чорасидан ҳам ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимида кенг фойдаланилади. Бунга касал дараҳтларни ва шоҳларни кесиб йўқотиш, заарли ҳашаротлар ёки уларни тухумларини териб ёки эзиб йўқотиш, механик тутқичлар (олма куртига қарши) белбоғлар қўллаш ва бошқалар тушунилади.

### **3.3. Қишлоқ хўжалик экинлари касалликларидан ҳимоя қилишнинг инновацион технологиялари.**

Маълумки охирги йилларда барча қишлоқ хўжалик экинларидан, жумладан боғлар, узумзорлар, сабзавот, полиз экинларидан етарлича ҳосил олиш асосий мақсадлардан бири, уларга турли зааркунанда, касаллик қўзғатувчиларини ва бегона ўтларни этказаётган заарларни ўз вақтида бартараф қилишдан иборатдир.Ўсимликларни заарли организмлардан ўйғунлашган ҳолда ҳимоя қилиш ўз олдига зааркунанда ва касаллик қўзғатувчиларини иқтисодий зарар келтириш меъёри чегарасида сақлашнинг

имкони бўлган барча (агротехник, физик, механик, биологик, карантин, ва ҳоказо) усуллардан самарали фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш (integrated pest suppression) сўзидан олинган бўлиб заарли организмларни мавжуд усуллардан фойдаланган ҳолда йўқотиш маъносини билдиради.

Ҳозирги пайтда атроф муҳитни ҳимоя қилиш нуқтай назардан ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш энг қулай чорадир. Бу тадбир баъзи бир заарли турларни қириб ташлашдан иборат эмас, балки атроф муҳитга зарар етказмайдиган ҳолда уларнингсонини энг кам микдорда сақлаб туришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бундай ёндашиш ўсимликларни ҳимоя қилиш илгари йўл қўйилган пестицидларнн ёппасига қўллаш оқибатларини тугатишга имкон беради.

Бу кураш йўллари олдингиларидан шу билан фарқ қиласиди, пестицидлар билан ишлов бериш кўпинча касаллик ва зааркунандаларнинг аниқ микдорини ҳисобламай туриб қириб ташлаш чораларини ўтказмасликни, бу чораларни фақат заарли ҳашаротлар меъридан юқори бўлган тақдирдагина тақозо этади.

Баъзи ҳолларда кураш чораларини далаларнинг фақат касаллик ва зааркунанда микдори ўта кўп бўлган жойлардагина ўтказилади.

Ўсимлик зааркунандаларига қарши курашувчи кураш чоралари паразит ва йиртқич ҳашароглар ва бошқа заарли организмлар сонини бошқариб турувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ўтказиш талаб қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, уйғунлашган кураш чорасини замонавий тушунчаси шундан иборатки, унинг асосий вазифаси агробиоценоздаги популяция орасидаги ёки улар ўртасидаги муносабатларни бошқариб боришдан иборатдир.

Ҳозирги вайтда касаллик ва зааркунандаларга чидамли навларни етишириш билан бир қатор илфор илмий текшириш фирмалари (ширкатлар) шуғулланмоқдалар. Улар ген инженерияси, молекуляр биология ва чидамли навлар етишириш биотехнологияларидан фойдаланиб, зааркунанда ва касалликларга қарши бир қанча чидамли навларни яратдилар. Масалан шундай йўллар билан картошкани коларадо қўнғизига қарши чидамли навларни яратиш устида катта ишлар олиб борилмоқда.

Ўсимлик зааркунандалари ва касалликларига қарши чидамли навларни яратиш ўсимликларни ҳимоя қилишни кимёвий воситаларини қўллашни 5-15 маргагача ҳам камайтиришга имкон беради. Уйғунлаштирилган кураш чорасини қўллаш схемаси ўз ичига ҳар бир регионал хусусиятларини ҳам ўз ичига олиши керак.

Шулар асосида ҳозирги вактда уйғунлашган ҳимоя қилишни олиб бориш схемаси уч босқичга бўлинади:

Биринчи босқич - ўсимликларни ҳимоя қилишни ва пестицидларни қўллашниши салбий томонларини муҳокама қилиш. Бу иш алоҳида ҳар бир жўғрофий минтаقا ва ўсимлик учун олиб борилиши керак.

Иккинч босқич - пестицидларни кўллашда уни табиатда айланиши ва экологик ўзгаришга учрашини аниқлаш. Турли хил схемаларни қўллашнинг дастлабки босқичларида пестицидларни қолдиқ микдорларини аниқлаш лозим. Бу кўзатишлар асосий экологик ва гигиеник томонидан келтирилган зарарни аниқлаш мумкин бўлсин.

Учинчи босқич - уйғунлашган ҳимоя қилишнинг энг зарур масалаларини ишлаб чиқиш. Бунда зааркунандаларга қарши қурашиш ҳар хил усул ва чораларини қўшиб олиб бориш.

Замонавий уйғунлашган қураш чораси инсонларнинг агробиоценоздаги турларнинг ривожланиши, иқтисодий ва атроф- муҳит нуқтаи назаридан, меъёр даражасида ёндашишни тақозо қиласди. Ўсимликларни уйғунлашган қураш системасида ҳимоялашда айниқса кимёвий қураш чораларини ўтказишида зааркунандаларни иқтисодий ҳавфли сонини ва фойдали ҳашаротларга уларни сони нисбатини ҳисобга олиш лозим. Зааркунандани иқтисодий ҳавфли сонини аниқлаш принципи 1939 йили А.А. Любашев томонидан айтиб ўтилган бўлиб, кейинчалик бу чет эл олимларини эътибории ўзига жалб қилди.

Бу фикрларни америкалик олим Стерн, Смит ва Хейганлар ривожлантиришга 2 та кўрсаткич а аҳамият бердилар. 1 Иқтисодий заар келтиришни кўрсаткичи.

Иқтисодий заар келтириш кўрсаткичи.

Иқтисодий заар келтириш.

ИЗК - иқтисодий заар етказиш кўрсаткичи ёки ҳашаротларни иқтисодий заар келтириш сони ёки популяцияси.

ИЗ иқтисодий заарни бартараф қилиш учун тавсия қураш чораларини олиб бориш.

Иқтисодий ҳавфли сон маъносида ҳам экология етади. Бу ибора 1959 йилда АҚШда Стери таклиф қилган. Бу сон фақат иқтисодий заар келтириш даражаларини ичига олмасдан балки экология санитаргиена ва социал йўналишларни ўз ичига олиши керак.

1975 йили Танский В. В. иқтисодий ҳавфли сонни аниқлаш формуласини ишлаб чиқди.

$$ИХС = \frac{X \cdot Ч}{33,3 \cdot С}$$

Бунда: X- заарланган ўсимлик ҳосили

Ч- зааркунанда сони

33,3 заарланишдан йўқотилган ҳосил (фоизларда).

С- заарланиш ўсимлик ҳосили.

Заар келтириш коэффиценти:

$$З_К = \frac{A - B}{A} * 100$$

Бунда: З<sub>К</sub>-зааркелтиришкоэффиценти.

A-заарланмаган ўсимлик ҳосили.

B-заарланган ўсимлик ҳосили.

### **Назорат саволлари:**

1. Қишлоқ хўжалик экинлари касалликларидан ҳимоя қилишнинг қандай инновацион технологияларини биласиз?
2. Уйғунлашган ҳимоя қилиш неча босқичда олиб борилади?
3. Иқтисодий заарар келтириш кўрсаткичи деганда нимани тушунасиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хўжаев Ш.Т., Холмуродов Э.А. “Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари. Тошкент, “Фан” нашриёти. 2009 й.

2. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. (қайта ишланган ва тўлдирилган II нашр). – Тошкент, 2004. – Б. 3–30.

3. Хўжаев Ш.Т. Агротоксикология асослари ҳамда тадқиқот ўтказиш қоидалари. Тошкент -2018, 143-б.

4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига ишлатиш учун рұхсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати.- Тошкент: “Puta-Print”, 2016 й.

**Интернет сайтлар:**[http://www.agromage.com/stat\\_id.php](http://www.agromage.com/stat_id.php)  
<http://www.ecobiology.com.ua/nut.html>

### **4-Мавзу: Қишлоқ хўжалик экинлари заарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.**

- 4.1. Ўсимликларни ҳимоя қилишда кимёвий воситалар турлари.
- 4.2. Қишлоқ хўжалик экинлари заарли организмлардан кимёвий воситалар орқали ҳимоя қилиш самарадорлиги.

**Таянч иборалар:** инсектицид, акарицид, фосфорорганик, пестицид, органик бирикмалар, препарат, синтетик перитроидлар, касаллик, экинзор, фунгицид, уйғунлашган кураш, кимёвий воситалар,

#### **4.1. Ўсимликларни ҳимоя қилишда кимёвий воситалар турлари.**

**Фосфорорганик инсектоакарицидлар.** Фосфорнинг органик бирикмаларига асосланган препаратлар ҳозирги пестицидлар орасида муҳимларидан бири ҳисобланади. Улар юқори даражада инсектицид ва акарицид сифатида зааркунандаларга тез таъсир кўрсатади, биологик муҳитда узоқ туриб қолмайди ва парчаланганда заҳарсиз маҳсулотлар ҳосил қиласди, суст даражада тўпланади, бир қатор препаратлари ичдан таъсир

қилиш хусусиятига эга ва шунинг учун кичик ҳажмда пуркаш йўли билан фойдаланиш, шунингдек ҳар гектарга оз микдорда сарфланиши мумкин.

Кўпчилик фосфорорганик бирикмаларнинг салбий томони ҳам бор. Булар иссиққонли ҳайвонлар ва одам учун, шунингдек кўпчилиги фойдали ҳашаротлар учун кучли заҳардир. Сурункасига ишлатилганда бу бирикмаларга қарши тез орада зааркунандаларнинг чидамли популяциялари пайдо бўлиши мумкин.

Фосфорорганик бирикмаларнинг ҳашаротларга заҳарли таъсир қилишига сабаб шундаки, улар ферментларнинг фаоллигини издан чиқаради. Заҳар ҳашарот жисмiga тушиши биланоқ дархол заҳарланиш аломатлари юз беради ва у тезда фалажланиб, ҳалок бўлади. Кўпчилик фосфорорганик препаратлар ишлатилиши билан заҳарлилигини кўрсатади ва ишлов беришдан кейинги дастлабки соатларда зааркунанда ўлади.

Фосфорорганик препаратлар личинкаларни ва етук ҳашаротларнинг кўпчилигини йўқотади, аммо тухумларга кам таъсир қиласди, бироқ мой эритмасида тайёрланиб, ҳашарот ва каналарнинг тухуми ичига ўта оладиган баъзи препаратлар бундан мустаснодир.

Лаборатория шароитида ўтказилган тажрибаларимизда бу гурухга оид препаратлар (рогор, антио, базудин ва бошқалар) тавсия қилинган сарф-меърида тўлиқ қўлланганда ғўза тунламиининг 50-82% тухумларини ўлдирган.

Фосфорорганик бирикмаларнинг аксарияти иссиққонли ҳайвонлар ва одам учун ўртача заҳарлидир, аммо булар орасида кам заҳарлилиги ҳам бор. Фосфор бирикмаси ҳайвон ва одам организмида ферментлар таъсирида тезда заҳарсиз маҳсулотларга парчаланади ва организмдан чиқариб юборилади. Бу гурухдаги баъзи бирикмалар сезиларли даражада ва бир меъёрда кумулятив таъсир қилиш хусусиятига эгадир. Бу ҳол тажрибадаги ҳайвон жисмiga заҳарни кичик дозаларда тез-тез юбориб турилганда рўй беради. Фосфорорганик бирикмалар гурухида бўлган ҳозирги препаратлар тупроқда ва ўсимликларда кўпи билан бир ойгача сақланади. Шунинг учун белгиланган оралиқ муддатларга риоя қилинганда уларнинг муҳитда ҳамда чигитни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларда тўпланиш хавфи туғилмайди.

ФОБлар тупроқда микрофлора, намлик ҳамда ўсимликлардаги кимёвий ўзаро алоқалар таъсирида ва уларга ўсимлик ферментлари, қуёш радиацияси таъсир қилиши натижасида парчаланади. Ўсимлик қанча ёш бўлса, парчаланиш жараёни (метаболизм) шу қадар жадал кечади, бу эса биокатализаторлар, ферментлар, гормонлар, витаминалар иштирокидаги синтетик жараёнларнинг юқори даражада физиологик фаол равишда рўй бериши билан изоҳланади. Бу бирикмаларнинг фаол шакллари пестицидлар билан ўзаро бир-бирига таъсир қилиб, уни ўзгартиради, бу эса эски тўқималарда анча сусаяди.

Кўпчилик фосфорорганик бирикмалар ўсимликтининг ичидан таъсир қилиш хусусиятига эга. Бундай таъсир кўрсатишнинг моҳияти шундан

иборатки, бунда препарат кутикула ва барг лабчалари (устъицалари) орқали, шунингдек (захар тупроққа солинганда) илдиз орқали ўсимликка ўтади ва унда (препаратнинг хусусиятларига қараб) флоэма, перенхима, хужайра деворчалари, транспирация оқими, ксилема ҳамда ҳужайра оралиқлари орқали тарқалади.

Пестицидлар асосан ўсимликнинг тез ўсадиган қисмларида силжийди, уларнинг тарқалиш тезлиги ҳар хил бўлади. Пестицидларнинг ўсимликка ўтиши ва тарқалиши ўсимликнинг хусусиятларига, ташки муҳит шароитларига, препаратнинг физик-кимёвий хоссалари ва турига боғлиқ. Ёш ўсимликнинг барглари пестицидларни жуда яхши ўтказади. Қулай сув тартиби пестицидларнинг адсорбциясига ва уларнинг жойдан-жойга силжишига ёрдам беради. ФОБ лар билан ишлов беришда шуни эътиборга олиш керак. Ичдан таъсир қиласидан препаратлар нам билан яхши таъминланган ўсимликларга тез ўтади. Пестицидларнинг ўсимликка жадал ўтишида ҳарорат, ёруғлик, ҳавонинг намлиги катта аҳамиятга эгадир.

*Данадим, 40% эм.к. (рогор, БИ-58, диметоат, нугор).* Соф моддаси: 0,0-диметил-S-N-метилкарбамоил-метил)-дитиофосфат. Юқори ҳароратга чидай олмайди ва иситилганда изомерларга парчаланади. Ультрабинафша нурлар таъсирида парчаланиши анча тезлашади. Сақлаш мобайнида фаол моддаси – фосфамид унча узоқ турмайди ва тез орада заҳарлилигини йўқотади.

Ўсимлик сиртига тушган фосфамид ҳарорат, ёруғлик ва сув таъсирида тез парчаланади, аммо ўсимлик ичида у заҳарлилик хусусиятини 20 кунгача сақлайди. Препарат ичдан яхши таъсир этади. У ўсимлик ичида ксилема бўйича (илдиздан ер устки қисмларга томон) яхши силжийди, лекин флоэма бўйича (барглардан илдизга томон) силжиши қийин, шу боисдан баргга сепилган фосфамид унда қолаверади.

Тўғри қўлланганда, яъни сарфлаш меъёрларига, шунингдек, ишлов бериш шартларига қатъий амал қилинганда бу препарат ўсимликка заар етказмайди. Аммо амалда баъзан ўсимликни куйдириб қўйиши мумкин. Бунга препаратнинг сарфлаш меъёри ва ишлов бериш шартларини бузиш сабаб бўлади. Кундузи ҳарорат  $28^{\circ}$  дан ошганда ишлов бериш тўхтатилиши лозим (Турабходжаева, 1973).

Фосфамид кучли ва унча узоқ давом этмайдиган ичдан таъсир этувчи инсектицид ва акарицид ҳисобланади. Препарат асосан сўрувчи зааркундаларга (ўргимчаккана, ўсимлик ширалари, қандала, трипс ва бошқаларга) қарши қўлланилса яхши натижа беради, кемирувчи зааркундаларнинг (ғўза тунлами, карадрина ва ҳ.к.) кичик ёшдаги куртларини ҳам ўлдиради. Ўсимлик ичига тез ўтиши ва сиртида парчаланиши туфайли фойдали ҳашаротларга қиласидан заҳарли таъсири узоққа чўзилмайди. Шу жиҳатдан ишлов беришни энтомофагларнинг энг кўп қисми ғумбаклаганда ва тухум шаклида бўлганда ўтказиш муҳимдир.

Фосфамид 40% ли эмульсия концентрати шаклида чиқарилади ва пахтачиликда бир қанча сўрувчи зааркундаларни йўқотишида ҳар гектарга

1,5-2 л дан сарфлаб ишлатилади. У иссиққонли ҳайвонлар ва одам учун ўртача заҳарлидир ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 230 мг/кг га тенг). Тери орқали сезиларли даражада таъсир қиласи. Ғўза фосфамид билан шиддатли ишланаверса ўргимчаккана, ўсимлик ширалари ва оққанотда якка ва гурухли чидамлилик вужудга келиши мумкин. Ғўзага охирги марта фосфамид билан ишлов бериш пахта очили-шидан 15 кун олдин, бошқа экинларга ишлов бериш эса 30 кун илгари тўхтатилади. БИ-58 билан ишланган далага трихограммани 15 кун, браконни – 10 кун, стеторусни 5 кун кейин қўйиш мумкин.

**Карбофос, 50% эм.к. (фуфанон, 57% эм.к.).** Соф моддаси: 0,0-диметил-S-(1,2-дикарбэтоксиэтил)-дитиофосфат. Юқори ҳарорат шароитларида нисбатан тез парчаланиб кетадиган препарат. У нордон ва ишқорий муҳитда ва айниқса тунука идишда тез парчаланади. Шунинг учун ҳам карбофос ич томондан маҳсус материал билан қопланган тунука идишларда ёки пластик канистрларда тарқатилади.

Карбофос сиртдан таъсир қиласиган инсектицид ва акарицид бўлиб, бошланғич пайтда жуда заҳарлидир, аммо қисқа муддатда самара беради. Бу препарат фумигант сифатида ҳам таъсир қилиши мумкин. Карбофос парчаланиши ва буғланиши туфайли ўсимлик сиртидан тез кўтарилиб кетади. Одам ва ҳайвонлар учун карбофос ўртача заҳарлидир.  $\text{ҮД}_{50}$  каламуш учун вазнининг ҳар килограммига 450-1300 мггача ўзгаради. Кумулятив таъсири деярли йўқ, терига суст таъсир қиласи.

Ғўзанинг сўрувчи зааркунандаларига (ўргимчаккана, ўсимлик ширалари ва б.) қарши кураш олиб борилганда гектарига 1,0-2,0 л дан ишлатиш тавсия этилган. Тез парчаланиши ва иссиққонлиларга нисбатан кам заҳарлилиги уни иссиқхоналарда (0,05-0,15%), сабзавотчиликда (0,1-0,2%), боғдорчиликда (0,2-0,3%), чорвачиликда сиртқи ва тери ости паразитларга қарши қўллаш имконини беради. Ишлов беришни пахта етилишидан 20 кун олдин тугаллаш тавсия этилган.

**Фозалон, 35% эм.к. (золон, бензофосфат).** Соф мод-даси: 0,0-диэтил-S-(6-хлорбензоксазолинил-3-метил)-дитио-фосфат. У нордон ва нейтрал муҳитда турғун бўлиб, ишқорли муҳитда тез гидролизланади. Фозалон тупроқда ва ўсимликда турли омиллар таъсирида (25 кун давомида) парчаланади.

Фозалон ичдан ҳамда сиртдан таъсир қиласиган инсектицид ва акарициддир. Даслабки пайтдан фаол бўлиб, анча вақтгача самарали натижа беради. Ўсимликка ичдан (чекланган даражада) таъсир қиласи. Ўтказган тажрибаларимизга қараганда фозалон ўсимликда пастга ва юқорига қараб оқувчи найчалар бўйича маълум даражада силжий олади. Ўсимликни шира, ўргимчаккана, трипс, қандала каби сўрувчи ҳамда ғўза тунлами, карадрина сингари зааркунандалардан ҳимоя қилишда яхши натижа беради (бунда гектарига 2,5-3 л препарат сарфланади), ўсимликларни куйдирмайди. Айни вақтда уни мевачиликда ҳамда цитрус ўсимликлар ўстиришда ҳам зааркунандаларга қарши 0,2% ли қуюқликда ишлатиш тавсия этилган.

Фозалоннинг ижобий томонларидан бири шундан иборатки, у асалари ва фойдали ҳашаротлар (йиртқич ва паразитлар) учун кам заҳарлидир. Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология ва паразитология институтида ўтказилган махсус тадқиқотлардан маълумки, синааб кўрилган талай препаратлар орасида фозалонда танлаш коэффициенти, яъни кушандаларга нисбатан «шафқатлилиги» энг юқори бўлди. Дала шароитидаги ҳисоблашларга кўра, фозалон билан ишлов берилгандан кейинги дастлабки беш кунда энтомофагнинг атиги 5% и нобуд бўлди, ундан кейинги кунларда эса бу хил ҳашаротларнинг нобуд бўлгани бутунлай сезилмади. Шуни қайд этиш керакки, фосфорорганик бирикмаларга чидамли ўргимчаккананинг популяцияларига қарши курашда фозалон фойда бермайди.

Одам ва исиққонли ҳайвонлар учун фозалон юқори даражада заҳарли ҳисобланади (ЎД<sub>50</sub> каламушлар учун вазнининг ҳар килограммига 108 мг га tengdir). Терига таъсир қилиши ва кумулятив хусусияти сустроқ сезилади. У Франциянинг Рон-Пуленк фирмасида, бензофосфат эса мамлакатимиз саноатида чиқарилади. Охирги ишлов бериш ҳосил етилишидан 30 кун олдин тўхтатилади. Фозалон билан ишланган майдонга трихограмма 12, бракон 5 кундан кейин қўйилади. Олтинкўзга таъсир этмайди.

**Пиринекс, 40,8% эм.к. (дурсбан).** Соф моддаси: хлорпирифос. Замонавий ФОБ, соф ҳолда бир қатор қишлоқ хўжалик экинларини зааркундалардан ҳимоя қилиш учун ишлатилади. Шунингдек, синергист сифатида синтетик пиретроидга (циперметрин) аралаштирилиб (нурел-Д) ишлатилади.

Хлорпирифос иссиқ қонли ҳайвонлар учун ўртacha заҳарли бирикма бўлиб, атроф муҳитга катта хавф туғдирмайди. Пиринексни ғўзада шира ва трипсга қарши (0,5-0,7 л/га), оққанот ва ўргимчакканага қарши (1,5 л/га); олма дараҳтларида-меваҳўрга (1,5-2,0 л/га) ҳамда ўргимчакканаларга қарши (2,0 л/га) қўллашга рухсат берилган. Ҳосил етилишидан 30-40 кун илгари ишловни тўхтатиш лозим. Айрим ҳолларда (юқори ҳарорат ва намлик, эритма қуюқлиги юқори бўлганда) хлор-пирифос нозик барг ва новдаларни куйдириши мумкин.

**Политрин (поликрон, куракрон).** Соф моддаси: профенофос. Ўртacha заҳарли ФОБ. Жуда кўп сўрувчи зааркундалардан самарали ҳимоя қиласди. Ўргимчаккана, шира, трипс, қандалалар, қалқондорлар ва комсток куртига қарши энг юқори натижа беради. Профенофоснинг ижобий хусусиятларидан бири – фойдали ҳашарот – олтинкўзга нисбатан шафқатлилигидир. 2005 йилдан бошлаб комплекс зааркундаларга қарши самара берадиган аралашма – Политрин-К (кейинги бўлимларда тавсифланган) синааб жорий этилди.

**Диазинон, 60% эм.к. (базудин).** Соф моддаси: диазинон, кўп йиллардан бери (30-35) қишлоқ хўжалигига ишлатиб келинадиган ФОБ ҳисобланади. Соф моддаси юқори даражада заҳарли (ЎД<sub>50</sub> 76-130 мг/кг га teng).

Диазинон ўргимчакканалардан ташқари деярли барча бўғимоёкли

жониворларга самарали таъсир этади. Жумладан, Ўзбекистонда у буғдойда шира, трипс ва пъвицага қарши ( $1,5\text{-}1,8$  л/га) ва шолини пашша, чивин ва ширалардан ( $1,0\text{-}1,2$  л/га) ҳимоя қилиш учун тавсия қилинган (Рўйхат, 2010). Ишлов ўтказилган ўсимликларда 15-20 кун мобайнида сақланади.

Алюмин ҳамда ички томони маҳсус қопланган темир идишларда 2 йилгача қучини йўқотмайди.

**Сумитион, 50% эм.к.** (метатион, метилнитрофос). Соф моддаси: фенитротион, иссиққонли ҳайвонлар учун ўртача заҳарли ( $\text{ҮД}_{50}$  сичқонлар учун 329-715 мг/кг, каламушлар учун эса – 470-516 мг/кг). Тери орқали заарсиз, лекин бироз кумулятив хусусиятларга эга. Сиртдан ва ичдан таъсир кўрсатадиган инсектицид. У жуда кўп ҳашаротларга қарши қўлланилиши мумкин, аммо Ўзбекистонда фақат буғдойни барча сўрувчи ва кемирувчи зааркундалардан ҳимоя қилиш учун ( $0,6\text{-}1,0$  л/га) тавсия этилган (Рўйхат, 2010). Нисбатан тез парчаланиб кетиш қобилиятига эга бўлгани учун чет мамлакатларда уни омбор зааркундалари ҳамда чўл ва яйловларда чивин, пашша ва чигирткаларга қарши ҳам қўлланилади. Ичи қопланган темир идишларда кўп йиллар мобайнида хусусиятларини йўқотмайди.

**Ортен, 75% эм.к. (лансер, 75% э.кук.)** Соф моддаси: ацефат. Ўртача заҳарли бирикма ( $\text{ҮД}_{50}$  866-945 мг/кг га тенг) бўлиб, бир қатор сўрувчи зааркундаларга қарши юқори даражада самаралидир. У сиртдан ва ичдан таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда ғўзани шира ва трипсдан ҳимоя қилиш учун ( $0,7$  л/га) ҳамда тамакини шу ҳашаротлардан ҳимоя қилиш учун ( $0,75$  л/га) тавсия қилинган. Бундан ташқари, чигитни дорилаб экишга (4 кг/т) мўлжалланган маҳсус шакллари ҳам мавжуд: лансер, 80% н.кук. ва ортен, 75% н.кук. Кучли хидга эга, аммо сув билан қоришганидан кейин бу ҳид йўқолади. Нисбатан тез (10 кун) парчаланиб кетади.

**Синтетик пиретроидлар.** Охирги 25 йил ичida ўсимликларни зааркундалардан ҳимоя қилишда дунё миқёсида янги гуруҳ препаратлар – пиретроидлар мустаҳкам ўрин эгаллади. Бу препаратлар узоқ йиллардан буён ишлатиб келинаётган барча бошқа препаратлар олдида бир қанча афзалликларга эга, бироқ бирмунча камчиликлари ҳам мавжуд.

Синтетик пиретроидлар циклопропан кислоталари маҳсули бўлиб, табиий пиретринлардан ёруғликка чидамилилиги билан фарқ қиласи. Шунинг билан бирга, улар одам ва ташқи муҳит учун камроқ хавфлидир, чунки улар жуда оз миқдорда ишлатилиб, нисбатан қисқа муддат ичida хавфсиз моддаларга парчаланиб кетади. Пиретроидларнинг ҳашарот организмига таъсир қилиш механизми ўзига хос бўлганлиги сабабли зааркунанда тез заҳарланади. Ҳисобли дақиқа ичida препаратнинг сиртдан ёки ичдан таъсир қилиши натижасида озиқланишни тўхтатиб, ташқарига чиқади ва оғзидан сариқ суюқлик чиқаради. Ниҳоят, заҳарланиш даражасига қараб бир неча дақиқадан бир неча соатгача вақтда ўлади. Пиретроидларга «нокдаун самара» хосдир, яъни жисм етарли миқдордаги препарат билан заҳарланмаса, олдин изтироб чекиб, сўнг яна ўнгланиб олиши мумкин. Кўпчилик пиретроидлар бир йўла тухум, курт ва етук зотга таъсир қилиши мумкин.

Одам ва иссиқонли ҳайвонлар учун пиретроидлар турлича заҳарли бўлиши мумкин. Улар ичида кам заҳарли (*амбуши*, *корсар*, *ровикурт*, *анометрин-М*), ўртача заҳарли (*цимбуши*, *сумицидин* ва б.) ва ўткир заҳарлилари (*децис*) мавжуд. Лекин одатда пиретроид препаратларнинг шакллари жуда оз миқдорда таъсир қилувчи моддага эга (масалан, дециснинг 1 литрида 25 грамм) ва бир гектар ерга сарф қилинадиган препарат миқдори ҳам кам. Шунинг учун амалиётда жуда кучли суюлтирилган препарат миқдори билан иш тутилади. Бу эса заҳарланиш имконини жуда пасайтиради. Лекин пиретроидларнинг камчиликлари ҳам йўқ эмас. Улар қаторига «аллергоэффект», яъни препарат таъсири остида одамзодда аллергия (тана қизариши, қичишиш, ачишиш) рўй бериши мумкин. Аллергоэффект пиретроидларнинг ҳаммасига ҳам хос эмас. Бундай таъсир ишлаган одамларнинг барчасида бўлмай, балки айримларида намоён бўлади. Фойдали ҳашаротларнинг етук зотларига ва личинкаларига (куртига) кўпгина пиретроидлар 7-12 кун мобайнида таъсир қиласи, аммо ғумбаклик, шунингдек эндопаразитлик даврида таъсир қилмайди. Барча пиретроидлар сувда яшовчи ҳайвонларга кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун уларни сув ҳавзалари ва сув иншоотлари яқинида ишлатиш ман этилади.

Пиретроидлар хусусиятларига кўра, биринчи ва иккинчи синфларга бўлинадилар. Биринчилари кўпгина ҳашаротларга таъсир қиласи, аммо ўргимчакканаларга таъсир қилмайди (*сумицидин*, *рипкорд*, *цимбуши*, *кинмикс*, *децис* ва бошқалар). Иккинчилари ҳашаротлар билан бир қаторда ўргимчакканаларга ҳам таъсир этиб, амалиётда кўпроқ аҳамиятга эгадир (*каратэ*, *талстар*, *данитол*). Шу билан бирга иккинчиларининг ҳар гектарга кетадиган сарфи анча пастдир.

Пиретроидлар билан ишлов ўтказиш бошқа препаратларга нисбатан қимматга тушмайди. Бунга сабаб, сарфланадиган меъёрининг камлигидир. Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институтида пиретроидлар 1979 йилдан бошлаб ўрганила бошланган. Дастребаки пиретроид модда сумицидин бўлган. Кейинчалик *амбуши*, *цимбуши*, *ровикурт*, *децис*, *нурелл-Д*, *данитол* каби препаратлар ўрганилиб, ғўза, беда, маккажўхори ҳамда сабзавот экинларида учрайдиган зааркунандаларга қарши кенг синалди ва тавсиялар берилди.

Олимларимиз тамонидан пиретроидларнинг ғўзага таъсири ва чигит ҳамда олинадиган мой таркибида қолдиқлари бўлиши мумкинлиги ўрганилди. Аниқланишича, *сумицидин*, *цимбуши*, *рипкорд*, *децис* каби пиретроидлар зааркунандасиз ғўзага сепилганда ҳосил камаймаган, балки бироз ошган ҳам. Ғўза ўсиши даврида пиретроидлар 4 марта (ҳар 25 кунда бир) сепилганда, бу препаратларнинг қолдиги чигит ва ёғда топилмаган.

Шундай қилиб, пиретроидлар гуруҳига кирувчи препаратлар энг юқори самарали ва юқори талабларга жавоб берганлиги сабабли улар кенг жорий этилган эди. Лекин ўтган йиллар мобайнида пиретроидларга нисбатан бардошлилик юзага кела бошлади. Шу боис, ҳозирги даврда узоқ йиллардан бери ишлатилиб келинаётган пиретроидларнинг самараси пасаяётганлиги

маълум бўлди. Шунинг учун пиретроидларнинг янги намуналари яратилиб, бардошликнинг олдини олиш механизмлари кашф этилаяпти.

**Арриво (цимбуши, циракс, нурелл, шерпа, Ципи, ципер-метрин).** Соф моддаси: циперметрин-а-циано-3-феноксибен-зил-2,2-диметил-3-(2,2-дихлорвинил)-циклопропан –карбоксилат. Синтетик пиретроидларнинг биринчи авлодига мансуб бўлиб, у деярли барча техник, сабзавот-полиз экинларини ҳамда боғ дараҳтларини ва яйловларни (чигиртқадан) турли зааркундалардан (ўргимчакканадан ташқари) ҳимоя қилишда 1981 йилдан бери ишлатилиб келинади. Препаратни дунёдаги йирик пестицид ишлаб чиқарувчи фирмалар яратиб, уни турлича аташган. Жумладан, у Ўзбекистонда ҳам циперметрин номи билан ишлаб чиқарилади. Барча ишлаб чиқарувчилар уни 25% ли эмулсия концентрати (эм.к.) шаклида тайёрлашади, яъни 1 л препарат 250 мл соф моддага эга.

Циперметрин номли фаол (соф) моддага эга бўлган препаратлар ҳашаротларга сиртдан ва ичдан таъсир этади. Булар системали (ўсимлик орқали) таъсир этиш қобилиятига эга эмас. Препарат аннотациясига кўра, циперметрин исиқконли ҳайвонларга ўртacha таъсир этадиган бирикмалар қаторига киради (ЎД<sub>50</sub> каламушлар учун 242-542 мг/кг га тенг); тери орқали кам заҳарли (ЎД<sub>50</sub> – 3000 мг/кг га). Куруқ ва салқин жойда 2-3 йил мобайнида кучини йўқотмайди.

Ўзбекистонда 15 хил экин ҳамда яйловларда турли зааркундаларга қарши турли сарф-меъёрда (0,14-1,6 л/га) қўллашга рухsat этилган (Рўйхат, 2010).

**Бульдок, 12,5% суспензияли концентрат (сус.к.).** Соф моддаси: бетацифлутрин. Германиянинг Байер фирмаси томонидан таклиф қилинган ушбу инсектицид синтетик пиретроидларга хос барча хусусиятларга эга бўлиб, ўргимчакканалардан ташқари кўпгина сўрувчи ва кемирувчи зааркунда ҳашаротларга қарши юқори самара беради. У ғўза ва олмани ҳимоялашда (0,08-0,2 л/га) ҳамда чигирткаларга қарши (0,04 л/га) қўлланилади (Рўйхат, 2010). Исиқконли ҳайвонлар учун ўртacha заҳарли. Мавсумда бир далада 2 мартағача ишлатишга рухsat берилган.

**Вантекс, 6% сус.к.** Соф моддаси: гамма-цигалотрин. АҚШнинг «Дау Агро сайенсес» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилади. Соф моддаси ўртacha заҳарли бўлиб, ичдан ва сиртдан таъсир қилиш қобилиятига эга. Барча хусусиятларига кўра каратэ инсектицидига яқин бўлиб, уни ғўзада барча зааркундаларга қарши (0,25-0,3 л/га) ҳамда тутни тут парвонасидан ҳимоя қилиш учун (0,3 л/га) тавсия этилган. Куруқ ва салқин ерда 2 йил мобайнида ўз хусусиятларини йўқотмайди.

**Данитол, 10% эм.к.** Соф моддаси: фенпропатрин (2,2, 3,3-тетра-метил-циклопропан-карбон-1-кислотаси, а-циан-3-феноксибензил эфири). Ўртacha заҳарли препарат, у асосан Япониянинг Сумитомо фирмаси томонидан, унинг аналоглари эса Хитой халқ республикасининг Даляндаги заводида (датрин, 20% эм.к.) ҳамда Ўзбекистонда (узфен, 20% эм.к.) ишлаб чиқарилади.

Данитол янги авлод синтетик пиретроидлардан бўлиб, жуда кўп ҳашарот – зааркунандалардан ташқари ўргимчакканаларга ҳам самарали таъсир этади. Таъсири бўйича у инсекто-акарициддир. Қишлоқ хўжалигига бундай эҳтиёж етарлича мавжуд. Фенпропатринли препаратлар 10% ва 20% соф моддага эга ҳолида эм.к. ва Фло шаклларида ишлаб чиқарилади. Мутаносиб равишда сарфлаш меъёри ҳам 1-2 л/га дан 0,5-1,0 л/га гача ўзгаради. Ўзбекистонда кенг синалиб, ғўза, олма ва тутни асосий сўрувчи ва кемирувчи зааркунандалардан ҳимоя қилиш учун 1989 йилдан бошлиб «Рўйхат»га киритилган. Қуруқ ва салқин шароитда камида 2 йил мобайнида сақлаш мумкин.

**Децис, 2,5% эм.к. (децис, 10% эм.к., патриот, 12,5% эм.к.).** Соф моддаси: дельтаметрин, биринчи авлод пиретроидларнинг энг самарали намунаси сифатида ҳали ҳам моҳиятини йўқотгани йўқ. У илк бор Франциянинг «Просида» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган эди. Бу инсектицид кўпроқ кемирувчи ҳашаротларнинг етук зоти ва қуртларига кучли таъсир кўрсатгани ҳамда соф моддасининг сарф-меъёри жуда кам бўлганлиги (7,5-25 гр/га) сабабли бутун дунёда ва Ўзбекистонда кенг ишлатилади. Ҳозирда ҳам у 18 хил экин ва яйловларни турли зааркунандалардан ҳимоя қилиш учун тавсия қилинган (Рўйхат, 2010). Препаратда соф модданинг микдорига қараб, сарфлаш меъёри 0,1-1,0 л/га дан (децис, 2,5%), 0,05-0,06 л/га гача (патриот, 12,5%) ўзгаради.

Дельтаметрин иссиқёнли ҳайвонлар учун юқори даражада заҳарли моддадир. ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 128-139 мг/кг, сичқонлар учун эса 33-44 мг/кг).

Ғўзада децисни кузги тунлам, кўсак қурти, оққанот (0,7 л/га), қандала (0,6 л/га) ва шираларга қарши (0,3 л/га) кўллашга рухсат берилган. Ўргимчаккана кўпайиши мумкин бўлган ерда децис ишлатилса, у кейинчалик кескин кўпайиб кетиши мумкин. Шунинг учун, бундай вазиятда децисга бирор (омайт, неорон, ниссорон) акарицид қўшиб ишлатилади.

**Каратэ, 5% эм.к. (каратэ зеон, 5% сус.к.; атила, 5% эм.к.; кураш, 50 г/л, эм.к.)** Соф моддаси: лямбдацигалотрин, юқори заҳарли кимёвий модда ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 118 мг/кг га тенг). Каратэ ўз хусусиятларига кўра пиретроидларнинг янги авлодига мансуб бўлиб, ҳашаротлар билан бирга ўргимчакканаларга ҳам таъсир этиш қобилиятига эга. Юқори даражада фаоллигига кўра, жуда кам микдорда соф модда сарфланганида ҳам (5-30 гр/га) юқори самарага эга бўлинади. Ўзбекистонда уни илк бор картошкани колорадо қўнғизидан ҳимоя қилиш учун тавсия қилинган эди (0,1 л/га). Ҳозирда у 11 хил экинларни турли хил сўрувчи ва кемирувчи зааркунандалардан ҳимоя қилиш учун тавсия қилинган. Жумладан ғўза (0,4-0,5 л/га), ғалла (0,15-0,2 л/га), олма (0,4-0,8 л/га), беда ва маккажўхорини зааркунандалардан, яйловларни чигирткалардан (0,15-0,25 л/га), тутни парвонадан (0,5 л/га) (Рўйхат, 2007) сақлашда қўлланилади.

**Кинмикс, 5% эм.к.** Соф моддаси: бетациперметрин, кам заҳарли. Кинмикс Венгриянинг «Хиноин» фирмаси томонидан яратилган. Кенг

синовлардан ўтказилган кинмикс ҳозирда Ўзбекистонда 7 хил экинни турли сўрувчи ва кемиравчи зааркунандалардан ҳимоя қилиш учун рухсат этилган. Жумладан, ғўзани тунламлардан (0,6 л/га), трипсдан (0,2 л/га), картошка ва карамни қўнғиз ва капалаклардан (0,15-0,2 л/га), яйловларни чигирткалардан (0,3-0,5 л/га) (Рўйхат, 2010) сақлашда қўлланилади. Талабга жавоб берадиган шароитларда 2 йилгача ўз хусусиятларини йўқотмайди.

**Маврик, 25,8% эм.к. ва 22,3% Фло.** Соф моддаси: флувалинат, ўртача заҳарли ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 261-282 мг/кг). Пиретроидларнинг янги авлод намуналаридан бири. Бу препаратга кўпгина ижобий хусусиятлар хос. У биринчидан – инсектицид-акарицид, иккинчидан – асаларилар учун мутлақо безарар, шу боис оила бўлиб яшайдиган Ушбу фойдали ҳашаротларни варратоз, яъни уларнинг кушандаси бўлган каналардан ҳоли қилиш учун bemalol қўллаш мумкин ва учинчидан, маврик фойдали энтомофагларнинг кўпгина турлари учун ҳам безарарадир. Шунинг учун маврик уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимларида қўллаш учун жуда мойил. ЎзЎҲИда 1993-1995 йиллар ўтказилган тадқиқотларга асосан, у ғўзанинг барча ер усти зааркунандаларига қарши (0,6-0,7 л/га) тавсия этилиб «Рўйхат»га киритилган.

**Сумицидин (фенкилл, фенвалерат), 20% эм.к.** Соф мод-даси: фенвалерат, юқори заҳарли модда. Япониянинг Сумитомо фирмаси томонидан таклиф қилинган биринчи авлод пиретроид бўлиб, 1979-1982 йиллари илк бор кенг синовда бўлган. Сумицидинда инсектицидлик хусусияти кучли намоён бўлади, у айниқса тунлам қуртларига қарши юқори самара кўрсатган. Шу билан бирга оққанот (0,6 л/га), шира ва қандалага қарши (0,4-0,5 л/га) ҳам яхши таъсир этади. Рўйхатда ғўзадан ташқари 14 та экинни ҳимоялаш учун рухсат берилган. Жумладан: буғдой, сабзавот, қовунни (0,3-0,5 л/га), картошкани (0,3 л/га), олмани (0,3-1,0 л/га), беда, карам, рапс ва бошқаларни ҳимоялаш ҳамда яйловларда чигирткаларга қарши (0,4-0,5 л/га) тавсия этилган. Сумицидиннинг камчиликларидан бири у билан ишловчиларда аллергия аломатлари тезда намоён бўлади.

**Суми-альфа, 5% эм.к. ва 20% эм.к.** Соф моддаси: эсфенвалерат. Суми-альфа Япониянинг Сумитомо Кемикал фирмаси томонидан 1990 йиллари таклиф қилинган. Унинг соф моддаси олдинги сумицидин препарати изомерларидан бирини ажратиб олиб тузилган. Барча кўрсатмалари бўйича у сумицидиндан ижобий фарқ қиласди.

Эсфенвалерат ўртача заҳарли бирикма ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 399 мг/кг га teng). У сиртдан ва ичдан таъсир қилиш қобилиятига эга бўлиб, ишлатилганидан кейин самара жуда тез намоён бўлади ва самараси 10-20 кун мобайнида давом этади. Бундан ташқари, эсфенвалерат хуркитиш (репеллент) ҳамда зааркунандани овқатланишдан тўхтатиши (антифидант) хусусиятларига ҳам эга. Кўп йиллар мобайнида олиб борган тадқиқотлар натижасида, суми-альфа Ўзбекистонда 10 хил экинни ҳимоя қилиш учун рухсат этилган. Жумладан, ғўзани оққанот ва кўсак қуртидан (0,5-0,6 л/га), олмани меваҳўрдан (0,5-1,0 л/га), буғдойни асосий ҳашаротлардан (0,2-0,3

л/га) ҳимоялаш, шунингдек чигирткаларга қарши (0,2-0,4 л/га) тавсия этилган.

**Талстар, 10% эм.к. (пиларстар).** Соф моддаси: бифентрин, ўта заҳарли модда ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 54,2 мг/кг га тенг). Американинг ФМС фирмаси томонидан таклиф этилган бу препарат Ўзбекистонда кенг синалиб, ижобий хулосаларга сазовор бўлган. У самарали инсектицид бўлиши билан бирга акарицид ҳамдир. Шунинг учун ҳам у республикада 5 хил экинни ҳимоя қилишга рухсат этилган. Аммо, энг муҳими ғўза бўлиб, унда қуйидаги зааркундаларга қарши тавсия этилган: окканот, ўргимчаккана, кўсак қурти ва карадрина (0,6 л/га), шира (0,3 л/га) ва трипсга (0,3-0,45). Олмани ҳимоя қилиш учун – 0,4-0,6 л/га, помидорда – 0,4-0,6 л/га ва тутда – 0,5 л/га (Рўйхат, 2010) меъёрларда қўлланилади. Талстар кўп йиллар мобайнида республика далаларида кенг қўлланиб келинади. Бир мавсумда бир даланинг ўзида ўргимчакканага қарши 2 ва ундан кўп марта ишлатилса, кейингиларида канага қарши самараси кескин пасайиб кетади. Препаратнинг шакли қулай, ҳиди паст, аллергия чақирмайди, қуруқ ва салқин шароитларда 2-3 йил ўз хусусиятларини йўқотмайди.

**Требон, 30% эм.к. ва 10% Фло.** Соф моддаси: этофенпрокс, пиретроидлар ичида энг кам заҳарли бирикма ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун ичдан таъсир қилганда 40000 мг/кг га тенг). Бундан ташқари, бу модда кўпгина фойдали ҳашаротлар учун ҳам хавфсизdir.

Требон сиртдан ва ичдан таъсир этадиган инсектициддир. У Япониянинг «Мицуи Тоацу» фирмаси томонидан 1988 йили таклиф қилинган. Шу йиллари ўtkazilgan тадқиқотлар натижасида требонни ғўзада кўсак қурти ва шираларга қарши самарали инсектицид деб топилиб, Рўйхатга 1991 йилдан бошлаб киритилган (соф моддаси бўйича 50-100 г/га).

**Фастак, 10% сус.к. (трамп, фаскорд).** Соф моддаси: альфа-циперметрин. Бу модда циперметринга хос изомерлар орасидан энг самаралисини ажратиб олиш маҳсулидир. Альфа-циперметрин бир қатор ижобий хусусиятларга эга: у иссиқонли ҳайвонлар ҳамда асалари ва пардақанотли энтомофаглар учун кам хатарлидир, сарф-меъёри жуда оз (соф моддаси бўйича 10-30 г/га), кўзланган обьектларга қарши эса юқори самаралидир. Буларга энг аввал чигирткалар, колорадо қўнғизи ва ғўзада кўсак қурти киради.

Ўзбекистонда фастак қуйидаги экинларда заарли обьектларга қарши тавсия қилинган: ғўзада кўсак қуртига (0,25 л/га), картошкада колорадо қўнғизига (0,07-0,1 л/га), яйловларда чигирткаларга қарши (0,1 л/га) (Рўйхат, 2010).

**Фьюри, 10% с.э.к.** Соф моддаси: зета-циперметрин, ўртача заҳарли ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун ичдан таъсир этганда 385 мг/кг га тенг). АҚШнинг ФМС фирмаси томонидан 1992 йили таклиф қилинган циперметриннинг самарали изомерларидан бири асосида тузилган. Препарат қуйидаги ижобий хусусиятларга эга: зааркундаларга нисбатан юқори самарага эга, сарф-меъёри жуда оз (фаол модда бўйича 10-30 г/га), чидамлиликни тез вужудга

келтиrmайди, қўллаш учун қулай ва тежамлидир. Препарат таркибиغا унинг самарадорлигини оширувчи шундай қўшимча моддалар киритилганки, улар биргаликда ҳашаротларда чидамлилик юзага келишининг олдини олади. Ўсимликлар учун мутлақо заарсиз, атроф-мухитни кам ифлослантиради.

Ўзбекистонда фьюри 7 хил экинларни ҳимоя қилиш учун рухсат этилган. Жумладан, ғўзада: трипс ва қандалалар (0,2 л/га), шира ва ғўза тунлами (0,3 л/га), чигирткаларга қарши (0,08-0,1 л/га) тавсия этилган, шунингдек картошка (0,1-0,15 л/га), тут (0,15 л/га), карам (0,1-0,3 л/га), узум ва олмани (0,25 л/га) ҳимоялашда қўлланилади (Рўйхат, 2010).

**Ихтисослашган акарицидлар. Вертимек, 1,8% эм.к. (нилармектин).** Соф моддаси: абамектин. У тупроқ микроорганизми – *Streptomyces avermitilis* маҳсулидан олинган модда бўлиб, таркиби бўйича ҳеч бир мавжуд кимёвий бирикмаларга ўхшамайди. Абамектин заҳарлилиги бўйича IV-синфга киради (ЎД<sub>50</sub> каламушлар учун 10 мг/кг). Лекин, фаол модда препарат таркибида жуда оз (1 л дорида 18 гр) ва ҳар гектарга сарфи 2-10 г бўлганлиги сабабли, бу қўрсаткичнинг амалий аҳамияти қолмайди. Кўп мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлардан аён бўлишича, вертимек энг аввал – бу акарицид. Турли хил ўргимчакканаларга қарши (8 оёқли, 4 оёқли) вертимекнинг самараси жуда юқоридир (0,3-0,4 л/га). Бундан ташқари, у инсектицид ҳамдир. Вертимек айниқса ўсимлик баргларида ғовак из қолдирувчи пашша ва қуяларга қарши тенги йўқ юқори самара беради. Абамектин ўсимлик сатҳидан нисбатан тез парчаланиб кетади, аммо унинг ичига (тўқималарга) сингган ҳолда препарат самарасини узоқ давом этишига сабабчи бўлади. Шунинг учун абамектин кўп табиий фойдали ҳашаротларга нисбатан хавфсиз бўлиб қолаверади. Абамектин кўпроқ ичдан, яъни зааркунанданинг ичига озиқа билан бирга кирганидан кейин таъсир кўрсатади, аммо қисман сиртдан ҳам таъсир этади (Дай, 1983; Балл, 1984). Абамектиннинг бўғимоёқли жоноворларга таъсир этиш механизми ўзга инсектицидлардан фарқ этиб, мужассамлаштирганда қуидагича ўтади. Абамектин тирик жисмнинг нерв тизимига таъсир этади, лекин бу бошқа йўл билан амалга оширилади. У гамма-аминомойли кислота фаоллигини кучайтириш йўли билан жисм мушакларига ахборот бериш механизмини сусайтиради. Бунинг натижасида, жисм қайтарсиз шикастланиб ўлади (Меллин, 1983). Абамектин зааркунанда тухумларига таъсир этмайди. Ўзбекистонда вертимекни асосан ғўзани ўргимчаккан (0,3-0,4 л/га), шира, трипс (0,4 л/га) ва кўсак қуртидан (0,4-0,5 л/га); помидорни занг канасидан (0,1-0,2 л/га) ҳамда иссиқхоналарда чиннигулни ўргимчакканалардан (0,35-0,4 л/га) ҳимоя қилиш учун рухсат этилган (Рўйхат, 2010).

**Демитан, 20% сус.к.** Соф моддаси: феназахин, ўртача заҳарли (ЎД<sub>50</sub> каламушлар учун 134-199 мл/кг га тенг). Тери орқали суст таъсир этади. Демитан АҚШ нинг Дау Эланко фирмаси томонидан яратилган, у янги кимёвий бирикмалар қаторига кирибина қолмай, янгича таъсир ўтказиш қобилия-тига ҳам эга. Демитан асосан ўсимликхўр каналарга қарши ишлатиш учун мўлжалланган янги акарицид. Аммо юқори сарфлаш микдорларида у

шира, трипс каби ҳашаротларга ҳам таъсири кўрсатиши маълум бўлди. Демитан қуш, асаларилар ҳамда бир қатор фойдали ҳашаротлар учун хавфсиздир. Аммо у балиқлар учун хавфли, шунинг учун препаратни сув иншоотларига тасодифан тушиш имкониятининг олдини олиш чораларини амалга ошириш керак. Демитан ўргимчак-канага сиртдан ва ичдан таъсири ўтказади. Унинг таъсири узоқ муддат (25-30 кун) давом этади. Демитан зааркунанданинг личинка ва етук зотидан ташқари тухумига ҳам (яхши қоплаганда) самара кўрсатади. Унинг каналарга нисбатан таъсири қилиш қобилияти жуда ҳам кенг бўлганлиги сабабли, у ҳозирда жуда кўп давлатларда боғ ва бошқа экинларни ҳимоя қилишда қўлланилади. Демитан ёзани ўргимчакканадан ҳимоя қилиш учун (0,8 л/га) ҳамда боғ дараҳтларини ўсимликхўр каналардан (0,08% ли қуюқликда) ҳимоя қилиш учун (0,8 л/га) тавсия қилинган. Ўсимликларни бир мавсум даврида 2 марта гача ишлаб, ҳосил етилишидан 30 кун илгари пуркашни тўхтатиш лозим. Махсус тадқиқотларимизда демитан ёзадаги шира ва трипсни ҳам 85-95% га камайтириши маълум бўлди.

**Митак, 20% эм.к.** Соф моддаси: амитраз, кам заҳарли ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун ичдан таъсири этганда 800-1600 мг/кг га тенг). Германиянинг Байер фирмаси таклиф қилган. Митак ихтисослашган акарицид ҳисобланади, аммо унинг капалак қуртларига нисбатан инсектицидлик хусусиятлари ҳам мавжуд. Чорвачиликда айrim ҳайвонларда яшовчи каналарга қарши ҳам ишлатилади. Асалариларга безарар бўлганлиги учун, уни варратозга қарши ҳам ишлатиш мумкин. Пахтачиликда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимида қўллаш яхши самара беради, чунки митак кўпгина фойдали ҳашаротларга безарардир. Ташқи муҳитда, жумладан тупроқда тез парчаланиб кетади.

Ўзбекистонда митак 6 хил экинни ҳимоялаш учун тавсия этилган. Булар ичида энг асосийси канна бўлиб, ёзада – 2-3 л/га, олмада – 3-6 л/га, нок ва шафтолида – 3-4,5 л/га ҳамда помидорнинг занг канасига қарши – 2,5 л/га меъёрда қўлланилади. Бошқа зааркунандалардан шира, оққанот, меваҳўр қуртлар ва ҳатто кўсак қуртига қарши ҳам қўллаш мумкин. Қишида паст ҳаво ҳароратида идиш тагида митак чўкма ҳосил қиласи. У иситилса яна ўз ҳолатига қайтади ва зарари бўлмайди.

**Неорон, 50% эм.к.** Соф моддаси: бромпропилат, кам заҳарли ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 5000 мг/кг га тенг). Кимёвий таркиби бўйича тубдан фарқ қиласидиган бу бромсақловчи бирикма ихтисослашган акарицид ҳисобланади. У 1975 йиллари Швейцариянинг Сиба фирмаси томонидан татбиқ қилинган.

Неорон сиртдан ҳамда фумигант сифатида таъсири этадиган акарициддир. У ўсимликнинг тўқималарига ўта олади. Кананинг барча шакллари учун заҳарли бўлиб, препаратнинг ўсимликдаги қолдиги 40 кунгача сақланади. Ўсимликлардаги препарат об-ҳаво шароити таъсирида, шунингдек нордон ва ишқорли муҳитда парчаланади. Фосфорорганик бирикмаларга чидамли каналарни йўқотишида самарали натижа беради. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ўтказган тадқиқотларимизда неоронга

нисбатан бардошлилик вужудга келмади. Акарицидларни навбатлаш тизимларида қўллаш тавсия этилган. Бунда ғўзада гектарига 1-1,2 л сарфланади. Неорон билан ишлов бериш пахта етилишидан 20 кун олдин тўхтатилиши лозим. Республикада неоронни турли каналарга қарши токда – 1,2-1,8 л/га, олмада – 1,5-3,0 л/га ва цитрус экинларида – 4,5 л/га меъёрда қўллаш мумкин (Рўйхат, 2010).

**Нискоран, 10% н.кук. ва 5% эм.к.** Соф моддаси: гекситиазокс, кам заҳарли модда. Япониянинг Ниппон Сода компанияси томонидан 1980 йиллари кашф этилган. Нискоран ихтисослашган акарицид бўлиб, унга бир қатор ижобий хусусиятлар хос. У асосан кананинг тухум, личинка ва нимфасини ўлдиради, етук зотини пуштсиз ёки қўйган тухумидан личинка очиб чиқмайдиган қилиб қўяди, таъсири узоқ вақт (40 кунгача) давом этади, бошқа препаратларга чидамли бўлган популяцияларни қиради, фойдали ҳашаротларга мутлақо таъсир этмайди, деярли барча ўсимликхўр каналарга қарши ишлатиш мумкин.

Ўзбекистонда нискорани 2 та экинда қўллашга руҳсат берилган (Рўйхат, 2010): ғўза ва боғда. Ғўзада 10% ли шакли – 0,1 кг/га, 5% лиги эса – 0,2 л/га; олмада мос ҳолда – 0,3 кг/га ва 0,6 л/га меъёрда қўлланилади. Бир мавсумда олмада бир марта, ғўзада эса 2 марта қўллаш мумкин. Нискоран ўргим-чакканалар қўпая бошлаган пайтда қўлланилса, юқори самара олинади. Кана кучли ривожланган бўлса, нискорани бирор имагоид акарицидга (омайт, неорон, БИ-58) қўшиб ишлатиш лозим.

**Омайт, 57% эм.к. 570 EW, (даргит, узмайт).** Соф моддаси: пропаргит, кам заҳарли ( $\text{ҮД}_{50}$  каламуш ва сичқонлар учун 1800-2000 мг/кг га teng) АҚШ нинг Юниројл фирмаси томонидан кашф этилган. Пропаргит ихтисослашган акарицид, таркибида олтингугурт мавжуд. Пропаргит каналарнинг личинка ва етук зотларига нисбатан юқори ва давомли таъсир этади. Шу билан бирга, омайт асалари ва бошқа фойдали ҳашаротларга нисбатан зарарсизdir.

Ўзбекистонда омайт 8 хил ўсимликни ўргимчаккана-лардан ҳимоя қилиш учун қўйидаги меъёрда тавсия қилинган (Рўйхат, 2010): ғўзада – 1,5 л/га, олмада – 1,5-3,0 л/га, цитрус экинларида – 4,5 л/га, токда – 1,2-1,8 л/га, олчада – 0,9-1,2 л/га ҳамда помидор ва картошка занг канасида – 1,5 л/га. Омайтни бошқа препарат – инсектицидлар (ИСО дан ташқари) ёки фунгицидлар (мис купороси ва бордо суюқлигидан ташқари) қўшиб ишлатиш мумкин. Ўзбекистонда узмайт, даргит каби аналоглари ишлаб чиқарилади. Минтақамизда 1978 йилдан бери татбик қилинган омайтга нисбатан чидамли ёки бардошли ўргимчаккана популяциялари учрамаган.

**Ортус, 5% сус.к.** Соф моддаси: фенпироксимат, кам заҳарли модда. Ихтисослашган акарицид, 2 хил таъсир этиш механизмига эга. Биринчидан, тавсия этилган сарф-меъёрларда ортус ўргимчакканага нисбатан ўткир ва тез самара кўрсатади, иккинчидан, тахминан 10 марта камайтирилган дозада (ёки парчаланиш оқибатида барг юзасидаги миқдори камайганида) ортус гормонал инсектицид сифатида таъсир кўрсата бошлайди (яъни кананинг личинкалари ёшдан-ёшга пўст ташлаб ўтиш жараёнини бузади, личинка

ёрилиб ўлади). Ортусга бир қатор ижобий хусусиятлар хос: турли хил ўргимчакканаларга нисбатан самаралидир; тез олинадиган самара узок давом этади; тухумидан ташқари, барча шаклларини қиради; фойдали ҳашаротларга нисбатан заарсиз; юқори ҳарорат ва намгарчиликка бардошли; сарф-меъёри юқори эмас (бир гектарга 40 г фаол модда). Деярли барча инсектицид ва акарицидлар билан қўшиб ишлатиш мумкин (ИСОдан ташқари). Ўзбекистонда ғўзада ўргимчакканага қарши ишлатиш учун рухсат берилган (0,75 л/га) (Рўйхат, 2010). Препарат Япониянинг Нипон Нојку компанияси томонидан ишлаб чиқарилади.

#### **4.2. Қишлоқ хўжалик экинлари заарли организмлардан кимёвий воситалар орқали ҳимоя қилиш самарадорлиги.**

**Пиретроидлар** гурухига кирувчи пестицидларни энг замонавий пестицидлар дейилса тўғри бўлади. Сунъий пиретроидлар – мойчечак гули саватчаси таркибидағи табиий пиретринлар (мураккаб эфирлар) га ўхшаш моддалардир. Табиий пиретринлар узок йиллар давомида “пиретрум” номи билан қишлоқ хўжалиги зааркунандаларига қарши курашда қўлланиб келинди. Табиий “пиретрумлар” ни асосий камчилиги ташқи мухит омилларинн айниқса ёруғлик таъсирида тез парчаланиб кетишидир.

Булар орасида айниқса перметрин асосида олинадиган пиретроидлар ёруғликка анча бардошлиги билан фаркланиб турди. Пиретроидлар гурухига кирувчи, пестицидлар хозирги пайтда энг кенг қўлланилаётган пестицидлар ҳисобланади. Сунъий пиретроидлар тавсия этилган сарфлаш нормаларида ўсимликка салбий таъсири кўрсатмайдилар.

Улар ўсимликка сингиш қобилиятга эга эмас 7-9 кун давомида парчаланади. Бирок, уларнинг қолдик миқдорлари ўсимликка ишлов берилгандан кейин 21 кун давомида сақланган.

Пиретроидларнииг заарли ҳашарот ва каналарга таъсиричанлиги бошқа гурухларга кирувчи пестицидлардан анча юқори. Организмларда тўқнашиш хусусияти кам. Пиретроид ҳашаротлар танасига териси ва меъда ичак оркали қиради. Ҳашаротлар организмига тушганда асаб системасини фалаж қиласи. Бу қуйидагича бўлади: пиретроидлар асаб тизимида натрий, калий, кальций ионлари алмашинувини бузуб юборади ва натижада ортиқча миқдорда ацетилхолин ишлаб чиқарилади. Бу эса ўз навбатида асаб системасида импульслар берилишинн издан чиқаради.

Пиретроидлар гурухига оид пестицидлар инсон ва иссикқонли хайвонлар учун ўртача ва кам захарлидир.

Сарфлаш нормалари жуда кам бўлгани учун атроф мухитга унчалик заарли эмас. Озиқ-овқат махсулотларида ҳам қолдик, миқдори жуда кам.

Хозирги пайтда ўсимликларни заарловчи ҳашарот ва каналарга қарши қуйидаги пиретроидлар дорилар кенг қўлланилмоқда:

**ARRIVO** (цимбуши, циракс, нурелл, шерпа, Ципи, циперметрин).

Соф моддаси: циперметрин-а-циано-3-феноксибензил-2,2-диметил-3-(2,2-дихлорвинил)циклогексан-карбоксилат. Синтетик пиретроидларнинг

биринчи авлодига мансуб бўлиб, у деярли барча техник, сабзавот-полиз экинларини ҳамда боғ дараҳтларини ва яйловларни (чиғиртқадан) турли зааркунандалардан (ўргимчакканадан ташқари) ҳимоя қилишда 1981 йилдан бери ишлатилиб келинади. Препаратни дунёдаги йирик пестицид ишлаб чиқарувчи фирмалар яратиб, уни турлича аташган. Жумладан, у Ўзбекистонда ҳам циперметрин номи билан ишлаб чиқарилади. Барча ишлаб чиқарувчилар уни 25% ли эмулсия концентрати (эм.к.) шаклида тайёрлашади, яъни 1 л препарат 250 мл соф моддага эга.

Циперметрин номли фаол (соф) моддага эга бўлган препаратлар ҳашаротларга сиртдан ва ичдан таъсир этади. Булар системали (ўсимлик орқали) таъсир этиш қобилиятига эга эмас. Препарат аннотациясига кўра, циперметрин иссиққонли ҳайвонларга ўртacha таъсир этадиган бирикмалар қаторига киради (ЎД50 каламушлар учун 242-542 мг/кг га teng); тери орқали кам заҳарли (ЎДзо - 3000 мг/кг га). Куруқ ва салқин жойда 2-3 йил мобайнида кучини ўқотмайди.

Ўзбекистонда 15 хил экин ҳамда яйловларда турли зааркунандаларга қарши турли сарф-меъёрда (0,14-1,6 л/га) қўллашга руҳсат этилган.

**ДАНИТОЛ, 10% эм.к.** Соф моддаси: фенпропатрин (2,2, 3,3-тетраметил-циклопропанкарбон1-кислотаси, ациан3fenок-силензил эфири). Ўртacha заҳарли препарат, у асосан Япониянинг Сумитомо фирмаси томонидан, унинг аналоглари эса Хитой халқ республикасининг Даъяндаги заводида (датрин, 20% эм.к.) ҳамда Ўзбекистонда (узфен, 20% эм.к.) ишлаб чиқарилади.

Данитол янги авлод синтетик пиретроидлардан бўлиб, жуда кўп ҳашарот - зааркунандалардан ташқари ўргимчакканаларга ҳам самарали таъсир этади. Таъсири бўйича у инсектоакарициддир. Қишлоқ хўжалигига бундай эҳтиёж етарлича мавжуд. Фенпропатринли препаратлар 10% ва 20% соф моддага эга ҳолида эм.к. ва Фло шаклларида ишлаб чиқарилади. Мутаносиб равишда сарфлаш меъёри ҳам 1-2 л/га дан 0,5-1,0 л/га гача ўзгаради.

**ДЕЦИС, 2,5% эм.к.** (*децис, 10% эм.к., патриот, 12,5% эм.к.*). Соф моддаси: дельтаметрин, биринчи авлод пиретроидларнинг энг самарали намунаси сифатида ҳали ҳам моҳиятини ўқотгани ўқ. У илк бор Франциянинг «Просила» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган эди. Бу инсектицид кўпроқ кемиравчи ҳашаротларнинг етук зоти ва қуртларига кучли таъсир кўрсатгани ҳамда соф моддасининг сарф-меъёри жуда кам бўлганлиги (7,5-25 гр/га) сабабли бутун дунёда ва Ўзбекистонда кенг ишлатилади. Ҳозирда ҳам у 18 хил экин ва яйловларни турли зааркунандалардан ҳимоя қилиш учун тавсия қилинган (Рўйхат, 2016). Препаратда соф модданинг миқдорига қараб, сарфлаш меъёри 0,1-1,0 л/га дан (декис, 2,5%), 0,05-0,06 л/га гача (патриот, 12,5%) ўзгаради.

Дельтаметрин иссиққонли ҳайвонлар учун юқори даражада заҳарли моддадир. (ЎД50 каламушлар учун 128-139 мг/кг, сичқонлар учун эса 33-44 мг/кг).

Ғўзада децисни кузги тунлам, кўсак қурти, оққанот (0,7 л/га), қандала (0,6л/га) ва шираларга қарши (0,3 л/га) қўллашта рухсат берилган. Ўргимчаккана кўпайиши мумкин бўлган ерда децис ишлатилса, у кейинчалик кескин кўпайиб кетиши мумкин. Шунинг учун, бундай вазиятда децисга бирор (омайт, неорон, нискоран) акарицид қўшиб ишлатилади.

**КАРАТЭ, 5% эм.к.** (*каратэ зеон, 5% сус.к.; атилла, 5% эм.к.; кураш, 50 г/л, эм.к. ламдок 5% эм.к., ламдекс 5% эм.к.*) Соф моддаси: лямбдацигалотрин, юқори заҳарли кимёвий модда (ЎД<sub>50</sub> каламушлар учун 118 мг/кг га teng). Каратэ ўз хусусиятларига кўра пиретроидларнинг янги авлодига манеуб бўлиб, ҳашаротлар билан бирга ўргимчакканаларга ҳам таъсир этиш қобилиятига эга. Юқори даражада фаоллигига кўра, жуда кам миқдорда соф модда сарфланганида ҳам (5-30 гр/га) юқори самарага эга бўлинади. Ўзбекистонда уни илк бор картошкани Колорадо қўнғизидан ҳимоя қилиш учун тавсия этилган эди (0,1 л/га). Ҳозирда у 11 хил экинларни турли хил сўрувчи ва кемиравчи зааркунандалардан ҳимоя қилиш учун тавсия қилинган. Жумладан ғўза (0,4-0,5 л/га), ғалла (0,15-0,2 л/га), олма (0,4-0,8 л/га), беда ва маккажўхорини зааркунандалардан, яйловларни чигирткалардан (0,15-0,25 л/га), тутни парвонадан (0,5 л/га) (Рўйхат, 2016) сақлашда қўлланилади.

**КИНМИКС, 5% эм.к.** Соф моддаси: бета-циперметрин, кам заҳарли. Кинмикс Венгриянинг «Хиноин» фирмаси томонидан яратилган. Кенг синовлардан ўтказилган кинмикс ҳозирда Ўзбекистонда 7 хил экинни турли сўрувчи ва кемиравчи зааркунандалардан ҳимоя қилиш учун рухсат этилган. Жумладан, ғўзани тунламлардан (0,6 л/га), трипсдан (0,2 л/га), картошка ва карамни қўнғиз ва капалаклардан (0,15-0,2 л/га), яйловларни чигирткалардан (0,3-0,5 л/га) (Рўйхат, 2016) сақлашда қўлланилади.

**СУМИ-АЛЬФА, 5% эм.к. ва 20% эм.к.** Соф моддаси: эсфен-валерат. Суми-альфа Япониянинг Сумитомо Кемикал фирмаси томонидан 1990 йиллари таклиф қилинган. Унинг соф моддаси оддинги сумицидин препарати изомерларидан бирини ажратиб олиб тузилган. Барча кўрсатмалари бўйича у сумииидиндан ижобий фарқ қиласди.

Эсфенвалерат ўртача заҳарли бирикма (ЎД<sub>50</sub> каламушлар учун 399 мг/кг га teng). У сиртдан ва ичдан таъсир қилиш қобилиятига эга бўлиб, ишлатилганидан кейин самара жуда тез намоён бўлади ва самараси 10-20 кун мобайнида давом этади. Бундан ташқари, эсфенвалерат ҳуркитиш (репеллент) ҳамда за-раркунандани овқатланишдан тўхтатиш (антифидант) хусусиятларига ҳам эга. Ғўзани оққанот ва кўсак қуртидан (0,5-0,6 л/га), олмани меваҳўрдан (0,5-1,0 л/га), буғдойни асосий ҳашаротлардан (0,2-0,3 л/га) ҳимоялаш, шунингдек чигирткаларга қарши (0,2-0,4 л/га) тавсия этилган.

**ТАЛСТАР, 10% эм.к. (*пиларстар*).** Соф моддаси: бифентрин, ўта заҳарли модда (ЎД<sub>50</sub> каламушлар учун 54,2 мг/кг га teng). Американинг ФМС фирмаси томонидан таклиф этилган бу препарат Ўзбекистонда кенг синалиб, ижобий хулосаларга сазовор бўлган. У самарали инсектицид бўлиши билан бирга акарицид ҳамdir. Шунинг учун ҳам у республикада 5 хил экинни ҳимоя

қилишга рухсат этилган. Аммо, энг муҳими ғўза бўлиб, унда қўйидаги зааркундаларга қарши тавсия этилган: оққанот, ўргимчаккана, қўсак қурти ва карадрина (0,6 л/га), шира (0,3 л/га) ва трипсга (0,3-0,45). Олмани ҳимоя қилиш учун — 0,4-0,6 л/га, помидорда - 0,4-0,6 л/га ва тутда — 0,5 л/га меъёрларда қўлланилади.

**ФЬЮРИ, 10% с.э.к.** Соф моддаси: зета-циперметрин, ўртача заҳарли (ЎД50 каламушлар учун ичдан таъсир этганда 385 мг/кг га тенг). АҚШнинг ФМС фирмаси томонидан 1992 йили таклиф қилинган циперметриннинг самарали изомерларидан бири асосида тузилган. Препарат қўйидаги ижобий хусусиятларга эга: зааркундаларга нисбатан юқори самарага эга, сарф-меъёри жуда оз (фаол модда бўйича 10-30 г/га), чидамлиликни тез вужудга келтирмайди, қўллаш учун қулай ва тежамлидир.

**Фунгицидлар.** Замбуруғли касалликлар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг кўплаб йўқотилишига(25-30% гача), шунингдек маҳсулот сифатининг пасайишига сабаб бўлади. Қишлоқ хўжалиги экинларини интенсив технология бўйича етиштиришда ва якка экин ўстиришда кўп ийллик экинларда ўсимликларнинг касалликлар билан заарланиш хавфи ортиб кетади.

Фунгицидлар (*fungus* – замбуруғ) – замбуруғлар учун заҳарли ва уларнинг споралари ёки мицелийларининг ривожланишига барҳам берувчи модда. Ўсимликларга ишлов бериш учун қўлланиладиган фунгицидлар ҳимоявий, системали ва даволовчи турларга бўлинади. Ҳимоявий фунгицидлар профилактика мақсадларида қўлланилади. Даволовчи фунгицидлар деб патоген киргандан сўнг ишлов берилганда ўсимликларда касаллик белгиларининг ривожланишига барҳам бе-рувчи моддаларга айтилади.

Системали фунгицидлар – ўсимликларнинг ўтказувчи найлар тизими бўйлаб ҳаракатлана олиш ва ишлов берилгандан кейинги пайдо бўлган янги ўсувларни ҳимоялашга қодир моддалар, бу вақтда ташқи таъсирли фунгицидлар фақатгина пуркалган жойдаги ўсимлик қисмини ҳимоя қиласди. Системали фунгицидлар қатор ҳолатларда ҳам ҳимоявий, ҳам даволовчи таъсир кўрсатади, бунда ташқилар эса – фақат ҳимоявий. Системали фунгицидлар ўсимликлар томонидан тез ютилади, шу боис уларнинг самарадорлиги ёғингарчиликларга камроқ даражада боғлиқ бўлади.

Патогенлар микдорини кўпайиши, ўсимликларда касалликларни ривожланишига олиб келади. Демак, ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилишнинг жами муаммолари мажмууни ҳал қилиш, хусусан резистентликнинг юзага келиш эҳтимолини минимумга тушуриш учун фунгицидларнинг ҳам кетма-кет, ҳам навбатланиб қўлланилувчи улкан спектри ва уларнинг комбинацияларини талаб қиласди.

Бутун дунёда фунгицидларни асосий қўлланиш соҳаси мевали боғлар, сабзавотзорлар, донли экинзорлар ва шолини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

**Ўсимликларнинг ўсув даврида қўлланиладиган фунгицидлар:** Амистар Топ – препаратнинг таъсир қилувчи

моддаси, азоксистробин 200 г/л + Дифеноконазол 125 г/л. Бу препарат ғалла ва шолининг барча турдаги касалликларини эффектив назорат қила олади, об –хаво инжиқликлариға қаршилик күрсата олади, ғалла бошоғидаги барча донларнинг түлиқ пишиб етилишида иштирок этади. Азоксистробиннинг яшнатувчи эффекти экинни вегитация даврини узуйтирган холда түлиқ биологик имконияти ишга солишга ёрдам беради. Амистар ТОП –ун шудринг, қулранг ва сариқ занг, переноспороз, чиришлар, илдиз касалликлари, барг ва бошоқлар доғланиши касалликларидан химоя қилишда ёрдам беради; Азоксистробин ўсимликнинг физиологик холатини яхшилаш орқали, сув ва азотни эффектив сингиши хамда гармонал балансга эришган холда вегитация даврини узайтиради. Азоксистробин ўсимлик баргидаги оғиз тешикчалар очилиб-ёпилишини назорат қилишда ёрдам беради, бу эса қурғоқчилик вақтида СО<sub>2</sub> ассимиляция процессини (нафас олиши) яхшилаши орқали ўсимликнинг яшаш шароитини енгиллаштиришга имкон туғдиради. Махсус ўтказилган тажрибаларда ғалла етиштиришда 37% сув сарфи тежалиши мумкинлиги маълум бўлди;

Амистар ТОП с.к. найчалаш бошланишидан то бошоқлашнинг якунлани-шигача қўллаш мумкин бўлиб, барча холатлардахам профилактик ва да-воловчи хусусиятини намоён қиласи. Бошоқлаш бошланиши байроқ барг кўринган вақтида қўллаш энг яхши натижা беради.

**РЕЗИСТЕНТЛИК-** Ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқилган тавсияномага қатъий риоя қилинганда резистентлик келиб чиқмайди.

**СЕЛЕКТИВЛИК-** Препарат ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқилган тавсияномага қатъий мувофиқ қўлланилганда фитотоксиклик хавфи юзага келмайди.

**Қвадрис** - препаратнинг таъсир қилувчи моддаси азоксистробин 250 г/л. Препарат қишлоқ хўжалик экинларидан картошка ва помидор фитофторозига, узумда мильдю, пиёз ва бодрингнинг переноспорозига қарши курашиш учун системали ва ташқи таъсир кўрсатувчи комбинацияланган фунгицид. Узум хамда сабзавотларнинг очиқ ва ёпиқ далада учрайдиган жуда кўп касалликларига карши юқори самарадорликка эга бўлган фунгицид.

Стробилуринлар оиласига кирувчи системали хоссасига эга бўлган бутун ўсимлик танаси бўйлаб, шу жумладан янги ўсиб келаётган шоҳ ва баргларни ҳимоясини таъминлайди; узумда милдю, оидиум, антракноз, турли чиришларни, картошкада ризоктониоз ва бошқа замбуруғли касалликлар, тупроқ ва илдизмева-лардаги касаллик кўзғатувчилариға қарши самарали восита; препарат 60 дақиқадан сўнг ўсимлик ичига киради ҳамда 14 кунгача ҳимоя қиласи; чангнинг мутлақо мавжуд эмаслиги препаратнинг бўғиб қўйиш хавфини пасайтиради. Препаратнинг қўллаш осон: препарат 1 дақика ичиде сувда түлиқ дисперсияланади ва бунда ишчи эритманинг тез ва сифатли тайёрланиши таъминланади. Препаратнинг энг юқори самарадорлигига уни олдинроқ, касаллик тарқалмасидан аввал қўллашда эришилади. Ишлов беришлар оралиғи 7-10 кунни ташкил этиши лозим. Касаллик риво-жини кучли хавфи туғулганда 10 кун оралиғида фойдаланиш

мумкин. Мавсумда Квадрис препарати билан 3 мартадан ортиқ ишлов бермаслик лозим. Кейинги ишлов беришлар Квадрис препарати билан сүнги марта ишлов берилгандан сўнг 7-10 кун ўтгач ташқитаъсирили фунгицидлар билан ўтказилиши зарур.

Квадрис препарати билан биринчи марта ишлов беришни касаллик ривожланишидан аввал, аммо картошка ва бодрингда қаторлар ёпилишини кечиктирмасдан; узумда – вегитация даврининг иккинчи ярмидан кейин, яъни гуллашдан сўнг, аммо пиша бошлашдан кечиктирмай ўтказиш лозим.

Пиёзда альтернариоз, стемфилиум, кулранг чиришга қарши биринчи марта ишлов бериш профилактик мақсадда, кейингиси 5% дан ортиқ бўлмаган миқдорда ўсимликлар заарланганда ўтказилади. Сўнги ишлов беришни тупларнинг фаол ўсиши тўхтамасидан аввал, яъни картошка ва бодрингда гуллаш тугаган заҳоти; узумда – ҳосилни йифиш бошланишидан камида 20 кун олдин ўтказиш керак. Ишлов беришни ёмғир ёғишидан 2-3 соат олдин ёки ёмғир ёғаётганда ўтказиш тавсия этилмайди.

**РЕЗИСТЕНТЛИК.** Ишлаб чиқарувчи томонидан берилган тавсияномага қатъий риоя қилинганда резистентлик келиб чиқмайди.

**Ридомил Голд-манкоцеб** 640 г+мефеноксам 40 г афзалиги системали хоссаси бутун ўсимлик, шу жумладан янги ўсув ҳимоясини таъминлайди. Далада ва омборда картошка тугунакларининг мукаммал ҳимояси. 30 дақиқадан сўнг ўсимлик ичига киради. 14 кунгacha ҳимоя қиласди. Профилактик ишлов бериш режалари дастури учун ва башорат хизмати сигнални бўйича идеал мос келади. Системали ва трансламинар таъсир – ўсимликнинг ишлов берилган ва ишлов берилмаган қисмлари, янги ўсув ва тугунаклар ҳимояси оомицетлар (сохта ун шудринг қўзғатувчиси) синфига мансуб замбуруғларга қарши юқори даражада самарадорликка эга.

**Бордо суюқлиги** — мис купоросининг сувдаги эритмаси билан «оҳак сути»нинг аралашмасидан ҳосил бўлган мис сульфатнинг асосли қўш тўзидир, унда гипс ҳам бўлади. Бордо номи биринчи марта Франциянинг Бордо шаҳри (1882й.) яқинидаги ўзумзорларда мильдю касаллигига қарши ишлатилгандан кейин берилган.

Бордо суюқлигини хўжаликларда ишлатишдан олдин тайёрланади. Тайёрланган бордо суюқлиги суспензияҳолида ҳаво рангда бўлади. Унинг муҳити нейтрал ёки кучсиз ишқорийдир. Бордо суюқлиги 1—3%ли қилиб ишлаб чиқарилади. 100 л 1%ли бордо суюқлигини тайёрлаш учун одатда 1 кг мис купороси ва 750 г сўндирилмаган оҳак олинади, агар оҳак сифатсиз бўлса, ундан ҳам 1 кг олинади. Мис купороси алоҳида ёғоч, шиша ёки сопол идишда 50 л сувда эритиб олинади. 1 кг сўнмаган оҳакни иккинчи бир шундай идишда озгина сувда сўндириллади, сўнгра унинг ҳажмини ҳам сув билан 50 л, га еткақилади. Мис купороси эритмасини аста-секин аралаштириб туриб, «оҳак сути»га қўшилади («оҳак сути» мис купоросига қўшилганда ҳам шундай моддалар ҳосил бўлади), бироқ бунда реакция кислотали муҳитда боради, ҳосил бўлган суспензия ўта бекарор бўлиб, тезда

икки қатламга ажралиб, қуйқаси чўқмага тушиб қолади, бундай бордо суюқлиги қўлланилади илишга яроқсиз ҳисобланади. Тўғри тайёрланган бордо суюқлиги қўлга худди совунли сув каби илашади, ҳаррачаларининг ҳажми 3—4 микронга тўғри келади. Бордо суюқлигини ўзоқ муддат сақлаб бўлмайди, чунки коллоид ҳаррачалари бирлашиб, катталашиб, тезда чўқма ҳосил бўлади. Худди шундай ҳолат 3% ли тайёр бордо суюқлигига сув кўшиш йўли билан 1% ликка айлантириш вақтида ҳам юз беради. Мис купороси эритмасининг ва «оҳак сути»ни бир-бирига иссиқхолда қўшиш ҳам мумкин эмас. Бордо суюқлигини фосфорорганик пестицидларга қўшиш ҳам мумкин эмас. Бордо суюқлигини тайёрлаётганда қуидаги реакция боради:



Тайёр бордо суюқлигини реакция муҳити лакмус қоғози ёрдамида текшириб курилади, тўғри тайёрланган бордо суюқлигига туширилган кўк лакмусқоғози қиҳариб кетса, тайёрланган бордо суюқлигига оз-оздан сўндирилмаган оҳак қўшилади, токи реакция муҳити нейтрал ҳолга келгунга қадар. Лакмусқоғози бўлмаган тақдирда пичоқ учи ёки мих ботирилади, пичоқ учига ёки михга қизил доғмис ҳаррачалари ёпишиб қолса, оҳак қўшиш ҳарурлигини кўрсатади.

Ўсимлик, замбуруғлар организмидан ажралиб чиқсан моддалар, ҳаводаги карбонат ангидирд гази таъсирида мис сульфатнинг асосли қўшалоқ; тўзи гидролизланиши натижасида ажралиб чиқсан мис сульфат ҳаррачалари касаллик қўзғатувчиларга фунгицидлик таъсирини кўрсатади:



Агар бу жараён жуда тез суръатлар билан содир бўлса, ўсимликниҳимояқилишжараёниқисқамуддатлибўлади, хатто ўсимликка «куйдирувчи» таъсириҳамкўзатилишишумумкин.

Ўзвақтидақўлланиладиилганватўғритайёрланганбор-  
досуюқлигижудакўпкасалликларгақаршиқўлланиладиилишимумкин,  
препаратмевабоғларида, резавор-мева ўсимликларида, цитрус ўсимликларида,  
токзорларда, картошка, сабзавот,  
полизвадукклиэкинлардақўлланиладиилишимумкин.

Бордосуюқлигичинун-  
шудрингзамбуруғлариқўзғатганкасалликларгаватамакипероноспориозкасалл  
игигаижобийтаъсирикўрсатмайди.


3% ли бордо суюқлиги олма, нок, беҳи каби мева боғларидаги калмараз, монилиоз ва бошқа доғланиш касалликларини даволаш мақсадида эрта баҳорда ўсимликлар Куртак чиқаргунга қадар мис купоросинн миқдори бўйича хар гектар майдонга 30—60 кг ҳисобида пуркалади. Шунингдек, бу даврда данакли мева боғларидаги клястериосприоз, барг буралиши, коккомикоз, монилиоз касалликларига қарши ҳам шундай миқдорда сарфланади.

Уруғли мева боғларидаги қўтириш касаллиги, филlostиктоз, доғланиш касалликларига, данакли мева боғларидаги клястериосприоз, барг буралиши, коккомикоз, монилиоз касалликларига қарши ўсимликни вегетация

даврида 1% ли бордо суюқлиги мис купоросинн миқдорига кўра 10—20 кг дан, токзорларда антракноз касаллигига қарши мис купороси миқдорига кўра 10—15 кг дан, қорақатда антракноз, септориоз ва занг касаллигига қарши 8—10 кг дан қўлланилади. Картошка ва помидорда макроспориоз касаллигига қарши мис қупоросига кўра 6—8 кг дан, бодрингда антракноз, пероносороқ, аскохитоз, доғланиш, бактериоз касалликларига қарши 6—10 кг дан, қовун ва тарвўзда пероносороқга қарши 6—10 кг дан, қанд лавлаги, оқ лавлаги ва хашаки лавлагида церкоспороқга, пиёзда пероносороқ, занг, чириш касалликларига қарши 6—8 кг дан, бедада кўнғир рангли доғланиш касаллигига қарши 12—15 кг дан қўлланиш тавсия қилинган. Препаратнинг «кутиш вақти» иссиқхоналарда 5—8 кун, қовун ва тарвузда 20 кун ва долган экинларда 15 кундир. Ишлов бериш тақорийлиги бедада 2 марта, токзорда, уруғли мева боғларида 6 марта, картошкада 5 марта, иссиқхоналарда, данакли мева боғларида 4 марта қолган экинзорларда 3 мартадир.

**Мис хлороксид**, таъсир қилувчи моддаси купритокс, бу модда  $[3\text{Cu}(\text{OH})_2\text{-CuC}] \cdot 2\text{-H}_2\text{O}$  нинг нисбатларига қараб турлича бирикмалар хосил қиласди, уларда фунгицидлик хоссаларини яққол намоён қилувчи бирикмаси:  $3\text{CuO}\cdot\text{CuCl}_2\cdot 4\text{H}_2\text{O}$  ёки  $3\text{Cu}(\text{OH})_2 \cdot \text{CuCl}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$  яъни мис хлориднинг асосли тўзиҳидир.

Соф ҳолдаги мис хлороксиди — оч яшил рангли кукун бўлиб, ҳидсиз. Сувда ва органик эритувчилард эrimайди. Аммиакда эриб, кўк рангли комплекс бирикмалар хосил қиласди, шунингдек кислоталарда ҳам эрийди:



Мис хлороксид қуёш нури, намлик, ҳаво кислороди ва карбонат ангидрид таъсирига чидамли. Ишқорлар таъсирида касаллик қўзғатувчиларга таъсири кам моддаларга парчаланади:



Препарат Ўзбекистонда 90% ли намланувчан кукун ҳолида қўлланилади, тавсия қилинган сарфлаш меъёрларида ҳимоя қилинувчи ўсимликлар учун «куйдирувчи» таъсир қўрсатмайди.

Мис хлороксид одам ва иссиқли ҳайвонлар учун ўртача заҳарли (унинг УД50 нинг қўрсаткичи сичқонлар учун 470 мг/кг га баробар). Меъда-ичак йўлига тушганда препарат уни яллиғлантиради, куммулятив хоссаларини намоён этади.

Мис хлороксиди картошканинг фитофтороқ, макросиориоз, помидорнинг фитофтороқ, макроспориоз, кўнғир доғланиш касалликларига қарши ўсимликларнинг ўсув даврида ҳар гектар майдонга 2,4—3,2 кг дан, бодрингни пероносороқ, антракноз, бактериоз, пиёзни пероносороқига қарши 2,4 кг дан токзорни антракнозига қарши 6 кг дан, қанд лавлагини пероносороқига қарши 3,2—4,0 кгдан, данакли мева боғларининг клястериоспориоз, коккомикоз, доғланиш, монилиоз, барг бурмаланиши, уруғли мева боғларининг қўтириш ва бошқа доғланиш касалликлари ҳамда монилиозга қарши 4—8 кг дан қўллаш тавсия этилади. Бунда «кутиш вақти» токзорда 30 кун ва бошқа экинларда 20 кун бўлиб, ишлов бериш

такрорийлиги мева боғларида 4 марта, токзорда 6 марта ва бошқа экинларда 3 мартадир.

Чин ун-шудринг замбуруғлари қўзғатадиган касалликларга қарши сиртдан таъсир қилувчи фунгицидлар касалликнинг олдини оловчи ва даволовчи фунгицидлар халтачали замбуруғлар (чин ун-шудринг замбуруғлари) синфига оид микроорганизмлар қўзғайдиган оидиум, бодринг, галла экинларининг ун-шудринг касалликларига карши қўлланилади.

Бу гурухга олтингугуртнинг анорганик бирикмалари киради. Улар калмараз ва турли доғланиш касалликларига хам таъсир қилиб, акарицидлик хоссаларини хам намоён этиш қобилиятига эга.

Олтингугурт препаратларига олтингугурт талқони, олтингугуртнинг намланувчан кукуни, олтингугурт коллоиди ва олтингугуртнинг оҳакли қайнатмаси (ООҚ) киради. Улар чин ун-шудринг замбуруғлари, турли доғланиш касалликларига нисбатан юқори самарадорликка эга, шунингдек акарицидлик хоссасига хам эга, аммо калмаразга камроқ таъсирчан, касаллик қўзғатувчиларга нисбатан ҳимоя қилувчи (касалликнинг олдини оловчи) ва даволовчи таъсир кўрсатади. Олтингугурт билан ишлов берилган замбуруғларнинг споралари ривожланиш қобилиятини йўқотади.

Олтингугурт препаратлари ўзидан соф олтингугурт буфини ажратиш қобилиятига эга, бу эса ўз навбатида замбуруғлар мицелийсига ва спорасига, хужайра лиpidларида эриш йўли билан киради ва уларга фунгицидлик таъсирини кўрсатади. Олтингугурт водород акцептории сифатида гидрирлаш ва дегидрирлаш жараёнларини бузади (8-расм). Бунда  $H_2S$  хосилбўлади. Замбуруғлар споралари ва мицелийлари олтингугуртни ўз-лаштириб, ундан  $H_2S$ ни ҳосил қиласи ва шу йўсинда соф олтингугурт замбуруғни заарсизлантиради. Бироқ ўзи ҳам замбуруғлар учун юқори заҳарлилика эгадир.  $H_2S$ каталаза, цитохромоксидаза, лактаза ферментларининг фаоллигини сусайтиради. Соф олтингугурт, шунингдек ферментлар тарки- бидаги металлар (темир, мис, марганец, рух)дан сульфидлар ҳосил қиласи, буларнинг барчаси замбуруғлар хаёт фаолиятини бўзади ва оқибатда уларни нобуд қиласи.

Турли замбуруғларнинг споралари соф олтингугуртни турлича ўзлаштириш ва уларни  $H_2S$ га айлантириш билан заҳарлилигини камайтириш қобилиятига эга, бу эса ўз навбатида олтингугуртнинг таъсирчанлиги ўзига хос эканлигини белгилайди.

Юқорида келтирилган маълумотларга қараганда олтингугурт препаратларининг таъсирчанлиги, қўлланилади илган препаратларнинг ўзок вақт давомида замбуруғ мицелийсига яқин жойда соф олтингугурт буфини ажратиб туришига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида фунгицидни ҳимоя қилинувчи ўсимликка бир текис сочилишини таъминлаш ҳарурлигини тақозо қиласи, бунинг учун фунгицид ўсимликка яхши ёпишадиган ва турғун бўлиши керак.

Олтингугурт препаратларининг таъсиричанлигига хаво ҳарорати ҳам катта роль ўйнайди. Унинг таъсиричанлиги хаво ҳарорати 17°C га етгандагина бошланади ва у 33°C га боргунга қадар орта боради. Хаво ҳарорати + 35°C га кўтарилиганда ҳимоя қилинувчи ўсимликка фитоцидлик таъсирии кўрсатади. Ковоқдошлар оиласига кирувчи экинлар олтингугурт препаратларига ўта сезгиридан, уларда олтингугурт таъсиридан «қуийиш», барглар мўртлиги ва тўкилиши каби ҳоллар юзага келади. Намлик етишмайдиган экинзорларга ҳам олтингугуртни қўллаб бўлмайди, чунки унда препаратнинг ўсимликка салбий таъсири ортади (А. Ш, Ҳамроев, Э. А. Алимов, А. Ю. Йўлдошев, 1983).

Олтингугурт препаратлари мойлар билан аралаштирилмайди. Шу сабабли булар мойлар билан ишлов берилганда 15 кундан кейин қўлланиладиилади ёки 15 кун олдинроққўлланиладиилади. Олтингугурт препаратлари касаллик белгилари пайдо бўлган кундан бошлаб қўлланиладиилади ва ҳар 7-10 кун мобайнида такрорланади.

Олтингугурт препаратлари одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарли, аммо унинг буғлари билан муттасил нафас олиш ўпка касалликларини келтириб чиқариши мумкин, шунинг учун олтингугурт билан ишлаётганда, албатта чангга қарши респираторлардан фойдаланиш лозим. Препаратнинг «кутиш вақти» 1 қундир. Унинг қишлоқ хўжалик экинларидаги қолдик миқдори белгиланмаган.

**Туйинган олтингугурт** оч-сариқ рангли қукун бўлиб, унинг ҳаррачаларининг диаметри 4-200 микрондир, суюлиш ҳарорати 112,8°C. Таркибида 95-99% соф олтингугурт сақлайди. Сувда эримайди ва у билан аралашмайди. Ҳавода аста-секин буғланади.

Олтингугурт талқони ҳаводан намни ўзига тортмайди ва сақланганда ёпишиб қолмайди, аммо майда ҳаррачалари ўҳаро бирикиб,чувалчангсимон шаклга ўтиб қолиш ҳоллари кўзатилган. Олтингугурт ўз-ўзидан алангаланиш хоссасига эга, шунинг учун минерал ўғитлар, айниқса азотли ўғитлар қўшилмаслиги харур. Ундан чанглаш усулида фойдаланилади. Препарат билан чанглаш шудрингдан сўнг бўлса, жуда яхши натижа беради. Бу вақтда ҳаво ҳарорати + 20°C дан кам бўлмаслиги лозим. Сарфлаш меъёри 15-30 кг/га.

Препарат турли ўсимликларда ун-шудринг, занг касалликлари ва ўргимчакканаларга қарши қўлланиладиилади.

**Олтингугурт н. к. ва коллоиди:** олтингугурт коллоиди табиий газдан олинувчи олтингугуртни сувда турли яроқсиз моддаларини ювиб, тозалаш йўли билан олинади. Бу юқори дисперс ҳолдаги сариқ рангликуундир, унда тезда уваланиб кетишга мойил гувалачалар мавжуд. Олтингугурт коллоиди таркибида 80% соф олтингугурт сақлайди. Препаратнамўтказмайдиган полиэтилен халтачаларда чиқарилади, чунки препарат намни йўқотиб, уваланиб кетмайдиган гувалачаларга, айланиб қолади, суспензия ҳосил бўлмайди.

Олтингугурт талқонини маҳсус тегирмонларда (микроиониқаторларда) майдалаш йўли билан олтингугуртнинг намланувчи кукуни олинади. Бунда, албатта, ҳўлловчи моддалар ва стабилиқатор (эмулагатор)лар қўшилади. Бунинг таркибида ҳам 80% га қадар соф олтингугурт сақланади.



**Олтингугурт коллоидива намланувчи кукуни** токзорларда оидиумга қарши ўсув даврида ҳар гектар майдонга 9-12 кг дан, қорағатда, манҳарали ўсимликларда ун-шудрингга қарши, қовун ва тарвўзда ун- шудринг, антракноз, аскохитозга қарши 3,0-4,0 кг дан, қанд лавлагида ва иссиқхона шароитидаги бодрингда ун-шудрингга карши 2-6 кг дан қўллаш тавсия этилади.

Бу препарат ғўзадаги ўргимчакканага қарши ҳар гектар майдонга 10 кг дан сарфланади. Бунда ишлов бериш тақорийлиги 5 мартаға қадар бўлиши мумкин.

**Олтингугуртнинг оҳакли қайнатмаси** (ООҚ), одатда хўжаликда ишлатишдан олдин тайёрланади. Уни тайёрлаш учун олтингугурт талқони, сўндирилмаган оҳак ва сув лозим бўлади. Олтингугурт, оҳак ва сув 2:1:17 нисбатда бўлади. Бунинг учун одатдаги чўян қозон олиниб, унда ҳарур миқдордаги оҳак озгина сувда сўндирилади, бунда сўндириш вақтида ажралиб чиққантошсимон моддалар олиб ташланади ва унга баробар миқдорда янги оҳак қўшилиб, уни ҳам сўндирилади. Бунда «оҳак сути» ҳосил бўлади. «Оҳак сути»да керакли миқдордаги олтингугурт талқони намланади(аралаштириш йўли билан). Шундан сўнг сувнинг қолган қис- ми қозонга солинади ва суюқликнинг сатҳи ўлчанади. Қозондаги маҳсулот 70 минут давомида қайнатилади. Қайнатиш жараёнида буғланиб кетган сувнинг ўрнига сув қўйиб борилади, Сув қўшиш қайнатиш 15 минут қолгунча давом этади.

Ҳосил бўлган ооқ «она суюқлик» деб юритилади, унинг ранги олча мураббоси рангига ўхшаш қизил рангли бўлади. Унлнг таркибида кальций полисульфид ( $\text{CaS}/\text{Sx}$ ) кальций тиосульфат ва бошқалар бўлади.

ООҚни қайнатиши мобайнида қандай реакциялар содир этилиши шу кунга қадар аниқланмаган, бироқ водоросульфид ва  $\text{SO}_2$ ни ҳосил бўлиши ва уларни кальций гидроксид билан реакцияга киришиши таҳмин қилинади:  $\text{S}+\text{O}_2 \rightarrow \text{SO}_2$



Шундансўнг, кальцийсульфид ўзига олтингугутнинг янги атомларини (қўпинча 4 ва 5 тага қадар) биритириб олиб, кальций полисульфидни ҳосил қилади;  $\text{CaS}+\text{Sx} \rightarrow \text{CaSx}$

Х — олтингугурт миқдори, 5 тага қадар боради. Бу миқдорнинг ўзгариши ООҚ ни тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотларнинг ўнга нисбатларига боғлиқ.

Кальций сульфит эса тиосульфатга айланади:



Шундай қилиб, ООҚ нинг таъсир қилувчи моддаси қуидагича изоҳланиши мумкин:

ООҚ нинг таъсир қилувчи моддаси (кальций полисульфид) нинг микдори тайёрлаш учун ҳарурий моддаларнинг ўҳаро нисбатларига ва уни тайёрлаш технологиясигагина боғлиқ бўлмай, балки оҳақ ва олтингугурт кукуни таркиби ва сифатига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам ооқ нинг «она суюқлиги» таркибидаги кальций полисульфид микдорини, уни қўллашдан олдин аниқлаш ҳарурати туғилади.

Амалда ооқ нинг қуввати (сифати) унинг солиштирма массасига қараб аниқланади, бунда ўлчов бирлиги сифатида Боме градуслари қабул қилинади. Бунда солиштирма масса кўрсаткичи 16-жадвал асосида Боме градуси кўрсаткичларига осонгина айлантирилади. Чунки ооқ нинг сифати кўпинча Боме градуслари билан белгиланади, аммо сотувда Боме ареометри йўқлиги туфайли, аввал «она сути» нинг солиштирма массаси оддий ареометрлар ёрдамида аниқланади, сўнгра бу олинган кўрсаткич жадвал асосида Боме градусларига айлантирилади.

Хўжаликда ареометр бўлмаган тақдирда ооқнинг тайёрланган «она» суюқлигидан 1000 мл ни массаси тароқида ўлчанади ва бу кўрсаткич граммларда белгиланади ва 1000 га бўлинади, олинган натижа мазкур суюқликнинг солиштирма массасини белгилайди.

Солиштирма массаси 1,285 (Боме бўйича  $32^{\circ}$  ли) бўлган «она суюқлик» юқори сифатли тайёрланган ооқхисобланади. Бироққўлланилadiиilgan оҳакнинг сифати пастроқ бўлиши (CaO нинг микдорига кўра) сабабли хўжаликлар шароитида тайёрланган ооқ нинг «она суюқлиги» солиштирма массаси 1,0990-1,1160 (Боме бўйича  $13-15^{\circ}$  ли) дан ортиқ бўлмайди.

ООҚнинг «она суюқлиги» устки қисми бирор минерал мой (керосин, солярка мойи, дизел ёқилғиси ва ҳоказо) билан қопланиб, оғзимустахкам беркитиладиган шиша идишларда сақланади.

ООҚ нинг «она» суюқлиги ҳаво кириши мумкин бўлган шароитда ўзоқ вақт сақланганда кальций полисульфид аста-секин парчалана бошлайди, тиосульфатлар микдори тионосульфатларга нисбатан ортади ва идиш остида ёки сиртида чўкма ҳосил бўлиб, таркибида кальций карбонат кўп бўлади. Умуман, кальций полисульфиднинг парчаланиш жараёни ҳаво кислороди таъсирида оксидланиш ёки карбонат ангидрид таъсирида гидролизланиш оқибатида юз беради.

Кальций полисульфиднинг кальций карбонат ва водород сульфидга парчаланиш ҳоллари ооқ ни ўзоқ вақт давомида қайнатилиш сабабли ҳам рўй бериш мумкин.

ООҚ, олтингугурт коллоид каби пуркаш усули биланунн шудрингкасалликлариваканаларга қарши қўлланилadiиiladi. Бунинг учун ООҚ нинг «она» суюқлиги Боме градуси бўйича  $0,5-1^{\circ}$  га қадар сув қўшиш йўли билан суюлтирилади ва ўсимликларни ўсув даврида мева боғларининг барг доғланиши, қора рак, монилиоз касалликларига қарши тавсия қилинади.

**Системали фунгицидлар.** Бу гурухга оид фунгицидлар таркибида мис бирикмалари сақлаган фунгицидлардан фарқли ўлароқ ўсимликка жуда тез суръатлар билан синга олиш қобилиятига эга, шунингдек улар ўсимликда ўзоқ вақт (20-70 кун давомида) сақланади. Шунинг учун улар билан ишлов беришнинг оралиқ муддати 1-2 ҳафтадан 3-5 ҳафтага қадар давом этади. Ўсимликка уларнинг тез синга олиши (1 соат ичида) улар билан ишлов беришнинг табиий-иқлим шароитига боғлиқлигини камайтиради.

Бу модда рангиз суюклик бўлиб, 180°C да қайнайди, сувда эрувчанлиги 110 мг/л, кўпгина органик эритувчиларда яхши эрийди.

**Альто Супер 330 к.э.-** препаратнинг таъсир қилувчи моддаси пропиконазол 250гл-ципроконазол 80 гл системали фунгицид, бошоқли дон экинларинининг ун шудринг, занг турлари, барг доғланишлари, бошоқ касалликларидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. Фунгицид профилактик, даволовчи ва барҳам берувчи таъсирларга эга.

Иккала фаол ингридиент – ципроконазол (Cuproconazole) ва пропиконазо-лнинг (Propiconazole) катта қисми бир соат мобайнида ўсимликнинг ассимиляцион юзасида абсорбцияга учрайди. Ўсимликда қислема бўйлабакропеталь (юқорига) харакатланади. Бундай системали ҳаракатланиш ўсимлик тўқималари ичида фаол модданинг яхши тарқалишига имкон беради ва препаратнинг ювилиб кетишини истисно этади. Ципроконазол ва пропиконазол патоген замбуругларга биринчи гаусториялари ҳосил бўлиши босқичида ўсимлик ичидан таъсир кўрсатади.

Натижада ҳужайра мембраналарида стирол биосинтезининг тўхташи ҳисобига замбуругнинг ривожланиши ҳам тўхтайди.

Ципроконазол ва пропиконазолнинг биологик таъсир механизми даволовчи

ва барҳам берувчи қўллашда ўсимликни ҳимоя қилишга имкон беришига қа-рамай, энг яхши натижалар препарат касаллик ривожланишининг энг эртаги

босқичида қўлланилганда олинади.

**РЕЗИСТЕНТЛИК.** Ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқилган тавсияномага қатъий риоя қилинганда резистентлик келиб чиқмайди

**СЕЛЕКТИВЛИК.** Препарат тавсияномага қатъий амал қилинган ҳолда қўлланилганда фитотоксиклик келиб чиқмайди, ҳосилга ва маҳсулот сифатига салбий таъсири мавжуд эмас.

**Топаз** (пенконаҳол) нинг таъсир қилувчи моддаси-1- [2- (2,4-дихлор фенил)-пентил] -1 Н-1, 2, 4 триаҳолдир. У оқ рангли кристалл модда бўлиб, 60°C да суюлади. Сувда эрувчанлиги 70 мг/л, кўпгина органик эритувчиларда яхши эрийди. Идишларни занглатиш, ўз-ўзидан портлаш хусусиятига эга эмас.

Топаз системали таъсир қилувчи фунгицид бўлиб, касалликнинг олдини олиш ва даволаш мақсадларида қўлланилади. Препарат данакли мевалар, резавор-мевалар, мой экинлари, сабзавот ва полиз экинларини ун-

шудринг касаллигидан сақлайди. Топазнинг ҳимоя қилинувчи экинга салбий таъсири кўзатилмаган.

«Сиба Гейги» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган топазнинг 10% ли к.э. касалликларга қарши ишлатиш тавсия қилинган.

Препарат одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарли пестицидлар гуруҳигамансуб (унинг қаламушлар учун УД<sub>50</sub> нинг кўрсаткичи 4095 мг/кг) дир, терига енгилгина, кўзга эса суст қитиқловчи таъсир этади.

Топазнинг 10% лик. э. бодрингда ун-шудринг касаллигига қарши ўсимликнинг ривожланиш даврида ҳар гектар экинзорга 0,125-0,15 л дан кўллаш тавсия қилинган. Препарат иссиқхоналардаги бодрингда ун-шудринга қарши 0,5-0,75 л дан, олмазорларда ун-шудринг, мева чириши, токдаги оидиум, шафтолидаги ун-шудринг, мева чириши ва ертутдаги ун-шудринг касалликларига қарши. 0,2—1,0 л дан кўлланилади. Топазнинг «кутиш вақти» иссиқхоналарда 3 кун, қолган экинларда 20 кун. Унинг ишлов бериш такрорийлиги олмазор ва шафтолизорда 3 марта, токзорда 4 марта, қолган экинларда 2 марта дидир.

**Ўсимликларнинг тиним даврида қўлланилади**ларни. Бу фунгицидлар мева ва резавор-мева боғларини касаллик кўзғатувчиларнинг қишлоғи бўғинлари таъсиридан, тупроқда яшовчи хавфли касаллик кўзғатувчилар (вилт ва бошқалар) дан ҳимоя қилишда, шунингдек дараҳтларнинг шикастланган жойлари, идишлар, омборхоналар, сўрилар, иссиқхона анжомларини дезинфекция қилиш мақсадида ишлатилади.

Бу мақсад учун нитрафен кенг кўламда қўлланилади. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам инсектицидлик, ҳам фунгицидлик ва ҳам гербицидлик таъсирини намоён қиласи. Ишлов беришнинг самарадорлиги унинг ишчи суюқлиги билан бир текисда ишлов берилишига боғлиқ, ўсимлик танасига ишлов беришда қанчалик бир текисда пуркалса, таъсири шунчалик юқори бўлади. Бунда ишчи суюқликнинг сарфи 800-2000 л га қадар боради. Пуркаш кеч кўзда ёки эрта баҳорда, дараҳтлар Куртак ёзгунга қадар ўткақилади. Даволовчи фунгицидларнинг аксарияти яшил ўсимликларга «куйдирувчи» таъсир кўрсатиши сабабли, уларни ўсимликларнинг ри-вожланиш даврида кўллаш мумкин эмас.

Касаллик кўзғатувчилар қишки бўғинларининг йўқотилиши, мева боғларини баҳорда, янги новдалар, барглар эндингина пайдо бўла бошлаган даврда касаллик кўзғатувчилардан сақлайди, чунки бу даврда улар касалликка кўпроқ берилувчан бўлади. Даволовчи фунгицидларни эрта баҳорда кўллаш оқибатида ишлов бериш такрорийлиги бир қадар камаяди.

Мис ва темир купороси ҳам даволовчи фунгицид сифатида қўлланилади.

Мис купороси 98% ли кукун бўлиб, ҳаво рангда, мева боғларига пуркашда 10-20 кг дан сарфланади.

Темир купороси (темир сульфат) нинг 53% ли сувда эрувчан кўк рангли кукун. Препарат 30-40 кг дан эрта баҳорда дарахтлар куртак ёзгунга қадар қўлланилади.

1-жадвал

### **Мис ва темир купоросларининг қўлланиладилиши**

Экин ўсимлик) турлари	Касаллик	Қўллаш концентрация- си, усулива вакти
<b>Данакли мева боғлари</b>	Мис купороси Клясториоспориоз, коккомикоз, монилоз, баргбуралиши  Пўстлоқ раки, калмараз.	Куртак ёзгунга қадар, 1%ли
<b>Уруғли мева боғлари</b>	Турли доғланиш касалликлари; монилиоз	
<b>Ток</b>	Темир купороси	
<b>Уруғли мева боғлари</b>	Антракноз, милдью, бактериал рак Поя ва новда касалликлари, калмараз, доғланиш касалликлари, монилиоз, рак	ток танаси ва тупроқни 2—3 %, ли эритмаси билин эрта баҳорда пуркаш куртак ёзгунга қадар пуркаш 1%

**Уруғ ва экиш материалларини дорилашда қўлланиладиган фунгицидлар.** Экиш материалларини дорилаш уруғлар сиртидаги касаллик қўзғатувчиларни (буғдой қаттиқ қоракуяси, арпа тош куяси, жавдар поя куяси, сули чанг куяси ва бошқалар), уруғ қобиғида ва унинг остидаги касаллик қўзғатувчиларни (сулининг чанг куяси, буғдой гельминтоспориози, зигир полиспориози, кунгабоқароқ чириш касаллиги) ва уруғ куртак ичидаги касаллик қўзғатувчиларни (буғдой ва арпа чанг куяси) бартараф этишга қаратилган. Шунингдек, уруғларни дорилаш орқали тупроқда яшовчи қўргина касаллик қўзғатувчилар ҳам (маккажӯҳори уруғининг мофорлаши, ғалла экинлари фузариози ва илдиз чириши, ғўза илдиз чириши касаллиги) нобуд бўлиши мумкин.

Айниқса, уруғларда эрта (марказлаштирилганхолда) дорилаш юқори самара беради. Бунда дори уруғга яхши ёпишади, унда ўзоқ вақт давомида тўқнашув натижасида касаллик қўзғатувчилар кўпроқ нобуд бўлади, натижада препаратнинг пуркаш усулидагига нисбатан сарфини камайтиради.

**Витавакс** (карбоксин)- системали таъсирга эга бўлган фунгициддир, куя касаллигининг барча турларига юқори самарали, шунингдек занг

замбуруглари ва ризоктониозга кучли таъсир қиласи. Уруғ уна бошлаганда унга сурлади ва унинг ичидаги инфекцияни нобуд қиласи.

Витавакс уруғлар моғорлаши, септориоз, ғалласимонларнинг илдиз чириш касалликларига таъсир қилмайди.

Витавакс ташқи муҳит шароитида кам ўзгаради, тупроқда 3 ҳафта ичидаги бутунлай парчаланиб кетади. Витавакс билан дориланган арпа ва буғдой майсалари таркибида экилгандан кейин 6 ҳафта давомида, пестицид таъсир қилувчи моддасининг энг кўп микдори эса экилишнинг 3-ҳафтасида аниқланган. Буғдой ва арпа таркибида витавакс тўла парчаланиб кетади ва янги хосил таркибида буткул учрамайди.

Бизда АҚШнинг «Юнироял Кэмикал» фирмасининг Витавакс—200, 75% ли н.к. ишлатилади. Препарат одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳарли пестицид гуруҳига киради (унинг УД<sub>50</sub> ни кўрсаткичи каламушлар учун 3200 мг/кг га баробар). Витавакснинг парчаланиш маҳсулотлари ҳайвон организмидан сийдик орқали тезда ажралиб чиқади.

Витавакс буғдой уруғини чанг, қаттиқ қора куяга қарши дорилашда қўлланилади, бунда 2,5—3 кг препарат 10 л сувга аралаштирилиб 1 т урутгасарфланади.

**Бронотак**, таъсир қилувчи моддаси бронопол: 2- бромо-2-нитропропандиол-1,3:Бу оқ рангл и модда бўлиб, 130°C да суюқланади; сувда эрувчанлиги 25%, ўзига сувни тортиб олиш (гигроскопик), шунингдек алюмин идишларда парчаланиш қобилиятига эга.

Бактерицидлик хоссасига эга бўлган сиртдан таъсир қилувчи фунгицид. Ўзбекистонда Олмониянинг «Агрэво» фирмаси ишлаб чиқарган бронотакнинг 12% ли дусти чигитни дорилашда қўлланилади. Бунда гом- мозга қарши 1 т чигитга 6—7 кг, препарат, шунингдек 15—30 л сув сарфланади.

**Ортен.** таркибида 75% ли таъсир қилувчи модда ацефат (0,8—диметилацетофосфорамидотиот) сақлайди. Бу системали таъсирга эга бўлган янги инсектицид бўлиб, дориланган чигит билан экилганда ғўза ниҳолларини 3 ҳафта мобайнида трипс, ғўза битлари ва илдизни кемирувчи тунламалардан ҳимоя қиласи.

Ўзбекистонда АҚШ нинг «Томен Америка» фирмаси томонидан тавсия қилинган ортеннинг 50% ли концентрати қўлланилади. Фирма тавсиясига кўра препарат одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун кам заҳар- ли. Препарат чигитни дорилаш учун тавсия қилинган. 1 т чигит учун 4 кг препарат сарфланади.

**Максим XL** 0,35 к.с.—Таъсир қилувчи моддасифлудиоксонил 25гл+мефеноксам 10 гл.Уруғларга экиш олди ишлов бериш учун қўлланиладиган фунгицидdir. Препарат маккажӯхори, кунгабоқар ва ғўзанинг қуриб қолишини келтириб чиқарадиган уруғ ва тупроқ орқали юқувчи касалликларни назорат қилиш учун қўлланилади, бунда фойдали микроорганизмларга салбий таъсир кўрсатмайди.Флудиоксонил қолдик самарали таъсир спектри кенг ташқи таъсир этувчи фунгицид ҳисобланади.

Препарат уруғларда чекланган миқдорда бўлиши мумкин. Флудиоксонил Аскомицетлар, Базидиомицетлар синфига мансуб ва тубан замбуруғлар қўзғатувчи иқтисодий муҳим касалликларни назорат қиласди.

**Селест Топ-** Таъсир қилувчи моддаси тиаметоксам 262,5гл+дифеноконазол 25гл+флудиоксонил 25 гл. Уруғ ва тупроқ орқали юқувчи касалликлар, шунингдек уруғ ва майса зааркунандаларини назорат қилиш учун буғдой ва шоли уруғларига экишолди ишлов беришга мўлжалланган уч компонентли инсекто-фуницид. Ўзида инсектицид ва фуницид таъсирини мужассамлаштирган ноёб маҳсулот, у зааркунанда ва касалликлардан мажмуавий ҳимоя қилишни таъминлайди. Уруғларни дорилашда қўшимча компонентлар қўшишни талаб этмайди. Селест Топ 312,5 с.к. майсаларни ушбу ва бошқа кўпгина хавфли зааркунандалардан узоқ вақт ва ишончи ҳимояни таъминлайди. Донли экинлар майсаларини ҳимоя қилиш давомийлиги препаратнинг сарф меъёрига ва патоген ёки зааркунанданинг турига боғлиқдир.

**Круизер, 350 FS, 35% сус.к.** Соф моддаси: тиаметоксам. Препарат чигитни упалаб экиш учун мўлжалланган (4 л/т), у сўрувчи (шира, трипс, оққанот) ва кемиравчи (илдиз кемиравчи тунламлар) зааркунандалардан ниҳолларни ҳимоя қиласди. Унинг препарат шакли қулай, ўртача заҳарли, фойдали ҳашаротлар учун заарсиздир.

**Круизер экстра Соттон 362 сус.** соф моддаси: тиаметоксам+мефеноксам+флудиоксанил. Препарат чигитни упалаб экиш учун мўлжалланган (3 л/т), у сўрувчи (шира, трипс, оққанот) ва кемиравчи (илдиз кемиравчи тунламлар) зааркунандалардан ниҳолларни ҳимоя қиласди. Унинг препарат шакли қулай, ўртача заҳарли, фойдали ҳашаротлар учун заарсиздир.

**Гербицидлар.** Бегона ўтларга қарши қўлланиладиган барча пестицид турлари *гербицидлар* деб аталади. Кўпчилик гербицидлар органик моддаларга мансуб бўлиб, ўта юқори физиологик фаолликка эгадир, улар озгина сарфлаш меъёрида юқори самарадорлик кўрсатади. Ҳозирги вақтда оз бўлсада, анорганик моддалар гуруҳига оид гербицидлар ҳам мавжуд.

Гербицидлар хоссаларига кўра, ёппасига ва танлаб таъсир қилувчи гурухларга бўлинади

Ёппасига таъсир қилувчи гербицидлар ўз таъсир доирасида учраган барча тур ўсимликларни нобуд бўлишга олиб келади. Шунинг учун бундай гербицидлар экинзорларда қўлланилилмайди, факат тош ва темир йўл чеккаларида, сугориш шохобчаларида, йўл ёқаларида, электр тармоқлари ва спорт майдончаларида бегона ўтларга қарши қўлланилади.

Танлаб таъсир қилувчи (селектив) гербицидлар бегона ўтларнигина ўлдиришга мослашган бўлади ва экинларга ҳеч қандай зарар етказмайди. Селектив гербицидлар экинзорлардаги бегона ўтларга қарши ишлатилади.

Баъзи гербицидлар тор доирада танлаб таъсир қилишга мослашган. Улар жуда оз тур бегона ўтларни, ҳатто биргина бегона ўтни ўлдиришга мослашган бўлади. Масалан, пропанид гербициди шолидаги курмакнигина

ўлдиради ва бошқа бегона ўтларга мутлақо таъсир қилмайди. Топографик танлаб таъсир қилиш ўсимликларни анатомо-морфологик туқилишига асосланган. Масалан, жуда қалин пўстлоқ билан қопланган, мустаҳкам кутикулага эга бўлган, танаси мум билан, шунингдек танаси туклар билан қопланган ўсимликлар гербицидлар таъсирига чидамли бўлади, чунки қалин қобиқ билан қопланган тана орқали гербицид суст сурилади. Тик ўсган, силлиқ сиртга эга бўлган барглар ҳам гербицидларга чидамли бўлади. Чунки уларга тушган гербициднинг томчилари тезда ўсимлик сиртидан буғланиб кетади.

Илдиз тизими жуда чуқур кирадиган ўсимликлар ҳам гербицидлар таъсирига чидамли бўлади. Масалан, бўзтикан, қўйпечак симазин ва атразин таъсирига чидамлидир. Чунки уларнинг илдиз тизими асосан тупроқ қатламининг чуқур қисмида жойлашади ва гербицидлар эса 10—15 см лик қатламдагина ўз таъсирини қўрсатади. Симазин ва атразинни уруғли мева боғларида хўлланилиши уларнинг ана шу хусусиятига боғлиқдир.

*ЗЕЛЛЕК СУПЕР 12,5% э.м.к.* ғўзадаги бир йиллик ва қўп йиллик бегона ўтларга қарши қўллаш учун тавсия этилган. Бир йиллик бир паллани бегона ўтларга қарши далалардаги бегона ўтларнинг буйи 10-15 см бўлганда туркалади.

**НИТРАН 30 % э.м.к.** таъсир этувчи моддаси тарифуралини. Ғўзадаги бир йиллик икки ва бир паллали бегона ўтларга қарши курашиш учунтавсия этилган. Экишгача тупроққа пуркалади ва зудлик билан кумилади, экиш билан бирга ёки ниҳоллар кўкариб чиққунча тупроқда пуркалади.

**ГРАНСТАР 75% о.к.сус.** (Трибенуронметил) препарати – Франциянинг ДюPont компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, кузги ва баҳорги буғдой ҳамда арпа экинзорларидаги кенг баргли бир йиллик бегона ўтларга қарши курашишдаги юқори самарали гербицид.

Гербициднинг бегона ўтларга қарши самарадорлигини янада кучайтириш учун, Тренд 90 сирт фаол моддасини гектарига 200 мл. дан кўшиб ишлатиш тавсия этилади.

ГРАНСТАР гербициди – гидролиз ва микробиологик парчаланиш йўли билан тупроқда тез парчаланади. Бу препарат қўллаш учун кулай бўлиб, экиннинг 2-3 барг пайдо бўлган давридан бошлаб то найчалаш даврига қадар қўллаш мумкин. Ўсимлик ва ҳосил учун хавфсиздир.

Тупроқда сақланиш муддатининг кам бўлганлиги сабабли резистентликнинг пайдо бўлишининг олди олинади, яъни ерга тушгач, тез парчаланиб кетади, такрорий экинларга таъсир қилмайди.

ГРАНСТАР гербициди атроф-мухит ва фойдаланувчи учун хавфсиздир ҳамда у паст хароратларда ( $4\text{--}6^0$ ) ҳам самаралидир. Гербицид сепилгандан сўнг, унинг таъсир этувчи моддаси бегона ўтнинг барг ва танаси орқали сингади, натижада бегона ўтда фотосинтез жараёни бузилиб, ўсимлик ўсишдан тўхтайди, 15-20 кундан сўнг бутунлай қуриб қолади, гербицид ишлатилгандан 2 соатдан сўнг ёғингарчилик бўлса, препарат ўз кучини йўқотмайди.

**ГРАНСТАР** – тежамли гербицид бўлиб, 50 дан ортиқ бегона ўтларга таъсир этади. Препаратнинг сезирлиги кучли бўлган бегона ўтларга Эшак шўра, Жағ-жағ, Шўра, Латтатикон, Сассиқпоя, Чақамиқ, Совун ўт, Чумчук тили, Мойчечак, Лолақизғалдоқ, Ёввойи турп, Аччиқ ўт, Юлдузўт, Тиласпи, Олабўта, Аччиқмия, Қизилтасма, Бангидевона, Қўйтикан, Исламоқ каби бегона ўтлар киради.

**ГРАНСТАР** гербицидини ўз муддатларида сифатли қўлланилганда, тупроқдаги озуқаларни асосан ғалла ўсимлиги шерикларсиз (бегона ўтларсиз) ўзлаштириши ҳисобига, гербицид қўлланилмаган майдонга нисбатан 10-12 ц/га гача ҳосил қўшилиши мумкин.

Гранстар 75% с.э.г. (Трибенуронметил 375гр/кг+)- ДюПонт компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, ичдан таъсир этувчи гербицид бўлиб, бошоқли экинлардаги (буғдой ва арпа) бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши юқори самарада курашишда қўлланилади.

Гербициднинг бегона ўтларга қарши самарадорлигини янада кучайтириш учун, Тренд 90 сирт фаол моддасини гектарига 200 мл. дан қўшиб ишлатиш тавсия этилади.

**ГРАНСТАР ПЮЛС** гербициди бир йиллик ва қўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши самарали курашибгина қолмай, Гранстар гербицидининг таъсири камроқ бўлган Шотари, Чақамчиқ, Бўзтикон, Коқи ўт, Дағал каноп, Какра Кампирчўпон ва Отқулоқ каби бегона ўтларга ҳам сезиларли таъсир этади.

**ГРАНСТАР ПЮЛС** эрта баҳорда бегона ўтлар униб чиққандан кейин ва бегона ўтлар 2-6 тагача чинбарг чиқарган пайтда пуркалади. Препаратни ғалла 2-3 чинбарг давридан то байроқбарг чиқаргунгача қўллаш мумкин.

Пуркалган гербицид бегона ўтларнинг барглари ва поялари орқали ўсимлик ичига кириб боради ва бегона ўтлар таркибида учрайдиган энзим ацетолактатциттаза ферментининг фаолиятини тўхтатади. Бу фермент хужайраларнинг бўлининиши, яъни ўсишини тезлаштирувчи асосий омил ҳисобланади.

**ГРАНСТАР ПЛЮС** гербициди таъсирининг биринчи белгилари, яъни бегона ўтларнинг ранги ўзгариши 10-15 кунда кўринади. Хаво харорати 20-22°C ва намлик етарли бўлса, бу белгилар тезроқ кўринади. Аслида эса гербицид пуркалгандан 2-3 соат ўтгач бегона ўтлар ўсишдан тўхтайди ва маданий экин билан тупроқдаги озуқа ва намлик учун рақобат қила олмайди.

**ГРАНСТАР ПЛЮС** гербицидни ўз муддатларда сифатли қўлланилганда, озуқаларни асосан ғалла ўсимлиги ўзлаштириши ҳисобига, 5-10 ц/га гача ҳосил қўпайиши мумкин.

**ГУЛЛИВЕР 50% с.э.г.** (Азимсульфурон) – ДюПонт компанияси томонидан ишлаб чиқарилган шоли экинзорларидағи бир ва қўп йиллик бошоқли (тариқсимон) ҳамда икки паллали бегона ўтларга қарши юқори самарада курашувчи гербицид.

**ГУЛЛИВЕР** гербицидини шолипоялардаги бегона ўтларнинг фаол ўсув даври, яъни 2-4 барг ёки уларнинг бўйи 5-10 см бўлганида ёки шоли униб

чиққанидан 20-22 кунлик даврида гектарига препаратдан 25-30 грамм ҳамда 200 мл сирт-фаол моддаси (ТРЕНД 90) билан биргаликда шолипоядаги сув сатхини 5-10 см га келтириб, полларга сув кириш йўлларини беркитган ҳолда ишлов берилади.

*ГУЛЛИВЕР* гербициди билан ишлов берилгандан кейин 3-4 қунгача шолипояларга сув очмай турилади. Агар турли сабабларга кўра ишлов бериш муддати кечиктирилса, бизнинг мутахассисларимизга мурожат этинг.

*ГУЛЛИВЕР* гербицидини ўз вақтида кўрсатилган муддатларда қўлланилса, бегона ўтларга юқори самара бериш билан бир қаторда, гербицид қўлланилмаган майдонга нисбатан гектарига 10-15 центнерга ҳосил қўшилади.

**ТИТУС-25%к.о.су.** (250гр/кг Римсульфурон) -ДюПонт компаниясининг маҳсулоти бўлиб, маккажухори ҳамда помидорни бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтлардан ва баъзи кўп тарқалган бир йиллик икки паллали бегона ўтлардан самарали химоя қиласи.

Гербициднинг бегона ўтларга самарадорлигини янада кучайтириш учун, Тренд 90 сирт фаол моддасини гектарига 200 мл.дан қўшиб ишлатиш тавсия этилади.

**ТИТУС** препаратини маккажухори ҳамда помидор экинлари 3-5 барг чиқарганда, бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларнинг бўйи 15-20 см бўлганда, гектарига 40-50 грамм препаратдан ва 200 мл “Тренд -90” сирт фаол моддаси (СФМ) қўшиб ишлатилади.

**ТИТУС** гербициди бошоқли бегона ўтлардан Тулки думи, Сули, Курмак, Ажриқ, Қилтирикли курмак, Ғумай, кенг баргли бегона ўтлардан эса Дағалканоп, Эшак шўра, Жағ-жағ, Шотари, чақамиқ, мойчечак, Ялпиз, Лолоқизғолдоқ, Ёввойи турп, Аччиқўт, Юлдузўт, Латтатикон кабиларга самарали таъсир қилиб, маданий ўсимликларнинг ўсиб ривожланиши ҳамда ҳосилдорликнинг ортишга ёрдам беради.

**ПАНТЕРА – 4% эм.к.** (40гр/л, Хизалофоп-п-тефурил) ПАНТЕРА – Голландиянинг Кемтура компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб ғўза, пиёз, сабзи, памидор, картошка, нўхат, ерёнғоқ, лавлаги ва бошқа кенг баргли экинларда, бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши юқори самарали гербицид.

**ПАНТЕРА** – айниқса, ажриқ (*Cynodon dactylon*) ва ғумайни (*Sorghum halepense*) юқори даражада назорат қиласи.

**ПАНТЕРА** – препаратини Қорасули, Тулкиқуйруқ, Қоракурмак, Итқўноқ, Бешбармоқ, Мастак турлари, уруғдан унган буғдой ва маккажўхори майсаларига қарши ғўза гуллагунга қадар далаларга ёппасига пуркалади. Далада илдизпояли ажриқ ва ғумай кўп бўлса,

**ПАНТЕРА** – препаратининг сарф меъёрини гектарга 2 литр қўллаш лозим. Бир йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши ишлов бериш, уларни бўйи 10-15 см бўлганда амалга оширилади.

**ПАНТЕРА** – гербициди қўлланилгандан сўнг 5-10 кун ўтгач, бегона ўтнинг ўсув нуқтаси тўқ жигарранг, юқори ярус барглари қизғиши тусга кира

бошлайди. 14-21 кун ичида, хаво хароратига боғлиқ равища, гербициднинг таъсири яққол намоён бўлади – бошоқли бегона ўтлар қурийди.

*ПАНТЕРА* – гербициди билан ишлов бериш вақтида тупроқдаги намлик 70-75% бўлишини таъминлаш, агар тупроқда намлик етарли бўлмаса ишловдан кейин сугоришни ташкил этиш шарт. Гербицид қўлланилгандан кейин 13-15 кун давомида далада агротехник (чопик, култивация) тадбирлари ўtkазилмаслиги лозим.

Дала бегона ўтлар билан заарланиш даражасига боғлиқ ҳолда, *ПАНТЕРА* гербицидини қўлланилганда, гербицид қўлланилмаган майдонга нисбатан пахта ҳосилдорлиги гектарига 2-3 центнерга ошади.

### **Назорат саволлари:**

1. Сунъий пиретроидларнинг афзалликлари нимада?
2. Сунъий пиретроидлар одам ва иссиқонли ҳайвонлар қай даражада заҳарли?
3. Фунгицидларни танлаб ёки маҳсус таъсир этиши деганда нима тушунилади?
4. Уларни қўллаш хусусиятлари.
5. Тиним даврида қўлланиладиган фунгицидлар.
6. Уруғларни дорилашда қўлланиладиган фунгицидлар.
7. Ўсимликларни ўсув даврида қўлланиладиган фунгицидлар.
8. Гербицидларнинг токсикологик хусусиятларини айтиб беринг.
9. Ёппасига таъсир қилувчи гербицидларга мисол келтиринг.
10. Танлаб таъсир қилувчи гербицидларга мисол келтиринг.
11. Шоли далаларида учрайдиган бегона ўтларга қарши қўлланиладиган препаратларга нималар киради?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хўжаев Ш.Т., Холмуродов Э.А. “Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари. Тошкент, “Фан” нашриёти. 2009 й.
2. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услугубий кўрсатмалар. (қайта ишланган ва тўлдирилган II нашр). – Тошкент, 2004. – Б. 3–30.
3. Хўжаев Ш.Т. Агротоксикология асослари ҳамда тадқиқот ўтказиш қоидалари. Тошкент -2018, 143-б.
4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати.- Тошкент: “Puta-Print”, 2016 й.

**Интернет сайтлар:**[http://www.agromage.com/stat\\_id.php](http://www.agromage.com/stat_id.php)

<http://www.ecobiology.com.ua/nut.html>

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-амалий машғулот: Ғүза ва ғалла экинларини заарли организмларидан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.**

**Керак жиҳозлар:** Лупа, микроскоп, ҳашаротлар коллекцияси.

**Режаси:**

1.1. Ғүза экинларини заарли организмларидан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш

1.2. Ғалла экинларини заарли организмларидан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш

1.3. Ғүза ва ғалла экинларини асосий касалликларидан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.

**Ишдан мақсад:** Ғүза ва ғалла экинларинизаркунандаларини ўрганиш орқали амалий кўнишка ҳосил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Ғүза ва ғалла экинларинизаркунандаларини тур таркиби, тарқалиши ва зарарини ўрганиш.

**Ишни бажариш учун намуна:** Ғүза ва ғалла экинларинизаркунандаларини тур таркиби, тарқалиши ва зарарини ўрганиш.

**Тамаки трипси** - бу заар кунанда ўсимлик баргининг ширасини сўриб, заар етказади. Заарланган барглар йиртилиб кетади. Танаси чўзинчоқ бўлиб, тўқ сарғиш рангларда бўлади. Личинкалари оч сарғиш рангда бўлади. Тамаки трипсиси ўсимликларнинг учидаги ёш баргларга тухум қўяди. 1 та урғочи трипс ривожланиш даврида 100 тагача тухум қўяди. Бутун ёз бўйи 7 марта гача авлод беради.

**Кураш чоралари.**

**Агротехник тадбирлар:** Ғўзанинг чидамлилигини оширадиган чора-тадбирлар (ўғитлаш, суғориш, культивация) трипс зарарини пасайишига ёрдам беради.

**Биологик усул:** тамаки трипсига қарши олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларидан 1:10, 1:20 нисбатларида 10 кун оралатиб 2 марта чиқарилади. Зарурият бўлган майдонларга олтинкўз тухумидан 500-1000 тагача чиқариш давом эттирилади; тамаки трипси тушган далаларга хон қизи қўнғизлари, сирфид пашибалари, афидиидлар ва бошқа фойдали ҳашаротларни жалб этиш.

**Кимёвий усул:** вегетация давомида 4-7% ўсимлик трипс билан заарланиши кузатилса, моспилан 20% н.к. -0,15 л/га; карбофос 50% эм.к. – 0,6 л/га; пилармос 20% н.к. – 0,15л/га; камилот 20% н.кук.- 0,15л/га; калипсо 48% сус.к. – 0,05-0,07 л/га; дельтафос 38% эм.к. – 1,0 л/га; вертимек 1,8% эм.к. – 0,4 л/га ва бошқа рухсат этилган дорилар билан ишлов берилади.

**Ўсимлик битлари**

**Беда ёки ақация бити.** Марказий Осиёда кенг тарқалған бўлиб, 52 тур зарар етказади. Бу ғўзани май-июн ойларида зааррлайди. Ақация бити тухумлик фазасида қишлиайди. Партеногенез йўли билан тирик туғиб кўпаяди. 12-15 тагача авлод беради.

**Полиз бити.** Бу зааркунанда хаммахўр бўлиб, Ўсим-ликларнинг 46 турига зарар етказади. Ранги қўкиш сарғишдан то тўқ яшилгача бўлади. Тирик туғувчи урғочиларнинг боши, оёқлари, шира чиқариш найлари қора тусда бўлади.

Личинкалик ва имогалик босқичида қишлиайди. Ғўзадан кейин полиз экинларига учеб ўтади. 15-24 марта гача авлод беради.

**Катта ғўза бити.** Ўзбекистоннинг барча пахта экинлариндан кенг тарқалған.

Бошқа битларга нисбатан йирикроқ бўлиб, танаси қўкиш ёки сарғиш, кўзлари қизил, оёқлари ва шира найлари жуда узун бўлади. Тухумлик босқичида янтоқ ўсимлигига қишлиайди. 15-20та авлод беради.

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник тадбирлар.** Ғўза кўчатларини қатор ораларига ишлов бериш; NPK ўғитлар эритмаси билан ғўза майсаларини барги орқали озиқлантириш; бегона ўтларга қарши кураш.

**Биологик усул:** ғўза битларига қарши олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларидан 1:10, 1:20 нисбатларида 10 кун оралатиб 2 марта чиқарилади.

Зарурият бўлган майдонларга олтинкўз тухумидан 500-1000 тагача чиқариш давом эттирилади; шира тушган далаларга хон қизи қўнфизлари, сирфидпашшалари, афидиидлар ва бошқа фойдали хашаротларни жалб этиш.

**Кимёвий усул:** ғўза битларининг сони вегетация давомида 8-10% ўсимликларни барг пластинкаси ўсимлик битлари билан 5-25% қопланганда моспилан 20% н.к. -0,15 л/га; карбофос 50% эм.к. – 0,6 л/га; пилармос 20% н.к. – 0,15л/га; камилот 20% н.кук.- 0,15л/га; калипсо 48% сус.к. – 0,05-0,07 л/га; дельтафос 38% эм.к. – 1,0 л/га; вертимек 1,8% эм.к. – 0,4 л/га ва бошқа рухсат этилган дорилар билан ишлов берилади.

**Ўргимчакканা** - Ғўзанинг ашаддий зааркунандаси бўлиб, 248 тур ўсимлик билан озиқланади. Шундан 37 тури қишлоқ хўжалик экинлари. Ўргимчакканана 160-600 тагача тухум қўяди. Ўзбекистонда 16-20 тагача авлод беради. (1.3 -расм).

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник тадбирлар.** Ғўза кўчатларини қатор ораларига ишлов бериш; NPK ўғитлар эритмаси билан ғўза майсаларини барги орқали озиқлантириш; бегона ўтларга қарши кураш.

**Биологик усул:** ўргимчакканага қарши олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларидан 1:10, 1:20 нисбатларида 10 кун оралатиб 2 марта чиқарилади. Зарурият бўлган майдонларга олтинкўз тухумидан 500-1000 тагача чиқариш давом эттирилади; атроф-мухитга ва фойдали хашаротларга заарсиз бўлган олтингугурт препаратларидан олтингугурт кукунидан 20-30

кг/га чанглатиш, 0,5-1 ли олтингутуртнинг охакли қайнатмасидан гектарига 300 литр пуркаш.

**Кимёвий усул:** вегетация давомида 10% ўсимликларнинг барг пластинкаси ўргимчакканда билан 5-25% қопланганда омайт 57% к.эм.-1,5 л/га; нискоран 10%, н.кук. – 0,1 кг/га; тетросан 10% н.кук – 0,1 кг/га; флумайт 20% сус.к.- 0,2 л/га; ортус 5% сус.к. – 0,75 л/га; вертимек 1,8% эм.к. – 0,3-0,4 л/га қўллаш яхши самара беради.

**Оққанот** - Ғўза оққанотининг заари оқибатида пахта, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари хосилининг 30-40% дан кўпроқ қисми нобуд бўлади хамда пахта толасининг сифати пасаяди (1.4-расм).

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник тадбирлар:** оққанотнинг асосий кўпайиш манбаи бўлган иссиқ-хоналардан тарқалишини олдини олиш; елимланган сарик рангли маҳсус қоғозлардан фойдаланиш; ўсимликнинг чидамлилигини оширишини таъмин-лайдиган тадбирлар.(органик ва минерал билан озиқлантириш, қатор ораларига ишлов бериш, суғориш ва х.к.)тадбирларини қўллаш.

**Биологик усул:** энкарзия энтомофагини зааркунанданинг сонига қараб 1:10, 1:20 нисбатларда 10x10м схемада тарқатиш. Олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларидан 1,0-1,20 нисбатларида 10 кун оралатиб 2 марта чиқарилади.

**Кимёвий усул:** зааркунанданинг ғўзага хавфи бўлган майдонларда моспилан 20% н.к. -0,15 л/га; конфидор 20% эм.к. – 0,3-0,4 л/га; танрек 200 г/л с.э.к.-0,3-0,4 л/га; дельтафос 38% эм.к. – 1,25-1,5 л/га бошқа рухсат этилган препаратлар билан ишлов берилади.

**Беда қандаласи** - Беда қандаласи ғўза кўсакларининг 20% дан кўпроқ қисмини шикастлайди. (1.5-расм). Бундай кўсаклардаги пахта толалари бузилади ва бир-бирига ёпишган қўнғир массага айланади.

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник тадбирлар:** ғўзани чидамлилигини оширишга имкон берадиган тадбирлар(NPK ўғитлар эритмаси билан ғўзани озиқлантириш, бегона ўтларга қарши қураш ва қатор ораларига ишлов бериш.

**Биологик усул:** беда қандаласи личинкаларига қарши олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларидан 1:10; 1:20 нисбатларида (кушанда:зааркунанда) 10 кун оралатиб 2 марта чиқарилади. Зарурият бўлган майдонларга олтинкўз тухумидан 500-1000 тагача чиқариш давом эттирилади.

**Кузги тунлам** - Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб, унинг қуртлари 34 та оиласа мансуб бўлган юзлаб тур ўсимликларга зарар етказади. Капалакларнинг олдинги қаноти сарғиши кулранг, орқа қаноти тўқ томирли оқ тусда. Олдинги қанотининг асосига яқин жойда понасимон қорамтири доди, марказда юмалоқ, ундан бироз юқорироқда буйраксимон доди бор. Қуртлари 5 та ёшни бошдан кечиради. 5 ёшлик қуртлик фазасида тупроқнинг 5-15 см чукурликда қишлийди. (1.6 расм). Капалаклари ўртача 500-600 тагача тухум

кўяди. Ўзбекистон шароитида 3 марта авлод беради. Биринчи авлод қуртлари ғўзага жиддий заар етказади.

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник тадбирлар:** ерни кузги чуқур шудгорлаш; эрта баҳорда бегона ўтларга қарши курашиш; тупроқ шароити кўтарган жойда ғўза майсаларини қатор оралаб енгил суғориш ва алмашлаб экиш.

**Биологик усул:** феромон тутқичлардан (ФТ) фойдаланиб, ҳар 1 тутқичда 1 кечада ўртача 2-3 капалак туша бошлиши билан шу пайкалга трихограмма кушандасини хар гектар майдонга 1 гр.дан далага чиқарилади; Катта ёшдаги қуртларига қарши бракон энтомофаги 1:10, 1:20 нисбатларда далага тарқатиш.

**Кимёвий усул:** агарда ҳар 1 м<sup>2</sup> даги қурт сони ўртача 1-1.5 тага бўлса қўйдаги пиретроидлардан бирини ишлатиш керак: Децис 2,5% к.э. – 0.7 л/га, циракс 25% к.э. – 0.3 л/га, вантекс 6%сус.к. – 0.25-0.3 л/га. қўллаш. Бунда, дори сепилгач, далага ариқ олиб, сув қўйиш самарани оширади. Кузги тунлам қуртларига қарши Гаучо 70% н.к. 5 кг/т, ортен 70% э.к. 4 кг/т ва маршал 40% н.к. 15-20 кг/т. препаратлари билан чигитни дорилаб экиш хам яхши самара беради.

**Ғўза тунлами (қўсак қурти)** - Ғўзанинг гули, шонаси ва қўсакларни заарлайди. Капалакларни олдинги қанотлари сарғиш кул-ранг тусда бўлиб, баъзан қизғиши қўнғир ёки пушти, ёхуд қўкиш рангда товланиб туради (1.7 расм). Хар бир ўсимлик ўсуви нуқтасига биттадан тухум қўяди. Тухумлари гумбазсимон.

Ҳаёти давомида ўртача 400 тадан 2000 тагача тухум қўяди. қуртларини танаси оч яшил, қўкиш сарғиш рангдан тортиб, қорамтири ранггача бўлади. Танасининг ёnlари бўйлаб тўлқинсимон чизиқлар ўтади.

Ўзбекистоннинг шимолий туманлари-да 3-4 та, жанубий туманларида эса 4-5 та авлод беради. Қўсак қурти кузда қайси ўсимликларда озиқланган бўлса, шу ўсимликка яқин жойда ғумбаклари тупроқнинг 10-15 см чуқурлигига қишлоғига кетади.

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник тадбирлар:** ерни кузги чуқур шудгорлаш; заарланадиган экинларни бир-биридан узокроқ жойлаштириш; ғўза қатор ораларига ишлов бериш; чеканкада ўсимликнинг ўсиш нуқатасини фартукларга йигиб четга олиб чиқиб ташлаш; ғўзани ортиқча суғориб ғовлашига йўл қўймаслик.

### **1.3.**

**Вилт** – сўлиш демақдир. Унинг 2 хили мавжуд – вертициллёт ва фузариоз вилтлар. Касалликларнинг иккаласини ҳам тупроқ замбурууглари қўзғатади ва улар тупроқда кўп йиллар давомида (3-5 йилдан 9-10 йилгача) сақланиши мумкин. Фузариоз вилтнинг асосий зарари ғўза ўсуви даврининг илк босқичларида, ниҳоллар униб чиқишидан шоналаш фазасигача кузатилади ва бунда ниҳоллар кўплаб қуриб қолади. Вертициллёт вилт одатда шоналаш фазасидан бошлаб кузатилади. Ҳар икки касаллик учраганида ҳам ғўзанинг ўтказувчи найчаларида туси қўнғирдан

(вертициллөз вилтда) деярли қорагача (фузариоз вилтда) доғлар ҳосил бўлади. Уларни қўриш учун поянинг пастки қисми қия қилиб ёки узунасига ўткир пичоқ билан кесиб, текширилади. Қўзғатувчи замбуруғ турини аниқлаш учун даладан намуналар олиб, лабораторияда текширилади. Ушбу замбуруғлар ғўздан ташқари кўп ўсимлик турларини, жумладан кўп бегона ўт турларини ҳам заралайди.

### **Кураш чоралари.**

Вилтга қарши асосий кураш усулларига чидамли навлар экиш, ғўзани беда (ва бошқа экинлар) билан қисқа ротацияли алмашлаб экиш схемаларини қўллаш, тупроқ ҳосилдорлигини ошириш ва ғўзанинг вилт касалликларига чидамлилигини ошириш мақсадида ёз охири-куз даврида сидерат экинларини экиб, баҳорда далани тайёрлаш пайтида уни ҳайдаб, сидератларни тупроқقا киритиш, экишдан олдин далани пухта тайёрлаш, текислаш, ишлов бериш, экиш учун сара уруғлик чигит ишлатиш ва уни экишдан олдин самарали уруғ дорисининг микроэлементлар аралашмаси билан дорилаш, дори ювилиб кетмаслиги учун чигитни сувга бўктириб қўймаслик, чигитни тавсия қилинган қулай муддатларда ва сарф-меъёрларда экиш, ўсув даврида далани бегона ўтлардан тоза тутиш, минерал ва органик ўғит (гўнг-тупроқ аралашмаси, фекал) солишини ўз вақтларида ўтказиш, экинларни ўз вақтида суғориб туриш, бостириб суғормаслик, сувни заарланган даладан соғломларига ўтказмаслик, кузда далани ғўзапоядан тозалаш, кеч куз-қиши пайтида далани суғориб яхоб бериш киради. Вилтга қарши маҳсус фунгициллар қўлланилмайди, балки илдиз чиришга қарши ишлатиладиган препаратлар вилтга қарши ҳам бироз самара беради.

**Гоммоз** – бу бактерия қўзғатадиган касаллик бўлиб, унинг уруғбарг, чинбарг, поя ва кўсак шакллари мавжуд. Уруғбарг ва чин баргларда олдин мойсимон, кейин қўнғир тус олувчи доғлар ҳосил бўлади.

Поя ва кўсаклардаги доғлар ҳам олдин мойсимон, қўнғир, аммо вақт ўтиши билан улар қора тусли яраларга айланади. Поя заарланган жойидан синиб кетиши мумкин. Касаллик толага ўтганида, тола шилимшиқланади ва кўсак деворчаларига ёпишиб қолади. Касаллик мавсумдан мавсумга асосан чигит ва қисман заарланган ўсимлик қолдиқлари орқали ўтади. Агар дала йирик ўсимлик қолдиқларидан (поя қолдиқларидан) яхши тозаланган ва майда ўсимлик қолдиқлари кузги шудгорда тупроқка қўмилган бўлса, бундай далада гоммоз бактериялари сақланмайди. Бу ҳолда гоммознинг ягона манбаи заарланган чигит бўлиб, уни гоммоз бактериясидан тозалаш учун энг самарали усул – чигитни кислота билан туксизлантириб, самарали уруғ дориси билан дорилашдир. Бу усул гоммозга қарши 100% самара беради. Гоммозга қарши уруғ дорилагичлардан бронотак (бронопол, даброн) 12% кук. – 6-7 кг/т, Зирх 36% кук. – 2-2,3 кг/т, Эмиссар с.э.к. – 2,5-3,5 л/т ва б. ишлатилади.

Ғўза илдиз чириши касаллигини замбуруғлар қўзғатади ва касалликнинг асосий зарари ўсув даврининг илк босқичларида, уруғбарг униши ва ниҳоллар фазасида кузатилади. Фузариоз вилтга қарши

кўлланиладиган чора-тадбирлар ғўза ниҳоллари ва илдизи чириши касалликларига қарши ҳам етарли самара беради. Бунда илдиз чиришни қўзғатувчи замбуруғ турларини ҳисобга олган ҳолда, самарали фунгицид танлаш ва у билан чигитни экишдан олдин дорилаш ушбу касалликларга қарши энг фойдали усул ҳисобланади. Ёзанинг майса ва илдиз чиришига қарши уруғ дорилагичлардан витавакс 200ФФ (витарос) 34% с.сус.к. – 5 л/т, витавакс 200 75% н.кук. – 4-5 кг/т, П-4 65% сус.к. – 4 л/т, Ҳимоя 10% суюқ. – 4 л/т, Максим XL 035FS 3,5% сус.к.. – 1,5 л/т ва б. ишлатилади.

**Буғдой трипси** - Ўзбекистоннинг ҳамма худудларидағи ғаллазорларда учрайди. Ғаллада бошоқланиш даври бошланиши билан етук трипслар пайдо бўла бошлайди. (2.1-расм). Личинкалар бошоқ қобиғиичига кириб, қобиқ ва гул ширасини, кейинчалик эса дон ширасини сўриб озиқланади. Ўсимликлар дағаллашиб, донлар пишиб, ҳосил йифим-теримга яқинлашганда личинкалар озиқланишини тутатиб тупроққа туша бошлайди. Буғдой трипси йилига 1 марта авлод беради. **Кураш чоралари.**

**Агротехник тадбирлар:** ғалланинг чидамлилигини оширадиган чора-тадбирлар (ўғитлаш, сугориш) трипс заарини пасайишига ёрдам беради ва дала атрофини бегона ўтлардан тозалаш.

**Биологик усул:** буғдой трипсига қарши олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларидан 1:10, 1:20 нисбатларида 10 кун оралатиб 2 марта чиқарилади. Зарурият бўлган майдонларга олтинкўз тухумидан 500-1000 тагача чиқариш давом эттирилади.

Кимёвий усул: вегетация давомида Каратэ-0,2 л/га; Атилла 0,2 л/га, Киллер 0,2 л/га, Нуред-Д- 0,5 л/га; Циперфос- 0,5 л/га; Циперметрин- 0,2 л/га ва бошқа рухсат этилган препаратлар билан ишлов берилади.

**Ғалла ширалари** - Ғалла ширалари кузги ғаллада тухум қўяди ва шу тухумлар қишлиб чиқади.

Баҳорда кунлар исиши билан личинкалар чиқиб озиқлана бошлайди. Тўртинчи туллашдан кейин қанотсиз урғочиларга айланади. Бу урғочилар тирик туғиб қўпаяди. (2.2 расм). Кейинги бўғинлари қанотсиз ва қанотли тарқатувчиларга ажралади. Мавсум давомида ширалар 10-12 авлод беради.

Ширалар доимо ўсимликтин яшил ва юмшоқ қисмида шарбатини сўриб озиқланади.

Натижада ўсимлик сарғайиб қуриб қолади. Кучли заарланганда ғалла бошоқ тортмайди.

**Кураш чоралари.**

**Агротехник тадбирлар:** ғалланинг чидамлилигини оширадиган чора-тадбирлар (ўғитлаш, сугориш) ширалар заарини пасайишига ёрдам беради ва дала атрофини бегона ўтлардан тозалаш.

**Биологик усул:** ғалла шираларига қарши олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларини 10 кун оралатиб 2 марта 500-1000 тадан чиқарилади. Шира тушган далаларга хон қизи қўнғизлари, сирфид пашшалари, афидийлар ва бошқа фойдали хашаротларни жалб этиш.

**Кимёвий усул:** вегетация даврида каратэ, 0,2 л/га; Нурел-Д- 0,5 л/га; Циперфос- 0,5 л/га; Циперметрин- 0,2 л/га; Бензофосфат-2,0 л/га; Фуфанон-2,0 л/га ва бошқа рухсат этилган дорилар билан ишлов берилади.

**Заарарли хасва** - Заарарли хасва ғалланинг униб чиқиш, тупланиш, най тортиш, бошоқ тортиш ва пишиш фазаларида заарар келтиради. Заарарли хасва вояга етган ҳолда, асосан тоғ ва тоғ олди худудларида, ўрмон ёки мевали боғлардаги дараҳтлар остида, ҳамда дала атрофларида, ариқ зовурлар ёқаларида тошлар ёки ўсимлик қолдиқлари, барг ҳазонлар остида қишлиайди. Март ойининг учинчи ўн кунлиги - апрель ойининг биринчи ярми давомида хасва ғаллазорлар томон учиб тарқала бошлайди (2.3- расм).

Пишмаган бошоқ зааррланиши натижасида қисман ёки бутунлай оқ бошоқ (яъни пуч) бўлиб қолади, дон таркибидаги оқсил камайиб кетади. Бошоқдаги 10–15% донларнинг заарарли хасва билан зааррланиши бундай доннинг ун ишлаб чиқариш учун яроқсиз бўлиб қолишига олиб келади.

Хасва зааррлаган пайкаллардан олинган уруғлик доннинг униб чиқиши 50% гача камаяди. Заарарли хасва йилига 1 марта авлод беради.

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник тадбирлар:** ғалланинг чидамлилигини оширадиган чора-тадбирлар (ўғитлаш, сугориш) заарарли хасвани зарарини пасайишига ёрдам беради ва дала атрофини бегона ўтлардан тозалаш.

**Биологик усул:** заарарли хасвани кичик ёшдаги личинкаларига қарши олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларидан 1:10, 1:20 нисбатларида 10 кун оралатиб 2 марта чиқарилади; табиатда заарарли хасвани теленомус, фазия пашшалари каби энтомофаглари хам бор.

**Кимёвий усул:** вегетация даврида Каратэ-0,15 л/га; киллер-0,5 л/га; Нурел-Д- 0,5 л/га; Циперфос- 0,5 л/га ва бошқа рухсат этилган дорилар билан ишлов берилади.

**Шилимшиқ қурт** кемирувчи заарркунанда бўлиб, Республикализнинг барча ғаллазорларида учрайди. Унинг қўнғизи тупроқда қишлиайди.

Баҳорда чиқиб қўшимча озиқлангандан сўнг урғочиси занжирсимон шаклда 3-7 тадан қилиб 200 тагача тухум қўяди. Тухумдан 7-14 кунда личинка чиқади. Личинкаси икки ҳафта давомида барг билан озиқланиб, шилимшиқ қопламасини ташлаб тупроққа тушади ва 2-3 см чуқурлиқда ғумбакка айланади (2.4 расм).

Икки ҳафтадан сўнг пилладан қўнғиз чиқади ва баҳоргача тупроқда қолади. Шилимшиқ қурт йилига 1 марта авлод беради.

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник тадбирлар:** Ғалланинг чидамлилигини оширадиган чора-тадбирлар (ўғитлаш, сугориш) шилимшиқ қурт зарарини пасайишига ёрдам беради ва дала атрофини бегона ўтлардан тозалаш.

**Кимёвий усул:** вегетация даврида Децис-0,25 л/га; Нурел-Д- 0,5 л/га; Циперфос- 0,5 л/га; Циперметрин- 0,2 л/га; Бензофосфат-2,0 л/га; Фуфанон-2,0 л/га ва бошқа рухсат этилган дорилар билан ишлов берилади.

**Қоракуя касалліктері.** Бұғдойда 2 хил қоракуя учрайди – қаттық қоракуя ва чанг қоракуя. Уларни замбуруғлар құзғатади. Қаттық қоракуяның биринчи белгилари дон сутли пишиш даврида намоён бўлади. Заарланган бошоқлар соғломларига нисбатан кичикроқ бўлади. Заарланган донни бармоқ билан әзганда улардан балиқ ҳидига ўхшаш бадбўй ҳидли кулранг суюқлик чиқади. Заарланган доннинг пўсти бутунлигича қолади, аммо унинг ичида дон ўрнига деярли қора тусли қуқун (қоракуя халтачалари) ҳосил бўлади.

Йигим-терим ва донни янчиш пайтида қоракуя халтачалари емирилади ва замбуруғ соғлом дон устига ва экилган уруғ билан тупроққа ҳам тушади. У кейинги мавсумда ўсади ва майсаларни тупроқ юзасига чиқишидан олдин заарлайди, бошоқ шаклланиши фазасида дон муртагига кириб олади. Қоракуя буғдойда ўша мавсумда бошоқдаги донлар ўрнига қоракуя халтачаларини ҳосил қиласи.

Чанг қоракуя касаллиги буғдой бошоқлари чиққан пайтдан бошлаб кўринади ва заарланганлари қора туси билан яққол ажралиб туради.

Ургулар донни экишдан олдин системали фунгицид билан дорилаш мажбурий тадбир ҳисобланади, чунки бу усул қўлланилмаса, 1-2 йилда қоракуяларнинг экинда тарқалиши кескин кучайиб кетади.

Ургуни замонавий, кенг спектрли ва системали таъсирили фунгицид билан дорилаш экинларни нафакат қоракуялардан, балки уруғ моғорлаши, майса ва илдиз чириши, экин сийрак бўлиб қолиши ва бошқа касаллікларидан ҳам ҳимоя қиласи. Ўзбекистонда қоракуяларга қарши қуидаги фунгицидлар ишлатилилади: Раксил (Бункер, Виннер, Генсил , Геркулес, Экокиназол), 6% с. э. сус. – 0,4-0,5 л/т; Раксил янги 2,5% с. э. к. – 0,7 л/т; Тебу 6% МЭ – 0,4 л/т; Виал ТТ, 12,9% с. сус. к. – 0,25-0,3 л/т; Ламардор 40% с. э. сус. – 0,15 л/т; Винцит 5% сус. к. – 1,5-2,0 л/т; Витавакс 200 75% н. кук. – 2,5-3,0 кг/т; Витавакс 200 ФФ (Витарос), 34% с. сус. к. – 2,0-2,5 л/т; Дивиденд (Сидигард) 3% сус. к. – 2,0 л/т; Дивиденд стар 3,6% сус. к. – 0,8 л/т; Дивиденд экстрим 115FS, 11,5% сус. к. – 0,5 л/т; Иншур Перформ 12% сус.к. – 0,5 л/т; Премис 2,5% сус. к. – 1,5-2,0 л/т; Суми-8 2% сус. к. – 1,5 л/т; Топсин-М 70% н. кук. – 1,0-1,5 л/т.

Буғдой қўнғир занги-жуда кенг тарқалган касаллик бўлиб у йилдан йилга кучли ривожланмоқда.

Касаллик белгиларидан бири баргларда думалоқ, сарғиши-қўнғир чанг ҳосил бўлишидир.

Улар ичида ривожланган споралар бошқа ўсимликларга ҳаво ҳарорати 15-23°C га етганда шабнам, ёмғир ва шамол ёрдамида ўтади. Касаллик манбаи ёввойи ҳолда ўсадиган бошоқли бегона ўтлардир.

Кузда тоғлардан келган споралар кузги буғдой экинларига ўтади ва касаллик янгидан тарқалади.

Қишда замбуруғ майсалаларнинг ичида мицелий ва пустула ҳолида кишлайди.

Буғдой сариқ занг касаллиги қўнғир зангга нисбатан кам тарқалган, аммо келтирадиган зарари юқори бўлганлиги учун ўта хавфли ҳисобланади. Касаллик белгилари: сариқ занг замбуруғлари баргларда узун қатор-қатор жойлашган, сариқ доғлар ҳосил қиласди. Бу касалликни экинларга тарқалиши ва қишлиши қўнғир зангдан фарқ қилмайди.

Сариқ занг споралари 0°Cда ўсишни бошлайди ва ҳаво ҳарорати 8-13°C га етганда тўқималар ичига киради. Янги споралар 12-15°C ҳароратда ҳосил бўлади.

### **Кураш чоралари.**

Буғдойни зангдан химоя қилишнинг ягона ишончли усули экинга фунгицид пуркашдир. Кўп фунгицидлар занг ривожланишини 25-30 кунгача тўхтатиб туриши мумкин, аммо касаллик босими кучли бўлса ёки далада занг билан бирга доғланиш касалликлари ҳам учраса, об-ҳаво башоратини ҳисобга олган ҳолда, биринчи ишловдан кейин 15-20 кун ўтгач иккинчи ва яна шунча вақтдан сўнгра учинчи марта ишлов бериш талаб этилиши мумкин. Занг кам учраб, ўсимлик пастки барглари кучсиз заарланган ҳолда экинни бир марта фунгицид пуркаш орқали самарали химоялаш мумкин.

Бунинг учун баҳорда (март-апрель ойларида) занг мавжудлиги аниқланган ҳар бир буғдой даласига, касаллик ривожланиши даражасини инобатга олмасдан, юқорида кўрсатиб ўтилган препаратлар ёки бошқа фунгицидлардан бирини пуркаш лозим. Ишлов беришдан кейин 3-4 соат ўтгач ёмғир ёғиши қузатилганида бу фунгицидларнинг самараси камаймайди. Зангга қарши қуидаги фунгицидлардан бирини қўллаш мумкин: Альто Супер 33% эм.к. – 0,3 л/га; Байлетон 25% н.кук. – 1,0 кг/га; Бампер 25% эм.к. – 0,5 л/га; Бампер Супер 49% эм.к. – 0,6-1,0 л/га; Импакт 25% сус.к. – 0,25-0,5 л/га; Колосаль 25% эм.к. – 0,3-0,5 л/га; Колосаль Про 50% н.эм.к. – 0,2-0,3 л/га; Консул 12,5% сус.к. – 0,5-0,75 л/га; Крест 25% эм.к. – 0,5 л/га; Пиларкур 25% эм.к. – 0,4-0,5 л/га; Рекс Дуо 49,5% сус.к. – 0,4-0,6 л/га; Титул 39% к.э.к. – 0,26 л/га; Титул Дуо 40% к.э.к. – 0,2 л/га; Фалькон 46% эм.к. – 0,4 л/га; Фоликур БТ (Торсо), 22,5% эм.к. – 0,3-0,5 л/га ва б.

**Уншудринг касаллигининг дастлабки белгилари ўсимликларнинг баргларида оқ паҳтасимон доғ қатлами ҳосил қилиш билан бошланади.** Сўнгра қатlam қалинлашиб, кулранг ёки сарғиш-кулранг, бўртиб чиққан ёстиқчалар тусига киради. Касаллик баргдан поя баргларига ва бошоқларга ўтади.

Ёстиқчалар устида касаллик чақиравчи замбуруғнинг конидиялари пайдо бўлади. Конидиялар бирхужайрали, рангсиз, цилиндричесимон шаклда, шамол орқали бошқа ўсимликларга ўтади. (2.7-расм).

Касаллик ҳаво ҳарорати 15-20°C ва нисбий намлиги 80-95% бўлганнда жуда ҳам тез тарқалади ва ривожланади.

Ғалла экинларини заараркунандаларига қарши агротехник, селекция, биологик ҳамда кимёвий кураш тизими тавсия этилган.

1. Сўрувчи заараркунандаларига қарши курашда агротехник тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Бунга энг аввало ҳосил йифилгандан кейин биринчи

галда хасва билан заарланган далаларни шудгорлаш киради. Эрта баҳорда кузда экилган ғалла экинларини минерал ўғитлар билан озиқлантириб бороналаш, баҳорги донлиларни экишдан олдин юқори савияда агротехник тадбирларни ўтказиш - ерга ишлов бериш, ўғитлаш, юқори сифатли уруғни эрта муддатларда экиш ҳам сўрувчи заарини бирмунча камайтиради.

2. Чидамли навлар танлаш. Эртапишар навлар экилганда сўрувчи зааркундалар уларда тўлиқ ривожланиб улгурмайди. Ҳозирги даврда хасва заарига бардош берадиган ҳамда зааркунанда ривожланиши учун ёқимсиз навлар яратилган, буларни экиш қўшимча маблағ сарфисиз экинларни ҳимоя қилишни таъминлайди (И.Д. Шапиро

3. Йиғим-теримни кечиктиримай ўтказиш. Бу тадбир шундан иборатки, агарда ғалла йиғимини бошоқлар сутмум даврида айрим қилиб, яъни олдин ўриб, кейин янчилса, зааркунанда тўлиқ озиқланишга улгурмайди ва физиологик заиф бўлиб, кўплаб қирилади

4. Биологик усул. Сўрувчи зааркунанларига қарши қурашда тухумхўр теленомусларнинг аҳамияти каттадир. Шунинг учун уларнинг ривожланиши учун кузда дала атрофида тўп-тўп похол қолдириб шароит яратилиши керак. Дон экиладиган хўжаликларда биолабораториялар ташкил этиб, уларда бошқа кушандалар қаторида теленомусни ҳам маҳсус усул бўйича кўпайтириб, далага олиб чиқиши мумкин.

5. Зааркундаларнинг зичлиги юқори бўладиган дала-ларни кимёвий усулда ҳимоя қилишни режалаштириб қўйиш лозим. Бунинг учун қуйидаги ишларни ўтказиш тавсия этилади. Сўрувчи ва кемирувчи заарли ҳашаротларнинг асосий қишлоғи чиқадиган жойи дала четидаги уватлар ҳисобланади. Ҳашаротлар аниқланган уватларда ҳаво ҳарорати  $10-12^{\circ}$  дан ошгандан кейин (март ойининг I-II ўн кунлиги), ғалла экилган пайкалнинг 20-30 м четига ва уватларга ҳар иккала томонидан қуйидаги препаратлар билан ОВХ трактор пуркагичини бир тарафлама ишлатиб ёки моторли қўл аппарати билан ишлов бериш зарур: БИ-58, (данадим), 40% эм.к. – 1,5 л/га, фуфанон, 57% эм.к. – 1,2-2,0 л/га, циперфос (нурелл-Д), 55% эм.к.- 0,5 л/га, децис, 2,5% эм.к. – 0,25 л/га, каратэ, 5% эм.к. – 0,15-0,2 л/га, суми-альфа, 5% эм.к. – 0,2-0,25 л/га, циперметрин, 25% эм.к. – 0,2 л/га, кинмикс, 5% эм.к. – 0,2 л/га.

Буғдойни заарли организмлар ҳимоя қилишнинг ягона ишончли усули экинга фунгицид пуркашдир. Кўп фунгицидлар занг ривожланишини 25-30 кунгача тўхтатиб туриши мумкин, аммо касаллик босими кучли бўлса ёки далада занг билан бирга доғланиш касалликлари ҳам учраса, об-ҳаво башоратини ҳисобга олган ҳолда, биринчи ишловдан кейин 15-20 кун ўтгач иккинчи ва яна шунча вақтдан сўнгра учинчи марта ишлов бериш талаб этилиши мумкин. Занг кам учраб, ўсимлик пастки барглари кучсиз заарланган ҳолда экинни бир марта фунгицид пуркаш орқали самарали ҳимоялаш мумкин.

Бунинг учун баҳорда (март-апрель ойларида) занг мавжудлиги аниқланган ҳар бир буғдой даласига, касаллик ривожланиши даражасини

инобатга олмасдан, юқорида кўрсатиб ўтилган препаратлар ёки бошқа фунгицидлардан бирини пуркаш лозим. Ишлов беришдан кейин 3-4 соат ўтгач ёмғир ёғиши кузатилганида бу фунгицидларнинг самараси камаймайди. Зангга қарши қуидаги фунгицидлардан бирини қўллаш мумкин: Альто Супер 33% эм.к. – 0,3 л/га; Байлетон 25% н.кук. – 1,0 кг/га; Бампер 25% эм.к. – 0,5 л/га; Бампер Супер 49% эм.к. – 0,6-1,0 л/га; Импакт 25% сус.к. – 0,25-0,5 л/га; Колосаль 25% эм.к. – 0,3-0,5 л/га; Колосаль Про 50% н.эм.к. – 0,2-0,3 л/га; Консул 12,5% сус.к. – 0,5-0,75 л/га; Крест 25% эм.к. – 0,5 л/га; Пиларкур 25% эм.к. – 0,4-0,5 л/га; Рекс Дуо 49,5% сус.к. – 0,4-0,6 л/га; Титул 39% к.э.к. – 0,26 л/га; Титул Дуо 40% к.э.к. – 0,2 л/га; Фалькон 46% эм.к. – 0,4 л/га; Фоликур БТ (Торсо), 22,5% эм.к. – 0,3-0,5 л/га ва б.

### **Назорат саволлари:**

1. Фаллани асосий зааркундаларига қарши замонавий кураш чораларини айтиб беринг.
2. Фаллани касалликларига қарши қандай тадбиралори олиб борилади?

**2-амалий машғулот: Мевали боғ экинларининг асосий заарарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.**

**Керак жиҳозлар:** Лупа, микроскоп, ҳашаротлар коллекцияси, плакатлар.

### **Режа:**

- 2.1.Мевали боғ экинларини сўрувчи зааркундалари
- 2.2.Мевали боғ экинларини кемиравчи зааркундалари

**Ишдан мақсад:**Мевали боғ экинларини асосий зааркундаларини ўрганиш орқали амалий кўнималар ҳосил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Мевали боғ экинларини асосий зааркундаларини ўрганиш орқали амалий кўнималар ҳосил қилиш.

**Ишни бажариш учун намуна:**Мевали боғ экинларини асосий зааркундаларини ва уларга қарши кураш чораларни ўрганиш орқали амалий кўнималар ҳосил қилиш.

Мевали боғлар экин майдонларини ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири – бу мевали боғларни зааркунданда ва касалликлардан ҳимоя қилишdir. Мевали боғларда зарар келтириб яшовчи 150 дан ортиқ зааркунданда ва касалликлар маълум. Бундай зааркундалар биоэкологияси ва касаллик қўзғатувчи микроорганизмларни яхши билиш лозим. Кураш тадбирларини касаллик қўзғатувчи микроорганизм ва зааркундаларнинг энг заиф даврида ўтказиш ўта муҳимдир.

### **Мевали дараҳтларнинг зааркундалари**

**Барг битлари Зарари.** Барг битлари баргларни буриштириб қўяди, баъзан эса тўкиб юборади, ёш новдаларни ўстирмай қинғир-қийшиқ қилиб қўяди ва мева ҳосилини камайтириб юборади. Ёш кўчатлар, жумладан ёш шафтоли дараҳтларига битлар айниқса катта зарап етказади: мева ширасини сўриб, сифатини пасайтиради; нимжон бўлиб қолган дараҳтларга иккиламчи зааркунанда - пўстлоқ ости қўнғизлари тушиб заарлайди; дараҳтлар қуриб қолади; ёш мева дараҳтларига катта зиён етказади.

Буларнинг олдини олиш учун барг битларига қарши кимёвийпрепаратлар билан ишлов берилади. Баҳор охирларида битларнинг кўп турлари мева дараҳтидан бошқа ўсимликларга ёки сабзавотларга ўтади.

### **Кураш чоралари.**

Кўргина йиртқич ва паразитлар - хонқизи, сирфид пашибаси, олтинкўз, яйдоқчи каби фойдали ҳашаротлар барг битлари билан озиқланиб уларнинг микдорини камайтиради; уларнинг микдори кўпайиб кетганда қўллаш учун рухсат этилган кимёвий препаратлар ёрдамида кураш ўтказилади.

**Қон бити** - олма, нок ва бошқа мевали дараҳтларнинг илдизини, тана ва шоҳларининг ширасини сўриб, дараҳтларни кучсизлантиради. Битнинг шира сўрган жойларида ғуддалар пайдо бўлади, улар кейинчалик ёрилиб, чирийди.

Қон бити тушган ёш дараҳтлар кўпинча қуриб қолади, қари дараҳтлар эса кучсизланиб, ҳосили жуда камайиб кетади. Қон бити қўп тушган шоҳлар курийди.

Феврал-март бошларида битлар қишлоvdан чиқади ва дараҳтларга ўрмалаб чиқиб, пўстлоғи нозик ёки заарланган жойларига ўрнашиб олади. Битларнинг галалари сидирға мум пар билан қопланади. Қон бити ёз бўйи 15-17 та авлод бериб ривожланади.

### **Кураш чоралари.**

Қон бити тушган боғ кўчатзорларидан кўчатлар олинганда, албатта зааркунандага қарши фумигация қилиниши шарт. Қон битига қарши курашда кимёвий воситалардан фойдаланиш яхши самара беради.

Қон бити ёш личинкалик даврида қўллаш учун тавсия этилган системали таъсир этувчи кимёвий препаратлар билан ишловлар бериш керак.

**Олма бити** - Розмарин, Қандил синап, Симиренко деган олма навларига олма бити кўпроқ тушади.

Сўнгги авлоднинг урғочи битлари чатишгандан кейин тухум қўяди. Ҳар бир урғочи бит ёш новдаларга 1-5 тадан тухум қўяди; кузда, дараҳт барглари тўкилгандан кейин барг битларининг қора тухумлари кўзга яққол кўриниб қолади. Тухумлардан келгуси йил қўкламидағина личинкалар чиқади.

### **Кураш чоралари.**

Зааркунанда кучли заарлаган ва тухум қўйган шоҳларни баҳорда қирқиб ташлаб, албатта куйдириш керак; ҳосил учун аҳамияти бўлмаган эркак новдалар хам баҳорда ва ёзда қирқиб ташланади, чунки буларда битлар оммавий ривожланади. Уларга қарши рухсат этилган системали таъсир этувчи кимёвий препаратлар билан ишловлар бериш керак.

**Шафтоли бити** - шафтоли бити шафтоли, ўрик, олхўри ва бодомга, баъзан беҳи билан олмага зарар етказади. Бит сўриб заарлаган дараҳтлар яхши мева қилмайди, ёш дараҳтлар эса баъзан нобуд бўлади.

Зааркунанда личинкалари март ойида пайдо бўлади. Битлар тез кўпаяди; ёз бўйи камидаги 11 та авлод беради. Урғочи бит бир-икки ой яшайди. Шунинг учун бир тўдада бир неча авлод вакиллари учрайди.

Шафтоли катта бити йўғон барг ва шоҳлар асосида, кўпинча уларнинг пастки томонида ва дараҳт танасида тўп-тўп бўлиб олиб, дараҳт ширасини сўриб уни қувватсизлантиради (3.4-расм).

### **Кураш чоралари.**

Зааркунанда кучли заарлаган ва тухум қўйган шоҳларни баҳорда қирқиб ташлаб, албатта куйдириш керак; ҳосил учун аҳамияти бўлмаган эркак новдалар ҳам кўкламда ва ёзда қирқиб ташланади, чунки буларда битлар оммавий ривожланади. Уларга қарши руҳсат этилган системали таъсир этувчи кимёвий препаратлар билан ишловлар бериш керак.

**Мева ўргимчакканаси** - ўргимчакканана одатда олма дараҳтига заар етказади, аммо бошқа уруғли ва данакли мева дараҳтларига ҳам тушади. Ўргимчакканана заарлаган барглар дастлаб сарғаяди, кейинэса қўнғир тусга кириб тўкилиб кетади. Мева ўргимчакканаси дараҳт танасидаги пўстлоқлар остида ва дараҳт танасидаги ёриқларнинг ичида, бегона ўтлар қолдиги тагида, шоҳларда ва қисман шоҳлардаги куртаклар яқинида тўп-тўп бўлиб қишлияди. Зааркунанда мевали дараҳтлар барги хужайрасининг ширасини сўриб озиқланади.

Вақтида кураш тадбирлари ўтказилмаса барглар ва мевалар тўкилиб кетади. Боғ атрофида чангли кўчалар бўлса, чангни кўтарилиб дараҳт баргларига ўтириши зааркунандани кўпайишига қулай шароит туғдиради. Курғоқчилик ўргимчакканаларни кўпайишига олиб келади.

**Кураш чоралари.** • эрта баҳорда ёки кеч кузда дараҳтларнинг танасини нобуд бўлган пўстлоқлардан тозалаш ва тушган чиқиндини ёқиб ташланаш; • дараҳтлар танасини оҳак билан оқлаш; • эрта баҳорда дараҳтларнинг шоҳшаббаси учидан кесиб сийраклантириш; • боғ қатор орасини кузда чуқур (40-45 см) қилиб шудгорлаш; • дараҳт атрофини яхшилаб чопиқ қилиб қўйиш; • қишида яхоб суви бериш.

**Нок шира бити** - вояга етгани ва личинкалари нок куртаклари, барглари, гуллари ва ингичка новдаларининг ширасини сўриб, дараҳтларни жуда ҳам нимжон қилиб қўяди. Қаттиқ заарланган барглар қорайиб тўкилиб кетади. Нок шира битига қарши кураш олиб борилмаса, июль бошларида ёқ дараҳтлар батамом баргини тўкиб юборади. Заарланган дараҳт новдалари қинғир-қийшиқ, меваси қаттиқ, bemaza бўлиб, кўпинча шира битининг ёпишқоқ ахлатига беланади. Шира бити вояга етганда нок дараҳтларининг шоҳларида ва қисман танасидаги пўстлоқ остида қишлияди. Дараҳт куртак ёзишдан сал олдин шира битлари жуфтлашади ва тухум қўя бошлайди. Тухумини шоҳларнинг учига ва куртаклар яқинига қўяди.

Вояга етган шира битлари ёзда ҳам, кузда ҳам дарахтдан дарахтга ўтаверади, шу билан бирга улар кузда тўпланиб қишлиди.

**Кураш чоралари.** • Кузда хазон баргларни тўпланиб ёқиб юбориш; • дарахт танасини эски пўстлоқлардан тозалаш; • дарахт атрофини яхшилаб чопик қилиб қўйиш; • дарахтлар танасини оҳак билан оқлаш.

**Калифорния қалқондори** - калифорния қалқондори мева дарахтларига, резавор мева, буталарга ва манзарали ўсимликларга зарар етказади. Калифорния қалқондори жуда кўпайиб кетганда дарахт пўстлоғи ёрилиб кетади, шохларини ва ҳатто бутун дарахтларни қуритиб қўяди, мевалардаги ширани сўриб, тўқ қизил доф туширади. Калифорния қалқондори мевали дарахтни шохи, новда, барг, дарахт пўстлоғи ва мевасини заарлайди. Натижада дарахтлар кам хосил беради, кучли заарланганда қуриб қолиши мумкин. Катта дарахтларда калифорния қалқондори дарахт пўстлоғида бўлади. Дарахт пўстлоғида узун ёриқларнинг пайдо бўлиши ушбу қалқондорларнинг кўплигидан далолат беради.

**Кураш чоралари.** • эрта баҳорда буталган шох ва новдаларни ёқиши; • дарахтлар танаси тозаланиб, эски пўстлоқларни ёқиши; • калий ва фосфорли ўғитлар билан ўғитлаш ва суғориш; • боғларни ёшартириш; • куз ва эрта баҳорда дайди личинкаларга қарши руҳсат этилган инсектицидлар ишлатиш.

**Акация сохта қалқондори** - сохта қалқондор личинкаси калифорния қалқондоридан каттароқ бўлади, баҳорда тез кўпаяди ва ўзидан шира ажратади. Урғочи сохта қалқондор тухумини ўзининг ҳимоя қобиғи остига қўяди. Тухумдан чиқкан қалқондор личинкалари кузгача баргда озиқланади ва кейин шох ёки новдаларга қайтади.

Сўнг суюқлик ишлаб чиқаради ва ўзига ҳимоя қобиғи ҳосил қиласди. Асосий зарар қалқондорларни озиқланиши натижасида вужудга келади, қайсики мева ва барг юзасида доф ҳосил қиласди.

Бундай меваларни сифати паст бўлади ва қишида узоқ муддатга сақлаб бўлмайди. Сохта қалқондорлар кўпайганда дарахт ўсишини сусайтиради. Бу зараркунандалар баҳорда ва ёз ойларида дарахт баргларида, куз ва қиши фаслларида новда ва шохларида яшайди. Сохта қалқондорларнинг личинкалари ва урғочилари новдалар, бутоқ ва баргларнинг ширасини сўриб озиқланади. Ширасини йўқотган бутоқ, новда ва барглар ўсишдан тўхтайди ва ҳатто айрим қисмлари қуриб қолади.

**Кураш чоралари.** • эрта баҳорда буталган шох ва новдаларни ёқиши; • дарахтлар танаси тозаланиб, эски пўстлоқларни ёқиши; • калий ва фосфорли ўғитлар билан ўғитлаш ва суғориш; • боғларни ёшартириш; • куз ва эрта баҳорда дайди личинкаларга қарши руҳсат этилган инсектицидлар ишлатиш.

**Бинафша ранг қалқондор** - данакли меваларнинг барчасига зарар келтиради. Бинафшаранг қалқондор бир йилда икки марта авлод бериб ривожланади. Уруғланган урғочи холида ингичка новдаларда ва куртак қўлтиклирида қишлиди. Бинафшаранг қалқондор олма дарахтининг энг хавфли зараркунандаларидан бири. У дарахтнинг танаси, шохи, новдаси ва

хосилини заарлайди. Дараҳтнинг кучли заараланган қисмлари қуриб қолади. Дараҳт танаси ва шохида қўпгина дарз ва ёриқлар пайдо бўлади.

Дараҳтлар ўсишдан тўхтайди, танаси деярли йўғонлашмайди, шоҳ ва новдалари қурийди, ҳатто дараҳтлар қуриб қолиши ҳам мумкин.

Бинафшаранг қалқондор тушган ёш дараҳтлар икки, уч йилга бормасдан нобуд бўлади.

**Кураш чоралари.** • эрта баҳорда буталган шоҳ ва новдаларни ёқиш; • дараҳтлар танаси тозаланиб, эски пўстлоқларни ёқиш; • калий ва фосфорли ўғитлар билан ўғитлаш ва суғориш; • боғларни ёшартириш; • куз ва эрта баҳорда дайди личинкаларга қарши пиретроидли ёки бошқа руҳсат этилган инсектицидлар ишлатиш.

**Олма қурти** - бу зааркунанда хаммахўр бўлиб, 30 турдан ортиқ мевали дараҳтларнинг меваси билан озиқланади. Кўпроқ олма, нок, ёнғоқ ва олхўрининг асосий зааркунандаларидан бири ҳисобланади.

Олма қурти 1 йилда 3 та авлод беради. Улар ғумбак ичида катта ёшли қурт шаклида дараҳт пўстлоқлари орасида, бошқа ҳимояланган жойларда ва боғ ичидаги шоҳлар остида қишлияди. Эртакўкламда бу қишлиб чиқсан қуртлар ғумбакка айланади. Олма гуллаши бошланганда ғумбакдан капалаклар учиб чиқиб олма баргларига ва мева тугунчаларига тухумларини қўяди. Тухумдан чиқсан қуртлар барг ва мева эти билан, кейинчалик унинг уруғи билан озиқланади. Ҳар бир қурт 2-3 тадан мевани заарлайди (3.10 расм). Мевага кирган жойида чиқиндисини қўриш мумкин. Қурт етилгандан сўнг мевадан чиқиб, дараҳт устида ёки яқинида ҳимояланган ҳолда ғумбакка айланади.

**Кураш чоралари.** • боғларда тутқич белбоғлари ўрнатиш; • пишмай тўкилаётган олма, беҳи ва олхўрини ҳар 1-3 кунда териб олиб ўқотиш; • олма қуртини йўқ қилиш учун унинг ҳар бир авлодига қарши бир мартадан кимёвий ишлов ўтказиш.

**Шарқ мева қурти (меваҳўри)** - шарқ мева қурти ички карантин обьекти хисобланиб, олма, нок ва беҳи дараҳтларининг меваларига худди олма қурти каби зарар етказади. Шарқ мева қурти данакли мевалардан шафтоли, олхўри, ўрикка ҳам жиддий зарар етказади.

Шарқ меваҳўри асосан новда ва мевани заарлайди. Янги ўсган новда учидан кириб ўртасини ейди.

Мева ичига кириб данак атрофини ейди ва етилиб мева ичидан чиқади ва ғумбакка айланади.

**Кураш чоралари.** • боғларда тутқич белбоғлари ўрнатиш; • пишмай тўкилаётган меваларни ҳар 1-3 кунда териб олиб, йўқотиш; • мева қуртини йўқ қилиш учун унинг ҳар бир авлодига қарши бир мартадан кимёвий ишлов ўтказиш.

**Олхўри меваҳўри** - Ўзбекистонда дараҳтларга катта зарар етказади ва икки авлод бериб ривожланади. Жанубий туманларда учинчи авлод ҳам ривожланиши мумкин. Меваҳўр қуртлари олхўри, олча мевалари, баъзан тоғолча, ўриқ, шафтоли меваларига зарар етказиб, уларнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлади. Маълумотларга кўра, биринчи авлод қуртлари 5-12

фоиз мевани, иккинчи авлод қуртлари эса 70-85 фоиз мевани заарлайди Олхўри ва олма қуртларининг ҳаёт кечириши кўп жихатдан бир-бириникига ўхшайди, аммо олхўри қурти данакли меваларга кўпроқ зарар етказади. Биринчи авлоднинг капалаги апрел-май ойларида меваларга тухум қўяди. Олхўрининг заарланган жойидан аксарият холларда елим чиқиб туради. Кўпинча бундай мева чириб, тўкилиб кетади. Қуртлар мевалар этини кемириб, унинг ичига қараб йўл очади.

**Кураш чоралари.** эрта баҳорда дараҳтларнинг атрофини чопиш; дараҳтларнинг танасини кўчган пўстлоқлардан тозалаб, ёкиш; май ойида елими оқиб турган меваларни териб олиб йўқотиш; дараҳтлар танасига похол, қоп бойлаб қўйиш; кимёвий ишлов бериш.

**Гилофли куя** - ғилофли куя қуртлари олма, ўрик, бодом, нок, гилос, олча, тоғолча ва бошқа дараҳтларнинг барг куртаклари ҳамда мева куртакларини ўйиб ейди. Қаттиқ шикастланган куртаклар қуриб қолади, ам шикастланганларида эса буришиб кетган барглар ҳосил бўлади.

Қурт ғилофча ичидаги туради, бундай ғилофчани унинг ўзи, аввал барг пўстидан, кейинчалик эса ўзи ичидан чиқарган ипдан ясади.

Озиқланиш пайтида қурт ғилофчадан салгина сурилиб чиқади, аммо танасининг орқа учи ҳар доим ғилоф ичидаги туради. Куртаклар бўртиб бошлаши олдидан ғилофчали қуртлар куртаклар ёнига ўрмалаб боради. Куртакка чиқиб олган қурт ғилофчасининг олдинги учини иплар ёрдамида куртакка маҳкамлаб қўяди, ўзи эса куртак ичига ўйиб киради. Қуртлар барглар ва мева куртаклари билан озиқланади. Заарланган куртакларни қурт кемирган кичкина юмалоқ тешиги борлигидан билиб олиш мумкин (3.13 расм).

Барглар пайдо бўлиши билан қуртлар баргга ўтиб, ичига ўйиб киради ва паренхимасини еб битиради.

Қаттиқ шикастланган барглар сарғайиб тушиб кетади.

**Кураш чоралари.** Эрта баҳорда буталган кесилган шох ва новдаларни ёкиш; • калий ва фосфорли ўғитлар билан ўғитлаш ва суғориш; • боғларни ёшартириш; • зааркунандага қарши пиретроидли ёки имидаклоприд асосли инсектицидлар ишлатиш.

### **1.1. Мевали боғ экинларининг ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.**

**Керак жиҳозлар:**Лупа, микроскоп, ҳашаротлар коллекцияси, плакатлар.

Режа:

1. Мевали боғ экинларини зааркунандаларига қарши замонавий кураш чоралари.

**Ишдан мақсад:**Мевали боғ экинларини асосий зааркунандаларини қарши кураш чораларини ўрганиш орқали амалий кўникмалар ҳосил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Мевали боғ экинларини асосий зараркунандаларига қарши кураш чораларини ўрганиш орқали амалий қўникмалар ҳосил қилиш.

**Ишни бажариш учун намуна:** Мевали боғ экинларини асосий зараркунандаларини ва уларга қарши кураш чораларни ўрганиш орқали амалий қўникмалар ҳосил қилиш.

Мевали боғлар, токзорлар ҳамда сабзавот экинларида зараркунанда ва касалликларга қарши тадбирлар: Агротехник тадбирлар -эрта баҳорда зараркунанда ва касалликлар таъсирида қуриган шох шаббаларни кесиш, шакл бериш, шох шаббаларни айникса тўкилган барглар ва мева, узум қолдиқларини даладан чиқариб йўқотиш, қатор ораларини шудгорлаш; - мавсум давомида агротехник тадбирларни, суғориш ишларини белгиланган муддатда ва меъёrlарда ўтказилишини таъминлаш, органик ва минерал ўғитлар билан ўз вақтида ва меъёrlарида озиқлантириш; кўмилган токларни ўз муддатида очиш ва қўтариш, хомток қилиш ва чилпиш; -сабзавот, полиз экинларида белгиланган агротехник тадбирлар комплексини ўз муддат ва меъёrlарида амалга ошириш;

Биологик ҳимоя тадбирлари- Ҳозирги пайтда мевали боғларда олма куртининг тухумига қарши тухумхўр паразит трихограмма, барг шираларига қарши олтинкўз, қон битига қарши афелиниус, комсток қуртига қарши псевдофикус паразитлари ҳамда барг кемиувчи қуртларига қарши микробиологик препаратлар қўлланилмоқда. Табиий кушандаларнинг фаолиятини кучайтириш учун боғларнинг ичига нектарга бой ўсимликлар экилади. Мевали боғларни зараркунандаларига қарши биологик усулда курашда уларнинг табиий кушандаларидан энкарзия (оққанотга қарши), олтинкўз (ширалар, каналар, ва трипсга қарши), тухумхўр трихограмма (ер остки ва ер устки тунламлар тухумига қарши), бракон паразити (помидор, карамда тунлам қуртларига қарши ) самарали фойдаланилмоқда. Биологик усулни иссиқхона ва очик майдонлардаги сабзавот экинларида қўллаш экологик тоза маҳсулот етказиб беришга имкон беради.

Кимёвий тадбирлар: мевали боғларда калмараз, клястероспориоз, доғланиш ва бошқа касалликларга қарши эрта баҳорда куртакланиш олдидан 3-4 % ли бордо суюқлиги ёки 1 % ли мис купороси эритмаси, зараркунандаларга қарши минерал- парафинли препаратлар билан ишлов бериш; Ток оидиум, антракноз касалликларини олдини олиш мақсадида 0,5-1 0 ли ООҚ (ИСО) қайнатмаси сепиш ва олtingугурт кукунини чанглатиш, мильдю, антракноз касалликларини олтини олиш учун бордо суюқлиги ёки таркибида мис тутувчи фунгицидлар билан ишлов ўтказиш; - зараркунандалар, касалликлар кучли тарқалган майдонларда рухсат этилган кимёвий препаратлардан бирини қўллаш. Мильдю касалига ток кўмилмайдиган жойларда кузда, ток кўмиладиган жойларда токлар очилгандан сўнг 3 % ли бордо суюқлиги билан ишлов бериш; -куртаклар ўйғонгандан сўнг гуллашга қадар 5-7 барг бўлганда ва гуллагандан кейин 1

% ли бордо суюқлиги ёки таркибида мис тутувчи фунгицидлар билан ишлов ўтказиш;

1. Каратэ 5 % э.к. 0,4-0,8 олма Мевахўрлар, баргўровчи қуртлар , каналар Ўсимликларни ўсув даврида

2. КИНМИКС 5% эм.к. (Б) 0,4 Ток Шингил баргўраи Ўсимликнинг ўсув даврида 0,3 Олма, олхўри Ширалар, мевахўрлар, баргўрар қуртлар Ўсимликнинг ўсув даврида

3. ТАЛСТАР 10% эм.к. (Б) 0,4-0,6 Олма Олма мевахўри, баргўрар қуртлар, каналар Ўсимликнинг ўсув даврида 0,6 Помидор Оққанот Ўсимликнинг ўсув даврида 0,4 Помидор Занг кана Ўсимликнинг ўсув даврид.

4. КАРБОФОС 50% эм.к. (Б) 3,0 Олма Ширалар, мевахўрлар, қалқондор-лар, баргўрар қуртлар, каналар Ўсимликнинг ўсув даврида 1,2-2,0 Помидор Ширалар, каналар, триплслар, оққанот Ўсимликнинг ўсув даврида

1. МАТЧ 5% эм.к. 1,0 Олма Олма мевахўри Ўсимликнинг ўсув даврида 0,4 Картошка Колорадо қўнғизи Ўсимликнинг ўсув даврида

2. ОВИПРОН 2000 КЭ (800 г/л) 10,0-15,0 Олма, нок Қалқондор-лар, сохта қалқондор-лар, ширинчалар, унсимон қуртлар Ўсимликларни гуллашигача ёки гуллашидан сўнг, ҳаво ҳарорати 7оС дан 25оС гача бўлган шароитда

7.АДМИРАЛ, 10% эм.к. 0,5 Помидор, бодринг Оққанот Ўсимликнинг ўсув даврида 0,5 Олма Бинафша- ранг қалқондор Ўсимликнинг ўсув даврида ВЕКТРА 10% сус.к. (100 г/л) 0,3 Ток Оидиум, антракноз Ўсимлик куртак ёйгунча, гуллашигача ва гуллаши-да 0,3 Олма Ун шудринг, калмараз Ўсимлик гуллашигача ва гуллаши-дан кейин 0,03%-ли суспензия

8.АКРОБАТ МЦ 690 г/кг, с.э.г. 2,0 Картошка Фитофтороз, альтернариоз Ўсимликнинг ўсув даврида Бодринг, пиёз переноспороз Ўсимликнинг ўсув даврида Ток милдью Ўсимликнинг ўсув даврида

9.ОҲАК-ОЛТИНГУГУРТ ҚАЙНАТМАСИ, Боме даражаси ўлчовида 0,5-1,0 Олма, нок Калмараз, занг, монилиоз, қора рак, Ўсимликнинг ўсув даврида Олча, олхўри Барг доғланиши Ўсимликнинг ўсув даврида РИДОМИЛ ГОЛД МЦ 68% с.д.г. 2,5 Помидор Фитофтороз Ўсимликнинг ўсув даврида 2,5 Ток Оидиум, антракноз Ўсимликнинг ўсув даврида

10.МИС КУПОРОСИ 98% э. кук. 15,0-20,0 Олма, нок Калмараз, филостиктоз, монилиоз, қовжираш Даражатларга куртак ёйишигача 10,0-15,0 Ўриқ, шафтоли, олхўри, гилос, олча Кластероспо-риоз, коккомикоз, доғланишлар, монилиоз, барг бурмаси Даражатларга куртак ёйишигача пуркаш тавсия этилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Мевали боғ экинларини сўрувчи зааркунандаларига қарши кураш чораларини айтинг?

2. Мевали боғ экинларини кемирувчи зааркунандаларига қарши қандай кимёвий препаратлар қўлланилади?

### **3- амалий машғулот: Полиз экинларининг заарарли организмлардан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.**

**Керак жиҳозлар:** Лупа, микроскоп, ҳашаротлар коллекцияси, плакатлар.

**Режа:**

1.Полиз экинларини зааркунандаларига қарши замонавий кураш чоралари.

**Ишдан мақсад:** Полиз экинларини асосий зааркунандаларини қарши кураш чораларини ўрганиш орқали амалий кўнималар ҳосил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Полиз экинларини асосий зааркунандаларига қарши кураш чораларини ўрганиш орқали амалий кўнималар ҳосил қилиш.


**Ишни бажариш учун намуна:** Полиз экинларини асосий зааркунандаларини ва уларга қарши кураш чораларни ўрганиш орқали амалий кўнималар ҳосил қилиш.

**Полиз қўнғизи ёки эпиляхна – *Epilachna chrysome-lina*.** Кўнғизлар туркумининг кокцинеллидлар – *Coccinellidae* оиласига мансуб.

**Тарқалиши.** Ўрта Осиё давлатлари ҳамда Кавказда учрай-ди. Хорижда Афғонистон, Эрон, Кичик Осиё, Жанубий Евро-па ва қисман Африка мамлакатларида тарқалган. Ўзбекистон-да полиз қўнғизи кўпроқ Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларида учрайди.

**Таърифи.** Бу ўсимликхўр кокцинеллид қўнғизининг ўзига хос белгилари борлиги учун дархол аниқлаб олиш мумкин. Қўнғизи ярим доирасимон шаклга эга, танасининг паст томони ясси, усти эса қавариқ, катталиги 7-8 мм, ранги қизил-қўнғир, уст қанотларининг ҳар бирида 6 тадан қора доғи бор. Уни 12 доғли полиз коровкаси деб аташади. Тухуми ёрқин сариқ тусда. У чўзиқ овал шаклда бўлиб, катталиги 1,75 мм келади. Личинкаси сарғиш тусда, уч жуфт кўкрак оёқлари бор, уст томонида беш қатор жойлашган шохлаган қора тикан-чалари бор, узунлиги 9 мм келади (64-расм). Гумбаги кокцинеллидларга хос – орқа уни билан баргга ёпишиб тура-ди, танаси қисқариб кенгайган, усти тукчалар билан қопланган, ранги сариқ.

**Ҳаёт кечириши.** Қўнғизи ўзи яшаган ерда турли ўсимлик қолдиқларининг остида қишлиб чиқади. Уни қамиш поясида ҳам топишган. Баҳорда қўнғизларнинг уйғониши анча чўзи-лади ва полиз экинларининг кўкариш даврига тўғри келади. Қўнғизлари экинларга учиб ўтиб қўшимча озиқланади, ўсимлик баргларининг уст томонига 20-50 тадан ғуж қилиб тухум қўяди.



1-расм. Полиз қўнғизи (эпиляхна):  
1-қўнғизи, 2-личинкалари қовун баргидан.

Яна 3-5 кундан кейин улардан личинкалар чиқади ва барг тўқималарини қиртишлаб озиқланана бошлайди. Личинкалар 15-25 кун мобайнида уч марта пўст ташлаб ривожланади. Иккин-чи ёшидан бошлаб баргни кемириб тешиклар ҳосил қиласди, барг томирларинигина қолдиради. Сўнгги пўст ташлаганидан кейин барг орасида ғумбакка айланади. 8-10 кундан кейин ундан янги бўғин қўнғизи учиди чиқади. Ўрта Осиё шароитида полиз қўнғизи йилига уч бўғин бериб ривожланади. Баҳорда қўнғизларнинг ўйқудан чиқиши муддати чўзилганлиги сабабли бўғинлар бир-бирига чалкашиб, бир вақтнинг ўзида заарку-нанданинг турли шаклларини учратиш мумкин бўлади. Учин-чи бўғин қўнғизлари қишки ўйқуга кетади.

**Зарари.** Полиз қўнғизининг ўзи ва личинкалари қовун, тарвуз, қовоқ ва бодринг экинларини шикастловчи олигофаг ҳисобланади. Заараркунанда кўпайганда ўсимлик баргсиз бў-либгина қолмай, унинг ёш ҳосили ҳам шикастланади. Бунинг натижасида у тез чириб кетади. Маълумотларга кўра, ўз вақтида химоя тадбирлари кўрилмаган Сурхондарё вилояти-нинг қовун пайкалларида ўсимликларнинг нобуд бўлиши ҳисобига ҳосилдорлик 60-70% га камайган (Глушенков, Эгамбердиев, 1965).

**Кураши чоралари.** 1. Бошқа оиласа мансуб экинлар билан алмашлаб экиш, кузда ўсимлик қолдиқларини куйдириб таш-лаб шудгорлаш. 2. Заараркунанда қийғос тухум қўйиб личинка-лар чиқа бошлаган даврда пиретроид инсектицидлар билан ишлов ўтказиш яхши натижалар беради. Бунда ўсимликлар ўргимчаккане билан ҳам заарланган бўлса бирор инсекти-цид-акарицид (циперфос, каратэ, талстар) қўлланилади.

**Ширалар.** Полиз экинларига кўпроқ полиз шираси (*Aphis gossypii* Glov.) ва акация шираси (*A. craccivora* Koch.) шикаст етказиши мумкин (тўла тавсифи II қисмнинг 2-бобида келти-рилган).

Ўрта Осиё минтақаларида ширалар полиз экинларининг энг асосий заараркунандаси ҳисобланади. Бу заараркунандалар полиз экинларини (қовун, тарвуз, бодринг, қовоқ) ниҳоллик давридан ҳосил етилишига қадар зааррлаши мумкин. Аммо июлнинг биринчи-иккинчи ўн кунлигидан то августнинг ярмигача ривожланиши пасайиб, кейинчалик яна кучли кўпая бошлайди. Заараркунанданинг кузда ривожланиши асосан кечки бодринг ва

қовоқ экинлари учун аҳамиятли бўлади.

Шираларнинг полиз экинларига зарари шу қадар кучли бўладики, кўпинча уларга қарши курашилмаса мутлақо ҳосил олинмайди ёки сифати паст маҳсулот олинади. Бундай аҳвол барча вилоятларда содир бўлиши мумкин. Айрим йиллари пайкалдаги қовун ва тарвуз палаклари июл ойида ширалар билан шу қадар кучли заарланадики, ҳатто палак остидаги ер ширали чиқиндилардан қорайиб кетади. Бунинг сабабларидан бири шундаки, ўсимликлар ёш даврида (май ойи) заарланиб кимёвий кураш ўтказилиши лозим бўлган бир вақтда, ипак қурти боқилиш мавсуми ўтказилади. Бу эса қишлоқ хўжалик экинларида ҳар қандай кимёвий ҳимоя тадбирлари ўтказилишига чек қўяди. Шунинг учун, бу давр масъулиятли бўлиб, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг бошқа безарар йўлларини топишга мажбур қилади. Полиз экинларидан акация шираси 3-4 бўғин бериб ривожланса, полиз шираси 12-14 бўғин бериши мумкин.

**Илдиз кемирувчи тунламлар.** К. Дурдиевнинг (1983) маълумотларига кўра, Хоразм вилоятининг жанубий туманла-рида полиз экинларини кузги тунлам (*Agrotis segetum* Den. et Schiff), ундов тунлами (*A. exclamationis* L.) ва бошқа тунламлар заарлаган. Бунда кузги тунлам – 65%, ундов тунлами – 28%, қолганлари – 7% ни ташкил қилган. Шу каби кўрсаткичлар Қорақалпоғистоннинг Чимбой тумани шароитида ҳам такрорланган (Тўраниязов, 1985).

Илдиз кемирувчи тунламлар полиз экинларига асосан ниҳоллик даврида илдизини ёки илдиз бўғзини қирқиб заарар етказади. Бунда айрим ўсимликлар яна ўнгланиб кетиши ҳам мумкин, аммо ҳосилдорликка путур етади (Мўминов, 1970). Илдиз кемирувчи тунламларнинг қурти катта ёшида ерга тегиб турган ўсимлик меваларини ҳам шикастлаши мумкин. Бундай қовун, тарвуз, қовоқ узоққа бормай чирийди ёки чандиқ ҳосил қилади. Полиз экинларига кузги тунламнинг 2-4 бўғинлари, ундов тунламининг эса иккала бўғини ҳам заарар етказиши мумкин. Полиз экинларига илдиз кемирувчи тунламлардан ташқари симқуртлар, бузоқ бошилар ҳам шикаст етказиши мумкин.

**Кураш чоралари.** 1. Юқори агротехника. 2. Феромонлар ёрдамида тунламлар ривожланиш муддатларини аниқлаб, трихограмма кушандасини зааркунанда тухумига қарши қўйиши. 3. Тунламлар шувоқ, печак, шўра, итузум каби ўсим-ликларни афзал кўради, улар пайкал ичидаги бу бегона ўтлар тагида йиғилган бўлиши мумкин. Шунинг учун чопиқни (зааркунанда хавфи ортиқ бўлса) кимёвий курашдан кейин ўтказиш лозим. 4. Кимёвий кураш учун *децис* (0,7 л/га), *арриво* (0,24-0,32 л/га) ёки *суми-альфа* (0,5 л/га) қўлланилади.

**Қовун пашласи** – *Carpomya pardalina* Bigot. Икки қанотлилар (*Diptera*) туркуми, чипор қанотлилар (*Tephritidae* [*Trypetidae*]) оиласига мансуб. Асосий синонимлари:

*Myiopardalis pardalina* Bezzi, *Carpomyia caucasica* Zaitzev. *Carpomya pardalina* турини 1891 йили француз олимни Биго (Bigot) Белужистонда (Покистон ва

Эрондаги тарихий ўлка) тўпланган ҳашарот асосида топиб номлаган. Айни турни Бецци (Bezzi, 1910) *Myiopardalis* авлодига *Myiopardalispardalina* номи билан ўтказган. Озарбайжонда топилган бу ҳашаротни Зайцев (1919) янги тур деб ҳисоблаб, унга *Carpomyiacaucasica* номини берган. Бу ҳашарот гарбий ада-биётда «Белужистон қовун пашшаси» ёки «Рус қовун пашша-си» номлари остида юритилади. Қовун пашшасининг морфологияси ва анатомияси Зайцев (1919, 1947) ва Кандыби-на (1965, 1977) томонидан ўрганилган, юртимизда эса ҳаша-ротнинг биологияси, ривожланиш доираси ва эпидемиологияси Тошкент ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси олимлари томонидан ўрганилмоқда (Хасанов, 2006).

**Тарқалиши.** Ватани номаълум, аммо Белужистон бўлиши тахмин қилинади. *Oscië* – Афғонистон, Ирок, Истроил, Левант, Миср, Озарбайжон, Покистон, Сурия, Тожикистон, Туркия, Туркманистон, Ўзбекистон, Хиндистон, Эрон.


Афғонистонда Хиротда қовун пашшаси 1990 йиллардан бери маълум, аммо у фақат кейинги йилларда кенг тарқала бошлади: 2002 йили Фарёбда (хозир Жузжан), Балх, Саман-ган, Боғлон ва Қундузда тарқалган. *Winrock Int. VolunteerTech. Assistance* ташкилоти билан биргаликда ҳаракат қилаёт-ган Туркманистоннинг сахро флораси ва фаунаси институти маълумотларига кўра қовун пашшаси бу мамлакатда 1996 йилдан бошлаб дастлаб Ахал ва Мари вилоятлари, сўнгра Лебап ва Тошховуз вилоятларига ўтиб, қовунга катта зарар етказган. Ҳосил олиш мумкин бўлмай қолганлиги сабабли, дехқонлар қовун экмай қўйишган. Кейинчалик пашша Туркманистондан кўшни давлатларга, жумладан Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон ҳудудларига тарқалган.

Ўзбекистонда Қорақалпоғистон Республикасида ва Хо-разм вилоятида тарқалган. Ушбу минтақада биринчи марта 2001 йили топилган, 2002 йилдан бошлаб кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳозирча қайд этилмаган. Покистон ва Ҳиндистонда тарқалган тропик қовун пашшаси Шимолий Афғонистон ва Марказий Осиёда қиши совуғига чи-дамаслиги туфайли бу мамлакатларда яшай олмаслиги ҳамда *Carpomya pardalina* туридан бошқа турга мансублиги хабар қилинган (Азҳари, 2006).

**Зарарланадиган ўсимликлар.** *Cicurbitaceae* оиласидан қовун, тарвуз, қовоқ, бошқа оилалардан *Rosaspp.* *Ziziphusspp.* ва бошқалар. Энг катта зарари полиз экинларида кузатилади.

**Зарари.** Кейинги йилларда Афғонистоннинг ҳашарот тар-қалган баъзи минтақаларида қовун ҳосилининг 90 фоизи йўқотилмоқда. Қовун пашасининг қурти полиз экинлари мева-ларини тугилишидан пишишигача бўлган даврда заарлаб, уларни бутунлай чиритиб юборади. У Қорақалпоғистон шароитида 2002 йилдан эътиборан полиз экинларининг кенг тарқалган ва ҳосилни пасайтирадиган асосий заараркунандага айланган. Бу ҳашарот туфайли 2003 йили қовун меваларининг 90-95%, тарвузнинг 5-10% ва бодрингнинг 3-5 % и нобуд бўлган. Паشا дастлаб қовуннинг эртапишар навларини заарлайди, улардан кечпишар қовун ва тарвузга

үтади, нати-жада ҳам эртаги, ҳам кечпишар навларда жуда катта заарпузатилади.



**2-расм. Қовун пашиаси:** Етук зоти (1) ва соҳта пилласининг (1а) кўриниши, 2 – заарарланган қовуннинг ички кўриниши, 3 – заарарланган қовуннинг ташқи кўриниши, 4 – қовун полизда ОВХ-28 трактор пуркаги чи ёрдамида ишлов бериш.

**Ташқи белгилари.** Пашиша етук зотининг ранги оч сариқ, узулиги 5,5-6,5 мм, кўқрак кисми олтинранг майда тукчалар билан қопланган, кўкрагининг устки қисмида 2 та очроқ тасмасимон доғлари мавжуд. Бошқа пашишалардан кўқрак ва қорин қисмларида бир нечта майда доғчалари мавжудлиги билан ажралиб туради. Қанотлари оч сариқ, уларнинг ҳар бирида 3 та тўқроқ сариқ тасмасимон доғлари бўлиб, улардан 2 та ички қисмидагилари тўғри, ташқи қисмидагиси «V» ҳарфи шаклида (65-расм).

*Тухуми* оқ, ялтироқ, узунчоқ шаклли, узунлиги 1 мм гача. *Личинкаси* оқ, оёқсиз, олд қисмига қараб ингичкалашган, етилганларининг узунлиги 10 ммгача, танасининг охирги сегментида 2 та кичик ўスマлари мавжуд. *Ғумбаги* сарғиш-қўнғир ёки қизғиши-қўнғир, узунлиги 7-8 мм, усти қаттиқ бўлган соҳта пилла (пупарий) ичида ривожланади. Кандыбина (1965, 1977) маълумотларига кўра, етук пашишанинг танаси узунчоқ цилиндр шаклли, узунлиги 8-10 мм, оқ ёки сарғиш тусли, териси қалинлашмаган, боши оддий, пешона қисмлари бироз ривожланган, мўйлови 2 сегментли, дорсал туклари Т-1 – А-6 сегментларида, А-8 дум сегментида, 10 та микроскопик сезги тукчалари мавжуд.

**Ҳаёт кечириши.** Пупарий ичидаги ғумбаги тупроқда 10-20 см чуқурликда, қишлийди. Қишлиган ғумбакдан пашишалар эртапишар қовун

гуллаш ва мева туга бошлаш даврида (майнинг иккинчи ярмида) учиб чиқади. Пашиша шира билан озиқланганидан сўнг оталанади ва қовун ёки бошқа полиз экинлари ёш меваларининг қобиғини тухум қўйгичи билан тешиб, унинг тагига биттадан, аммо кўпинча битта мевага 20 та ва ундан ҳам кўпроқ тухум қўяди. Тухум қўйиш одатда мевалар диаметри 3-5 см бўлганда бошланади. Битта урғочи пашиша бир мавсумда 98-130 та тухум қўяди. Тухум 2-8 кун давомида эмбрионал ривожланишдан ўтгач, улардан личинка-лар чиқиб, дарҳол мева ичига ўтади, мева эти билан озиқла-ниб, уруққача етиб боради ва ургуни ҳам ейди. Улар 10-18 кун ривожлангандан сўнг, мева пўстини тешиб ташқарига чиқади ва тупроқда 5-15 см чукурликка кетиб, пупарий ичидаги ғумбакланади. 10-18 кундан сўнг ғумбакдан 2-бўғин пашиаси чиқади, урғочи зотлари оталанади ва яна тухум қўяди. Бир бўғинининг ҳаёт даври 30 кунча бўлиб, бир мавсумда пашиша Афғонистонда 3-4, Қорақалпоғистонда 2-3 бўғин беради. Қишлишга кетиш пайтида личинкалар тупроқда 10-20 см чукурликда ғумбакланади. Личинкалар қовун ичидаги ҳаракат-ланганда қовун этида занг тусли доғлар пайдо бўлади. Личин-калар ташқарига чиқишида пўчоқда пайдо қилган тешиклар-дан кирган микроорганизмлар таъсирида қовун 5-7 кун ичидаги бутунлай чирийди ва ўта бадбўй ҳид чиқаради.

**Тарқалиши.** Личинка шаклида мева билан, пупарий ичидаги ғумбак шаклида эса ўсимликлар илдизидаги тупроқ билан ҳамда етук зотлари учиб ўтиши ҳисобига тарқалиши мумкин.

**Карантин тадбирлари.** Қовун пашиаси Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига тарқалмаслиги учун ички карантин чора-тадбирларини кўллаш лозим, жумладан Қорақалпоғистондан (ва Хоразм вилоятидан) заараланган полиз экинлари мевала-рини ва илдиз тизими пухта тозаланмаган дараҳт ниҳоллари ва бошқа экинларни олиб ўтиш ман этилади.

**Қовун майса пашиаси.** Бу пашиша ғовак ҳосил қилувчи ҳашаротлар қаторига киради. У, қовун пашиасидан жуда майдалига билан фарқ қиласди. Етук зоти 2-3 мм, личинкалари – 4-5 мм, соҳта пилла ичидаги жойлашган ғумбаги эса 3-4 мм келади (66-расм.)



1



2

3-расм. Қовун майса пашиаси: 1 – заараланган қовун баргининг кўриниши, 2 – қурт (А) ва соҳта пиллалари (Б).

Қовун майса пашиаси асосан қовун ўсимликлари, ҳамда йирик

баргларнинг бандидан бошлаб заарлайди. У барг банди ичидан баргга қараб харакатланади ва барг бошланиш жойида айниқса кучли шикастлайди. Қурт барг паранхимаси орасида харакатланиб мина (ғовак) ҳосил қиласди. Бу ерда тўқима қуриб, ёрилади; барг сарғариб курий бошлайди. Эрта заараланган ўсимлик қуриб қолиши мумкин. Кеч заараланган ўсимлик эса қисман ҳосил берсада, у майда ва сифатсиз бўлиб қолади. Зааркунанда йилига 3-4 авлод бериб ривожланади. 2012 йили Сирдарё вилоятининг кўпгини туман хўжаликла-рида бу ҳашаротнинг кўплаб урчигани қайд қилинган.

**Кураши чоралари.** Кузги шудгор ва юқори агротехникадан ташқари 2-3 марта кимёвий кураш ўтказиш талаб этилади. Бунда биринчи ишлов ўсимликнинг ниҳоллик даврида, бир-йўла: трипс, мокрица (“эшак қурт”) ва бошқа зааркунанда-ларнинг қўпайишини олдини олиш учун: энджео – 0,3 л/га, каратэ (атилла) – 0,5 л/га, конфидор – 0,2 л/га, мостилан – 0,2 кг/га, циперфос – 1 л/га ишлатиш яхши самара беради.

**Тамаки трипси** – *Thrips tabaci* Lind. Бу сўрувчи ҳаша-рот тўғрисида шу қисмнинг 2-нчи бобида тўлик тушунча берилган эди. Тамаки трипси ҳаммахўр ҳашарот бўлганлиги учун, у қовун ва тарвуз каби полиз ўсимликларига ҳам сези-ларни зиён етказади (67-расм).



1



2

4-расм. **Тамаки трипси:** 1 – қовун ниҳол баргининг орқа томонида,  
2 – трипс билан заараланган тарвуз ниҳолининг ташқи кўриниши.

Заараланган барг ва ўсимликлар мажмағил бўлиб, ривож-ланишдан орқада қолади ва кутилган ҳосилни бермайди. Шунинг учун, унга қарши курашда қовун майса пашшасига қарши тавсияланган кураш чоралари бу ерда ҳам самара беради.

**Илдиз шиши қўзғатувчи нематодаси** – *Heterodera marionii* Cornu. Юмалоқ чувалчанглар синфиға, тиленхидлар туркумига ва гектеродеридлар – *Heteroderidae* оиласига мансуб.

**Тарқалиши.** Кўпгина ҳудудларда, шу жумладан Ўрта Осиё давлатларида ҳам кенг тарқалган.

**Гаърифи.** Нематодани ёш личинкалик даврида жинс жиҳатидан ажратиб бўлмайди. Аммо вояга етган урғочи зот урчигач кенгая бошлайди ва тухумга тўлиб нок шаклига эга бўлиб қолади (68-расм). Нематоданинг узунлиги 1-1,9 мм ке-лади (урғочиси бироз калтароқ). Эни эркагида 30-40 микрон, урғочисиники – 300-500 микрон (Тўлаганов, 1950).

**Хаёт кечириши.** Илдиз нематодаси тухум шаклида ўлган она зот

танасида қишлийди. Баҳорда тухумлардан чиққан личинкалар ўсимлик илдизларида шишлардан ташқарига чиқиб, ҳаракат қила бошлайди ва янги илдизларни топгач, унга ёпишиб озиқлана бошлайди. Бу излаш даврида личин-калар озиқланмай яшай олади, аммо вояга етган личинкалар ўсимликтан ажралса тезда ўлади.

Нематодалар ўсимлик ёш илдизчаларининг учига ҳамда шикастланган жойларига ёпишиб олади. Озиқланиш даврида ажратадиган маҳсус суюқлиги таъсирида личинка ёпишган жойида шиш (галл) ҳосил бўла бошлайди. У шу даражада кенгаядик, личинкани ўраб олади. Личинка ривожланиш дав-рида 4 марта пўст ташлаб вояга етади. Вояга етган эркак зот шишдан ташқарига чиқиб, урғочи нематодани ахтариб топиб, шиш ичида урчийди ва қўп ўтмай ўлади. Урғочи зот эса жинсий ривожланишини давом эттириб, ичида тухумлар етила бошлайди. Бунинг натижасида нематода нок шаклига эга бўлган, ичи тухумлар билан тўлган қопчага айланади. Ҳар бир урғочи зот 400 тадан 2000 тагача тухум етказиб шиш ичида қўяди ва бурчини адо этиб ўлади Тухумлардан эса маълум вақт ўтгач янги бўғин личинкалари пайдо бўлиб, шишлардан ташқарига чиқади. Ўрта Осиё шароитида илдиз нематодаси йилига 5 бўғин бериб ривожланиши аниқланган.

**Зарари.** Илдиз шиш қўзгатувчи нематодаси ҳаммаҳўр зааркунандадир. У 1000 га яқин турли ботаник ўсимликларни заарлаши мумкин. Маданий экинлардан бу зааркунанда қўпгина дала, полиз ва боғ ўсимликларига, жумладан поми-дор, қовун, тарвуз, бодринг, сабзи, кар-тошка, беда, ҳатто олма ва шафтоли дараҳтларига ҳам шикаст етказади. Немато-да ўсимликни кучсизлантириб, ривожланишини секинлашти-ради, ҳосилини камайтириб юборади, баъзан ўсимликни бутунлай қуритиб ҳам қўяди.

**Кураши чоралари.** 1. Агротехник чоралардан алмашлаб экиш яхши натижа беради. Шиш ҳосил қилувчи нематода ғўза, нўхат, пиёз, саримсоқ каби экинларни заарламайди. Қулай шароит бўлмаган ерларда нематода 5-6 йил ичида қирилиб кетади.

2. Зааркунанда тарқалишининг олдини олиш мақсадида заарланган пайкалдан уруғлик тайёрламаслик, агротехник ишлов ўтказишида заарланган даладан чиққан техникани дезинфекция қилиб тозалаш лозим.

3. Кичикроқ майдонларни нематицид препаратлар билан (50% ли суюқ ДД препарати – 100 л/га, тиазон, 85% ли кукун – 2000 кг/га ёки онколни, 10% ли эм.к. 0,3% ли эритмасини заарланган ўсимлик остига қуйиб) заарсизлантириш мумкин.

**Чиритувчи нематода – *Aphelenchusowenae*Bastiau.**

**Тарқалиши.** Чиритувчи нематода Ўрта Осиё, Украина, Белоруссия, Абхазия, Ажаристон, Ғарбий Европа мамлакат-лари, Шимолий Африка ва Америка қитъасида учрайди (В.В. Яхонтов).

**Таърифи.** Нематоданинг узунлиги 0,6-1,27 мм келади, гавдасининг орқа учи тўмтоқ, юмалоқланган.

**Ҳаёт кечириши.** Паразитлик билан ҳаёт кечириувчи бу нематода одатда тупрокда яшаб турли ўсимликлар илдизини шикастлайди. Бундай илдиз

чирийди нематода эса бошқа илдизга, ўсимлик поясига ёки баргига кириб олиши ҳам мумкин.

**Zarari.** Чиритувчи нематода құпчилик қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса картошка ва пиёз, шунингдек лавлаги, сабзи, полиз экинлари, нўхат, соя, ғалла ўсимликлари, беда, ҳатто ғўзага ҳам зарар етказади. У зарарлаган илдизлар махсус суюқлик модда чиқариши туфайли чирий бошлайди. Оқибатда ўсимлик қисман ёки бутунлай қурийди, ҳосилдорлик кескин камайиб кетади.

**Kураши чоралари.** Илдиз шиш қўзғатувчи нематодасига қарши кураш сингари.

**Тур- занг канаси- *Aculops Lucopersici* Massee**

**Оила- каналар- *Acaridae***

**Туркүм- каналар- *Acari***

Занг канаси помидор, картошка ва бойимжонни кучли зарарлайди.

Заарланган ўсимликларнинг барги, шохи, пояси қорайиб қурийди. Кана асосан иссиқхоналарда қишлиб чиқади. Қулай шароит туғилса, йил бўйи ривожланади. Очик майдонлардаги экинларга кўчат орқали ўтади.

Помидор занг канаси жуда майда, оддий қўз билан кўриб бўлмайдиган бўғимоёкли жонивор бўлиб, нимфаси 100 мк (микрон), етук зоти эса – 135-160 мк келади. Ранги тиниқдан сарғишигача. Танаси чўзиқ, цилиндричесимон, орқа учи торайиб тукчалар билан яқунланган, 2 жуфт оёқлари бор.



Занг канаси- *Aculops Lucopersici* Massee

Ҳарорат 27-28<sup>0</sup> С намлик эса 30-40% бўлганда кана яхши ривожланади. Бундай шароитда 6 кунда бир авлоди ривожланади. Битта урғочи кана 50 тагача тухум қўяди ва 40 кундан ортиқ яшайди.

Помидор занг канаси йил давомида ривожланиши ҳам мумкин. Бунда очик ердаги экинлардан кузда иссиқхоналарга ўтиб ривожини давом этади. Кўп қисми ёзда қаерда ривожланган бўлса, ўша ерда қишлиб қолади. Бунда ернинг устки қатламида, хасчўплар орасида нимфа ҳолатида қишлиайди.

Зааркунанда учун энг мақбул шароит – бу ҳаво ҳароратининг 25-30°C, намлигининг эса 30-40% бўлишидир. Ушбу шароитларда кана ривожланишининг бир бўғини 7 кунда адо этилади. Бир мавсумда кана 15 дан 25 та-гача бўғин бериши мумкин, шулардан 10-15 таси июн-августда ўтади.

Помидор занг канаси асосан помидор ва картошкада бемалол ва тез ривожланади. Ундан кейинги ўринларни қора ва қизил итузум, қўйпечак ва бақлажон эгаллайди.

Кана ўсимлик баргларининг ҳам устки, ҳам остки тарафини босиши мумкин. Дастреб ўсимликнинг пастки барглари, новдалари заарлана бошлайди. У аста-секин юқорига тарқаб кетади. Заарланган новда қўнғир тусга эга бўлиб силлиқлашади, баргларида эса сариқ доғлар пайдо бўлиб, умумий тузи қўнғир бўла бошлайди. Заарланган гул ва майда мева нишоналари ҳамда барглари қуриб тўкилиб кетади, йирик меваларнинг юзида тўр сингари расм пайдо бўлиб, тиришиб ёрилади.

Бундай меванинг сифати ва қўриниши йўқолади, қисман чирий бошлайди. Қаттиқ заарланган ўсимлик ҳосили 100% нобуд бўлади. Айниқса июл-август ойларида помидор ва кечки картошка кўп талофат кўради.

Картошканинг ҳам новдалари силлиқлашиб, қўнғир тусга киради, барглари (пастдан бошлаб) қурийди, сарғаяди ва вақтидан илгари қуриб, ҳосил бермайди. Заарланган ўсимлик меваларида (помидор, картошка) сифат кўрсаткичлари ўзгаради: нордонлиги 32-35% га кўпаяди; таркибидаги қуруқ моддалар камаяди: қанд моддаси 45-72% га, аскорбин кислотаси 41-61,8% га, каротин 12-70% га, қуруқ оқсил 52-39% га (Маматов, 1993).

**Кураш чоралари.** 1. Помидор ва картошка экинларини ўзаро узоқроқ масофада жойлаштириб экиш. 2. Ўсимликларни бардошли, яъни бақувват қилиб ўстириш; улардаги бошқа зааркунандаларга (шира, колорадо қўнғизи) қарши ўз вақтида кураш олиб бориш; ҳосил йиғиштирилганидан кейин, албатта, ўсимлик қолдиқларини даладан олиб чиқиб ташлаб ерни шудгорлаб, қишида яхоб сувини бериш. 3. Кимёвий кураш сифатида қуйидаги акарицидлардан фойдаланиш мумкин: олtingугурт кукунини чангитиш (15 кг/га), каратэ – 0,3 л/га, талстар – 0,5 л/га, неорон - 1 л/га, митак – 2 л/га, омайт – 1,5 л/га.

**Тур – Иssiқхона оққаноти - *Trialeurodes vaporariorum* West  
оила – оққанотлар - Aleyrodidae  
туркум – тенгқанотлилар -Homoptera**

Оққанот полифаг бўлиб, 82 та ботаник оиласи мансуб 200 та ўсимлик тури билан озиқланади.

Вояга етган оққанот 1-1,5 мм, катталиқда бўлиб, танаси оч сариқ, бир-бирига тенг оқ икки жуфт қаноти бор. Олд қанотларида битта қанот томири бўлиб, қанот охиригача етмайди. Танаси мумсимон оқ ғубор билан қопланган. Тухуми узунчоқ овал шаклда, қисқа пояси бор, яшил-сариқ рангда, узунлиги 0,4 мм, кенглиги 0,16 мм. Эмбриони ривожланган тухуми тўқ қора тусда бўлади. Оққанот личинкалари (дайди личинкалар) яssi-овал бўлиб, қисқа бўғимли мўйлови бор. Танаси оч сариқ. Катталиги 3 мм. Личинкалари 4 та ёшни бошдан кечиради. Учинчи пўст ташлашдан кейин вояга егган ҳашаротга айланади.



Иссикхона оққаноти

Оққанотнинг кўпайиши ва тарқалиши жуда мураккаб. У тўлиқсиз мураккаб ўзгариб (гиперморфоз) ривожланади. Унинг якка ривожланиш цикли қуидагича: тухум, 1-ёшдаги личинка, 2- ёшдаги личинка, 3-ёшдаги личинка, 4-ёшдаги личинка ва вояга етган ҳашарот. Ҳашаротлар гомогенетик йўл билан кўпаяди. Жуфтлашган урғочи капалаклар тухумини ёш баргларнинг орқа томонига кўяди.

*Tur-Fovak ҳосил қилувчи пашша-Liriomyza Mik.*

**Туркум- Икки қанотли ҳашаротлар ёки пашшалар - Diptera**

**Oila Agromyzidae**

Фовак ҳосил қилувчи пашшалар майда (1-4 мм) танага эга бўлиб, тузи қорамтири-қўнғир, қанотлари тиниқ, кулранг ёки сариқ тусда.

Кўпчилик ғовак ҳосил қилувчи пашшалар сохта пилла ичида ғумбак шаклида қишлиб қолади. Бунда ҳаво ҳарорати 10° дан пасайгач, тўйинган личинкалар ерга тушиб 5-6 см чуқурликда ғумбакка айланади. Қулай шароит вужудга келиши билан пашша ташқарига учиб чиқади ва қўшимча озиқлангач, урчиб тухум кўяди. Бунинг учун урғочи зот қаттиқ тухум қўйгичи билан барг тўқималарини санчиб, биттадан тухум жойлаштиради. З-

4 кундан кейин очиб чиққан личинка тўқима орасида юриб, ғовак ясаб кетади. 5-6 кундан кейин тўйингач, барг сатҳига тешик очади ва узун нафас олгичини (дыхальца) унга тираб ғумбакка айланади. Бошқа турлари барг юзида (ярми ўсимлик тўқимасида, ярми ташқарида) кўриниб турган қўнғир сохта пупарийда ғумбакка айланади. Бир йилда диапаузасиз 10 тадан ортиқ бўғин бериб ривожланади, шундан ёзда – 5-7 та.

**Кураши чоралари.** 1. Бу зааркунандаларга қарши курашда олдини олиш тадбирларини ўтказиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун иссиқхоналарда экин экишдан аввал тупроқдаги пашшани сунъий «үйғотиб» қириб ташланади. Ушбу мақсадда ҳаво ҳароратини  $20^{\circ}$  гача кўтариш кифоя. Шундан кейин бирорта пиретроид билан ишлов ўтказиш лозим. 2. Ғовак ҳосил қилувчи пашшалар билан кам заарланадиган экинларни алмашлаб экиш (бақлажон, қалампир, гулкарам ва б.). 3. Кўчат экишдан олдин иссиқхоналарга сариқ елим суртилган экранларни ерга яқин қилиб осиб қўйиб, пашшанинг етук зотларини йиғиб олиш ҳам яхши натижа беради. 4. Кўчат экилганидан кейин назорат ўтказиб, биринчи заарланган баргларни ташқарига олиб чиқиб кўмиб ташлаш керак. 5. Ғарбий Европа мамлакатларида ғовак ҳосил қилувчи пашшаларга қарши курашиш мақсадида турли инсектицидлар қўлланилади. Булар орасида энг самаралиси абамектин (вертимек, авермектин, агримек, динамек, зефир) ҳисобланади, сарфи 0,4-0,5 л/га. Бошқа инсектицидлар ҳам пашшанинг етук зотига қарши иссиқхоналарда яхши самара бериши мумкин: *актеллик* – 3-5 л/га, *фуфанон* – 2,4-3,6 л/га, *арриво* – 0,4-0,5 л/га. Очиқ далаларда ҳам рухсат этилган сарф-меъёрларда инсектицид ишлатиш мумкин.

**Тур - Карам бити – *Brevicoryne brassicae* L.**

**оила - битлар - *Aphididae***

**туркум - тенгқанотлилар – *Homoptera***

Вояга етган қанотсиз зотнинг катталиги 2-2,1 мм келади, ранги оч яшил тусда, усти оқиши-кулранг мумси-мон кукун билан қопланган. Танаси овал шаклда, орқага томон бир оз кенгайиб боради. Корнининг уст томонида бир жуфт шира чиқарувчи найчалари билиниб туради. Қанотли урғочи ширанинг боши ва кўкраги жигарранг, қорни эса оч яшил бўлиб, кўндалангига ўтган жигарранг чизиклари мавжуд (70-расм). Личинкаси етук зотдан фақат кичикилиги билан фарқ қиласи. Тухуми ялтироқ қора, катталиги 0,5 мм, шакли чўзиқ.

Карам шираси Ўрта Осиё иқлим шароитида тухум ва етук урғочи зот ҳамда қисман личинка шаклида карам ва бошқа бутгулдош ўсимликларнинг ўзаги ва пастки баргларида қишлиайди. Совуқ қаттиқ бўладиган туманларда бу ҳашарот фақат тухум шаклида қишлиайди. Март-апрелнинг бошларида

тухумдан чиққан личинкалар озиқланиб етук урғочи зотга айланади. Улар тирик туғиб партеногенетик равишида күпаяверади. Ҳар бир урғочи зот жами 30-40 та личинка туғади.



Карам шираси – *Brevicoryne brassicae* L.

Иккинчи бўғинидан бошлаб карам шираси колонияларида қанотли урғочи зотлар пайдо бўлиб, наслни бошқа озиқаларга тарқатиш учун хизмат қилади. Лекин қанотли урғочи зотларнинг насллилиги қанотсизига нисбатан тахминан икки баравар кам бўлади. Карам шираси колониялар ҳосил қилиб асосан баргнинг ост томонида жойлашади, лекин популяция зичланиб кетганидан кейин бу ширани барг устида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Ёз мобайнида 25 тагача бўғин бериб ривожланади. Кузга келиб шира популяциясида эркак ва урғочи зотлар пайдо бўлади. Булар урчиб қишлиш учун мўлжалланган тухумни қўйишга киришади. Ҳар бир зот 3-4 та тухум қўяди. Бу турнинг оралиқ ўсимликлари йўқ. У фақат бутгулдош ўсимликларда озиқланади. Карам ширасини кўплаб табиий кушандалар қириб, сонини камайтириб туради.

Карам шираси асосан карамга, камроқ шолғом, редиска ва турпга заарар етказади. Шунингдек, бу ҳашарот ёвойи бутгулдош ўсимликларда ҳам ривожланади. Заарланган карам бутунлай ҳосил ўрамаслиги мумкин, барглари майдабўлиб қолади ва уст томонидан қавариб чиқади, ранги сарғаяди. Карам шираси Ўрта Осиё шароитида кўпроқ кечки карамни шикастлайди. Уруғлик учун экилган карамнинг ҳосили кескин камаяди.

**Тур- Карам оқ капалаги – *Pieris brassicae* L.**

**Туркум-капалаклар-Lepidoptera**

**Оила-оқ капалаклар – Pieridae.**

Карам оқ капалаги йирик ҳашарот – капалаклари қанот ёзганда 55-60 мм келади. Капалаклари умуман оқ-оч сариқ тусга эга, қанотларининг сатҳи кенг, олд қанотларининг олдинги учиди кенг қора доғи мавжуд, орқа қанотларининг олдинги четида эса биттадан қора томчи доғи бор (71-расм).

Урғочи капалакнинг олд қанотларида иккитадан қора томчи доғи бор. Мўйлови тўқмоқсимон. Тухумлари бутилкасимон, ранги сариқ, катталиги

1,25 мм га тенг бўлиб, узунасига жойлашган қовурғалари бор. Етук куртларининг катталиги 40 мм га етади, ранги сарғиш-яшил, танасида жуда кўп сўгалчалар ва қора доғлари бўлиб, улар тукчалар билан қопланган. Гумбаги ёпиқ типда, сариқ-оч яшил тусда, бурчакли, танасида кўп доғлари ва қисқа ўсимталари бор.



Карам оқ капалаги – *Pieris brassicae* L. ва личинкаси

Бу зааркунанданинг ғумбаги турли дарахтлар, девор панжаралари, қурилиш мосламаларида қишлиб қолади. Март-апрел (шимолий туманларда май-июн) ойларида уйғониб, капалаклар очиб чиқади. Бу ҳашарот кундузги бўлиб, капалаклари фақат иссиқ кундуз кунлари учади. Кечаси эса барг остида ва турли пана жойларда, қанотини тепага жуфтлаб, қимирламай ўтиради. Капалаклар жуфтлашиб тухум қўйишига киришади. Тухумини 15-200 тадан тўп-тўп қилиб (жами ўртача 200-300 та) бутгулдош ўсимликлар баргининг ост томонига қўяди. Бир ҳафтадан кейин куртлар пайдо бўлади. Ёш қуртлар аввал тўп бўлиб яшаб, бир жойда озиқланади, 4-6 ёшларда эса тарқала бошлайди. Ҳаракатланиш мобайнида ўзидан ингичка ипак ажратиб, одатда унга тирмасиб озиқланиши ҳам мумкин. Иқлим шароитига кўра қуртлар 15-30 кунда озиқланишни тутатади (бу вақт ичида улар бутгулдош ўсимликлар баргини еб, фақат йўғон томирларинигина қолдириши мумкин). Ғумбакланиш учун бирорта мустаҳкам турган нарсага (поялар, барг томирлари, қозик, устун, хас-чўп ва ҳоказо) ўзини ипак билан боғлайди. Шимолий минтақаларда шу ахволда қишлиб қолиб бир йилда бир бўғин беради. Ўзбекистон ва иқлим шароити унга яқин бошқа жойларда карам оқ капалаги бир йилда 4 бўғин бериши мумкин. Амалиётда карам оқ капалагини жуда кўп йиртқич ва паразит энтомофаглар ҳамда касалликлар камайтириб

туради. Бунга зааркунанданинг нисбатан очиқ ҳаёт кечириши сабабчи бўлади.

Тухумини трихограмма яйдоқчилари заарлайди, қуртларини турли браконидлар, жумладан апантелес авлодига кирувчи яйдоқчилар, ғумбагини ихнеумонидлар заарлайди, капалакларига эса турли йиртқичлар, жумладан ниначилар, қушлар хужум қиласи. Касалликлардан эса фляшерия касаллигини қўзғатувчи вируслар аҳамиятлидир. Бу касалликка дучор бўлган қуртлар ўсишдан тўхтаб сарғаяди, озиқланмайди, кам ҳаракат бўлади ва ички аъзолари суюлиб кетади.


Карам оқ капалаги ҳамма бутгулдош экин ва бегона ўтларга шикаст етказиши мумкин. Ўзбекистон шароитида бу зааркунанда ўртаги ва кечки карамни кучли заарлайди. Зарари айниқса ўсимлик карам бош ўрашидан олдин заарланса кўп бўлади – бунда мутлақо ҳосил олмаслик ҳам мумкин. Ўзбекистон шароитида ёзги карам ҳимоя қилинмаса ҳосилдорлик 60-70% га камайиши мумкин.

**Тур-Шолғом оқ капалаги – *Pieris rapae* L.**

**Туркум-капалаклар-Lepidoptera**

**Оила-оқ капалаклар – Pieridae.**

Капалаклари карам оқ капалагига жуда ўхшайди, аммо ундан майдароқ. Капалаги қанот ёзганда 35-40 мм келади. Олд қаноти учидаги жойлашган қора доғи ҳам унча катта эмас, ургочи капалакнинг олд қанотида тепа-паст жойлашган иккита қорамтири томчисимон доғи бор, эркагида эса фақат биттадан, мўйлови тўқмоқсимон. Тухуми бутилкасимон, қовурғали, оч сариқ тусда. Қурти яшил тусда, усти қисқа туклар билан қопланган, елкасининг ўртасидан ва икки бикинидан 3 та сариқ чизик ўтган. Ғумбаги яшил рангда, устида сийрак томчи доғлари бор.



**60-расм.** Шолғом оқ капалаги – *Pieris rapae* L.

Ғумбаги турли ўсимликлар пояси, ёғочлар ва қозикларда қишлиб

қолади. Баҳорда капалаги карам оқ капалагига нисбатан барвақт учиб чиқади. Турли гуллар шираси билан қўшимча озиқлангач, капалаклар урчиб тухум қўйишга киришади. Тухумини якка-якка қилиб бутгулдош ўсимликлар баргининг ост томонига қўяди. Битта капалак ўртача 150-300 та тухум қўйиши мумкин. Тухумлардан 3-5 кун ичидаги қуртлар чиқади ва дастлаб баргларни қиртишлаб, сўнг эса тешиб еб шикастлайди. Қуртлар кўп бўлган карам ва шолғом ўсимликлари баргиз бўлиб, шаклини йўқотади. Қуртлар 10-20 кун ривожлангач ғумбакланади ва 8-12 кундан кейин янги бўғин капалаклари учиб чиқади. Ўрта Осиё шароитида бу заараркунанда йилига 4-5, шимолий туманларда эса 2-3 бўғин беради. Шолғом оқ капалаги сонини ҳам карам оқ капалагидек табиий кушандалар кескин камайтириб туради.

Қурти барча бутгулдош экинлар ва бегона ўтлар баргини еб шикаст етказади. У карам, шолғом, рапс каби экинларнинг хосилдорлигини пасайтиради.

**Карам куяси** – *Plutellamaculipennis* Curt. Капалаклар – *Lepidoptera* туркумининг ўроқсимон қанотли куялар – *Plutellidae* оиласига мансуб.

Карам куяси унча йирик бўлмаган ҳашарот: капалаги қанот ёзганда 14-17 мм келади. Қанотлари тор, олд қанотининг орқа четида тўл-қинсимон оқ чизиги мавжуд, у капалак қанот йифиб ўтирганда тўлқинсимон расмни вужудга келтиради (73-расм). Ранги кулранг-қўнғир. Орқа жуфт қанотлари эса тўқ кулранг, узун хошияли. Қуртининг ўрта қисми йўғонлашган, бўйи 10-11 мм га етади, ранги оч яшилдан қўнғир-яшилгacha. Ғумбаги оч яшил тусда бўлиб, юпқа тиник оқ пилла ичидаги жойлашади.



Карам куяси (Г. Ванек ва б. маълумоти бўйича):  
1,2-капалаклари

Ғумбаги пилла ичидаги турли ўсимликлар қолдиғида қишлиб чиқади.

Капалаклар Ўзбекистон шароитида март-апрел ойларида учиб чиқади, улар кундузи беркиниб, кун ботишда ҳаракат қилади, озиқланади ва урчиб тухум қўйишга киришади. Тухумини бутгулдош ўсимликлар баргининг ост томонига 1-3 тадан қилиб қўяди. 3-4 кунлардан сўнг очиб чиқсан қуртлар ўсимлик баргидаги «мина» лар ҳосил қилиб барг ўрталарида паренхима тўқималари билан озиқланади.

Кейинги ёш қуртлар эса баргнинг ост томонида очиқ яшаб, уни уст қаватигача кемиради. Кейинчалик шикастланган қисмининг уст қавати ҳам қуриб, баргларда тешиклар ҳосил бўлади. Қуртлар жуда ҳаракатчан бўлади. Улар безовталанса, дарҳол букилиб, ипакча ёрдамида баргдан қочишга ҳаракат қилади. Қуртлар 6-12 кун яшаб баргларда ғумбакка айланади, 4-10 кундан кейин эса янги бўғин капалаги пайдо бўлади. Ўрта Осиё иқлим шароитида карам куяси бир йилда 10 га яқин бўғин бериб ривожланади, шунинг учун бўғинлар бир-бири билан араласиб кетиб, бир вақтнинг ўзида зааркунанданинг турли шаклларини учратиш мумкин. Карам куяси бутгулдош ўсимликларни заарлайди. Карамда унинг зарари айниқса ўсимлик ёш даврида ўсиш нуқтасини шикастлашида кўринади, кейинчалик карам ўралганидан кейин унинг аҳамияти унча қолмайди, лекин маҳсулот кўркини бузади. Ўзбекистонда карам куяси асосан ўртаги ва кечки карамга зарар етказади.

### **Тур - Картошка куяси - *Photorinae operculella* Zell.**

**оила – ўмиқсанотли куялар - Gelechiidae**

**туркум – танга қанотлилар - Lepidoptera**

Картошка куяси Европанинг - Албания, Болгария, Греция, Испания, Италия, Португалия, Франция, Югославия, Осиёнинг — Бангладеш, Бирма, Хиндистон, Индонезия, Хитой, Покистон, Сурия, Туркия, Япония, Африканинг-Кения, Марокаш, Сверра Леоне ва Америка қитъасининг кўпгина давлатларида тарқалган.

Россияда бу зааркунанда биринчи марта 1938 йилда аниқланган ва бу зааркунанда ўчоқлари йўқ қилинган. Кейин яна 1970 йилда ҳориж кемалари текширилганда аниқланган.

Картошка, тамаки, помидор, бақлажон, қалампир ва бошқа ёввойи итузумдош ўсимликларни заарлайди.

Картошка, тамаки ва бошқаларни дала ва омборхона шароитларида зарар етказади. Қуртлар картошка тугунагини, помидор, бақлажон, мевасини баргини кемиради. Заарланган картошка истеъмол учун яроқсиз бўлиб қолади. Японияда бу зааркунанда тамаки ва картошкага дала ва омборхонада 60-80% гача заарлаган.

Капалаги оч кулранг рангда. Қанотларини ёзганда 12-15 мм (эркагини сал кичикроқ 12-13 мм) қанотида узунасига қора чизик ва тўқ рангли нуқталар бор. Оёқлари оч ранг. Қорни сарғиш кулранг. Эркаги қорнининг охирги бўғими қорнининг 3/1 қисмига тенг. Эркагининг қорин қисмини охири сочсимон тарамлар билан қопланган.



**62-расм.** Картошка куюси: 1.капалаги; 2.картошкани заарланган барги ва тугунаги

Тухуми овалсимон шаффоф, яшил рангда. Эни 0,35-0,56 мм, узунлиги 0,3 мм гача.

Курти тухумдан чиққан қуртлар 1,2 мм гача узунлиқда, рангсиз тўқ жигар ранг боши бўлади. Катта ёшдаги қуртлар 10-13 мм, эни 1,5 мм гача, сарғиш пушти рангда ёки яшил рангда бўлиши мумкин. Картошка туганакларидағи қуртлар барглардагига нисбатан очроқ рангда бўлади. Ҳар бир сегментида 10-14 та очиқ рангдаги тукчалар бор.

Курти 4 марта пўст ташлайди ва пилла ичида ғумбакка айланади.

Ғумбаги кумушсимон кулранг пилла ичида ғумбакка айланади. Пилла узунлиги 10 мм гача, эни 4 мм бўлади. Қурт олдин ипак тўр тўқийди, кейин пиллани устки қисмини тупроққа, чиқинди ёки ўсимлик қолдиқларига ёпиштиради. Қуртлар чиққан тешикчадан ичкарига кириб 3-4 кундан кейин ғумбакка айланади.

Картошка куюси дала шароитида қуртлик ёки ғумбаклик даврида қишлияди. АҚШ нинг Калифорния штатида капалаклар май ойининг охирода пайдо бўлади. Капалаклар картошка, помидор, бақлажон, қалампир баргларига биттадан қилиб тухум қўяди. Омборхоналарда қолларга,

картошка тугунакларига, сақланаётган омбордаги пардаларга ҳам тухум қўйиши мумкин.

Капалаклар 30 кунгача яшаши мумкин ва улар 150-200 тагача тухум қўяди. Капалаклар эрталаб ва кеч бўлиб қуёш ботганда учади.

Личинкалар барг этини еб озиқланиши бошлайди, картошка тугунагини, помидор меваси ва баргини кемиради. 2-3 ҳафтадан сўнг личинкалар етилади ва ғумбакка айланади. Картошка куяси омборхонада тўхтовсиз ривожланади, ғумбаклари қолларда бўлиши мумкин. Ғумбаклардан 6-7 қундан кейин етук ҳашарот пайдо бўлади. Бир авлоднинг тўлиқ ривожланиши учун ёзда 22-32 кун, кузда 40-55 кун, қишида 2-3 ой давом этади. Австралияда картошка куяси омборхоналарда 11 марта авлод бергани маълум.

Картошка куяси паст ҳарорартларда ҳам ҳаётчанлигини сақлаб қолади.

Картошка куяси ҳамма ривожланиш босқичларида картошка тугунаклари, помидор, бақлажон мевалари, идишлар ва бошқалар орқали тарқалади.

**Тур - Колорадо қўнғизи ёки картошка қўнғизи – *Leptinotarsa decemlineata* Say.**

**оила – баргхўрлар - Chrysomelidae**

**туркум - қаттиқ қанотлилар - Coleoptera**

Вояга етган қўнғиз овал шаклда, усти жуда ҳам қавариқ, ости ясси. Танасининг асосий ранги сариқ ёки қўнғир, ҳар бир усти бўйлаб бештадан қора йўл ўтади. Пастки қанотлари оч пушти қизил, бошининг устида учбурчак қора доғчаси бор, орқасининг олдинги қисмида 11 та қора доғчаси бўлади, улардан энг йириги рим рақамларидан V шаклида бўлиб, ўртада жойлашади.

Одатда қўнғизнинг катталиги 9-11 мм келади, лекин катталиги 7-9 ва 12-16 мм бўлган айрим қўнғизлар ҳам учрайди. Тухуми чўзинчоқ, овал шаклда, ранги сариқдан тортиб равshan зарғалдок тусда, узунлиги 0,8-1,5мм.



**75-расм.** Колорадо қўнғизи: 1.Қўнғизи, 2. Личинкаси

Тухумларини бир-бирига яқин қилиб кўяди, уларни барг юзасига типпа-тик қилиб ёки сал қийшайтириб кўяди.

Личинкаларнинг катталиги одатда 0,9 см гача боради. Личинканинг усти айниқса орқа қисми жуда қавариқ ости ясси. Личинкалар биринчи ва иккинчи ёшда қизил тусда, учинчи ва тўртинчи ёшда эса зарғалдоқ-сарик, боши, қалқони биринчи кўкрак сегментининг устида, оёклари қора, танасининг икки ёнида икки қатордан қора доғлари бор, улар сўгалсимон дўмбоқчаларнинг устида жойлашган.

Ғумбак овал шаклда, зарғалдоқ ёки пушти ранглидир 0,9 мм гача.

Қўнғизлар картошка билан жуда узоқ масофага бориб қолиши мумкин. Ҳатто қиши фаслида ҳам бу ҳашарот овқатсиз яшай олади. Қўнғиз учиб ўтиш йўли билан тарқалади. Масалан колорадо қўнғизи картошка экиладиган жойларнинг тупроғида 18 см дан 70 см чуқурликда имаго ҳолида қишлиайди. Қўнғиз тарқалган жойларнинг тупроғи  $11,3^{\circ}\text{C}$  қизигандан кейин икки ҳафта мобайнида қўнғизлар қишки уйқудан, ер юзасига чиқа бошлайди.

Қишилаб чиқкан қўнғизлар овқат излаб учади, картошка бўлмаса бақлажон, гармдори, тамаки, помидорга тушади. Қўнғизлар кўкламда уйғонгандан кейин тез орада тухум қўя бошлайди. Урғочи қўнғиз одатда 400-800 та, кўпи билан 2400 тагача тухум қўяди. Қўнғиз тухумларини ўзи озиқланадиган ўсимлик баргнинг пастки томонига айниқса картошка баргига 30 тадан қилиб қўяди.

Колорадо қўнғизининг эмбрионал ривожланиши температура шароитига боғлиқ бўлиб, 5 кундан 20 кунгacha давом этади. Тухумдан чиқкан личинкалар аввало ўзининг тухум пардасини ейди, сўнгра ўзи турган жой яқинидаги баргларни еб, қуруқ томирини қолдиради. Кейинчалик ўсимликнинг учига қараб сўрилаверади.

Личинкалар ўсган сари тобора хўралашади ва кўпайиб кетган тақдирда бутун ўсимлик баргларини еб қўяди. Ҳарорат  $38^{\circ}\text{C}$  ва ҳаво қуруқ бўлганда личинкалар ўсимликнинг соя жойларига ўтиб олади.

Личинкалари 15-25 кунда ривожланиб бўлади, шу даврда 3 марта туллайди. Озиқланишини тамомлаган личинкалар ўсимликлардан ерга тушиб, тупроқ остига кирадилар ва 15 смдан 18 см гача чуқурликда ғумбакка айланади, ғубакдан 6-15 кундан кейин қўнғизлари чиқади. Улар тез орада жуфтлашиб тухум қуя бошлайди. Вояга етган қўнғизлар қурғоқчилик ва иссиққа bemalol чидаш беради. Колорадо қўнғизи  $+22-24^{\circ}$  25-30 кунда,  $+20-22^{\circ}$  30-40 кунда,  $+18-20^{\circ}$  40-50 кунда ва  $+16-18^{\circ}$  50-60 кунда бир насл беради.

Ҳозирги кунда бу ҳашарот тарқалган жойларда 1дан бача насл беради. Ўзбекистонда 3-4 насл беради. Колорадо қўнғизи бир неча диапаузага эга. Иқлим шароитига қараб 2 дан 6 гача диапаузаси бўлади.

Поилз экинларида ўсимлик битларининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, айрим йиллари хосилдорликни 50% гача камайтириши мумкин. Битлар ўсимлик ширасини сўриб уни ҳолдан тойдиради. Полиэ экинларида ғўза ёки полиз бити, беда ёки акация бити, шафтоли битлари учраб жиддий зарар келтиради.

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник қураши:** алмашлаб экиш, қатор ораларига ишлов бериш, кўллатиб с уғо р м а с л и к .

**Биологик қураши:** сабзавотлардаги ўсимлик битларига қарши биологик қураш учун олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини заараркунанда сонига қараб 1:10, 1:5

нисбатларда чиқариш.

**Кимёвий усул:** агарда ўсимлик битларининг микдори кўп бўлганда куйидаги препаратлардан бирини ўллаш тавсия этилади: моспилан 20% н.к. - 0,15 л/га; карбофос 50% эм.к. - 0,6 л/га; пилармос 20% н.к. - 0,15 л/га; камилот 20% н.кук.- 0,15 л/га; калипсо 48% сус.к. - 0,05-0,07 л/га; дельтафос 38% эм.к. - 1,0 л/га; вертимек 1,8% эм.к. - 0,4 л/га ва бошқа рухсат этилган дорилар билан ишлов берилади.

**Оққанот.** Ўзбекистонда икки турдаги оққанот учрайди. (4.2 расм). Биринчи иссиқхона оққаноти, иккинчиси ғўза оққаноти. Оққанот асосан иссик хоналарда таркалади.

### **Кураш чоралари.**

Эрта баҳорда иссикхоналарда оққанотни тарқалишини йўл қўймаслик. Елим суртилган сарик коғозлардан фойдаланиш. Биологик усулда энкарзия паразити ва олтинкўздан фойдаланилади. Кимевий қураш чораси ўсимлик битлари сингари амалга оширилади.

**Фовакловчи пашша.** Фовакловчи пашша 1999 йилда республикамиизда биринчи марта рўйхатга олинган.

Бу тур ғовакловчи пашша учун помидор, бодринг энг хушхўр ўсимлик ҳисобланади. Бу заараркунанда ўсимлик барги мезофили билан озиқланиб фотосинтетик юзани камайтиради, баъзи ҳолларда барглар қуриб қолади (4.3-расм).

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник қураши:** Алмашлаб экиш, қатор ораларига ишлов бериш.

**Биологик қураши:** Сабзавотлардаги ғовакловчи пашшага қарши биологик қураш учун олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини заараркунанда сонига қараб 1:10, 1:5 нисбатларда чиқариш.

**Кимёвий усул:** Агарда ғовакловчи пашшанинг микдори кўп бўлганда куйдаги препаратлардан бирини кўллаш тавсия этилади: Суми-альфа 20% эм.к. препаратидан - 0,6 л/га, Конфидор, 20% эм.к. - 0,25 л/га, Вертимек, 1,8% эм.к. - 0,6 л/га, Карбофос, 50% эм.к. - 0,6 л/га кўллаш тавсия этилади  
**Занг канаси** - занг канаси итузумдошлар оиласига кирувчи ўсимликларга (помидор, картошка, бақлажон ва бошқа ) жиддий зарар келтиради.

Уни оддий күз билан күриб бўлмайди. Шунинг учун занг канани кўп ҳолларда келтирган заарини касалликлар билан алмаштиришади.

Занг кана билан заарланган помидор меваси истеъмолга яроқсиз бўлиб, ўсимлик ўсиш ва ривожланишдан тўхтайди (4.4 расм).

### **Кураш чоралари.**

**Агротехник кураши:** алмашлаб экиш, қатор ораларига ишлов бериш.

**Биологик кураши:** сабзавотлардаги занг канасига қарши биологик кураш учун олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини зааркунанда сонига қараб 1:10, 1:5 нисбатларда чиқариш.

**Кимёвий усул:** агарда занг канасининг миқдори кўп бўлганда қуйидаги препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади: омайт 57% к.эм.-1,5 л/га; нискоран 10% н.кук. – 0,1 кг/га; флумайт 20% сус.к.- 0,2 л/га; ортус 5% сус.к. – 0,75 л/га; вертимек 1,8% эм.к. – 0,3-0,4 л/га қўллаш **Тунламлар**. Сабзавот экинларига бир неча турдаги тунламлар жиддий заар келтиради. Булар гамма тунлами, кўсак қурти, илдиз қурти, ёввойи тунлам, ундов тунлами ва бошқалардир.

Бу тунламлар сабзавот экинларига ривожланиб, кейинчалик ғўза майдонларига учиб ўтиб катта заар келтиради. Карадрина ўта хавфли зааркунанда бўлиб даврий равишда ривожланиб, ўсимлик баргларини кемириб заар етказади

**Агротехник кураши:** алмашлаб экиш, қатор ораларига ишлов бериш.

**Биологик кураши:** сабзавотлардаги тунламларнинг тухумларига қарши ҳар гектар майдонга 1 граммдан трихограмма ва кичик ёшдаги қуртларига қарши кураш учун олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини зааркунанда сонига қараб 1:10, 1:5 нисбатларда хамда катта ёшдаги қуртларига қарши браконни 1:10 ва 1:20 нисбатларда чиқариш.

**Кимёвий усул:** агарда тунламларнинг миқдори кўп бўлганда қуйидаги препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади: Аваунт 15% ли сус.к. 0,4-0,45 л/га; циперфос 55% эм.к. -1,5л/га; дельтафос 36% эм.к.-1,5 л/га; политрин 35% эм.к.-1л/га; Децис 2,5% к.эм.-0,7л/га, моспилан 20% н.к. -0,3 л/га; Нурелл-Д 55% эм.к. -1,5л/га; суми-альфа 20% эм.к.- 0,15 л/га ва бошқа рухсат этилган дорилар билан ишлов бериш тавсия этилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Полиз экинларини сўрувчи зааркундаларига қарши кураш чораларини айтинг?

2. Полиз экинларини кемирувчи зааркундаларига қарши қандай кимёвий препаратлар қўлланилади?

**4-амалий машғулот: Мойли ва дүккакли дон экинларининг асосий зарарли организмлардан химоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.**

**Керак жиҳозлар:**Лупа, микроскоп, ҳашаротлар коллекцияси.

**Режас:**

1. Мойли экинларни асосий зараркунандалари
2. Дүккакли экинларни асосий зараркунандалари

**Ишдан мақсад:** Мойли ва дүккакли дон экинларини зараркунандаларини ўрганиш орқали амалий кўнигма ҳосил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Мойли ва дүккакли экинларини зараркунандаларини тур таркиби, тарқалиши ва заарини ўрганиш.

**Ишни бажариш учун намуна:** Мойли ва дүккакли экинларини зараркунандаларини тур таркиби, тарқалиши ва заарини ўрганиш.

Мойли экинларда учрайдиган зараркунандаларнинг тури жуда кўп. Ҳозирги кунда республикамиз шароитида 2012-2019 йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра мойли экинларда жами 30 ортиқ турдаги зараркунандалар мойли экинлар биоценозида учраши ҳамда сезиларли даражада заар етказиши аниқланди.

Мойли экинлар агробиоценозида учраб заар келтирувчи асосий доминант тур қўйидагилар: ўргимчаккана, ширалар, туганак узунбурунлар, махсар пашшаси, кунгабоқар парвонаси, ғовак ҳосил қилувчи пашшалар, қандалалар, кузги ва ғўза тунлами.

**Оддий ўргимчаккана** (*Tetranychus urticae* Koch.) сояning энг хавфли зараркунандаларидан ҳисобланади ва соя экинига бошқа зараркунандаларидан келтирадиган зарари билан ажralиб турди. Бу зараркунанда бир қанча қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандаси ҳисобланади, бироқ ҳозирда соя экинларига катта заар келтирмоқда. Бу зараркунанда соя экилган майдонларида кенг тарқалиб, аксарият ўсимликлар 4 – 5 чинбарг чиқарган даврида баргларнинг орқасига жойлашиб, баргларда ҳужайра ширасини сўриб озиқланади. Кейинчалик заарланган барглар юзасининг ранги ўзгаради ва қуриб тушиб кетади, натижада ўсимликдаги ҳосил етила олмасдан пуч бўлиб қолишига сабаб бўлади.



Ўргимчаккананинг етук зоти (1) ва личинкалари (2)

### Ҳашаротлар синфи - *Insecta*

**Қўнғизлар (қаттиққанотлилар)** (*Coleoptera*) туркумига мансуб туганак узунбурунларнинг 2 тури Дағал тукли узунбурун қўнғизи (*Sitona crinitus* Hbst), Майса узунбурун қўнғизи – *Setona cylindricollis* Fabr. кўп урайди. Бу қўнғизлар эрта баҳорда экилган соя экинларини майсадаги биринчи барг, ўсув нуқтаси ва уруғ палласи билан озиқланади. Тухумини тупроқ юзасига тарқоқхолда, ўсимликка камдан кам қўяди. Тухумдан чиққан личинкалар илдиздаги азот тўпловчи тугунклар билан озиқланади. Соя экинлари туганак узунбурунлар билан қаттиқ заарланганда ҳосил ва қўк массанинг ярми нобуд бўлади, соя экинларида ҳозирда донхўрлар (*Bruchidae*) оиласига мансуб қўнғизларнинг 3 тури маълум, булардан нўхат донхўри, (*Bruchus pisarum* Z), ловия донхўри (*Acanthoscelides altectus* Sag ), тўрт доғли донхўрлар (*Callosebruchus maculates* Z). Бу донхўрларни етук зотлари далада, личинкалари эса донлар ичидаги ривожланади, донхўрлар билан қаттиқ заарланган ўсимлик донлари экишга ва истеъмолга мутлақо яроқсиз бўлиб қолади.

**Қандалалар (яримқаттиқ қанотлилар)** туркумига мансуб зааркунандалардан 2 тури яъни дала ва беда қандалалари мойли экинлар экиладиган майдонларда кенг тарқалган бўлиб, ўсимликнинг шоналаш ва гуллаш даврида гулдонини сўриши натижасида гуллар тўкилиб кетади, дуккаклари тўлиқ ривожланмайди. Тадқиқотларимизда кузатилишича қандалалар кучли заарлаган майдонларда соянинг гуллари тўкилиб кетиши ва дуккаклари ҳосил бўлмаслиги кузатилди. Такорий экин сифатида экилганда эса уларнинг зарари икки марта кўп бўлди.



Дала қандаласи - (*Lygus pratensis L*) етук зоти (чапда) ва личинкаси (ўнгда).

**Тўғриқанотлилар** - (*Orthoptera*). Тўғриқанотлилар туркумига мансуб зааркунандалар оммавий кўпайиб кетган йиллари қишлоқ хўжалик экинларининг барча турлари учун жуда хавфли ҳисобланади. Бу ҳашаротлар билан заарланувчи ўсимликлар қаторига сояни ҳам киритиш мумкин.

**Оила. Темирчаклар** (*Tettigoniidae*). Темирчакларнинг айрим турлари яшил темирчак - *Tettigonia viridissima L.* ва узун думли темирчак - *Tettigonia caudata Charp.*) соя экинларига жиддий зарар етказиши кузатилди.

**Оила. Чигирткалар** (*Acrididae*). Чигирткаларнинг Ўзбекистонда учрайдиган кўпчилик турлари Қир (турон) чигирткаси – *Colliptamus turanicus Tarb.*, италия чигирткаси – *Calliptamus italicus L.*, яйлов чигирткаси – *Calliptamus turanicus Serg Tarb.*, *Dociostaurus tartarus Stshelk.*, *Arcyptera microptera F.-W.*, *Anacridium aegyptium L.*, *Oedipoda miniata Pall.*, *Pyrgodera armata F.d.W.*, *Sphingoderus carinatus Sauss.* сояга зарар етказади. 2018 йили бу зааркунандаларнинг Тошкент вилоятида сояга зарар келтирганлиги аниқланди.

**Тенгқанотлилар** – *Hemiptera*. Тенгқанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар сўрувчи зааркунандалар бўлиб, улар ўсимлик хужайраси суюқлигини сўриб озиқланади. Тадқиқотларимиз давомида соя ўсимлигига

бу туркумга мансуб ҳашаротлардан Соя экинларида соя, полиз шираси, беда ёки акация шираси, шафтоли шираси учраб жиддий заар қелтиради. Оққанотлар оиласидан иссиқхона оққаноти – *Trialeurodes vaporariorum* Westw. учраши аниқланди. Соя экинларида ўсимлик ширалари айрим йиллари ҳосилдорликни 50% гача камайтириши мумкин.

**Тамаки трипси** - *Thrips tabaci* Lind. Пуфакоёқлилар – *Thysanoptera*, туркуми, трипслар оиласига –*Tripidae* мансуб ҳашаротдир. Тамаки трипси ҳамахўр ҳашарот, усояданташқари 150 турдан кўпроқ ўсимликларни заарлайди. Трипснинг етук зотлари ва личинкалари барг, ғунчалар ва дуккакларда ўсимлик ширасини сўриб озиқланади. Трипслар таъсирида барглардаги хлорофил миқдори 17,5–43,4% гача камаяди, сув буғланиши ортади, натижада ўсимликда сувтанқислиги кузатилади. Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича 10 см<sup>2</sup> барг юзасида 6 та трипс бўлганда барг тўлиқ қуриб қолиши кузатилди.



Трипснинг етук зоти

5 – расм. Сояда тамаки трипси

**Тангақанотлилар ёки капалаклар** (*Lepidoptera*) Трипс личинкаси мансуб ҳашаротлардан бир неча тури мойли экинларга заар қелтириб яшайди. Булардан энг асосийлари қузги ва ғўза тунламиdir. Кузги тунлам (*Agrotis segetum Schiff*) сугориладиган ерларда кенг тарқалган зааркундалардан биридир. Унинг қуртлари 34 оиласи мансуб бир қанча экинларнинг ёш ниҳолларига заар етказади. Шу жумладан мойли экинларни илдизи ва ёш ниҳолларига заар етказиб кўчатларни сийраклашиб кетишига ва экинларнинг ёш ниҳоллигида нобуд бўлишига олиб келади. Ғўза тунлами (*Heliothis armigera Hb*) бир қанча қишлоқ хўжалик экинлари билан бирга мойли экинларнинг ҳам хавфли зааркунданаси ҳисобланади. Ғўза тунлами мойли экинлар ва дуккакли дон экинлари ичида соя, нўхат ва ловия экилган майдонларда кенг тарқалиб улар донини сут пишиш даврида кучли

заарлайди. Бу ҳашарот соя экинида июн ойининг ўрталарида пайдо бўлиб, тухумини ёш баргларнинг устига, дуккаклар орасига биттадан қўяди. Ўрта ҳисобда 4-5 кунда тухумдан қуртлар чиқиб, ўсимликнинг ёш барглари билан кейинчалик дуккакларини тешиб кириб дони билан озиқланади.

**Кунгабоқар парвонаси – *Homoeosoma nebulosa* Hb** Тангақанотлилар – *Lepidoptera* туркуми *Pyralidae*, оиласи вакили бўлиб, кунгабоқар экинининг энг хавфли зааркундаларидан бири ҳисбланади. Кунгабоқар парвонаси қуртлари кунгабоқарнинг гул ва меваларини еб заар келтиради, айрим йилларда эса экиннинг деярли барча ҳосилини нобуд қилиши мумкин.

Кунгабоқар парвонаси Европа, Осиё ва Шимолий Африканинг кунгабоқар экиладиган кўпгина ҳудудларида тарқалган ва 30 – 40 %, ялпи кўпайган йилларда эса 60 - 70 % гача ҳосилни йўқотиш мумкин. Бизнинг кузатишларимизда бу зааркунанда Ўзбекистоннинг барча кунгабоқар экиладиган ҳудудларида тарқалганлиги аниқланди. Гумбақдан учиб чиқсан капалаклар бир сутка қўшимча озиқлангач эркак ва урғочи капалакларнинг урчиш учун қўшилиши (копуляция) кузатилди. Уруғланган урғочи капалаклар 4 – 6 соат ўтгач тухум қўйишга киришди. Кунгабоқар парвонасининг бир жуфт капалаклари лаборатория шароитида 20 % шакар эритмаси билан озиқлантирилганда ўртacha 215 – 240 тагача тухум қўяди. Адабиётларда келтирилган маълумотларда айтилишича бу ҳашаротнинг тухумлари думалоқ шаклда бўлади дейилган. Бизнинг кузатувларимизда кунгабоқар парвонасининг тухумлари оқ ёки оч сарғиш тусда, овалсимон шаклда бўлиши аниқланди.



6 – расм. Кунгабоқар парвонасининг личинкаси (чапда) ва ғумбаги (ўнгда).

Кунгабоқар парвонасининг ғумбақдан учиб чиқсан капалаклари баҳорда аввал *Caarduis*, *Onopordon*, *Centaurea*, *Picnoton* каби мураккабгулдошлар оиласига мансуб бегона ўтларга тухум қўяди, кейинчалик кунгабоқарнинг

саватчаларига ўтиб тухум қўйиши кузатилди. Тухумдан 10 – 12 кун ўтгач чиқкан қуртлар гулнинг ички қисмини, яъни гулнинг ҳосил берадиган генератив қисмини еб бошлайди.

Заараркунанда қуртлари учинчи ёшга ўтгач саватчадаги уруғлар мағзи билан озиқланиб уларни нобуд қиласди. 2018-2019 йилларда олиб борилган кузатишларимизда кунгабоқар парвонасининг қуртлари бир саватчада 18 – 21 тагача учради. Уруғларни батамом еб битиргач саватчанинг юмшоқ танаси билан ҳам озиқланиши кузатилди. Тухумдан чиқкан қуртлар 18 – 24 кун давомида озиқланиб ўзининг қуртлик даврини тутгатади. Катта ёшдаги қуртларнинг узунлиги 12 – 15 ммга етади, остки томони оч сарғиш кулрангда, устки қисми эса тўқ жигарранг бўлади. Танаси тукчалар билан сийрак қопланган, устки томонидан учта қорамтирижигарранг чизиқлар ўтган. Тўлиқ озиқланиб бўлган тўртинчи ёшдаги қуртлар саватчадан ерга тушиб тупроқ остида 10 – 15 см чукурликда ғумбакка кетиш учун пилла ўрайди. Ғумбагининг ранги тўқ сариқ рангдан жигарранггача бўлади, узунлиги 11-12 см, қорин қисми 11 бўғиндан иборат. 3 – 8 бўғинларининг икки ён томонида бўртиқчалар жойлашган. Ҳар бир бўғиннинг уст томонида бир жуфт туклари бор. Охирги бўғинининг уст томонида 2 жуфт, ост томонида 1 жуфт илгаксимон туклар жойлашган. Табиий шароитдаги ғумбакларнинг оғирлиги 40 – 45 мг, лабораторияда боқилган қуртларнинг ғумбаклари эса 20 – 35 мг гача бўлади. Бу заараркунанданинг катта ёшдаги қуртлари тупроқ остида, ўсимлик қолдиқлари тагида қишлиб қолади. Баҳорда ўртача суткалик ҳаво ҳарорати 14 – 15 градус бўлганда қишиги тиним давридан чиқкан заараркунанда шу ерда ғумбакка айланади.

Кунгабоқар парвонасининг капалаклари кечки пайт уча бошлайди, кундузи эса ўсимлик барги остида ёки кесаклар панасида тинч, ҳаракатсиз ўтиради. Бир саватчада бу заараркунанданинг сони 2018-2019 йилларда 10 – 15 донагача учраши кузатилди.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра кунгабоқар парвонаси Россия, Украина ва Молдова ҳудудларида йил давомида бир, айрим ҳолларда икки авлод бериб кўпаяди дейилган. 2018-2019 йилларда бизнинг кузатишларимизда уч авлод бериб кўпайиши кузатилди. Бунинг сабаби иқлим шароитининг қулайлиги ва озуқа ўсимликларининг етарличалиги, ҳамда кунгабоқар экинларининг оммавий тарзда такрорий экин сифатида ҳам экилиши деб ҳисоблаймиз.

Дастлабки кузатув натижаларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, соя ўсимлиги биоценозининг зарарли энтомофаунаси хилма хил ва уларнинг келтирадиган зарари турлича. Улар ўсимликнинг барча ривожланиш фазаларида учраб зарар келтиради, яъни ўсимликнинг илдиз қисмини

заарловчи, ниҳоллик даврида ҳамда барча вегетатив ва генератив органларини заарловчи зааркунандалар. Буларнинг ичида ўргимчикканаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Чунки бу зааркунанда энг кўп зарар келтирувчи ҳисобланади.

Илмий тадқиқотлар ва олиб борилган кузатувлар холосасига кўра мойли экинларни биоценозида жами 2 синф, 7 туркумга мансуб 31 турдан ортиқ зааркунандалар учраб соя ва кунгабоқарга зарар етказиши аниқланди ва ҳисобга олинди. Улар ичида келтирадиган зарари билан иқтисодий аҳамиятга эга бўлган 9 турдаги зааркунандалар асосий доминант тур ҳисобланади. Бу зааркунандалар ўргимчаккана, майса узунбурун қўнғизи, кузги тунлам, ғўза тунлами, беда қандаласи, кунгабоқар парвонаси, иссиқхона оқсаноти, тамаки трипси, тўрт доғли донхўрлардир.

**Мойли экинларнинг асосий касалликлари:** Мойли экиниларда зааркунандалар каби касалликлари ҳам кенг тарқалган ва катта иқтисодий зарар етказиб келмоқда. Бугунги қунгача касалликларнинг аниқ бир тур таркиби систематик ўрни белгиланган ҳолда келтирилгани йўқ, лекин бу йўналишда бир қатор тадқиқотларимиз бор ва ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда. Шундай бўлсада Республикамиз шароитида кунгабоқар экинларида кенг тарқалиб катта иқтисодий зарар етказаётган касалликларнинг бир неча турлари маълум.

Булар: *Tuprok orqali yokaqidigan kasalliklar*: Кулранг чириш - (*Botrytis cinerea*), қуруқ чириш - (*Whetzelinias clerotiomm*), илдиз чириш, вертициллёз сўлиш (*Verticillium dahliae*) ва альтернариоз – (*Alternaria helianthi*).

**Ҳаво орқали юқадиган касалликлар:** ун шудринг, сохта ун шудринг - (*Plasmopara helianthi (halstedii)* Farlow.), занг - (*Puccinia helianthi* Schw.) септориоз (*Septoria helianthi*) ва бошқалар кунгабоқарни заарлайдиган касалликлар бўлиб, бу касалликлар ўсимликнинг биологик фаол моддасига, саватчасига, ёғ мой саноат учун зарур бўлган писта донларига катта таъсир қиласи. Бу касалликлар турли минтақаларда иқлим шароитига қараб турли даражада тарқалади ва ҳар хил зарар келтиради.

Кунгабоқар экинларида касалликларнинг тарқалиши устида олиб борган кузатувларимиз натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган. Олинган маълумотларнинг кўрсатишича 2018-2019 йиллар давомида Тошкент ва Намангандеги валоятларида кузатув олиб борилган далаларда баҳорда экилган кунгабоқар ўсимликнинг вертициллёз сўлиш касаллиги билан 26,7 – 31,2 % гача ўсимликлар, альтернариоз билан эса 22,1 – 24,7 % гача, сохта ун шудринг билан 17,8 – 21,2 % гача, кулранг чириш касалликлари билан 28,7 – 32,9 % гача ва қуруқ чириш билан 10,6 – 14,5 %

ўсимликлар заарланганлиги кузатилди (1 - жадвал).

Лекин такрорий экин сифатида йигиштириб олинган бошоқли экинлар ўрнига экилган кунгабоқарда вертициллөз сўлиш касаллиги билан 28,3 % гача ўсимликлар, альтернариоз билан эса 11,2 % гача, ун шудринг билан 34,3% гача ва қуруқ чириш касалликлари билан 33,7 % ўсимликлар касалланганлиги аниқланди.

Тадқиқотларимизда кунгабоқарда биз учун номаълум бўлган касалликларнинг ҳам учраши кузатилди. Булар бактерияли ва вирусли касалликлар жумласига кирувчи касалликлар ҳисобланади.

Кунгабоқар касалликларидан эса баҳорда экилган кунгабоқарда вертициллөз сўлиш, альтернариоз, сохта ун шудринг, кулранг чириш ва қуруқ чириш касалликлари кўп учраганлиги, такрорий экин сифатида экилганда эса вертициллөз сўлиш, ун шудринг, альтернариоз ва қуруқ чириш касалликлари кенг тарқалиб кўп зарар келтирганлиги аниқланди.

## **МОЙЛИ ЭКИНЛАРНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

### **Агротехник кураш тадбирлари**

Тупроққа ўз вақтида пухта ишлов бериш соғлом ва чидамли ўсимлик ўстиришнинг жуда зарур шартларидандир. Ер шўрини ювиш, далаларни текислаш, кузги шудгор қилиш, қатор ораларини ишлаш ўсимликларни ҳимоя қилишда аҳамияти катта бўлган муҳим усуллардан ҳисобланади. Ер шўрини ювиш учун куз-қиши ойларида яхоб берилганда тупроқнинг шўрий ўқолади, нам кўп тўпланади, зараркунанда ва касалликларга чидамли соғлом ниҳоллар текис кўкаради. Бундан ташқари тупроқдаги ҳашарот ва бегона ўтларнинг кўп қисми қирилади. Далаларни текислаш натижасида ниҳолларнинг бир текис ва қийғос униши учун қулай шароит яратилади, зараркунанда ҳамда касаллик тўпланадиган жойлар бўлмайди. Ерни асосланган муддатларда чимқирқарли ёки қўш ярусли плугда 30 см чуқурликда (ўт кўп босган далаларни эса 32-35 см чуқурликда) ағдариб шудгорлаш зараркунанда ва бегона ўт уруғлари, касаллик қўзғатувчиларни кучли йўқотувчи чорадир. Бунда бегона ўт илдиз пояларини тараб олиш учун шароит ҳам яратилади.

Мойли экинларни ўсимликнинг қатор ораларини, ниҳоллар қалинлагани ва уларнинг қуёш ёруғлиги билан ёритилишини таъминловчи экиш меъёри ва схемасининг шу биоценозда

зааркунандалар фаунасини шаклланишига алоҳида ўрни бўлиб, бир вақтнинг ўзида улар шу агробиоценоздаги комплекс заарали энтомофаунанинг шаклланишидаги асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ўғитлаш ўсимликларни ҳимоя қилишда икки хил аҳамиятга эга: ўсимлик дастлабки ривожланиш фазасида ўғит (айниқса азотли) солиш натижасида у тез, соғлом ўсиши билан бирга заарланишдан бирмунча сақланиб қолади. Фосфорли ўғит таъсирида эса хужайра ширасининг осмотик босими кўтарилиб ҳамда тўқима зичлиги ошиб, айрим зааркунандаларнинг (ўргимчаккан, шира) ривожланиши пасаяди. Калийли ўғитлар ўсимликларни зааркунандаларга нисбатан бардошлигини оширади.

Мойли экинларга фосфорли ва калийли ўғитларни бериш уларнинг генератив органларининг кўпайишига, илдиз тизимининг кучли бўлишига, олинадиган ҳосилнинг сифатли ва юқори бўлишига олиб келади. Минерал ўғитларнинг вақтида берилиши ўсимлик ва зааркунандалар ўртасида ривожланиш фазаларининг бузилишига олиб келади.

### **Биологик кураш тадбирлари**

Соя ва кунгабоқар экилган майдонларда ғўза тунлами ва кунгабоқар парвонасининг тухумига қарши трихограмма, қуртларига қарши 1:5 - 1:10 – 1:15 нисбатда бракон кушандасини қўллаш тавсия этилади.

### **Кимёвий кураш тадбирлари**

1. Мойли экинларни уруғларини экишдан камида 15 кун олдин уруғдорилагич препаратлар яъни Аваланче билан 1 тонна уруғга 5 кг (ёки гаучо), Круизер ёки Круизер экстра препаратлари билан 3-4 л сарф меъёрларда (1 тонна уруғга 15-20 л сув) илдиз кемирувчи тунламлар, ширалар, триплар, туганак узунбурунлар ва донхўрларга қарши қўллаш тавсия қилинади.

2. Кунгабоқар парвонасига қарши тизимли таъсир қилувчи препатлардан Пиларкинг, 20 % к.э. (0,4 л/га), Конфидор, 20 % к.э. (0,4 л/га), Багира, 20 % к.э. (0,4 л/га) ва Данадим, 40 % к.э. (0,8 л/га) сарф миқдорида қўллаш мумкин.

3. Соя ўсимлигига ўргимчакканаларга қарши Ниссоран, 5% эм.к.- 0,1- 0,2 л/га, Химголд, 72 % эм.к.-0,3 л/га, Вертиmek, 1,8 % эм.к.- 0,2 л/га, Алтын 1,8 % эм.к.-0,3 л/га, Узмайт, 57 % эм.к.-1,2 л/га, Нуредл-Д, 55 % эм.к. – 1,5 л/га сарф миқдорларда қўлланилса юқори самарадорликка эришилади.

4. Мойли экинларда ғўза тунламининг қуртларига қарши ҳосил йиғиширилиб олишдан 25-30 кун олдин унга қарши Аваунт 15 % эм.к. 0,4-0,45 л/га, Абалон 1,8 % эм.к 0,4 л/га, Алтын 1,8 % эм.к. 0,5 л/га, Моспилан 20% н.кук 0,3 л/га ва Каратэ 5% эм.к 0,4 л/га сарф меъёрида кимёвий препаратларни қўллаш тавсия этилади.

5. Мойли экинларда донхўр брухусларга қарши ҳосил йиғишириб олинишидан 30- кун олдин Б-58 ( янги) 40 % эм.к. 0,5 – 1,0 л/га, Караве 10% эм.к 0,1 - 0,2 л/га, Атилла 5% эм.к 0,2 - 0,3 л/га сарф миқдорларда кимёвий препаратларни қўллаш тавсия этилади.

6. Кунгабоқар парвонасиға қарши Пиларкинг, 20 % к.э. (0,4 л/га), Конфидор, 20 % к.э. (0,4 л/га), Багира, 20 % к.э. (0,4 л/га) ва Данадим, 40 % к.э. (0,8 л/га) сарф миқдорида қўлланилса юқори биологик самарадорликка эришилиб олинадиган ҳосилни сақлаб қолишга эришилади.

7. Махсаннинг занг касаллигига қарши вегетация даврида фунгицидлардан Байлетон, 25% х.к. (0,5 кг/га), Фалкон, 46% к.э. (0,4 л/га) ва Импакт, 25 % с.к. препаратлари 0,3 л/га сарф миқдорларида қўлланилганда 83,1 - 91,5 % гача биологик самарадорликга эришилади.

8. Мойли экинлар уруғларини экишдан олдин уруғларни дорилайдиган препаратлардан Фундазол 50% н.кук. (2,0 кг/т) ёки Витовакс 200 75% н.кук. (4 л/т) билан ишлов бериб экиш ўсимликларни ёш нихоллигига касалланишдан ҳимоялайди.

### **Дуккакли дон экинларига заар келтирувчи зааркунандаларнинг тур таркиби**

Дуккакли дон экинларида учрайдиган зааркунандаларнинг тури жуда кўп. Ҳозирги кунда республикамиз шароитида 2012-2016 йилларда олиб борилган тадқиқотларимиз натижасига кўра дуккакли дон экинларида жами 2 синф, 7 туркумга мансуб 34 турдаги зааркунандалар дуккакли экинлар биоценозида учраши ҳамда сезиларли даражада заар етказиши аниқланди.

Дуккакли (мош, ловия, нўхат) экинлар биоценозида учраб заар келтирувчи асосий доминант тур қўйидагилар: ўргимчаккан, ширалар, туганак узунбурунлар, донхўр брухуслар, ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашласи, қандалалар, кузги ва ғўза тунлами.

**Ўргимчаккан** - (*Tetranuchus urticae* Koch) сўрувчи зааркунда бўлиб, бошқа барг зааркунандалардан келтирадиган зарари билан ажralиб туради. Бу зааркунанда бир қанча қишлоқ хўжалик экинларини зааркунандаси ҳисобланиб, бироқ ҳозирда дуккакли дон экинларига, айниқса мошга, сояга ҳамда ловияга катта заар келтирмоқда.

Бу зааркунанда дуккакли дон экинлари экилган майдонларида кенг тарқалиб, у асосан ўсимлик 4 – 5 чинбарг чиқаргандан бошлаб барглари орқасига жойлашиб олиб ширасини сўриб озиқланади, заарланган барглар юзаси қизариб қуриб тушиб кетади, натижада илк тупдаги донлар етила олмасдан пуч бўлиб қолишига сабаб бўлади.

**Ширалар** – (Aphididae) Дуккакли дон экинларига заар келтирувчи шираларнинг бир нечта тури мавжуд бўлиб, булар ичида дуккакли дон экинларига жиддий заар етказувчиси бу нўхат ва акация ширалариdir. Дуккакли дон экинлари ичида айниқса мош ва ловия ширалар билан жиддий заарланади. Улар асосан апрел охири ва май бошларидан бошлаб ривожланиб заар келтирадилар. Ширалар асосан баргларни ширасини сўриб, поя ва илдизлардаги углеводлар миқдорини камайтириб, ўзларидан чиқарган суюқликлари билан баргларни ифлослайдилар.

**Қўнғизлар** - (Coleoptera) туркумiga мансуб туганак узунбурунларнинг 2 тури майса узунбурун қўнғизи (*Sitona crinitus* Hbst), ола була нўхат узунбурун қўнғизилари (*Sitona linellus* Bansd) кўп урайди. Бу қўнғизлар эрта баҳорда экилган дуккакли дон экинларини майсадаги биринчи барг, ўсув нўқтасини ҳамда уруғ палласини ейди. Тухумини тупроқ юзасига тарқоқ ҳолда, ўсимлик устига камдан кам ҳолда қўяди. Тухумдан чиқсан личинкалар илдиздаги азот тўпловчи тугунклар билан озиқланиб ривожланади. Дуккакли дон экинлари туганак узунбурунлар билан қаттиқ заарланганда ҳосил ва кўк массанинг ярми нобуд бўлади. Дуккакли дон экинларини ҳозирда донхўрлар (*Bruchidae*) оиласига мансуб қўнғизларнинг 3 тури, нўхат донхўри, (*Bruchus pisarum* Z.), ловия донхўри (*Acanthoscelides altectus* Sag.), тўрт доғли донхўрлар (*Callosebruchus maculates* Z.) кўчли заарлайди. Бу донхўрларни етук зотлари далада, личинкалари эса донлар ичида ривожланади, донхўрлар билан қаттиқ заарланган ўсимлик донлари экишга ёки истеъмолга мутлақо яроқсиз бўлиб қолади.

**Иккиқанотлилар** - (Diptera) туркумiga мансуб ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашибаси (*Liriomyza cicerina* Rond.) нўхат экилган майдонларда кенг тарқалган ҳавфли зааркунанда ҳисобланиб, унинг личинкалари барг тўқималари орасида силжиб расмли ғовак йўл ҳосил қиласи. Натижада ғовак йўллари кўпайиб, бир-бири билан қўшилиб кетади. Натижада баргларнинг модда алмашинуви бўзилади ва фотосинтез процесси тўхтайди. Шикастланган ўсимлик барглари оқариб, сўлийди ва қуриб тушиб кетади.

**Қандалалар** (Heteroptera) туркумiga мансуб зааркунандалардан 3 тури учраб, улардан дала қандаласи кенг тарқалган бўлиб, ўсимликнинг шоналаш ва гуллаш даврида гул ғунчаларини сўриши натижасида гуллар тўкилиб кетади, дуккаклари тўлиқ ривожланмайди.

**Тангақанотлилар ёки капалаклар** (Lepidoptera) туркумига мансуб асосан зааркунандалардан бир неча турлари учрайди. Булардан энг асосийлари кузги ва ғўза тунламиdir. Кузги тунлам (*Agrotis segetum Schiff*) сугориладиган ерларда кенг тарқалган зааркунандалардан биридир. Бу зааркунанда 34 оиласа мансуб ўсимликларнинг ёш ниҳолларига зарар етказади. Дуккакли экинларнинг илдизи ва ёш ниҳолларига зарар етказиб кўчатларни сийраклашиб кетишига ва экинларнинг ёш ниҳоллигига нобуд бўлишига олиб келади. Ғўза тунлами (*Heliothis armigera Hb*) бир қанча қишлоқ хўжалик экинларини, шунингдек, дуккакли экинларини хавфли зааркунандаси ҳисобланади. Ғўза тунлами дуккакли дон экинларидан ловия ва нўхат экилган майдонларда кенг тарқалган. Дуккакли экинлар донини сут пишиш даврида яъни июн ойининг ўрталарида пайдо бўлиб, тухумини ўсимликнинг барги устига, дуккаклар орасига қўяди. Ўрта ҳисобда 4-5 кунда тухумдан қуртлар чиқиб, экинларнинг учки барглари билан озиқланади, кейинчалик уларнинг дуккакларини тешиб кириб дони билан озиқланади.

### **Нўхатнинг асосий зааркунандаларини айрим биологик хусусиятлари, келтирадиган зарари**

Нўхатга зарар келтириб яшовчи зааркунандаларнинг тури жуд кўп. Жумладан мамлакатимиз шароитида 2012 -2016 йилларда олиб борилган тадқиқотларимиз натижасига кўра нўхат 7 туркумга мансуб 28 тур зааркунандалар билан турли даражада заарланади. Бу зааркунандалар ичida экинларга жиддий зарар етказиши жиҳатидан иқтисодий аҳамиятга эга бўлганлари бу ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашиаси, ғўза тунлами, ширалар, туганак узунбурунлар, донхўрлар ва бошқалар ҳисобланади.

#### **Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашиаси - *Liriomyza cicerina Rond.***

Нўхатда учрайдиган энг хавфли зааркунанда ҳисобланади. Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашиасининг ташқи кўриши майда танаси (1- 4 мм) бўлиб, қорамтири-қўнгир рангда, қанотлари тиник, кулранг ёки сарик тусда.

Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашиаси сохта пилла ичida ғумбак шаклида тупроқда қишлиади. Эрта кўкламда қулай шароит яратилиши билан пашишалар ташқарига учиб чиқади ва қўшимча озиқлангач тухум қўяди. Ургочи пашиша барг эпидермиси остига тухум қўйгичини санчиб биттадан тухумини жойлаштиради. Орадан 3-4 кун ўтгач тухумдан чиқсан личинкалар ўсимлик баргининг тўқимаси орасида юриб, баргнинг паренхимаси билан озиқланади ва ғовак ҳосил қиласи.



1– расм. Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси (*Liriomyza cicerina* Rond.) нинг етук зоти.

Личинкалар озиқланиб бўлгач барг юзида тешик очади ва шу тешик ичида ярми ташқаридан кўриниб турган ҳолда қўнғир сохта пупарийда ғумбакка кетади. Пашшалар нўхатни бутун вегетация даврида заарлайди. Шу давр ичида 3-4 та, кечки экилган нўхатда эса 5-6 тагача авлод бериб ривожланиши мумкин.

Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси личинкалари барг тўқималари орасида силжиб расмли ғовак йўл ҳосил қиласди. Натижада ғовак йўллари кўпайиб баргнинг фотосинтез қатламидаги юза қисмлари қаттиқ шикастланади ва ўсимлик барглари оқариб сўлийди ҳамда тушиб кетади.

**Зарари** – 2013-2014 йилларда Тошкент вилояти, Қиброй туманида жойлашган, Ўсимликшунослик ИТИ тажриба майдонида ҳамда “Қиброй ЭКО” УК ва Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида жойлашган “Жалолиддин Фахриддин”, “Аббос Исмоилов”, “Сапарбобо Мухидин”, “Расулов Ойбек Зиёдуллайвич” фермер хўжаликлари далаларида экилган нўхат ўсимлигида олиб борган кузатувларимизда нўхат асосан, гуллаш ва мева туғиш фазасида 80% гача заарлаши аниқланди (2-расм).



Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси билан заарланган нўхат ўсимлиги.

**Ғўза тунлами** - *Heliothis armigera* Hb. Тангақанотлилар ёки капалаклар (Lepidoptera) туркумига мансуб зааркунанда бўлиб, у турли оилаларга кирадиган 120 дан ортиқ турдаги ёввойи ва маданий ўсимликлар билан озиқланади. Шулардан хуш кўриб озиқланадиган ўсимликлари

дуккакли әкинлар, маккажүхори, помидор, тамаки, ғўза ва бошқалар ҳисобланади.

Ғўза тунлами капалаги катта, танасининг узунлиги 12-20 мм, қанотларини ёзганда 30-40 мм келади. Танаси сарғиш қизил, кўкиш-кулранг бўлади. Олдинги жуфт қанотларининг ўртасида биттадан юмалоқ, юқорисида эса биттадан сезилар – сезилмас қора доги бор. Орқа қанотларининг ранги олдинги қанотларига нисбатан очроқ, четларида кенг қора ойсимон чизиги бор.

Бугунги қунда ҳам республикамизнинг суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларда экилган нўхатлар ғўза тунлами билан заарланётганлиги, заарланган ўсимликдан олинган донлар эса экишга ва истеъмол яроқсиз бўлиб қолаётганлиги маълум.

**Зарари** - ғўза тунлами ҳаммахўр зааркунанда бўлиб, у турли оилаларга мансуб ўсимликлар билан озиқланади. Р.А.Алимжановнинг (1968) берган маълумотида нўхат дуккагини зааркунанда ҳашаротлар билан заарланиши ўрта ҳисобда 15-36 % ни ташкил қилган бўлса, татқиқотларимизда ҳозирда бу кўрсатгич 2-3 баробарга ошганлиги аниқланди.

Шу сабабли 2013 йилда нўхатни кўсак қурти билан зараланишини ўрганиш мақсадида Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида кузатувлар олиб бордик. Қибрай туманидаги, Ўсимликшунослик ИТИ тажриба хўжалигига ўтказилган кузатув натижалари кўра жами ўсимликлар сони 67 туп бўлиб шундан заарланган кучатлар сони 36 туп ва унда мавжуд зааркунандалар кузатилган сони 53 дона бўлиб заарланиш даражаси кўчатларда 54,0 % ни ташкил қилди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ тажриба майдонида олиб борилган кузатувларимизда эса жами 66 туп ўсимлик кўзатилган бўлиб, шундан заарланган кўчатлар сони 47 туп унда мавжуд зааркунандалар сони 80 донани ташкил қилди. Кўчатларда заарланиш даражаси ўртacha 71,2 % га етганлиги аниқланди. Қашқадарё вилояти, Қамаши туманидаги “Зиёдулла Ибн соат” ф/х нинг нўхат экилган майдонида ўтказилган кузатувларимизда кўриб чиқилган 57 туп ўсимликдан 36 таси заарланган ва бу ўсимликларда учраган заракунандалар сони 46 донани ташкил қилди. Заарланиш даражаси эса 63,1 % ни ташкил қилди, ҳамда “Катта қайрағоч” ф/х нўхат экилган даласидан кўриб чиқилган 50 туп ўсимликдан заарланган кучатлар сони 29 тупни ва унда мавжуд зааркунандалар сони 37 дона бўлиб заарланиш даражаси кўчатларда 58 ,0 % ни ташкил қилди (3 - 4-расмлар).

**Ширалар:** Нўхатга зарар келтирувчи шираларнинг бир нечта тури мавжуд лекин булар ичida нўхатга жиддий зарар етказувчиси бу нўхат ва акация шираларидир.

**Нўхат шираси - (*Acyrthosiphon onobrychis* Fonse.)** бошқа турдаги шираларга нисбатан анча йирик ҳашарот бўлиб у тўда ҳосил қилмасдан ривожланади. Нўхат шираси кўп йиллик, бир йиллик дуккаклиларда кўп учрайди. Бу зааркунанда етук уруғланган тухум ҳолида кўп йиллик дуккакли экинларда айниқса беда поянинг анғизида қишлиайди.



Кўсак қурти билан заарланган нўхат ўсимлиги.

Нўхат шираси ёзда партеногенетик (эркаксиз тўлик личинка бўлиб) усулда кўпаяди. Кузда эса битта бўғин бериб тухум қўяди. Қанотли ширалар, қанотсиз ширалардан кичикроқ бўлади. Шираларнинг ривожланиши янги тухумдан чиққандан то етук зотгача эрта баҳор ойида ўртacha 10 қундан 15 кунгача чўзилади. Бир мавсумда яъни мартдан бошлаб то сентябр ойигача 19-20 та авлод беради.



Кўсак қурти билан заарланган нўхат дуккаклари.

Битта қанотсиз урғочи шира ўрта ҳисобда 70-80 тагача, қанотлиси эса 15-20 тагача личинка тўғиши мумкин. Дукакли дон экинларида ширалар асосан апрел охири май ойининг бошларида пайдо бўлиб заар келтиради (5-расм).

**Зарари** – ширалар асосан ўсимлик баргини ширасини сўради. Натижада поя ва илдиздаги заҳира углеводлар камайиб кетиши сабабли барглар қуриб шаклини ўзгартириб тушиб кетади.



Ширалар билан заарланган нўхат ўсимлиги.

### **Ловиянинг асосий зааркунандаларини айрим биологик хусусиятлари, келтирадиган зарари ҳамда кураш чоралари**

Ловия таркибида оқсил ёғ ва бир қанча инсон учун фойдали моддалар бўлганиниги сабабли бошқа дуккакли дон экинларидан ажralиб туради. Ловия ўсимлиги ҳам бошқа ўсимликлар сингари бир қанча зааркунандалар билан заарланади.



Шираларга қарши Аваланче препарати билан дориланган нўхат донлари.

Олиб борилган тадқиқотларимизда ловия ўсимлиги 30 дан ортиқ турдаги зааркунандалар билан заарланади. Бу зааркунандалар ичida асосийлари, туганак узунбурунлар, ширалар, донхўрлар ва бошқалар ҳисобланади.

**Майса узунбурун кўнғизи (*Sitona crinitus* Hbst)** - узунлиги 4-4,5 мм келади, қанотларининг усти тўқ кулранг тусда бўлиб, аниқ кўриниб турмайдиган нотўғри шаклдаги оқ, кулранг ва қўнғир тангачалардан иборат доғлар билан қопланган, орқасининг олд қисми бўйлаб оч рангли тукчалардан иборат учта чизик ўтади, бу чизиклар кулранг тусда бўлади ва баъзан кўзга ташланиб турмайди. Хартумчаси фитономусникидан анча калта

ва йўғонроқдир. Тухуми калта, овал шаклда, дастлаб сариқ рангда бўлади, сўнгра аста секин қораяди; узунлиги 0,4 эни 0,3 мм келади, личинкаларининг танаси оқ ёки хира оқ, калласи оч қўнғир тусда. Уларнинг оёқлари бўлмайди, танаси сийрак тукчалар билан қопланган, вояга етган личинкаларининг узунлиги 5-6 мм келади. Гумбаклари хира оқ ёки сарғиш бўлиб, ўсган сари кўз ва жағлари қорая бошлайди.

**Зарари-** туганак узунбурунлар етук зотлари дуккакли экинларнинг ер устки қисмини, ўсув нуқтасини ва уруғ паллаларини ейди, тухумдан чиқсан куртлари эса ўсимликни илдизини кейинчалик азот тўпловчи туганакларини ейди ва дуккакли дон ўсимликлари илдизида азот тўпловчи тугунаклар билан озиқланади.

Тошкент вилояти шароитида ўтказилган тадқиқотларимизда туганак узунбурунларнинг келтирган зааридан азот тўпловчи туганакларнинг 80-85% гача қисми нобуд бўлиши аниқланди.

**Ловия донхўри** – (*Acanthoscelides altectus* Sag.). Бу зааркунанданинг қўнғизлари танаси 3,0 – 4,5 мм узунлиқда, урғочиси эркагидан қарийб икки марта катта, танаси думалоқ – овалсимон шаклда. Юқоридан қаралганда кулранг ва сарғиш – кулранг тукчалар билан қопланган. Уст қаноти қисқа, қорин қисмини тўлиқ ёпмайди. Донхўр брухуслар ёруғликда ва иссиқликда жуда ҳаракатчан бўлиб, эрта баҳорда кўпинча кечки экилган дуккакли дон экинларининг гуллаш ва дуккаклаш ҳамда ғунчалаш даврида кучли заарлайди. Уларнинг қўнғизлари гулларнинг нектари билан озиқланади.

**Зарари** - донхўрлар дуккакли экинларнинг хавфли зааркунандаси бўлиб, полифаг ҳашарот ҳисобланади. Унинг личинкалари дала шароитида уруғларни заарласа, етук зотлари донларни омборларда сақлашда нобуд қиласди. 2012-2016 йилларда дуккакли дон экинларида донхўр брухусларни зарар келтириш дарижасини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижасига кўра донхўрлар ўсимликни ўсув даврида ҳамда олинган ҳосилни омборхоналар ва хонадонларда сақлаш давомида 70 – 80 % гача заарлаши ўрганилди (8-9- расмлар).

### **Мошнинг асосий зааркунандаларини айрим биологик хусусиятлари, келтирадиган зарари ҳамда кураш чоралари.**

Мош дуккакли дон экинлари ичida кенг майдонларга экилиши билан бошқа дуккакли дон экинларидан ажralиб туради. Ҳозирда мош республикамиизда суғориладиган майдонларга асосан бошоқли дон экинларидан кейин такрорий экин сифатида экиб келинмоқда. Бу ўсимлик дони оқсилга бой яъни инсон организми учун зарур бўлган бир қанча керакли моддалар борлиги,



Донхўрлар билан заарланган ловия донлари (Оқ олтин нави).

кўк массаси эса чорвачиликда тўйимли ем-ҳашак ҳамда силос тайёрлашда ишлатилиши билан юқори аҳамиятга эга. Мошни кўк массаси ерга яшил ўғит сифатида ҳайдаб юборилса ундан кейин экиладиган экинларнинг ҳосилдорлиги ошади. Унинг илдиз қисмида ҳосил бўладиган тугунаклари ёрдамида ерда ўрта ҳисобда гектарига 50 – 100 кг ўсимлик ўзлаштириши осон бўлган соф азот тўплайди. Шунинг билан бирга кейинги йилларда мош экини бир қанча зааркунандалар билан заарланиб ҳосилдорликни кескин камайиб кетиши ҳолатлари қузатилмоқда. 2012-2016 йилларда мош экинида учраб заар келтираётган зааркунандаларни ўрганганимизда бу экинларга асосан ўргимчаккан, кузги тунлам, туганак узунбурунлар, акация шираси, донхўрлар кўчли заар етказиши аниқланди.

2012-2016 йилларда мош экинида учраб заар келтираётган зааркунандаларни ўрганганимизда бу экинларга асосан ўргимчаккан, кузги тунлам, туганак узунбурунлар, акация шираси, донхўрлар кўчли заар етказиши аниқланди.



### Донхўрлар билан заарланган ловия донлари

**Ўргимчаккана** - (*Tetranuchus urticae* Koch) сўрувчи зааркунда бўлиб, бошқа барг зааркунандалардан келтирадиган зарари билан ажралиб туради. Бу зааркунанда бир қанча қишлоқ хўжалик экинларини зааркунандаси ҳисобланиб, бироқ ҳозирда дуккакли дон экинларига, айниқса мош ва ловияга катта зарар келтиради.

Маълумотларига кўра Ўзбекистон шароитида оддий ўргимчаккана 12 – 15 авлод бериб кўпаяди. Шунинг билан бирга ўргимчакканаларнинг кўпайиши уларнинг озиқ муҳити билан бевосита боғлиқ. Айниқса уларнинг урғочи зотлари оқсилга бой ўсимликлар билан озиқланганда серпушт бўлиб, бир авлодининг ривожланиши учун керак бўладиган вақт ҳам қисқаради.

**Зарари-** ўргимчаккана мош ва ловия экилган майдонларда кенг тарқалиб, у асосан ўсимлик 4 – 5 чинбарг чиқаргандан бошлаб барглари орқасига жойлашиб олиб ширасини сўриб озиқланади, ўргимчаккана билан заарланган барглар юзаси қизариб қуриб тушиб кетади, натижада илк тупдаги донлар етила олмасдан пуч бўлиб қолишига сабаб бўлади. Бу зааркунанда мош ва ловияни 40-50 % гача заарлайди.

**Тўрт доғли донхўр** - (*Callosebruchus maculatus* Z.) дуккакли дон экинларидан айниқса мош, ловия ҳамда нўхат донларини дала шароитида ҳамда омборхона ва шахсий хонадонларда сақлаш мобайнида жиддий заарлайди, унинг заарлаши оқибатида донлар экишга ҳамда истемол қилишга мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолади. Бу донхўр Республикализ шароитида энг кўп учрайдиган космополитик зааркунанда ҳисобланади. Ушбу зааркунанда Европа мамлакатларида яъни Греция, Италия, Франция, Белгия, Англия, Югославия, Болгария давлатларида, Осиёнинг Африка,

Шимолий ва жанубий Америка, Австралия мамлакатларида ҳамда Ўзбекистонда кенг тарқалган зааркунанда ҳисобланади

**Зарари-** дуккакли дон экинларидан бири мош, донхўр брухуслар билан дала шароитида ҳамда ҳосилни сақлаш жараёнида 50-60% гача заарланади



Донхўрлар билан заарланган мош донлари.

## **ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРЛАРИ Агротехник кураш тадбирлари**

Тупроққа ўз вақтида пухта ишлов бериш соғлом ва чидамли ўсимлик ўстиришнинг жуда зарур шартларидандир. Ер шўрини ювиш, далаларни текислаш, кузги шудгор қилиш, қатор ораларини ишлаш ўсимликларни ҳимоя қилишда аҳамияти катта бўлган муҳим усуллардан ҳисобланади. Ер шўрини ювиш учун куз-қиш ойларида яхоб берилганда тупроқнинг шўри йўқолади, нам кўп тўпланади, зааркунанда ва касалликларга чидамли соғлом ниҳоллар текис қўкаради. Бундан ташқари тупроқдаги ҳашарот ва бегона ўтларнинг кўп қисми қирилади. Далаларни текислаш натижасида ниҳолларнинг бир текис ва қийғос униши учун қулай шароит яратилади, зааркунанда ҳамда касаллик тўпланадиган жойлар бўлмайди. Ерни асосланган муддатларда чимқирқарли ёки қўш ярусли плугда 30 см чуқурликда (ўт кўп босган далаларни эса 32-35 см чуқурликда) ағдариб шудгорлаш зааркунанда ва бегона ўт уруғлари, касаллик қўзғатувчиларни кучли йўқотувчи чорадир. Бунда бегона ўт илдиз пояларини тараб олиш учун шароит ҳам яратилади.

Дуккакли экинларни ўсимликнинг қатор ораларини, ниҳоллар қалинлагани ва уларнинг қуёш ёргулиги билан ёритилишини таъминловчи экиш меъёри ва схемасининг шу биоценозда зааркундалар фаунасини шаклланишига алоҳида ўрни бўлиб, бир вақтнинг ўзида улар шу агробиоценоздаги комплекс заарли энтомофаунанинг шаклланишидаги асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ўғитлаш ўсимликларни ҳимоя қилишда икки хил аҳамиятга эга: ўсимлик дастлабки ривожланиш фазасида ўғит (айниқса азотли) солиши натижасида у тез, соғлом ўсиши билан бирга заарланишдан бирмунча сақланиб қолади. Фосфорли ўғит таъсирида эса хужайра ширасининг осмотик босими кўтарилиб ҳамда тўқима зичлиги ошиб, айрим зааркундаларнинг (ўргимчаккана, шира) ривожланиши пасаяди. Калийли ўғитлар ўсимликларни зааркундаларга нисбатан бардошлигини оширади.

Дуккакли дон экинларига фосфорли ва калийли ўғитларни бериш уларнинг генератив органларининг кўпайишига, илдиз тизимининг кучли бўлишига, олинадиган ҳосилнинг сифатли ва юқори бўлишига олиб келади. Минерал ўғитларнинг вақтида берилиши ўсимлик ва зааркундалар ўртасида ривожланиш фазаларининг бузилишига олиб келади.

### **Биологик кураш тадбирлари**

Нўхат экилган майдонларда ғўза тунламиининг тухумига қарши трихограмма, катта ёшдаги қўртига қарши 1:5 - 1:10 – 1:15 нисбатда бракон кушандасини қуллаш тавсия этилади.

### **Кимёвий кураш тадбирлари**

1. Дуккакли дон экинлари уруғларини экишдан камида 20 кун олдин уруғдорилагич препаратлар яъни Аваланче 5 кг/т (ёки гаучо), Круизер ёки Круизер экстра препаратлари билан 4 л/т сарф меъёрларда(1 тонна уруғга 20 л сув) илдиз кемирувчи тунламлар, шиralар, триплар, туганак узунбурунлар ва донхўрларга қарши қўллаш тавсия қилинади.

2. Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшасига қарши ҳосил йигиштириб олинишидан камида 25-30 кун олдин Вертиmek 1,8 % эм.к. 0,2 л/га, Алтын 1,8 % э.к. 0,3 л/га, Нуринол, 55 % эм.к. 1 л/га, ва Поло, 50 % эм.к. 0,8 л/га сарф миқдорларда қўллаш тавсия этилади.

3. Ғўза тунламиининг қўртларига қарши ҳосил йигиштирилиб олишдан 25-30 кун олдин унга қарши Аваунт 15 % эм.к. 0,4-0,45 л/га, Абалон 1,8 % эм.к 0,4 л/га, Алтын 1,8 % эм.к. 0,5 л/га, Моспилан 20% н.кук 0,3 л/га ва Кинмикс 5% эм.к 0,6 л/га, Каратэ 5% эм.к 0,4 л/га сарф меъерида кимёвий препаратларни қўллаш тавсия этилади.

4.Дуккакли дон экинларида донхўр брухусларга қарши ҳосил йиғишириб олиннишидан 30- кун олдин Б-58 ( янги) 40 % эм.к. 0,5 – 1,0 л/га, Карабе 10% эм.к 0,1 - 0,2 л/га, Атилла 5% эм.к 0,2 - 0,3 л/га сарф миқдорларда кимёвий препаратларни қўллаш тавсия этилади.

5.Дуккакли дон экинларидан айниқса мош ва ловияни ўргимчакканалардан ҳимоя қилишда Нискоран, 5% эм.к.- 0,1- 0,2 л/га, Химголд, 72 % эм.к.-0,3 л/га, Вертимел, 1,8 % эм.к.- 0,2 л/га, Алтын 1,8 % эм.к.-0,3 л/га, Узмайт, 57 % эм.к.-1,2 л/га, Нуредл-Д, 55 % эм.к. – 1,5 л/га сарф миқдорларда қўллаш тавсия этилади.

### **Назорат саволлари**

1. Мойли экинларни асосий зааркунандаларини айтиб беринг?
2. Дуккакли экинларни асосий зааркунандаларини айтиб беринг?
- 3.Мошни асосий зааркунандалари ва уларга қарши кураш чораларини айтиб беринг?

**5-амалий машғулот: Сабзавот ва картошка экинлари зааркунандаларига қарши курашда замонавий воситалар.**

**Керак жихозлар:**лупа, бинокуляр, энтомологик нина, расмли жадвал, ҳашаротларнинг кўргазмали намуналари.

**Ишдан мақсад:**Сабзавот ва картошка экинларини зааркунандаларини ўрганиш орақали амалий кўникма ҳосил қилиш

### **Ўсимлик шиralар – Aphididae.**

: Сабзавот экинларида ўсимлик битларининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, айрим йиллари ҳосилдорликни 50% гача камайтириши мумкин. Битлар ўсимлик ширасини сўриб унинг ривожини кечикитиради. Сабзавот экинларида (бодринг, тарвуз, турли қовоқдошларда, бақлажон, шивит, қалампир, сабзи, нўхат, помидор) ғўза ёки полиз бити, беда ёки акация, шафтоли шиralари учраб жиддий зарар келтиради (2-расм).



## **2-расм. Сабзавот экинида ширалар**

**Кураш чоралари:** Агротехник - алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли миқдорда озиқлантириш зааркунандалар миқдорини камайтиради.

**Биологик усул:** сабзавотлардаги ўсимлик битларига қарши биологик кураш учун олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини зааркунанда миқдорига қараб 1:10, 1:5 нисбатларда чиқариш яхши самара беради.

**Кимёвий усул:** ацетамиприд асосли, 20% н.к. (0,15 л/га); малатион асосли, 57% эм.к. (0,6-1,2 л/га); тиаклопирид асосли, 48% сус.к. (0,1-0,15 л/га) препаратларини пуркаш тавсия этилади.

### **Оқканот – *Aleyrodidae***

Оқканотларнинг личинкалари ўсимлик баргининг орқасига ёпишиб олиб, уларнинг ширасини сўриб озиқланади. Улар ҳаракатсиз ҳолатда ҳаёт кечиради. Личинкалардан чиққан чиқитларда сапрофит замбуруғлар ривожланиб, ўсимликнинг барг ва меваларни қорайтиради ва бунинг натижасида барглар қуриб қолиб, мевалари эса яроқсиз ҳолга келади. Зааркунаданинг заар келтириши апрел ойининг II-декадасидан ўсимлик ривожланишининг охирги давригача давом этади. Ўзбекистонда ғўза ва иссиқхона оқканотлари кенг тарқалган. Улар очик далаларда ҳамда айниқса иссиқхоналарда помидор ва бодринг ўсимликларига жиддий зарар етказади (3-расм).

**Кураш чоралари:** Агротехник - алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли миқдорда озиқлантириш зааркунандалар миқдорини камайтиради.

**Биологик курашда** энкарзия паразитини 1:20, 1:10, 1:5 нисбатларда қўллаш, оқканот етук зотларини сариқ тусли елим суртилган экранлар ёрдамида қириш ҳам уларнинг миқдорини камайтиришда аҳамиятлидир.



### 3-расм. Оққанот

**Кимёвий усул:** бупрофезин асосли, 25% н.кук. (0,5-1,0 кг/га); **пироксиfen** асосли, 10% эм.к. (0,5 л/га); **ацетамипирид** асосли, 20% н.кук. (0,25-0,3 кг/га); **тиаклоприid** асосли, 48% сус.к. (0,15 л/га) препаратларни қўллаш тавсия этилади.

### Тамаки трипси – *Thrips tabaci* Lind.

Сабзавот-полиз экинларини, айниқса пиёз, карам, тарвуз ва бодринг ўсимликларини кучли заарлайди. Трипс барг ширасини сўриб, зарар етказади. Заарланган баргларда оқиши-кумушранг доғлар пайдо бўлади, кучли заарланганда доғлар қўшилиб кетади, барглар йиртилиб кетади ёки буралиб, сарғайиб, куриб қолади. Битта урғочи зоти ёш баргларга 100 тагача тухум қўяди. Қулай шароитда трипс сони бир туп ўсимлиқда 1000 тадан кўп бўлиши кузатилган. Бир йилда 7-8 та авлод беради (4-расм).

Тамаки трипси жағ-жағ, ёввойи турп, рапс, қўйтикан, қўйпечак, сарсабил, отқулоқ, ерқалампир каби бегона ўтларда ёппасига кўпаяди ва маданий экинларга кўчиб ўтади.



4-расм. Тамаки трипсининг личинкаси (чапда) ва етук зоти (ўнгда).

**Кураши чоралари.** Алмашлаб экиш, пиёз ёки саримсоқ экилган майдонга 3-4 йил шу экинларни қайта экмаслик, қатор орасига сифатли ишлов бериш, суспензия сепиш, ўғитлаш, сугориш, бегона ўтларни йўқотиш, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли миқдорда озиқлантириш зааркунандалар миқдорини камайтиради.

**Биологик курашида** олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларини 10 кун оралатиб 2 марта гектарига 500-1000 донадан чиқариш самара беради.

**Кимёвий усул:** ацетамиприд асосли, 20% н.к. (0,15 л/га); малатион асосли, 57% эм.к. (0,6-1,2 л/га); тиаклопирид асосли, 48% сус.к. (0,1-0,15 л/га) препаратларини пуркаш тавсия этилади.

### Ўргимчакканা – *Tetranychus urticae* Koch.

37 тур қишлоқ хўжалиги экинларига етказади. Бу зааркунанда билан заарланган ўсимликнинг барглари тўкилиши кейинчалик қуриб қолиш ҳолати кузатилади. Ўсимликни ўсув даврининг бошланғич фазасида заарлаганда ҳосилдорлик 70-80% гача нобуд бўлиши мумкин. Каналарнинг ҳаво ҳароратига қараб битта авлодининг ривожланиши баҳор ойларида 19 кун, ёз ва қузда 8-12 қунгacha давом этади. Бир йилда 18-20 марта насл беради. Урғочи зотлари иссиқхоналар, парникларда, ўсимлик қолдиқларида якка-якка ҳолда ёки тўп-тўп бўлиб қишлиайди. Иссиқхоналарда август ойининг охири сентябрь ойининг бошида экилган кўчатларда каналар билан заарланиш эҳтимоли юқори бўлади (5-расм).



### **Кураш чоралари:**

Агротехник - алмашлаб әкиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, меъёрида суғориш, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли миқдорда озиқлантириш зааркунандалар миқдорини камайтиради.

**Биологик усул:** ўргимчакканаларга қарши биологик кураш учун олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини зааркунанда миқдорига қараб 1:10, 1:5 нисбатларда чиқариш яхши самара беради.

5-расм. Ўргимчаккананинг етук зоти.

**Кимёвий усул:** абамектин+спиродеклофен асосли, 18% эм.к. (0,25 л/га); бромпропилат асосли, 50% эм.к. (2,0 л/га); пропаргит асосли, 57% эм.к. (1,5-3,0 л/га) препаратларнинг бирортаси билан кимёвий ишлов бериш тавсия этилади.

### **Ғовакловчи пашшалар – *Agromyzidae*.**

Ғовакловчи пашша 1999 йилда республикамизда биринчи марта рўйхатга олинган. Зааркунанда учун помидор ва бодринг энг хушхўр ўсимлик ҳисобланади. Бу зааркунанда ўсимлик барги мезофили билан озиқланиб, фотосинтетик юзани камайтиради, баъзи ҳолларда барглар қуриб қолади (6-расм).



6-расм. Говакловчи пашшанинг етук зоти (чапда) ва личинкаси билан заарланган помидор ўсимлиги барги (ўнгда).

**Кураши чоралари:** Агротехник - алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, меъёрида сугориш, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли миқдорда озиқлантириш зааркунандалар миқдорини камайтиради.

**Кимёвий усул:** абамектин асосли, 1,8% эм.к. (0,5 л/га); малатион асосли, 57% эм.к. (0,6-1,2 л/га) препаратларининг бирортасини пуркаш тавсия этилади.

#### Занг канаси – *Aculops lycopersici* Massee.

Занг канаси итузумдошлар оиласига киравчи ўсимликларга (помидор, картошка, бақлажон) жиддий заар етказади. Уни оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Шунинг учун занг канани кўп ҳолларда келтирган зарарини касалликлар билан алмаштириб юборишиди. Занг кана билан заарланган помидор меваси истеъмолга яроқсиз бўлиб, ўсимлик ўсиш ва ривожланишдан тўхтайди. Заарланган барглари, гуллари, шоналари ва ёш мевалари қуриб, тўкилади, йирик меваларининг юзида тўрсимон расм пайдо бўлиб, мева тиришиб, ёрилади, меванинг сифати ва кўриниши йўқолади, қисман чирий бошлайди (7-расм). Қаттиқ заарланган ўсимлик ҳосили 100% нобуд бўлади. Айниқса июль-август ойларида помидор ва кечки картошка кўп талофот кўради.

**Кураш чоралари:** Агротехник - алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, меъёрида суғориш, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли миқдорда озиқлантириш зааркунандалар миқдорини камайтиради.



7-расм. Занг канаси (ўнгда), заарланган ва соғлом помидор мевалари (чапда).

**Кимёвий усул:** абамектин+спиродеклофен асосли, 18% эм.к. (0,25 л/га); бромпропилат асосли, 50% эм.к. (2,0 л/га); пропаргит асосли, 57% эм.к. (1,5-3,0 л/га) препаратларининг бирортаси билан кимёвий ишлов бериш тавсия этилади.

### Тунламлар – *Noctuidae*.

**Ғўза тунлами** (кўсак қурти) ғўздан ташқари помидор (ва маккажўхори) нинг ҳам ашаддий зааркунандаларидан биридир. Помидорда унинг барча (3-4) авлодлари ривожланиши мумкин. Тухумларини ўсимликларнинг шона, гул ва тугунчаларига якка-якка қилиб қўяди. Қуртлари ўсимлик шона, гул ва мевасини кемириб ичига кириб олади. Ҳар бир қурт 10-12 ҳосил шонасини шикастлаши мумкин. Заарланган ёш мевалар қуриб қолади, йириклари эса чирийди. Айрим йиллари ҳосилдорликни ўртача 50% гача камайтиради.

**Гамма тунлами** Сабзавот экинларини гамма тунлами, кўсак қурти, карадрина, илдиз қурти, ёввойи тунлам, ундов тунлами ва бошқалар

заарлайди. Улар олдин сабзавот экинларида ривожланиб, кейин ғўза майдонларига учиб ўтиб, катта зарар етказади (8-расм).



*8-расм. Гамма тунлами , кўсак қурти ва карадрина.*

Ўзбекистонда йилига 3 авлод беради, жуда кўп турдаги сабзавот ҳамда техник экинларга зарар келтириши мумкин. Айниқса куз, қиш ва баҳор фаслларида иссиқхоналардаги экинларнинг баргини ва ҳатто мева шоналарини ҳам еб заарлайди. Капалагининг олд қанотида грекча гамма ( $\gamma$ ) ҳарфини эслатувчи белгиси мавжудлиги, қуртида эса 14 та ўрнига 12 та оёғи бўлиб, букчайиб, одимчи сифат ҳаракатланиши гамма тунламининг ўзига хос белгиларидир.

**Илдиз кемирувчи тунламлар** қаторига кузги тунлам (илдиз қурти), ундов тунлами ва бошқалар киради (9-расм). Бир йилда 2-5 бўғин берувчи бу зааркунандалар картошка, помидор, бақлажон, қовун, тарвуз, қовоқ ва бошқа экинларни заарлайди. Кузги тунлам Марказий Осиё шароитида иссиқхоналардан бошлиб, эрта баҳорда эртаги экинлар, август-сентябр ойларида эса кечки экинлар, жумладан картошкани заарлайди. Зааркунанда кенг тарқалишига экин даласидаги шўрагулдош бегона ўтлар ҳам сабабчи бўлади.



9-расм. Кузги тунламнинг капалак ва қуртлари.

**Тунламларга қарши кураш чоралари:** Агротехник тадбирлар - алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, чуқур шудгор, шувоқ, печак, шўра, итузум каби бегона ўтларни йўқотиш, меъёрида сугориш, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли миқдорда озиқлантириш зааркунандалар миқдорини камайтиради.

**Биологик усул:** тухумларнинг ҳар бир павлодига қарши 5 кун оралатиб 3 марта гектарига 1 граммдан трихограмма ва кичик ёшдаги қуртларига қарши олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини зааркунанда миқдорига қараб 1:10, 1:5 нисбатларда ҳамда катта ёшдаги қуртларига қарши браконни 1:10 ва 1:20 нисбатларда 5 кун оралатиб 3 марта чиқариш, ҳамда **микробиологик** препаратлардан **Bacillus thuringiensis** ( $1\text{-}10^{11}$  титр гектарига 3 кг/га) ни кўллаш тавсия этилади.

**Кимёвий усул:** индоқсакарб асосли, 15% ли сус.к. (0,4-0,45 л/га); эмамектин бензоат асосли, 5% с.э.г. (0,4-0,5 кг/га); эмамектин бензоат+люфенурон асосли, 15% с.д.г. (0,2 л/га) препаратларининг бирортаси билан кимёвий ишлов бериш тавсия этилади.

### *Колорадо қўнгизи – Leptinotarsa decemlineata Say.*

**Таърифи:** Колорадо қўнгизи картошка баргини кемириб, зарар етказади, айрим йиллари ҳосилнинг 70% ни нобуд қилиши мумкин. Йилига 3-4 авлод беради. Картошкадан ташқари помидор ва айниқса бақлажонга жиддий зарар етказади. Ундан ташқари тамаки, бангидевона, мингдевона, итузум каби ўсимликларни ҳам еб ривожланади (10-расм).



*10-расм. Колорадо құнғизининг тухум құяёттган ургочи етук зоти ва личинкаси.*

**Кураш чоралари:** Агротехник тадбирлар - Алмашлаб экиш, сифатли уруғлик қўллаш, чидамли навларни яратиш, экин қатор ораларига ишлов бериш, миқдори кам бўлганида қўлда териб, йўқотиш; ҳосил йигиб олингандан сўнг даладан картошка қолдикларини йўқотиш лозим.

**Кимёвий усул:** ацетамиприд асосли, 20% н.кук. (0,02-0,03 л/га); хлорантранилипрол асосли, 20% сус.к. (0,04-0,05 л/га) препаратларининг бирортасини пуркаш тавсия этилади.

### *Картошка қуяси-- *Phthorimaea operculella* Zell*

Илгари ташқи карантин обьекти бўлган бу зааркунанда дастлаб Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятида қайд этилган, кейинчалик бошқа вилоятларда, жумладан Тошкент вилоятида ҳам тарқалиб кетган. Картошка, тамаки, помидор, бақлажон, қалампир ва ёввойи ҳолда ўсуви итузумдош ўсимликлар (бангидевона, физалис, итузум, мингдевона, белладонна ва б.) заарланади. Картошка қуяси ўсимликларни далада, уларнинг ҳосилини эса омборхоналарда сақлаш даврида заарлайди. Қуртлари картошка, помидор ва бақлажоннинг мевалари, пояси ва баргларини нобуд қиласи. Зааркунанда 5-ёш қурт ёки ғумбак шаклида қишлиди. Капалаклари май охирида чиқиб, октябрь охиригача учади. Улар тупрокқа, картошка, помидор, тамаки баргларига, ер устида ётган картошка туганаклари кўзчаларига, помидор меваларига, омборхоналарда қопларга, уйларда картошка сақланаётган хонанинг пардаларига биттадан тухум қўяди. Капалак 30 кунча яшайди ва оталангандан сўнг 24 соат ичида тухум қўя бошлайди, бир ургочи зот 150-200 та тухум қўяди. У эрталаб ва кечкурун қуёш ботгандан сўнг учади, кундузлари баргнинг остки томонида ва бошқа пана жойларда яшириниб ўтиради.

Омборхоналарда зааркунанда түхтовсиз кўпаяди, унинг пиллалари картошка туганаклари кўзчалари ёнида ва қопларда кўплаб топилади. 6-7 кундан сўнг пилладан имаго чиқади. Тухумдан имагогача бўлган давр ёзда ўртacha 22-32 кун, кузда 40-55 кун, қишида 2-3 ойни ташкил этади (11-расм).



*11-расм. Картошка куясидан заарланган картошка туганаклари ва  
личинкаси*

**Кураш чоралари.** Даладаги бегона ўтларни, айниқса итузумдошлар оиласига мансуб ўсимликларни йўқотиш лозим. Картошка ўсимликларини даладан палаги ўлмасидан олдин тўплаб чиқариш керак. Йифим-терим пайтида картошка туганакларини далада ёйиб қуритиш мумкин эмас (куя уларга тезда тухум қўяди), уларни дарҳол совуқ жойда сақлашга қўйиш лозим. Картошка сақланадиган омборхоналарни ва сақлашга қўйиладиган туганакларни заарсизлантириш, туганакларни сақлашда ҳарорат +3-5°C дан ошмаслигини таъминлаш лозим.

**Кимёвий усул:** эмамектин бензоат асосли, 5% с.э.г. (0,4-0,5 кг/га);  
**эмамектин бензоат+люфенурон** асосли, 15% с.д.г. (0,15-0,2 л/га)  
препаратларининг бирортаси билан кимёвий ишлов бериш тавсия этилади.

### **Помидор қуяси- *Tuta absoluta* Meyr.**

Бу зааркунанданинг ватани Жанубий Америка. Европада помидор экинларида қуя 1-нчи марта Испанияда 2006 йилда қайд этилган ва кейинги йиллари бошқа мамлакатларга тарқалиб кетган. 2011 йилда бутун дунёда помидор экилган жами 4,5 млн га майдондан 1 млн га қуя билан заарланганлиги хабар қилинган. Янги минтақага кирган зааркунандани ҳеч бир мамлакатда бутунлай қириб йўқотиша олишмаган.

Ҳозирда Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Фарғона водийсида тарқалиб кетган, бошқа вилоятларга ҳам ўтган бўлиши мумкин.

Помидор иссиқхона ва очик далаларда, бутун ўсув даврида заарланади. Ўсимликларнинг ўсув нуқтасидаги куртаклари, барглари, поялари ва мевалари ҳамда поянинг пастки қисмида илдиз бўғзи заарланади. Куя қуртлик босқичида заар етказади. Заарланган барглар тўла нобуд бўлади. Мевалар ўсув даврида ёки сақлаш пайтида чириб кетади. Куя заарлаган помидор ўсимликларининг хосилдорлигини 80-100% га камайиб, ҳосил тўла нобуд бўлиши, заарланиш бошланган кундан бошлаб 2 ҳафтада далани бутунлай вайрон қилиши мумкин (12-расм).



## *12-расм. Помидор куюси билан заарланган помидор барги ва капалаги*

Зааркунанда тухум, ғумбак ёки етук зот шаклида қишлиши мумкин. Кужа ривожланиши учун энг паст ҳарорат 9°C, энг қулай 20-27°C. Помидор куюси помидордан ташқари итузумдош экинлар (картошка, тамаки, бақлажон, қалампир) ва бегона ўтларда (бангидевона, физалис, итузум, мингдевона, белладонна ва б.) ривожланиши мумкин.

**Кураши чоралари.** Феромон тутқичлар ёрдамида зааркунанда мавжудлигини қайд қилиш; Агротехник ва ташкилий тадбирлар (иссиқхоналар ва уларнинг атрофини заарсизлантириш, ойналарга ва вентилляцион тешикларга сетка тутиш, киришда эшикларни қўша қилиш, девор ва томда тешик қолдирмаслик, ўсимлик қолдиқларини иссиқхона ва далалардан чиқариш, далада бегона ўтларни, айниқса итузумдошлар оиласига мансубларини йўқотиш, помидор ўсимликларини даладан палаги ўлмасидан олдин тўплаб чиқариш, помидорни картошка далаларига яқин жойлаштирмаслик ва х.) зааркунанда тарқалишини олдини олади.

**Кимёвий усул:** эмамектин бензоат асосли, 5% с.э.г. (0,4-0,5 кг/га); эмамектин бензоат+люфенурон асосли, 15% с.д.г. (0,15-0,2 л/га) препаратларининг бирортаси билан кимёвий ишлов бериш тавсия этилади.

### **Назорат саволлари:**

- 3.** Сабзавот экинларини сўрувчи зааркунандаларини айтиб беринг
- 4.** Сабзавот экинларини кемиравчи зааркунандаларини айтиб беринг.

## V.КЕЙСЛАР БАНКИ

Таълим жараёнининг сифати таҳсил олувчининг ўқитиш методларини тўғри танлашига боғлиқdir. Тўғри танланган метод таълим олувчиларнинг янги билимларни онгли ва чукур ўзлаштиришларига, уларда фаоллик ва ижодкорликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли тажрибали ўқитувчи таълим самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитишнинг кўп сонли методларидан энг қулай ва ўқувчиларнинг билим олишини фаоллаштирадиган методларни танлайди. Таълим методларини танлаш ҳар бир дарснинг дидактик мақсадига боғлиқ бўлиб, ўқитувчи мавзунинг ҳажми ва мураккаблиги, таълим олувчиларнинг ўқув имкониятлари, яъни қизиқиши ва қобилиятларини эътиборга олиб дарсни оқилона ташкил этиши керак. Ўқитувчи томонидан пухта режалаштирилиб, танланган метод таълим олувчиларни фаолликка, назарий билимларини амалда қўллашга ундаши лозим. Ана шундай фаол таълим методларидан бири “case study” –вазиятларни таҳлил қилиш методидир.

Аниқ вазиятлар методи - кейс-стади (case инглиз - тўплам, аниқ вазият, study - ўрганиш) таълим олувчиларни муаммони ифодалашга ва мақсадга мувофиқроқ ечим излашга йўналтирувчи фаол таълим методлардан бири бўлиб, ҳаётдан олинган одатий вазиятларни ташкиллаштириш ёки сунъий яратилган вазиятларга асосланади.

Кейс-стади муайян ўқув мақсадли билим олиш воситаси сифатида ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу мақсадлар кенг кўламли бўлиб, ахборот, маълумот ёки тафсилот билан таъминланишини назарда тутади. Кейс ўқув материалини ўзлаштириш учун қўмаклашувчи ахборотни ўз ичига олади.

Кейс-стади таълим олувчиларнинг ҳамкорликда аниқ бир иш жараёнида содир бўлган вазиятни (кейсни) таҳлил қилиш орқали унинг ечимларини топиш, ишлаб чиқиш, таклиф этилган алгоритмлар –ечимларга баҳо бериш ва қўйилган муаммо ечимлари ичидан мақбулини танлашни назарда тутади.

Кейс-стади қўшимча ахборотлардан, жумладан, аудио, видео ва электрон етказувчилар ва ўқув-услубий материаллардан иборат бўлиши мумкин.

**Кейс-стади методининг қуийдаги афзал томонларини кўрсатиб ўтиш мумкин:**

- гуруҳларнинг ягона муаммоли майдонда ҳамкорликда ишлаш имконияти;
- қўшимча ахборотларни йиғиш, фаразларга аниқлик киритиш ва муаммоларни ечиш бўйича амалий фаолиятларини моделлаштириш имконини бериши;
- таҳлил қилиш, тенглаштириш йўлларини қидириш ва муаммони ечиш эркинлигини бериши;
- муаммоли таълим принципларига асосланганлиги;

- таълим олувчиларда умумлаштириш, таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириши;
- билим ва кўникмаларнинг амалда бажариш орқалиш ўзлаштирилиши.

### **Кейс-стади таълим олувчиларда қуидаги кўникмаларни ривожлантиради:**

- таҳлил қилиш
- амалий фаолият
- коммуникативлик
- изланувчанлик
- ижодийлик
- ўз-ўзини таҳлил қилиш.

#### **Кейснинг педагогик паспорти**

**1) аннотация**

**2) кейс**

**3) таълим олувчига услубий кўрсатмалар**

**4) ўқитувчи – кейсолонгинг кейсниҳал этиш варианти**

**5) ўқитишининг кейс-технологияси**

#### **Аннотация**

**Мавзу:** Ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишининг уйғунлаштирилган тизими, агротехник усулини уйғунлашган кураш тизимдаги ўрни.

**Берилган кейснинг мақсади:**

Таълим олувчиларни ўсимликларни заарали организмлардан ҳимоя қилишнинг уйғунлаштирилган тизими, агротехник усулини уйғунлашган кураш тизимдаги ўрни ҳақидаги билимларни ўрганиш. Ўсимликларни заарали организмлардан уйғунлашган ҳимоя қилишга оид муаммоларни кейс асосида аниқлаш ва ечимини топишга ўргатиш.

### **Кутилаётган натижалар:**

- ўзлаштирилаётган мавзу бўйича билим ва кўникмаларни мустаҳкамлайди;
- мавзудаги асосий мақсадни аниқлай олади;
- Ўсимликларни заарали организмлардан уйғунлашган ҳимоя қилишгабоғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда ечимини топиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлади;
  - мантиқий фикрлашни ривожлантиради;
  - ўкув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш имкониятига эга бўлади;
  - мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллайди;
  - Ўсимликларни ҳимоя қилиш Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини етакчи тармоғи эканлигини тушуниб етади;
  - Ўсимликларни ҳимоя қилишқишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири эканлиги, аҳолини тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноатнинг бир қанча тармоқлари учун хомашё ва чорвачиликни ем-хашак билан таъминлашда ўрни нақадар муҳим эканлигини англайди.

### **Кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун таълим олувчилар қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

- Ўсимликларни заарали организмлардан уйғунлашган ҳимоя қилиш фани бўйича билимга эга бўлиш;
- Ўсимликларни заарали организмлардан биологик ва кимёвий ҳимоя қилишга оид билимларга эга бўлиш;
- мавзунинг асосий моҳиятини аниқлай билиш;
- Ҳашаротларнинг ривожланиши ва уларга қарши кураш чораларини билиши;

-Ҳашаротларга қарши курашни таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

### **Таълим олувчи амалга ошириши керак:**

- мавзуни мустақил ўрганади;
- муаммоларни аниқлайди;
- фаразларни илгари суради;
- ўкув маълумотлар билан мустақил ишлайди;
- маълумотларни таққослайди, таҳлил қиласди ва умумлаштиради;
- маълумотларни танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиқиб, мустақил қарор қабул қиласди;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, якуний хулоса чиқаради.

**Дидактика мақсадларга** кўракейс, ўтилган мавзу бўйича кўникма ва малакалар орттиришга мўлжалланган, шунингдек бу кейс ўсимликларни

ҳимоя қилишнинг умумий тавсифи, ривожланиш шароитига оид ҳаётий муаммоларни ҳал этиб, таҳлил қилиш ҳамда ечимини топишга қаратилган.

Кейс эгалланган билим ва кўникмаларни ҳаётда қўллашга йўналтирилган.

## КЕЙС

### “Ўсимликларни уйғунлаштирилган ҳимоя қилиш муаммоси”

Ўсимликларни ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноатнинг бир қанча тармоқлари учун хомашё ва чорвачиликни ем-хашак билан таъминлайди. Ўсимликларни ҳимоя қилишнингўзига хос хусусиятлари мавжуд: мавсумийлиги, муайян технологик тадбирларни маълум муддатларда ўтказиш, ташқи шароитни доимо ўзгариб туришидир. Қандай қилиб аҳолини мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаш лозим?. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини ривожлантириш учун Ўзбекистонда нима ишларни амалга ошириш керак?

**Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича таълим олувчиларга услубий кўрсатмалар.**

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар.
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини ривожлантиришга тўсиқ бўлувчи барча омиллар ва уларнинг сабаблари ҳақидаги ахборотни диққат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиб пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.
2. Берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг. Ушбу вазиятдан ҳозирги Ўзбекистонда Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини ривожлантириш учун нима ишларни амалга ошириш кераклигини аниқланг.
3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш	Асосий ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб қилинг. <i>Асосий муаммо:</i> Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини ривожлантириш ва унга тўсиқ бўлувчи омилларни аниқлаш.

<p>4. Муаммоли вазиятни ечиш метод ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш</p>	<p>Ушбу муаммонинг олдини олиш ҳаракатларини излаб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг.</p>
---	---

### **“Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиринг**

Муаммолар	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари

### **Кейсологнинг жавоб варианти**

#### **Муаммо:**

Қандай қилиб ахолини мева, сабзавот ва полизмаҳсулотлари билан таъминлаш лозим? Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини ривожлантириш учун Ўзбекистонда нима ишларни амалга ошириш керак?.

#### **“Муаммоли вазият” таҳлили натижалари ва тавсиялар**

Муаммоли вазият тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари
<p>Қандай қилиб ахолини мева, сабзавот ва полизмаҳсулотлар билан таъминлаш лозим?. Ўсимликларни ҳимоя қилишни ривожлантириш учун Ўзбекистонда нима ишларни амалга ошириш керак?</p>	<p>-Ҳашаротларни ривожланишини билмаслик; - ўша тур ҳашаротлар бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил қилинмаганлиги; - ўсимликларни ҳимоя қилишда кимёвий воситаларни етарли эмаслиги; -хорижий ва маҳаллий технологияларни қиёсий ўрганилмаганлиги; - Ҳашаротлар ривожланишини назорат қилишни такомиллашманганлиги;</p>	<p>-Илмий асос яратиш – ўша тур ҳашаротлар бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил қилиш; -моддий-техника базасини такомиллаштириш;  - ўсимликларни ҳимоя қилишда кимёвий воситаларни таъминлаш; -хорижий ва маҳаллий усууларни истиқболлиларини танлаб олиш; -башорат хизматларини ташкил қилиш; -ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирларини ҳашаротнинг ривожланиш босқичларига қараб аниқ ўтказиш зарур;</p>

## VI. ГЛОССАРИЙ

<b>№</b>	<b>Атама ва иборалар</b>	<b>Русча</b>	<b>Ўзбекча</b>	<b>Инглизча</b>
1.	Фитопатоген агрессивлиги	Способность фитопатогена к размножению в тканях восприимчивого растения-хозяина. Примечание. Агрессивность фитопатогена проявляется в скорости роста мицелия в тканях хозяина, в интенсивности споруляции, длительности жизненного цикла и устойчивости к экстремальным условиям	Фитопатоген микроорганизмни и хўжайин ўсимлик танасида ривожланиши	Ability fitopoagen to reproduction in fabrics Susceptible plant-owner. The note. Aggression fitopoagen is shown in speed Growth miseliy in fabrics of the owner, in intensity, duration of life cycle and Stability to extreme conditions
2.	Акарифаг	Организм, питающийся клещами	Ўргимчаккана билан озиқланадиган организм	Theorganismeatingpincers
3.	Акарицид	Вещество природного происхождения или продукт химического синтеза для борьбы с клещами	Ўргимчакканала рга қарши ишлатиладиган модда	Substance of a natural origin or product of chemical synthesis for struggle against pincers
4.	Энтомофагни акклиматизацияси	Приспособление интродуцированных энтомофага к новым условиям существования	Интродукция қилинган энтомофагни янги шароитга мослашуви	The adaptation introdysesentom ofag to To new living conditions

5.	Энтомофагни нгбиологикса марадорлиги	Способность энтомофага обнаруживать и уничтожать насекомое	Энтомофагни ҳашаротларни йўқотиш қобилияти	Ability entomofag to find out and destroy Insect
6.	Альгицид	Вещество природного происхождения или продукт химического синтеза для уничтожения водорослей	Сув ўтларини йўқотиш учун ишлатиладиган кимёвий модда	Substance of a natural origin or product Chemical synthesis for destruction of seaweed
7.	Табиийўсимли кларнингзарар лиорганизмла ринингантого нистлари	Организм (обычно патоген), который не причиняет хозяину значительного ущерба, но колонизация которым хозяина защищает последнего от серьезного ущерба со стороны вредного организма	Хўжайин ўсимликларга таъсир кўрсатмайдиган, лекин заарли организмлар таъсирини олдини оладиган организмлар	Organism (usually patogen) which does not cause To the owner of a considerable damage, but colonisation which owner protects the last from the serious Damagefrom a harmfulorganism
8.	Арборицид	Вещество природного происхождения или продукт химического синтеза для уничтожения нежелательной древесной и кустарниковой растительности	Бута ва дарахтларни йўқотишида ишлатиладиган кимёвий моддалар	Substance of a natural origin or product Chemical synthesis for destruction The undesirable Woodandvegetation
9.	Ўсимлик зааркунандал	Синтетический аналог природного атрактана	Ҳашаротларни маълум жинслари	Synthetic analogue natural feromon,

	арининг синтетик анттрактантла ри	тивного феромона, вызывающий направленное движение особей определенного пола к источнику запаха, применяемый в целях мониторинга, массового вылова или уничтожения вредителя	ҳидидан фойдаланиб, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш	causing the directed movement Individuals of a certain floor to the smell source, applied with a view of monitoring, mass Or destructions of the wrecker
10.	Афицид	Вещество природного происхождения или продукт ГОСТ (проект RU, первая редакция) химического синтеза для борьбы с тлей	Шираларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар	Substance of a natural origin or GOST product (project RU, the first edition) chemical synthesis for struggle against a plant louse
11.	Пестицидлар аралашмаси	Смесь нескольких совместимых пестицидов или пестицидов с минеральными удобрениями	Бир қанча пестицидларни минерал ўғитлар билин аралашмаси	Mix of several compatible pesticides or pesticides with mineral fertilizers
12.	Ўсимлик бактериози	Болезнь растений, вызываемая бактериями	Ўсимликларнинг бактериялар кўзгатадиган касалликлари	The illness of plants caused by bacteria
13.	Бактерицид	Вещество природного происхождения или продукт химического синтеза для борьбы с	Бактерияларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар	Substance of a natural origin or product Chemical synthesis for struggle against bacteria

		бактериями		
14.	Ўсимлик касаллуклари	Нарушение нормального обмена веществ клеток, органов и целого растения под влиянием фитопатогена или неблагоприятных условий среды	Фитопатогенлар таъсирида ўсимликнинг нормаль ривожланишини нг бузилиши	Infringement of a normal metabolism of cages, bodies and the whole plant under influence fitopoagen Oradversecondit ionsofenvironment
15.	Пестицидбрик ети	Готовая к использованию препаративная форма пестицида, которая отличается сравнительно крупными размерами (до нескольких сантиметров) и монолитной консистенцией	Фойдаланишга тайёр ҳолдаги препарат шакли	Ready to use preparat the form of pesticide which differs rather large In the sizes (to several centimetres) and a monolithic consistence
16.	Пестициднинг юмшоқ брicketи	Готовая к использованию препаративная форма пестицида, которая отличается пластичным (тестообразным) состоянием приманочной массы	Фойдаланишга тайёр ҳолдаги юмшоқ препарат шакли	Ready to use preparat the form of pesticide which differs plastic a condition weights
17.	Пестициднинг қаттиқ брicketи	Готовая к использованию препаративная форма пестицида, которая отличается твёрдым	Фойдаланишга тайёр ҳолдаги қаттиқ препарат шакли	Ready to use preparat the form of pesticide which differs a firm condition weights that is

		состоянием приманочной массы, что обычно достигается с помощью парафинов, связывающих пищевые компоненты приманки		usually reached by means of the paraffin connecting food components of a bait
18.	Вермицид	Вещество природного происхождения или продукт химического синтеза для борьбы с червями	Күртларга қарши ишлатиладиган кимёвий модда	Substance of a natural origin or product Chemical synthesis for struggle against hearts
19.	Ўсимлик вирози	Болезнь растений, вызываемая вирусами	Ўсимликнинг вирус қўзғатадиган касаллиги	The illness of plants caused by viruses
20.	Фитопатоген вирулентлиги	Совокупность свойств фитопатогена, обуславливающая степень его патогенности в отношении определенного растения хозяина	Хўжайн ўсимликни фитопатоген томонидан тўлиқ қамраб олиши	Set of properties fitopoagen, causing degree of its pathogenicity concerning a certain plant of the owner
21.	Ўсимлик касаллигини қўзғатувчилар	Патогенный организм, вызывающий заболевание объекта заражения	Касалликларни келтириб чиқарувчи патоген организмлар	The pathogenic organism causing disease Object of infection
22.	Ўсимликнинг фитопатогенга чидамлилиги	Неспособность растений противостоять заражению и распространению фитопатогена в	Ўсимликнинг фитопатогенга нисбатан чидамсизлиги	Inability of plants to resist to infection and To distribution fitopoagen in fabrics

		тканях		
23.	Ҳашаротларн инг табиий күшандалари	Организм, размножающийся в естественных условиях и уничтожающий или подавляющий жизнедеятельность вредного организма растений	Табиий шароитда күпайыб, зарарли организмларни йүкөтадиган күшандалар	The organism breeding under natural conditions and destroying or suppressing ability to live of a harmful organism of plants
24.	Үсимлик зааркундалари	Вид животного, способный причинить повреждения растению, ущерб от которых экономически целесообразно предотвратить	Үсимликка иқтисодий зарар келтирадиган ҳайвонлар ёки жонзотлар	Kind of the animal, capable to cause damage To plant the damage from which is economically expedient for preventing
25.	Үсимликнинг ёппа зааркундалари	Вредитель, характеризующийся постоянной численностью или способностью к ее увеличению и приводящий к снижению урожая или качествасельскохозяйственной продукции	Үсимлик ҳосилини камайтирадиган ва уни ёппасига заарлайдиган зааркунданда	The wrecker characterised by constant number or ability to its increase and leading to decrease of a crop or quality of agricultural production
26.	Заарли организмнинг зарари	Отрицательное воздействие вредного организма на растение, посев или продукцию растительного происхождения	Үсимликларга салбий таъсир күрсатадиган ва ҳосилни камайтирадиган организмлар	Negative influence of a harmful organism on Plant, cropsorphytogenesisproduction
27.	Заарли	Способность	Үсимликларни	Ability of one

	организмни заар келтириш қобилияти	одного вредного организма наносить повреждения растениям или продукции растительного происхождения, вызывать гибель растений или снижать их продуктивность, или снижать качество и потребительскую ценность продукции растительного происхождения	зараарлаб уларни ҳалокатга олиб келиши	harmful organism to put Damages to plants or phytogenesis production to cause destruction of plants or To reduce their efficiency, or to reduce quality and Consumer value of production of the vegetative Origins
28.	Энтомофаглар ни чиқариш	Получение энтомофага из насекомых, собранных в природе или развивающихся в лаборатории	Лабораториялар да кўпайтирилган ва далага чиқариладиган энтомофаглар	Reception entomofag from the insects collected in To the nature or developing in laboratories
29.	Гербицид	Вещество природного происхождения или продукт химического синтеза для уничтожения нежелательной травянистой растительности	Бегона ўтларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар	Substance of a natural origin or product Chemical synthesis for destruction of undesirable grassy vegetation
30.	Граминицид	Вещество природного происхождения или продукт химического синтеза для уничтожения	Бошоқли бегона ўтларни йўқотишда ишлатиладиган кимёвий моддалар	Substance of a natural origin or product of chemical synthesis for destruction of undesirable

		нежелательных злаковых трав		cereal grasses
31.	Пестицид грануласи	Препартивная форма пестицида в виде гранул, со стоящая из нейтрального высокосорбционного наполнителя, пропитанного действующим веществом (жидким техническим продуктом); размер гранул от 0,25 до 5 мм, содержание действующего вещества до 100г/кг	Пестициднинг донадорлаштири лган шакли	The preparativnaja form of pesticide in the form of granules, with Standing from neutral, impregnated with operating substance (A liquid technical product); the size of granules from 0,25 to 5 mm, the maintenance of operating substance to 100g/kg
32.	Пестициднинг сувда эрувчи грануласи	Препартивная форма пестицида в виде водорастворимых гранул	Пестициднинг сувда эрувчи донадорлаштири лган шакли	The preparativnaja form of pesticide in the form of water-soluble granules
33.	Пестициднинг таъсир қилувчи моддаси	Вещество природного происхождения или продукт химического синтеза, входящее в состав пестицида и оказывающее на вредный организм токсическое	Пестицид таркибидаги таъсир қилувчи модда	Substance of a natural origin or product of the chemical synthesis, a part of pesticide and toxic an effect having on a harmful organism

		действие		
34.	Ўсимлик касалларлари депрессияси	Слабое развитие болезни растений, не приносящее им заметного вреда	Фитопатогенлар ни ўсимлик танасида секин ривожланиши	Poor development of illness of the plants, not bringing Itofappreciableh arm
35.	Зааркунанда сонининг депрессияси	Снижение численности вредителя с сокращением заселенной им территории	Ўсимликларда зааркундалар ни сеикн ривожланиши	Decrease in number of the wrecker with reduction for Itofterritory
36.	Десикант	Химическое вещество для предуборочного высушивания растений с целью механизации уборочных работ и уменьшения потерь при уборке урожая	Ўсимликлар ҳосилини теришдан олдин ҳосил сифатини сақлаб қолиши мақсадида ишлатиладиган кимёвий модда	Chemical substance for preharvest drying of plants for the purpose of mechanisation of harvest works and reduction of losses at harvesting
37.	Десикация	Подсушивание растений на корню путём опрыскивания раствором соответствующих химических препаратов (десикантов)	Ўсимликларни илдизи билан қуритишда ишлатиладиган кимёвий модда	Podsyvanie plants on a root by spraying by a solution of corresponding chemical preparations (desiccants)

## VII.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. Agrios, G. N. Plant Pathology Elsevier, xviii + 922 pp. 5th ed. 2008. USA.
4. Болтаев Б.С., Аханов Д.Д., Оренбекова Д.У., Наилучшие способы защиты хлопчатника от вредителей–Казахстан, 2016, -372 стр.
5. Alexopoulos C. J., Mims C. W., Blackwell M Introductory Mycology. 4thedWiley – IndiaIndia, 2007
6. Болтаев Б.С., Омарова Ж.С., Вредители семенного картофеля и возможности их контроля с помоци естественных врагов на полях картофеля–Казахстан, 2018, -179 стр.
7. Weber G.A. The Plant Quarantine and Control Administration: Its History, Activities and Organization Alibris, NV. USA, 2012.
8. Gnanamanickam S.S. Biological Control of Crop Diseases. Dekker New York, 2002
9. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
10. David L. Ebbels. Principles of Plant Health and Quarantine. CABI, UKUK, 2003.
11. Дж.А. МатьюзБорьба вредителями сельскохозяйственных культур. Перевод с английского.Москва, Агропромиздат, 1987.
12. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
13. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
14. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
15. Интегрированная защита растений от основных вредителей и болезней в Восточной Европе и на Кавказе. Будапешт, 2017.
17. МухаммадиевБ. ва бошқ. “Ҳашаротлар экологияси ва тур таркибининг систематик таҳлили”, Тошкент, 2014.147 бет.
18. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулокоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
19. Carlo Carli, Baltaev B. Aphids infesting potato crop in the highlands of Uzbekistan. Potato j. 35 (3-4) 2008.
20. Сураймонов Б.А, Хасанов Б.А, Зуев В.И, Болтаев Б.С «Вредители и болезни бахчёвых и тыквенных овощных культур и меры борьбы с ними». Ташкент, 2016. 175 с.

21.Сулаймонов Б.А, Болтаев Б.С ва бошқ., Қишлоқ хўжалик энтомологияси ва карантини асослари. Для лабораторных занятий, Ташкент, 2014.

22.Stacy G., Keen N. eds. Plant-Microbe Interactions. Vol. 5 APS Press, St. Paul, MN USA, 2000.

23.Халилов Қ. ва бошқ., “Ғалла, пахта, сабзавот, полиз, боғ экинлари зааркундалари ва касалликларига қарши кураш усуллари”, Тошкент, 2007 й. – 127 б.

24.Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни заракунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш, ҳамда агротоксикология асослари. – Тошкент: Навruz, 2014 (узб.).

25.Hassan, Wajnberg and S. pp. 55-71. Oxon, U.K.: CAB International Theclassics.Us Germany 2010

26.Education Division Indian Council of Agricultural Research, New Delhi, April 2009, PLANT PROTECTION. Entomology, Nematology, Plant Pathology, BSMA Committee on Plant Protection, p.8.

### **Интернет ресурслар**

[www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)

[www.toucansolutions.com/pat/insects.html](http://www.toucansolutions.com/pat/insects.html)

[www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html](http://www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html)

[www.rcmp-learning.org/docs/ecdd0030.htm](http://www.rcmp-learning.org/docs/ecdd0030.htm)

[www.uznature.uz](http://www.uznature.uz)

[www.agro.uz](http://www.agro.uz)

**Тошкент давлат аграр университети хузиридаги педагог кадрларни  
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармок  
марказида “ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ  
ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ” бўйича тайёрланган ўкув-  
услубий мажмууга  
ТАҚРИЗ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чикиб тайёрланган ўкув-услубий мажмуазамонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Ўкув-услубий мажмуамазмунни олий таълимнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш фанларини қамраб олган ҳолда норматив-хукукий асослари ваконунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари билан биргаликда Ўсимликлар ҳимояси ва карантинни фанининг илмий ва амалий тадқиқотлар, технologик тараккиёт ва ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютукларни ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш назарда тутилган.

Ўкув-услубий мажмуудоирасида бериладиган ўсимликлар ҳимояси ва карантинни йўналиши мавзуулар бир канча ривожланган давлатларнинг тажрибалари ва таълим тизимида қўллаётган методлари асосида шакллантирилган.

Кишлоқ хўжалик экинларини зааркунандалардан ҳимоя қилишда замонавий технологиялар ва техникалари ҳамда улардан фойдаланишини ташкил этиш ва амалга ошириш. Экинларни зааркунанда хашарот, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда замонавий технология ва техникалардан фойдаланишининг ҳозирги аҳволи ва уларни такомиллаштириш истиқболлари. Ўсимликларни ҳимоя қилиш усулларини қўллаш мақсадлари ва шароитлари. Ўсимликларни ҳимоя қилишни механизациялаш ва автоматлаштириш, ўсимликларни ҳимоя қилиш техника ва технологияларининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари. Ўсимликларни ҳимоя қилишда татбиқ этилаётган ресурс тежамкор ва экологик тоза технологиялардан фойдаланиш Ўзбекистонда ушбу соҳани юкори даражада ривожланишини таъминлайди.

**Тошкент давлат аграр университети  
Агробиотехнология кафедраси  
доценти, биология фанлари номзоди**



**М.А.Зупаров**